

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

**МУҲАББАТ
ВА НАФРАТ**

Саргузашт-детектив роман

Биринчи китоб

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти

2013

Исмоилов, Нуриддин.

Муҳаббат ва нафрат: Саргузашт-детектив роман: / Нуриддин Исмоилов. — Т.: «...», 2013.

1-китоб. — 256 б.

ISBN ...

© Н.Исмоилов. «Муҳаббат ва нафрат». «...», 2013.

У идора ҳовлисида бош агрономга дуч келди. Салом бериб, кўришиш учун қўлини чўзди. Агроном семиз қорнини силади. Унга бошдан-оёқ қараб чиқиб:

— Отанг еб-ичишингга пул бермаганмиди? Этинг суягингга ёпишиб кетибди, — дея ҳиринглаб кулди.

Маъруф култ этиб ютинди. Сўнг ҳавода муаллақ қолган қўлини чўнтагига тикди.

— Студентчилик, — деди зўрға овози чиқиб.

— Бизнинг ул ҳам студент. Нархозда ўқийди. Бухгалтерликка... Лекин тўлагина. Ўзини олдириб қўймаган. Бу дейман, отангга ўхшаб, сувчилик қип юрганингда яхшимиди? Қуёшда қорайсанг ҳам, лекин этли бўлиб юрадинг...

— Сувчининг боласидан агроном чиқмайди, демоқчисиз-да? — деди энди Маъруф киноя қилиб.

— Гап илғашинг яхшигинайкан, — деб Ҳайбатулло ака яна бир марта қорнини силаб қўйди-да, Маъруфни туртиб ўтиб кетди.

Маъруф кўзини чирт юмди. Қўлини мушт қилиб тугди. Бир хиёл писка кўз, мешқорин, ўрдак бурун, сапсарик Ҳайбатуллонинг башарасига ўхшатиб туширгиси келди. Тўғрироғи, отасининг «Биров ҳар қанча ҳақорат қилсаям, ўзингни бос. Ортиқча бир нима дема, қўлингни ишлатишни-ку хаёлинггаям келтирма!» деган гапларини эслади. Оёғига зўр бериб, қадамини тезлатди. Раиснинг қабулхонасига кирди.

— Нима иш билан келдинг? — сўради ўттиздан ошиб қолган котиба.

— Раис чақиртирганди... — дея ёлғон сўзлади Маъруф. Чунки ростини айтса, у қабулга киролмаслигини сезганди.

— Кир, бўлмасам, — дея ўқрайди котиба.

Маъруф одоб юзасидан чарм қопланган эшикни та-

қиллатмоқчи бўлди. Лекин эшик тақилламади — гуп-гуп этди. Котиба мийиғида кулди. Маъруф эшикни очди.

Хона тўрида калбош раис газета ўқиб ўтирар эди. Эшик очилганини сезиб, бошини кўтарди. Маъруфни кўриб, хўмрайиб олди.

— Ассалому алайкум! — деди Маъруф бир қўлини кўксига қўйиб.

— Ва алайкум, нега келдинг?!

Раиснинг овози бироз дўриллоқ эди.

— Отам жўнатувди...

— Отанг ким?

— Еттинчи бригаддан, Норқул ака.

— Ҳа-а, сувчи, чўлоқ Норқулнинг боласимисан?! — дея раис стол устидаги бир қулоч келадиган газетани тахлай бошлади.

Маъруфнинг ичидан зил кетди. Аммо бу сафар ҳам тишини тишига босди-да, алам билан:

— Ҳа-а!.. — деди.

— Хўш, отанг нимага жўнатди менинг ёнимга? — деди раис кибр билан.

— «Ўқишни битирдинг, дипломни олдинг. Раиснинг ёнига бор, бирорта иш берсин», деди.

— Ўххў, — дея ҳиринглади раис, — иш бермаса, бир ёқли қиламан, демадими, ишқилиб?!

— Демади, деганда, айтардим!

— Ҳимм, қайси ўқишни битказдинг ўзи? — деб раис шошилмасдан пиёлага чой қуйди.

— Қишлоқ хўжалик институтининг агрономлик факультетини.

Раиснинг юзи бирдан ёришиб кетди. Шоша-пиша пиёладаги чойдан хўплади.

— Салим Эргашевич дарс бердими?

— Ҳа, тўртинчи курсда. Яқинда у ғўзанинг П-14 нави-ни кашф қилди. Эртапишар, ҳосилдор нав...

— Зўр домла-да ўзиям. Сираям пора олмайди. Мен ҳам унинг қўлида ўқиганман. Эй-й, сенга айтсам, роса югуртирган. Охири, барибир, қўйиб берган. Чунки... ёд олганман-да.

Нега эшик ёнида турибсан? Кел, бу ёққа ўтир, манави ерга, — дея раис ўтиришга йўл кўрсатди.

Маъруф раис қаршисига ўтирди.

— Бу дейман, — гап бошлади раис, — икковимиз бир одамнинг шогирди эканмиз-да. Сен Салим Эргашевичдан қандай баҳо олдинг? Ҳойнаҳой, менга ўхшаб қатнай-вериб, туфлингнинг абжағини чиқариб юборгандирсан?

— Йўқ, — бошини қимирлатди Маъруф, — биринчи имтиҳонга кирганимдаёқ беш қўйиб берган.

— Ў-ў, зўр экансан! Ҳа, у ўқиганларга дарров қўяди. Шошма, сен шу ернинг боласи бўлсанг, нега амалиётга келмадинг?

— Қўшни районга, Иттифоқ колхозига жўнатишди.

— Алимардон Фаниевнинг қўлига бордингми?

— Ҳа...

— Зўр одам. Одамлар у-бу дейди-ю, лекин мен калламни гаровга қўйиб айтишим мумкин, зўр у. Шошма, ҳозир телефон қиламиз, гаплашамиз. Нима дединг? — дея раис стол устидаги телефон гўшагини кўтариб, рақам терди: — Зарқайнар райони Иттифоқ колхозини уланг.

Сўнг Маъруфга қараб, кўзини қисди.

— Алимардон Самандарович, — деди бироз жимликдан сўнг, — саломимни қабул қилгайсиз... Ҳа... Ҳа-ҳа... Худди ўзи, ошнангизман. Эй, қойил, топдингиз... А-а... Ҳа, энди, ошна... Менга қаранг, ўтган гал мен боргандим. Ў-ў, маза қилганман. Ҳа, ҳа... Кўришганда, ҳа, кўришганда айтаман. Менга қаранг, келасиз. Мен йигирматагина беданани жувонмарг қиламан, албатта, иккита ширбоз билан. Кейин у ёғини кўраверамиз... Бўлди-бўлди, келишдик... Ҳа-ҳа, шундай. Ҳозир битта шогирдингиз келган... Отими?..

Раис Маъруфга қараб, иягини кўтариб қўйди.

— Маъруф Шодмонқулов, — дея шивирлади йигит.

— Маъруф экан, Шодмонқулов... Нима, амалиётгами? Ўзиям шундай деди. Энди, ошна, шундай одамнинг шогирдини... Хавотирга ўрин йўқ. Келишдик. Бўпти, унда келаётган якшанбада кўришгунча.

Раис гўшакни қўйди. Унинг икки юзи қизариб кетганди.

— Бу ёғи ишинг беш бўп кетди-ку, — дея илжайди. — Аммо айтиб қўяй: отангга ўхшайдиган бўлсанг, сен билан ишимиз кўпга чўзилмайди. Азбаройи Алимардон Са-

мандаровичнинг ҳурмати... Хўш, сени тўртинчи, олтинчи, еттинчи бригадаларнинг агрономига ёрдамчи қилиб қўяман. Яхши ишласанг, ўрнини эгаллайсан. Баҳром ака қариб қолди. Қалай?

Маъруф индамади. Шу индамаслик билан ичидаги ғалаёнини босди. Чапанилиги тутганди, «Ўзингаям, ишингаям!..» дегиси келганди. Лекин деёлмади. Отасининг насихатлари оғзини очишга йўл қўймади.

— Маъкул келади-да, келмай қаёққа борарди?! Баҳром ака ҳозир гаражда бўлса керак. Боя котиба шундай деяётганди. Бор, учраш, менинг жўнатганимни айт. Ҳа, аввал аризангни ёзиб кел. Энди бўшсан, — деди раис Маъруфга тикилиб.

У Баҳром акани машина, трактор паркидан дарров топди. Чунки илгаридан шу ердан топарди. Гарчи иккиси бошқа-бошқа қишлоқдан эса-да, уч-тўрт марта кўрган-ди. Қолаверса, отаси у ҳақда кўп гапирарди. «Колхознинг билимдони у. Агар у бўлмаганида, хандақ қазиб, қолганларнинг ҳаммасини шу хандаққа тиқиб, устидан тупроқ тортиб юбораверса ҳам бўлади», дерди ота.

Устига эски камзул кийган Баҳром ака культиватор таққан тракторнинг атрофида юрган экан, Маъруф яқинлашиши билан куёш урган дўпписини қўлига олиб, кафтига бир-икки урди. Одатда, нимадандир кўнгли тўлмаса ёхуд асаби бузилса, шундай қиларди.

Маъруф салом берди. Баҳром ака унга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, алик олди.

— Мени ёнингизга раис жўнатди, — деди Маъруф.

— Ҳимм, раисми? Раис, яхшиси, культиваторга запчаст берсин эди... Хўш, нимага жўнатди? — дея тиришган пешонасини баттар тириштирди Баҳром ака.

Маъруф сездики, у раисни ёқтирмайди. Боя Толмас Бадриддинович ҳам унинг номини тилга олганда, афтини буриштирганди.

— Ёрдамчиликка, — деди Маъруф истар-истамай.

Баҳром ака жилмайди. Сўнг Маъруфнинг яқинига келиб, елкасига қоқди.

— Шундай қилиб, ёрдамчи бўласанми?

Маъруф бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Иш бошдан ошиб ётгани йўқ-ку. Гап бошқа ёқда

бўлса керак. Майли, нима бўлса бўлар. Лекин сен бола кўзимга жа иссиқ кўриняпсан. Кимнинг ўғлисан?

— Норқул аканинг, — жавоб берди Маъруф.

— Эй-й, бизнинг ошнанинг боласийкансан-ку! — дея жилмайди Баҳром ака. — Сенга айтсам, зўр иш бўпти! Отанг билан кўришмаганимизга анча бўлди. Шу кунларда «Ўтаман», деб юрувдим.

— Отам ҳам сизни тез-тез гапириб туради. Бу ёққа келаётганимда: «Кўриб қолсанг, салом айт!» девди, — дея ёлғонлади Маъруф.

Отаси бундай демаганди. Бригадир билан жанжаллашиб келган экан. Кечаси сув кўп келиб, бандни уриб кетибди. Пахта экилган заганнинг ярмиям сув ичмаган. Шунга бригадир Норқул акага роса томоғини йиртган. Ҳорғин ҳолда чорпояга чиқиб ўтирган ота оёқ кийимини тозалаётган Маъруфга «Баҳромга учраш», дея кеча кечқурун овқат маҳали айтган гапини такрорлаган, холос.

— Яхши, борганинга сўраб қўясан. Лекин ҳозир уйингга жўна, бу кийимда ишлама. Эртадан чиқасан. Яна отангга айтиб қўй: бугун кечқурун бораман. Битта хўрозни сўйиб, димлаб қўйсин. Қолгани мендан, тушундингми? Энди бор, — дея Баҳром ака Маъруфнинг ёнидан узоқлашди.

Нохуш кайфиятда йўлга тушган Маъруф уйига қайтаётиб, яна ўша палакатни (фалокат ўринсизроқдай) бош агроном — қишлоқдоши Ҳайбатулло акани учратди.

— Ҳа-а, — деди Ҳайбатулло ака пешонасидан оқаётган терни эринчоқлик билан дастрўмолида артаркан, — аммамнинг бузоғига ўхшаб, бошингни осилтириб келаяпсан? Дипломинг ўтмадими?

Маъруф тишини гичирлатди. Нафрат билан боқиб:

— Ўтди. Икки-уч йилдан кейин тагингизга сув кетадиган бўлди, — деди.

Ҳайбатулло аканинг қўли пешонасида қотди. Шундоқ ҳам кун иссиқлигида қизарган юзи Маъруфнинг гапидан кейин пушти тусга кирди. Шунга қарамай, у тезда ўзини қўлга олди.

— Сен, чурвақа, менинг тагимга сув қуядиган бўлдингми?! — деди мийиғида кулиб.

— Йўқ. Худо қуяди. Роса етилишингизга ярим кило

қопти. Бунга бор-йўғи беш-олти кун кетади.

— Нималар деб валдираяпсан?! — бақириб юборди Ҳайбатулло ака бўғиқ овозда.

— Эшитганингиз... — мийиғида кулди Маъруф ва йўлида давом этди.

Ҳайбатулло ака бир муддат унинг ортидан қараб турди. Сўнг сўкинди, ёмон сўкинди. Овозини пастлатиб кетиб бораётган тирранча эшитмайдиган қилиб сўкинди. Сўнг ерга чирт этказиб тупурди. «Ўзим ҳам аҳмоқман, келиб-келиб, қаердаги мишиқи билан тенг бўламанми?» дея кўнглидан ўтказгач, идора томон юрди.

У Маъруфни раиснинг ёнида тилга олиш нияти йўқ эди. Толмас Бадриддинович ундан ҳамқишлоғи ҳақида сўраб қолди:

— Норкул чўлоқнинг ўқийдиган боласи борлигини билмаган эканман... — деди.

— Бор эди. Лекин мия отасиникидан фарқ қилмайди. Қаердан ўқишга кириб қолган — билмайман, — дея афтини бужмайтирди Ҳайбатулло ака.

— Ўқигандир-да!.. — кесатди Толмас Бадриддинович.

— Бу ўқишга бало борми?! Омади кеп қолган бўлса керак. Лекин роса тирриқ бола. Ҳали икки марта кўрдим. Қизалоқнинг отасидан бир туки фарқ қилмайди!

Раис ҳиринглаб кулди-да, юмшоқ креслога ястанди:

— Шу отанинг боласи бўлгандан кейин ҳамсоясига ўхшасинми? — деди.

Раиснинг гапи Ҳайбатулло акага нашъа қилди. У ҳам ҳиринглади.

— Лекин, — деди Толмас Бадриддинович бирдан жиддий тортиб, — менга шу бола ҳозир керак бўп турипти. Гапингизнинг оҳангига қараганда, отасини кўпам ёқтирмайсиз, шекилли.

— Хўжайин, қишлоқда Норкул чўлоқни биров бир тийинга олмайди. Агар кимдир унга рўпара келиб қолса, айланиб ўтади. Пес қаторида.

— Унда, эшитинг, ҳурматли Ҳайбатулло ака: биздаям битта пес бор. Лекин айланиб ўтолмаймиз. Саломлашиш, гаплашишга мажбурмиз.

— Хўш, нима қилиш керак?

— Касалликни ўзимизга юқтирамизми ёки унинг ол-

дини оламизми?

— Сопини ўзидан чиқарайин, дебсиз-да, хўжайин, — дея иржайди Ҳайбатулло ака.

— Ақлингизга қойил! Шу боланинг отасининг отини эшитишим билан миямга урди. Норқул чўлоқ Баҳром ака билан ошна-ку. Бир-бирининг гўштини ейди. Тойни олиб қоламиз, отни қозихонага топшириб юборамиз! — дея Толмас Бадриддинович хохолаб кулиб юборди.

Унга Ҳайбатулло ака ҳам шерик бўлди.

— Шунинг учун, — давом этди раис, — гап-сўзингиздан Норқул чўлоқнинг боласини ишга олишимни хоҳламаётганингиз билиниб турсаям, Баҳром тирриққа ёрдамчи қип қўйдим. Ишлаб турсин-чи, кейин у ёгини кўра-верамиз.

— Ишқилиб, бир кун келиб бошга бало бўлмаса бўлгани... — деди Ҳайбатулло ака.

— Тарбиялайсиз-да, ака. Айтганча, емишни жўнатишдими?

— Баха бригадирга тайинладим. «Бир тележкани роса тўлдириб, раисникига тўкиб келинглар», дедим. Ҳозир опкетишгандир.

— Ҳайбатулло ака, бундан бу ёғига айтиб ўтирмай, ҳафтада икки марта борсин.

— Ўзим ҳам бригадирнинг бир-икки марта қулоғидан чўздим. Кейин, хўжайин, «Фермага мудир керак», девдингиз?..

Толмас Бадриддинович қаддини ростлаб, қўлларини чалиштирди. Тишини чирт этказиб шимиб қўйди.

— Номзод борми? — деди салмоқли овозда.

Ҳайбатулло ака жавоб беришдан олдин доимо ёнида олиб юрадиган эски, қора, яғири чиққан сумкасини стол устига қўйди.

Толмас Бадриддинович шу исқирт сумкани кўрганда, кўнгли бузиларди.

«Эй-й, қурумсоқ, мендан кўп топсанг, топасанки, кам топмайсан! Ўласанми, шу матоҳингни ўзгартирсанг?!» дея кўнглидан ўтказди. Бироқ кўнглидаги тилига кўчмади.

Ҳайбатулло ака сумкадан қоғозга ўроғлиқ нарсани олиб, стол устига қўйди.

— Қанча? — сўради раис.

— Иккита.

— Оз-ку!

— Энди ўсиб келаётганлардан, ҳали пояси қотмаган-да.

Толмас Бадриддинович мийиғида кулди ва чўнтагидан бир қути «Космос» сигаретини чиқариб, стол устига ташлади.

— Хўжайин, манавинисидан кўринг. Яқинда битта ошнам Москвадан опкелди, — дея Ҳайбатулло ака «Родопи» сигаретини узатди.

Раис афтини бужмайтирди:

— «Родопи» бизга маъқулмас. Ҳаддан зиёд юмшоқ. Ўткирига келмайди, айниқса, «Астра»га. Лекин одамларнинг кўзи чатоқ. Илгариям айтувдим, шекилли, — деб «Космос»нинг «думини синдирди».

Ҳайбатулло ака қовун туширганини сезиб, дарров кизарди.

— Ишқилиб, — деди раис аччиқ тутунни ичига ютиб, — қулоқли болами?

— Бўлмасам-чи, хўжайин, оёқ-қўли чаққон.

— Ҳимм, фермада кейин мол қоладими? — дея ҳиринглади Толмас Бадриддинович.

— Ўзимиз кўз бўп турамыз, хўжайин.

«Мен сенинг қандай кўз бўлишингни яхши биламан-ку, хумпар! Кейин опкетишинг ҳам камида учта бўлган. Қўлинг теккан нарсадан олмасанг, нафас ололмайсан сен ярамас!» кўнглидан ўтказди раис.

— Бўпти, эртадан ишни қабул қилволсин.

Ҳайбатулло аканинг кўзи чақнади. Ўрнидан туриб, бир қўлини кўксига қўйганча бир неча марта таъзим қилди. Сўнг чиқиб кетди.

Толмас Бадриддинович унинг ортидан сўкинди-да, қўл соатига қаради:

— Мажлисгача икки соат қопти, — дея шивирлади ва телефон гўшагини кўтариб, рақам терди.

Чақирув товуши кетди. Нақ бир дақиқа ўтди, нариги томондан гўшакни ҳеч ким кўтармади. У тўмтайди:

— Қайси гўрда юрибсан, шунақа пайтларда уйингда ўтирсанг, ўласанми?! — деди ҳамда ўрнидан туриб, бошига раисча шляпасини кўндириб, оғир қадам ташла-

ганча эшик томонга юрди.

— Мен, — деди уни кўриб дарров ўрнидан турган котибага, — райкомга кетаяпман — мажлисга: кун бўйи бўлмаман.

Котиба киприк қоқмай, унинг гапларини эшитди.

— Хўп, — деди ва раис бинодан чиқиб кетиши билан жойига ўтириб, ҳуштак чалди.

У ҳар доим шундай қилади. Раиснинг қабулига чолми, кампирми, ёш болами келса, гўддаяди. Қовоғини уйиб олади. Ўзини Толмас Бадриддиновичнинг энг ишонган одами қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Агроном, бош бухгалтер, зоотехник, инженерга бундай амали ўтмайди. Хийла иржаяди. Улардан олдин салом беради. Раиснинг бор-йўқлигини дарров айтади. Амалдорларнинг ҳазилларини кўтаради. Раиснинг ўзини кўрганда эса, ранги докадек оқариб кетади. У кетиши билан эса дарров жойига ўтирилиб, оёқларини чалиштиради-да, ҳуштак чалади.

Раис ҳовлида пайдо бўлиши билан йўл ёқасида, чинор остида турган «Виллис»дан ҳайдовчи сакраб тушиб, хўжайинига тикилди. Толмас Бадриддинович тебранганча қадам ташлаб келарди. Бу «Шошилмаяпман» дегани.

— Товуқ фермага, — деди Толмас Бадриддинович машинага чиқиб ўтиргандан сўнг.

Ҳайдовчи ёш йигит. Эндигина 22 га кирган. Жиддий, камгап ва, албатта, меҳнаткаш. Шунинг учун раис уни яхши кўради. «Узоққа борасан, яхши еб, яхши ичасан. Ҳали зўр одамнинг қизига уйлантириб қўямиз», дейди раис. Ҳайдовчи Элёр жилмайиб қўяди. Шу билан бироз уялиб, қизаради. Чунки айнан раиснинг эрка, тантиқ, оқбилак Паризодасини севади. Ҳар сафар қизни кўрганда, эс-ҳушини йўқотар даражада довдирайди. Аммо Толмас Бадриддиновичнинг баъзи нозик сирларидан ҳам хабардорки, бундан ичи қуяди. Эрта бир кун ўша сирлар очилиб қолса борми, Толмас акага қўшилиб, ўзи ҳам шарманда бўлиши ҳеч гапмас. Ахир раисни уникага у олиб боради. Раис кириб кетгач, ташқарида, йўл бўйида, машина ичида соатлаб кутиб ўтиради.

Товуқ фермаси бошлиғи Толмас Бадриддиновичнинг келишини олдиндан билгандай, иккита хўрозни жувонмарг қилиб, қозонга босган экан. Раис билан кўришар-

кўришмас шу ҳақда гапирди.

— Хўжайин, энди йўлга чиқмоқчийдим. Сизни айтиб келмоқчийдим. Шу десангиз, туш кўрибман. Тушимда «Баҳромқул, ўласанми, бир-икки хўрозни ёққа босиб, бўйни узунидан иккитасини дастурхонга қўйиб, чақирсанг?!» дебсиз... — деди кўзи чақнаб.

— Ҳе, хумпар, илоннинг ёғини ялагансан-да ўзиям! Аслида, туш-пуш кўрмагансан, жигилдонингни ўйлагансан. Кўнглинг ишрат тусаган сен эшакнинг!

Раиснинг овози мулойим эди. Уришишга дўқ-пўписа қўшилмаганди. Шунинг учун ҳам товуқ фермаси мудирини ёйилиб кетди.

— Ҳамма нарсани биласиз, раис бова. Сиздан бир нимани яшириб бўлмайди. Лекин рост: бориб, чақириб келмоқчийдим. Ана, ўтган йили совға қилганингиз — «Москвич»ни тайёрлаб қўювдим. Сизсиз томоғимиздан бир нима ўтармиди, раис бова? — деди иржайиб.

— Унда бир нима умидвордирсан-да...

— Энди, хўжайин...

— Давлатники билан оғзимга урмоқчи бўлсан-да, хумпар!

Баҳромқул аканинг ранги гезариб кетди. Ёш боладай нигоҳини ерга қадади, бурнини тортди.

— Шу сафар, майли. Лекин яна ферманинг хўрозига кўз олайтирсанг, терингни шилиб оламан! Қаерга жой қилдинг?!

Баҳромқул аканинг бирдан кўнгли кўтарилди:

— Ана, мажнунтоллар остидаги чорпоя... Соя-салқин, остида топ-тоза сув, балиқлар билтанглаб сузиб юрибди... — деди у ўзида йўқ хурсанд бўлиб.

Товуқ ферма энг яқин қишлоқдан икки-уч чақирим узоқликда, зовур бўйида эди. Атрофи бир одам бўйича келадиган пахса девор билан ўралганди. Узун оғилда ўн мингдан зиёд товуқ бор эди. Уларнинг ҳаммаси кундузи ҳовлида қақақлашиб юришарди. Онда-сонда битта-иккитаси девор устидан учиб ўтар, шубҳасиз, уларни тулки еб кетарди. Чунки ярим чақирим нарида кичкина тепалик бор. Унинг устини тўла ёввойи жийда қоплаган. Айтишларича, бир пайтлар қабристон бўлган экан. Шу боисдан унча-мунча одам кечаси ёнидан ўтмайди. Айни чоғда

тепаликда тулки уясини, жийдазорда тулкиларнинг ўйнаб юрганини кўрганлар ҳам кўпчилик. Шу боисдан ферманинг товукларини тулки ўғирлашига биров шубҳа қилмайди.

Аслида, баъзан шундай ҳам бўлиб туради. Чунки тулкида ҳам қорин бор. У ҳам оч қолади. Бироқ у тулкиларга нисбатан икки оёқли «тулкилар» товук фермага кўпроқ қирон келтиради.

Толмас Бадриддинович чорпояга чиқиб ўтирди-да, пешонасидаги терни артди.

— Бугун кун жуда исиб кетди-да, — дея нолиди.

— Ҳайронман, ҳали саратонгача беш-олти кун бор эди. Лекин ҳозир салқинлайсиз. Ҳовузнинг салқини уради, — дея иржайди Баҳромкул ака ва илдамлаб, қоровулхонага кетди.

Раис кўйлагининг тугмасини ечди, ён-атрофга аланглади. Кўзи пахса девор устидаги таёққа тушди. Унинг учига нимадир илиб қўйилганди.

— Ҳов, Элёр! — дея бақирди қўлтиғига ёстиқни оларкан.

— Лаббай, хўжайин! — жавоб берди ҳайдовчи «Виллис» ёнида туриб.

— Бу ёққа кел, қорнингни тўйгазиб ол! Шошма, хув анави ерга бориб, — дея Толмас Бадриддинович ҳалигина кўрган томонни кўрсатди, — қара-чи, нима илиб қўйибди таёқнинг устига?

Элёр раис кўрсатган тарафга югуриб борди. Кейин дарров изига қайтди.

— Тулки, — деди чорпоя ёнига келиб.

— Вой, баччағар-эй! — дея илжайди раис. — Боплабди-ку!

Бу орада Баҳром ака дастурхон кўтариб келди. Толмас Бадриддинович нимани гапираётганини дарров илғади. Лаб-лунжи ёйилди.

— Улим Тошмурод қўшоғизда уч кун аввал ярамаснинг нақ қорнидан дарча очиб қўйибди, — дея мақтанди.

— Ҳай, худо биледи-да. Шу бозор-позордан сотволгандирсан. Опкеп, душман кўзи айбингни шу бечорага ағдариш учун илиб қўйгандирсан, — деди раис.

— Йўғ-эй, раис бова, биз кичкина каллага бундай ўй қаердан келсин? — дея Баҳром ака ёшига ярашмаган чаққонлик билан чорпоёга чиқиб, дастурхонни ёза бошлади.

Аслида, раис нишонни беҳато урганди. Баҳром ака тулкини бозордан сотиб олмаган эса-да, ҳафта бурун борганида қўшни тоғли тумандаги қариндошлариникидан олиб келганди.

— Кичкина калла, дегин? Биламан, қанақа кичкина-лигингни, лекин ҳаддингдан ошсанг, ўзингдан кўр-а?!

Баҳром ака лом-мим демади. Қўлини кўксига қўйиб, қайта-қайта қуллуқ қилди. Сўнг яна қоровулхона томон йўл олди.

Ҳаш-паш дегунча дастурхон устига буғи чиқиб турган лаган, ароқ, егулик ва бошқа ичкиликлар келди.

Толмас Бадриддинович бостириб-бостириб икки пиёла шайтон сувини ютди. Иштаҳа билан товуқ гўштини еди. Ора-чора ферма мудирини таомни бошлаб тайёрлагани учун мақтаб қўйди.

— Мана, қорин тўйди, энди мажлисга бемалол кетаверсак бўлади.

Шу пайтгача ҳали у ёқдан, ҳали бу ёқдан гапириб, Толмас Бадриддиновични зериктирмай ўтирган Баҳромқул аканинг лаби гезарди. Чунки дилидагини тилига кўчи-ролмаганди. Раиснинг салобати истагини айтишга йўл қўймаганди.

— Хўжайин, — деди Толмас ака ўрнидан турмоқчи бўлганида кўрқа-писа.

Раис унга қаради. Оний лаҳзада у бутунлай ўзгаришга улгурганди. Қовоқ осилган, қошлар чимирилган, кўзлардан нафратли ўт ёғилмоқдайди.

Толмас аканинг айнан мана шундай табиий қудрати борлиги боис у колхоздагиларнинг устидан ҳукмронлигини ўрнатганди.

Баҳромқул аканинг товонигача музлаб кетди. Тили боғланиб, нима деярини билмай қолди.

— Ҳимм, нима демоқчийдинг? — сўради раис.

— Ўзи... ўзи айтарли гап эмас. Лекин...

— Туғолмаган товуққа ўхшаб қақилламасдан, шарт-шурт гапир! — деди раис пўписа аралаш.

— Шу... ўғил... Бу йил икки болали бўлди. Кичкинаси ҳам «Уйланаман», деб юрибди. Битта уйда сиқилиброқ қолдик-да, шунга уй-жой бўлса, дегандим...

— Вой, хумпар, вой, тулки!.. — дея ҳиринглаб кулди Толмас Бадриддинович. — Жа узоқдан, бечоралардай бошлайсан-а, санъатингга қойилман! Сен товуқ ферма мудирри бўлмаслигинг керак эди. Сенга артистлик кўпроқ ярашади!..

— Энди, раис бова, ўзингиз биласиз...

Унинг гапи яна оғзида қолди:

— Ҳа, тўппа-тўғри айтасан! Биламан, уйингнинг орқасида ярим гектар томорқанг борлигини, ўтган йили улинг битта болали бўлганда, қишлоғинг адоғидан, тутпоядан 20 сотих уй-жой олганингни биламан! Сенга қолса, кичкинанингнинг белидаги бола учун ҳам оласан! Лекин шундаям тўймайсан!

Баҳромқул ака ўтирган жойига михланди-қолди. Агар раис уришишини давом этганида, йиғлаб юбориши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Еганимниям бир пул қилдинг! — деди Толмас Бадриддинович ва ўрнидан турди-ю, кетди.

Машинага минаётиб, сўқди. Бу пайтда Баҳромқул аканинг тилига пиён битган эди.

— Хомсемиз, ўзинг бутун колхозни еб ётибсан, биров бир нима деяётгани йўқ-ку! Икки одим еримни гапиргунча!.. — деди у ва пиёлага тўлдириб ароқ қуйди.

Раиснинг «Виллис»и чанг-тўзон кўтариб, жўнаб кетиши билан ароқни симирди.

— Одамларга ҳайронсан-а, — дея ёзғирди Толмас ака, чўнтагидан сигарет чиқариб, одати бўйича ўрамини юлиб, деразадан улоқтираркан, — қанча берсанг, шунча кам, дейди. Олди-орқасига қарамайди. Ит!.. Яна колхозникини едириб, оғзимни мойламоқчи. Уйингга борганимда, ҳеч қачон иккита хўроз сўймасдинг!

Элёр Толмас акага қараб, илжайиб қўйди.

— Мана шунақалардан эҳтиёт бўлмасанг, кун келиб, тириклайин гўрга тиқишади!..

Шошма, қаёққа ҳайдаяпсан?!.

— Ҳайда, дедингиз, ҳайдаяпман, — жавоб берди Элёр.

— Бир оғиз «Қаерга?» деб сўрамайсанми?

— Кайфиятингиз ёмон эди — кўрқдим.

Толмас Бадриддинович ич-ичидан мамнун бўлди. Бироқ сиртига чиқармади.

— Райкомга ҳайда, тезроқ! — дея тутунни ўпкаси тўлгунча ютди.

* * *

Маъруф уйга келганида, қоқ туш бўлганди. Ҳаво ниҳоятда исиб кетганидан унинг келгунча тинкаси қуриганди. Шу боис энаси пашшаларни сочиқ билан ташқарига қувиб, деразаларига мато ёпиб, қоп-қоронғи қилиб қўйган салқин уйга кириб, бироз мизғиб олмоқчи эди. Аммо узум сўриси остидаги чорпоянинг устида қўлтиғига ёстиқ қистириб, кафтини чаккасига тираб, кўзини хиёл юмиб ётган отаси тўхтатди:

— Учрашдингми? — деди паст овозда.

— Ҳа-а, — жавоб берди Маъруф.

— Кейин-чи...

— Иш берди.

— Осонгинами?..

— Ҳа-а...

— Ҳайбатулло билан ишлайсанми?

— Йўқ!

— Ким билан?

— Жўрангизга ёрдамчи бўлдим.

— Баҳромгами?! — деди Норқул бирдан бошини кўтариб.

— Ҳа, жўрангиз «Кечқурун уйлариингга бораман. Тайёргарлик кўриб қўйсин», деди, — дея Маъруф уйга кириб кетди.

Кўрпача ёзди. Ёстиқ қўйиб ўтирмасдан, бирдан чўзилди. Аста-секин қизиган танаси совиди, кўзини уйқу элитди.

Отаси икки соатдан зиёд ухлатмасди. Шу сафар индамади. Маъруф кечга яқин уйғонди. Ташқарига чиқди-ю, кўзи бирдан отасига тушди. У эртапишар олманинг шохига эндигина бир ёшга кириб-кирмаган қора кўчқорни оёғидан илиб, терисини шилмоқда эди. Маъруфнинг бирдан кайфияти бузилди. Шоша-пиша юзини ювди-да, супадан пастга тушди.

Экинзор. Помидор, бодринг, пиёз, шолғом, картошка

яна алламбалолар экилган. Помидор тўсини ичидан юриб, тўғри отасининг ёнига борди.

— Нима қилаяпсиз? — деди ўзини босишга уриниб.

— Кўрмаяпсанми? — жавоб берди Норқул ака унга қарамасдан.

— Жўрангизнинг келишига шу қўйни сўйдингизми?! — пешонасини тириштирди Маъруф.

— Ҳа, жўрамнинг келишига сўйдим, нимайди?

— Баҳром ака «Қўй сўйсин», демовди.

— Демаса, демабди. Сўйгим келди, сўйдим — тамом вассалом!

— Пора учун-да, тўғрими? Мени шу жўрангиз ишга ўтказди деб ўйладингиз, шунинг учун-да, тўғрими?

Норқул ака ишини тўхтатди. Энсасини қотириб, ўғлига қаради:

— Хўп, шундай бўлса, нима бўпти? — деди паст овозда.

— Лекин у менинг ишимга умуман аралашгани йўқ. Раиснинг ёнига ўзим кирдим, ўзим ишни битирдим. Кейин раис унинг ёнига жўнатди. Энди сизнинг қилган ишингиз нимаси?! — овозини баландлатди Маъруф.

— Агар Толмас Бадриддинович келганида, ҳўкиз сўяркансиз-да!

— Мана! — деди шу заҳоти қўлидаги пичоқни гўштга санчиб, зормандани кўрсатиб. — Мана, раисингга! У келганда, тухум ҳам қайнатмасдим! Ишинггаям, бошқасигаям тупурдим! Менинг жўрам келаяпти! Жўрамнинг ҳурматига қўй сўйдим! Ҳе, валак-салак, бор, кўзимдан йўқол!

Маъруф гезарганча отасининг ёнидан узоқлашди.

Норқул ака секин ўғлининг ортидан қаради:

— Ҳарна сенга қарашади, кўкрагингдан итармайди; шоқоллардан ҳимоя қилади. Жўрам-ку, ундаям кўнгил бор. Бир сўм олмайди. Лекин кўнглини олиш керак-да, ўғлим... — дея шивирлади.

Маъруф отасининг гапларини эшитмади. Эшитганида, эҳтимол, бир нималарни тушунарди.

У тўғри ўчоқ бошига борди. У ерда эса энаси қозонда нимадир пишириш билан овора, бу йил ўнинчини битирган Маҳлиё ўчоққа ўтин ташлаб ўтирибди.

— Кел, болам, жигар қовурыпман. Иссиқ пайти битта-

сини еб ол, — деди Намуна опа ўғлига қараб қўйиб.

— Отамнинг арзанда жўрасига қовуряпсизми?! — сўради ҳали жаҳдидан тушмаган Маъруф.

— Йўқ, ўзимизга, отангнинг жўрасига гўштнинг ўзини пиёз билан аралаштириб, сувлигина...

— Эна, ҳеч сизларга тушунмайман-да, қаердаги ишларни қилиб юрасизлар! Уйга биров келаман деса, тамом, қаерга чопишни билмай қоласизлар! — деди Маъруф қовоғини осилтирганча Намуна опанинг гапини бўлиб.

— Болам, шу битта қўй билан бой ё камбағал бўп қолмаймиз. Ўқишга калланг билан кирдинг, уйдан бир сўм олмай, битирдинг. Отанг айтибди, жўрасининг ёрдамчиси бўпсан. Энди шу битта қўйни садақа қилмасак, бўлмайди-да, болам.

— Садақа!.. Шу садақани ким чиқарган ўзи?!

Намуна опа бирдан қаддини ростлади:

— Болам, иккинчи марта бундай дема! Илгариям сенга айтганман. Тушундингми? Ундан кўра, отангга ёрдамлаш. Шўринг қурғурнинг бир ўзи шу ҳолида қўйни сўйиб, терисини шилаяпти. Кап-катта боласан, бора-сола қўлидан пичоғини олмайсанми?

— Ололмайман!

— Нега?! — дейишди қиз билан эна бир вақтда.

— Уришади.

Маҳлиё пиқ этиб кулиб юборди. Энанинг-да лабида табассум пайдо бўлди.

— Бўлмаса, сайисхонадаги ғалтакнинг ичида қўйнинг қорни бор, томорқага ўтказиб, ёриб, ахлатини тўкиб кел. Кейин қудуқнинг сувида синглинг билан қоринни яхшилаб ювасанлар.

— Эна, — деди Маҳлиё норози оҳангда, — ўзи ювсин, қўлим сасиб қолади.

— Ўлагай-да, сен бир, ўлагай-да! — деди она.

Энди Маъруф кулиб юборди ва сайисхонага кетди.

У қўй қорнини ёриб, ичидагиларини тўкиб, қудуқ ёнига олиб келди.

— Мен қудуқни пишаман, сен ювасан, — деди тоғора кўтариб, уни кутиб турган синглисига.

— Ака-а, — дея нозланди Маҳлиё, — қудуқни мен

пишай.

— Нимага?

— Эртага ўтиришимиз бор...

— Қанақа ўтириш?

— Синфдошлар билан. Айтганча, сизга зўр бир нарса бор! — деди Маҳлиё шодликдан кўзи порлаб.

— Нима экан ўша зўр нарса? — ҳайрон бўлди Маъруф.

— Ҳозир...

Маҳлиё тоғорани ерга қўйди. Қўлини тутқич фартутига артган бўлди, кейин югурганча уй томон кетди. Дарров қайтди. Қўлидаги нарасини орқага яшириб, акасига юзланди-да:

— Топинг-чи? — деди.

— Тош...

— Жиннилик қилманг! — ҳайқирди Маҳлиё.

— Бош...

— Ака-а-а...

— Нима қилай? Уйдан нимани опчиққанингни қайдан билай?! — деди Маъруф бироз асабийлашиб.

— Биринчидан, бу нарса сизга ёқади деб ўйлайман. Иккинчидан, кутилмаган... Балки, кутилгандир...

— Шаҳар бердим, Самарқанд, Бухоро — хоҳлаганингни олавер!

— Бунча тез таслим бўласиз.

— Ў-ў-ў, кўп эзмаланма. Берсанг, бер, бўлмаса, катта кўча. Яна жонимга тегадиган бўлсанг, қудуқниям пишмайман, қоринниям ювмайман! Кетвораман кўчага!

Маҳлиё қовоғини осилтирганча, яширганини акасига узатди. У букланган дафтар варағи эди.

— Нима бу? — сўради Маъруф ҳайрон бўлиб.

— Қоғоз.

— Кўриб турибман, лекин қанақа қоғоз бу?

— Очсангиз, кўрасиз.

— Эй-й, мактуб, — дея Маъруф шошилмасдан букланган қоғозни очди.

Унда «Яхшимисиз?» деган биргина сўз ёзилганди. Йигит таажжубланди-да, синглисига қаради:

— Ким ёзди? — деди.

— Ким бўлиши мумкин? — дея Маҳлиё тебрана бошлади.

— У-у, кўп нозланма, дедим сенга! — деди Маъруф қовоғи билан синглисини уриб.

— Бўпти, сиз билан ўзи гаплашиб бўлмайди. Анави Наргизингиз берди. «Ўз қўлинг билан қўлига топшир — ўқима», деди, бўлдими?! — зарда қилди Маҳлиё.

— Қайси Наргиз?..

— Ҳамсоя.

— Қайси ҳамсоя?

— Вой-вой-эй, Наргизни билмай қолдингизми?!

— Шошма, Ҳайбатуллонинг қизими?! Онангни эмгур!
— деди Маъруф жаҳл билан ва қоғозни шарт-шурт йиртиб ташлади-да: — Агар яна бир марта почтачилик қилсанг, терингни шилиб оламан! Энди қудуқниям ўзинг пишасан, қоринниям ўзинг ювасан! — дея кўча тарафга кетворди.

Йўлма-йўл шимарилган енгини туширди.

Қишлоқни қоқ иккига бўлиб ўтувчи йўл қуёш ботиш арафасида хийла гавжумлашади: биров кетмонини елкага қўйиб, даладан қайтади, биров молларини ҳайдаб ўтади, яна кимлардир шунчаки сайр қилишни ихтиёр этади.

Маъруф пахсачиларга дуч келди. Тўрт киши қўшни қишлоқдан қайтишаётган экан. Ишларини якун қилишган, шекилли, бир нарсаларни гапиришиб, хохлашиб кулишарди. Маъруфнинг назарида озгина кайфлари ҳам борга ўхшади.

— Эй, ана, агроном бобо, — деди пахсачилардан бири Маъруфнинг ёнига яқинлашганларида.

У Маъруф билан тенгдош эди. Мактабда бирга ўқиганди. Иккичи эди. Ўн йил давомида охириги партани бировга бермаган. Мактабнинг эшиги ёпилиши билан қора ишга шўнғиб кетди. Бировнинг гиштани қуяди, бошқасининг маккажўхорисини ўриб беради... Тўрт-беш сўм топади. Мана, энди пахсачиларга қўшилиб олибди.

У Маъруфнинг ёнига келди, кўришди. Оғзидан ачимсиқ вино уфуриб турганидан Маъруф адашмаганига амин бўлди.

— Қалайсан, жўра? — деди пахсачи Мурод. — Ўқишни битирганинга анча бўлди, деб эшитдим. Лекин бундай кўчага чиқмайсан. Ё келганингдан «Тухум қўйиб, шуни очмасам, ҳеч қаерга чиқмайман» деб ўзингга ўзинг ваъда

бердингми?!

Унинг гапига қолган пахсачилар хохолаб кулиб юборишди.

— Ҳа, тухум босдим. Ўзиям туғишдан аввал кўпроқ тош еб юборгансан, шекилли, пўсти ёмон қалин экан. Жўжанинг чиқиши жуда қийин бўляпти.

Яна кулги кўтарилди.

— Ярамас! — деди Мурод иршанглаб. — Ўзингники қолиб, меникини босибсан-да!

— Сеники майда экан-да, ботмайди!..

Пахсачилар уларнинг гапига думалаб қолаёзди.

— Лекин икковинггаям гап йўқ! — дея Неъмат ака Муроднинг елкасига қўлини ташлади.

Кейин ён-атрофига кўз югуртириб:

— Уйга бориб ўтирагимиз? Келинлар, шу ерда тинчителиб қўяверамиз, — деди.

— Нимани? — ҳайрон бўлиб сўради Маъруф.

— Ука, кассирнинг оғилини бугун битирдик. Қизталоқ яхшигина пул берди. «Портвейн» билан сийлади. Яна иккитасини қучоқлатиб юборди. Ёки шаҳар кўрган эчки қишлоқнинг кўчасини менсимайдими?

Маъруф жавоб бермади. Йўл четига ўтди. Ажриқ устига чордана қуриб ўтирди.

Тўпори йигитларга Маъруфнинг қилиғи маъқул тушди. Бир зумда айлана қуриб, ўтириб олишди. Газетадан дастурхон ясалди. Устига иккита «Портвейн», бир боғ пиёз қўйилди.

Шу пайт йўлдан чопиқчи аёллар ўтиб қолишди. Очиқ-ойдин қарғанишди. Яхшики, ўтирганларнинг бирортасига ҳам тегишли аёллар улар орасида йўқ эди. Бўлмаса, қиёмат қўпиши ҳеч гап эмасди.

— Тез-тез олайлик. Хотинимдан балога қоламан. Ҳали-замон у ҳам ўтади, — деди пахсачилардан бири.

— Ўтса, ўтар. Итдай ишладик, сал бундай дам олишимиз, чарчоқ ёзди қилишимиз керак-ку, — деди унга жавобан Неъмат ака.

Маъруф Мурод узатган шишани қайтарди (куйишга идиш йўқ эди, шишанинг оғзидан ичишаётганди).

— Умуман, ичмаганман, ичмайман ҳам! Лекин ёнларингда ўтираман, — деди у.

Қолганлар ҳаш-паш дегунча иккита «Порт-вейн»ни ҳам бўшатиб, газлагига кўк пиёз чайнашди. Ортидан «Астра» чекишди. Ундан кейин уларнинг ёнларида ўтириб бўлмайд қолди.

Маъруф ўрнидан турди.

— Мурод, жўра, болаларга айт, келаси якшанба куни ош қиб бераман, — деди.

У секин қадам ташлаганча, уйи томон кетаркан, кўзи Наргизага тушди. Қиз Маъруф ўқишни тугатиб қайтгандан бери ўзига оро берадиган одат чиқарган эди. Аммо ҳозир ним қоронғилик тушгани боис унинг пардозни кўринмасди. Фақат эгнидаги кўйлагини баданига ёпишгани учун қадди-қомати одамнинг суқини тушириши мумкин эди.

Наргиза кўчанинг нариги томонида эди. Маъруфни кўриши билан йўлнинг бу четига ўтиб олди.

— Ассалому алайкум, — деди Маъруфнинг ёнидан ўтаётиб, йигитнинг кўзига атайин ўтли нигоҳ ташларкан, нозли овозда.

Маъруф алик олмади. Хўмрайиб қараб қўйди. Хўмрайгани қоронғиликда унча билинмади ҳамда қизнинг:

— Маҳлиё уйдами? — дея сўрашига имкон берди.

— Йўқ, холасиникига кетган, — жавоб берди Маъруф.

— Унинг холаси сизнинг холангизмасми? — сўради қиз зукколик билан.

— Билмайман.

Қизнинг орзу-истаги, меҳр-муҳаббати бўлмаганида эди, бунақанги кўрс жавобдан кейин «Ҳе, ўл!» дея ҳеч бўлмаганда, ичида айтиб ўтиб кетиши керак эди. Бошқа бўлганида, албатта, шундай деган бўларди. Лекин бошқа биров Маъруфни сўроққа тутмасдиям-да.

Наргизанинг юзидан олов чиқиб кетди. Йигитнинг муомаласидан йиғлагиси келди, аммо йиғлолмади. Йиғисини ичига ютишга, демакки, азобланишга мажбур эди.

У қадамини тезлатди. Ичкиликни тугатиб, Неъмат аканинг уйида давом этказишга келишиб, энди ўринларидан турган пахсачиларнинг ёнидан ўтганидан сўнг югуриб кетди.

Маъруф «Бопладим, иккинчи марта хат ёзмайдиган бўлди, баҳонада отасининг идорада қилган ҳақорати учун

ҳам жазоладим. Юмшоқ бўлди, лекин тикан оёққа кирганда, михдай оғриқ бермаса ҳам, яхшигина азоб беради» дея кўнглидан ўтказди. Сал ўтгач эса, қизни бутунлай эсидан чиқарди.

Баҳром ака соат саккиздан сал ўтиб келди — тракторда. Тракторнинг «юррак қопқоғи» йўқ эди. Товуш дами босгичи бир-икки жойидан тешилган. Шу боис тракторни ўчиргунча у қишлоқни кўчиришига сал қолди.

— Ошна, ҳали қулоқ ўзимга керак, — деди Норқул ака жўраси билан кўришаётганида.

— Пахта тиқинг, пахта! Ҳамма орқага қўйяпти, сиз қулоққа тиқинг! — дея хохолаб кулди Баҳром ака.

Ўтириш алламаҳалгача давом этди. Жўраларнинг гаплари йиғилиб қолган экан, роса тўкиб-сочишди. Айниқса, «тентак сув» ичларига киргач, авжланишди.

— Баҳром, жўра, ўзингиз Маъруфга кўз-қулоқ бўлиб юрасиз-да. У ердаги бўриларни яхши биламан. Ямламай ютишгаям тайёр улар. Бечора болани майиб қип қўйишлариям ҳеч гапмас, — деди Норқул ака ошнаси кетишидан бироз аввал.

Баҳром ака бошини қимирлатди. Кейин жилмайди: — Неча йилдирки, мени ейиш қўлларидан келмаяпти-ку... Ўҳҳў, қанча мағзава ағдаришди устимдан. Лекин, мана, соппа-соғ юрибман. Шундай экан, Маъруфдан кўп ҳам хавотир олаверманг. Кўриниши айтиб турибди, пишиқ-пухта бола...

У сўзлашдан тўхтади. Ўзининг раис, бош агроном билан тортишганлари, жанжаллашганларини кўз ўнгидан ўтказди. Сўнг:

— Эҳ, — дея қўлини силтаб, Норқул акага юзланди-да: — қуйинг, тўлдириб қуйинг, яхшилаб биттадан урайлик... Жа майдалашиб кетдик, майдалашиб... — дея, хохолаб кулиб юборди.

Норқул ака бор-йўғи еттинчи синфни битирган. Кейин ота-онаси бирин-кетин вафот этди-ю, ўқишни давом эттиришнинг иложи бўлмай, колхозга ишга кирди. Шушу, мана, соч-соқоли оқардики, бригадда аввал ер текислади, чопиқчилик қилди, пахта терди, амаллаб ўйланди — оми бўлди-қолди... Шунга қарамасдан, гап мағзини яхши тушунади, дарров англайди. Ана шу сабаб

ошнасининг «Майдалашиб кетдик», деганидан бироз дили оғриди. Аммо буни жўрасига билдиргиси келмай, дарров қўлига ароқ шишасини олди-да, алаmidан қутулиш мақсадида томоғини қирди.

Баҳром ака зийрак эди. Зийраклигининг орқасидан Толмас Бадриддиновичдай, Ҳайбатуллодай одамлар билан ишлаб келяпти. У Норқул акадаги ўзгаришни дарров сезди.

— Жўражон, мен майдалаб ичаётганимизни айтяпман. Ўзиям танга ботгулик қилиб қуяяпсиз, — деди.

— Йў-ў-қ!..

— Шошманг, сиз бошқача тушундингиз. Мен, ҳақиқатан ҳам, ароқни кам қуяётганингизни айтдим.

— Мен...

— Майли, жўра, қуйинг, — яна Норқул аканинг гапини бўлди агроном, — шўрвадай қилиб битта ичайлик...

Баҳром ака шу пиёладан кейин маст бўлди. Гаплари узуқ-юлуқ чиқа бошлади. Норқул ака ҳам ўтирган жойида тебраниб қолганди. Шу туришида у кўпроқ хиргойи қилаётганга ўхшаб кетарди.

Маъруф отаси билан Баҳром ака ўтирган хонага кириб-чиқиб турди. Кейин «Халақит бермайин» деб, ташқарида, чорпоя устида ётди. Хаёл сура-сура ухлаб қолди. Энаси келиб уйғотмаганида, шу кўйи эрталабгача кўзини очмасди.

— Болам, отангинг ошнаси «ўчиб» қопти. Отанг сени: «Ташлаб кесин», деяпти, — деди Намуна она турткилаб.

Унга тракторни ҳайдаш топширилди. Маъруф ҳар-ҳар замонда тик этиб турган тракторни тариллатиб юборди-да, бутун ҳамсоя-халқни уйғотди. Уларнинг орасида Ҳайбатулло ака ҳам бор эди. У май ойининг ўрталариданоқ ташқарида ухларди. Унинг ичкарида ётишига семизлиги йўл қўймасди. Юраги безовта бўлар, нафаси қисиларди. Лекин ҳовлида, каравот устида ўзиям одаамга ўхшаб ухларди! Қанотларини икки томонга ташлаб, оғзини хиёл очиб, чунонам хуррак отардики, ити Олапар шўрлик тунни бедор ўтказишга мажбур бўларди.

Бугун энди унинг уйқуси бузилди. Ўрнидан эринчоқлик билан туриб ўтирди-да, уйқули кўзларини йириб очиб, семиз бўйнини патиллаётган товуш томонга бурди-да:

— Падарингга лаънат, ярамас, ўчир патиллоғингни!..
— деди.

Худди шу маҳал Маъруф тракторга кетма-кет газ босган ва овоз бошқаруви трубасидан икки-уч чўғ учиб чиқиб, қулоқни қоматга келтирувчи пат-пат пайдо бўлганди.

— Эшак! Ҳайвон! — бўкирди Ҳайбатулло ака. — Мен сенга кўрсатиб қўяман уйку бузишни!

У ўрнидан туришга улгурмасидан патиллаган трактор жўнаб кетди.

* * *

Маъруф ухлаб қолган Баҳром акани зўрға трактордан туширди. Бахтига Баҳром аканинг икки ўғли уйғониб, уларнинг ёнларига келди. Йўқса, Маъруфнинг бир ўзи йўлда нос отиб, мутлақо маст бўлиб, кўзини очишга-да мадори етмайдиган Баҳром акани кўтариб, уйига киришиб қўйишга мажбур бўларди.

У уйига пиёда қайтди. Ичида қўшиқ хиргойи қилиб, агрономликда қилажак ишлари хусусида хаёл суриб кетди.

Қишлоғига кираверишдаги қайрағоч остида ўтирган Шомурод акага дуч келди. Аввал уни танимади. Чўққа кўзи тушди, кейин йўталди.

У қайрағочга яқин борди.

— Кимсан? — сўради йўталган кимса.

Маъруф бирдан жавоб бермай, янада яқинроқ борди. У овоз эгаси Шомурод ака эканлигини дарров таниган эди.

— Маъруфман, — жавоб берди унинг ёнига етгач.

— Одам эмаскансан-ку! — деди Шомурод ака. — Бирдан жавоб берсанг, ўласанми?!

— Қўрқдингизми?

— Бригадирмисан, деб ўйлаб... Шу маҳалда кўчада нима қип юрибсан? — деб Шомурод ака чекаётган сигаретасини ерга ташлади-да, калиши билан эзди.

— Отамнинг жўраси келувди, уйига ташлаб келяпман. Ўзингиз нима қип ўтирибсиз?

— Эй, ука, ёшинг ўтавергандан кейин уйқунг қочаркан. Ўтирибман, сигарет чеки-и-иб...

Шу пайт қайрағоч орқасидаги заган (зовур) ичи ши-

тирлади.

— Эй, нима экан у? — деди Маъруф ва ўзининг саволига ўзи жавоб топиш мақсадида, қайрағочнинг ортига ўтди.

Кўзи беш-олти қадам нарида пахтазорда юрган тўртта молга тушди.

— Шомурод ака, — деди кулиб, — бу молларингизниям уйқуси қочибди-да.

— Калланг борми, нима деяпсан?! — жавоб қайтарди Шомурод ака ўзини гўллика солиб.

— Бўлмаса, тўртта говмишга пахтазорда бало борми?

— Уф-ф!.. Энди шу-да! Энди бу моллар кўрак емайди. Чирмовуққа ўч. Ишонмасанг, бориб кўришинг мумкин.

— Тўғри айтасиз, мен бугун осмондан тушдим. Калла сапсим йўқ. Шунинг учун кеча Олапарга гўшт ташлабман. Баччағар, искаб-искаб кўрди-да, «Тфу!» деб огородга, помидор орасига кириб, қип-қизил бўп пишганини топиб, узиб олди-да, икки оёғининг орасига олиб, ейишга тушиб кетди. Сизнинг молларингиз ҳам шунақа бўлса керак-да? — дея Маъруф ҳиринглаб кулди.

Шомурод ака мулзам бўлди.

— Бор-э! — деб кўракхўрлик қилаётган моллари томон кетди.

Маъруф учун кўргани янгилик эмасди. Чунки қишлоқ чеккасида яшовчиларнинг кўпчилиги кечаси мол-қўйларини пахтага боқишларини биларди. Умуман, бутун қишлоқ бундан хабардор, аммо бировнинг биров билан иши бўлмасди. Шунга қарамай, ҳар йили пахта режаси бажариларди.

Маъруф йўлида давом этаркан, «Эртадан бошлаб агрономнинг ёрдамчисиман, катталардан биттасиман. Шундай экан, индамасдан ўтиб кетмаслигим керак эди. Шомурод аканинг молларини идорага ҳайдаб боришим лозим эди... Йўқ, бўлмайди, қишлоқда гап-сўз кўпаяди. Одамлар: «Норқул сувчининг боласи ҳали ишга ўтмасидан босар-тусарини билмай қопти», дейишади» дея хаёлидан ўтказди. Бироқ уйига етай деганда, унга яна бир шарпа кўринди...

Унинг кўзи танаси кучоққа сигмайдиган балх тутга ёпишиб турган нарсага тушди. Аввалига тутнинг «бола-

часи» деб ўйлади. Бироқ шарпа қимирлаб қўйди. Қишлоқда бирорта ҳам хонадоннинг дарвозаси йўқ. Умуман, ҳеч бир ҳовли девор билан ўралмаган.

«Соат камида икки-уч. Шу маҳалда кимнинг уйқуси келмадийкин?» ўйлади у ва юришдан тўхтаб аввал уйига, сўнг ҳамсоялар тарафга қаради. Бирдан йигитнинг хаёли бузилди. Ахир бундай маҳалда фақат севишганларгагина уйқу бегона. Улар кундузи учрашолмайди, чунки қишлоқда ҳамма бир-бирини танийди. Биророта бўйи етган қиз билан йигитнинг гаплашиб турганини кўриб қолишса, тамом — шу заҳоти қопдай-қопдай иғволар «сайр»га чиқиб кетади-ю, оқибатда, йигит билан қиз қишлоқда бош кўтариб юролмай қолади. Шу боис бир-бирига кўнгил берганлар тунда, яна ҳамма тош қотиб ухлаётган маҳали дийдорлашишга мажбурлар.

Бу атрофда Маъруфнинг синглиси ва Наргиздан бошқа бўйи етган қиз йўқ. «Наҳотки синглим бўлса?» ўйлади у. Шу заҳоти қони кўпчиб, шитоб билан шарпа турган томон юрди.

— Кимсан? — деди ёнига етгач.

—...

— Кимсан, деяпман?! — овозини баландлатди Маъруф.

— Мен... Мен... — деди қиз деярли шивирлаб.

Маъруф уни дарров таниди:

— Наргиз? — деди ҳайрон бўлиб. — Сен нима қип турибсан?

Қиздан жавоб бўлмади.

Шунда йигит ён-атрофга кўз ташлади — ҳеч ким кўринмади.

— Уйингга бор, отанг билиб қолса...

— Билмайди, ҳаммаси ухлашяпти. Ҳеч кимга билдирмай чиқдим, — дея бидирлади қиз.

— Нега чиқдинг, уйдан қочдингми?

— Ҳа.

— Кўчада, тутнинг тагида... Сени кўрган одам ўғри деб ўйлайди.

— Сиз ўйламадингиз-ку.

— Ўйладим.

— Ўғри дебми?

— Йўқ.

— Ана, кўрдингизми? Кейин сиздан бошқа ҳеч ким бу маҳалда юрмаса керак.

— Юрибди, қишлоқнинг адоғидаги Шомурод ака юрибди.

— Сиз қаердан биласиз?

— Кўрганман, молини пахтанинг ичига қўйвориб, ўзи йўл бўйида тут қаторнинг тагида ўтиради. «Венгер» кечаси билан кўрак еб чиққанидан, тирсиллаб, ялтиллаб кетган.

Наргиза қиқирлаб кулиб юборди:

— Кўзингизнинг шунчалик ўткирлигини билмаган эканман. Молнинг ялтиллаб кетганини кўрибсиз-да.

— Кундузи кўрганман, «Кўрак еган мол қанақа бўларкин?» деб қараганман.

— Яхши, лекин ўша Шомурод ака бу ёқларга келмайди-да. Келгандаям мени ўғри деб ўйламайди. Ўзига ўхшаган деб ўйлайди.

— Фақат сен колхознинг пахтасига эмас, бизнинг томорқага молингни боқаётган бўласан, тўғрими?

Наргиза яна қиқирлади.

— Тисс, — дея Маъруф лабига бармоғини босди.

— Боягина ўзингиз бидирлаб, бақириб гапираётувдингиз-ку, — деди Наргиза кулиш асносида.

— Сенга қўшиб, мени ҳам «Мол боқапти», дейишинми?

— Ўйлаб топган нарсангизни қаранг, тавба.

— Ўзинг-чи, одамлар учинчи уйқуни ураётганда, кўчада, яна бизнинг уйимизнинг тўғрисидаги тутнинг тагида ўғри мушукка ўхшаб писиб ўтирибсан. Эй, шошма, балки... Кимдир келган-у, сен учрашгансан-у, кутилмаганда мен кеп қолиб, учрашувларингни бузиб қўйганман.

— Тушунмадим?..

— Энди... ҳар қалай, тунда бундай турибсан. Шунга ким билади, балки... Мабодо бирортаси билан аҳду паймон қилган бўлсангиз, йигит шўрликнинг юрагини ёриб, дегандай...

Наргиза чуқур хўрсинди. Шу билан Маъруфнинг гапини бўлди:

— Мен кетдим, — деди оҳиста.

— Тўғри қиласан, уйингга бориб ёт. Эрта, эҳҳе... қанча ишларинг бор... Ҳозир дамингни олмасанг, эртага думалаб қоласан, — дея Маъруф атайлабдан бурнини тортиб қўйди.

Аразлаган қиз бошини эгди. Унинг кўзидан ёш оқа бошлади. Маъруф унинг йиғисини кўрмади. Чунки Наргиза тескари ўгириб олиб, кетишга чоғланганди-ю, кетолмаётганди. Ахир трактор патиллагандаёқ шу ерга югурган, Маъруф тракторни ҳайдаб кетганини кўрган, қайтиб келишини ич-ичидан сезган ва сабр-бардош билан кутганди. Мана, у келди ва нима бўлди? Ҳеч нарса, йигит ўлгур гўё ҳеч вақони пайқамагандай турибди, ўзини гўлликка солиб.

Қиз овоз чиқариб юбормаслик учун лабини тишлади.

— Бор, бемалол кетавер, — деди Маъруф унинг баттар жиғига тегиб.

— Кетавераман, сизга нима? Хўжайинмассиз менга, — деди алам ичра Наргиза.

— Хўжайин бўлганимда, ярим оқшомда бу ерга чиққанинг учун қулоғингни шундай тортардимки, рапидадай бўлиб кетарди, — дея мийиғида кулди Маъруф.

Наргиза энтиқди. Маъруфнинг шу биргина беозор пўписаси юрагини ўйнатиб юборди ва у югурганча уйига кетди.

* * *

— Турган-битгани телба, — деди Толмас Бадриддинович. — Бир у эмас, бошқалариям. Яхшиямки, соябони бор, мен борман: ёмғир-у қордан сақлайман. Менинг оёғим тойиб кетса, худо кўрсатмасин, ҳаммаси онасини учкўрғондан кўради!

Элёр бунақа гапларни илгари эшитганда ҳайрон бўларди. «Нега менга айтяпти? Мен нима қип берардим?» деб ўйларди. Кейин билса, раиснинг шунақа гапирадиган одати бор экан. Бошда ҳайрон бўлган. Бир нималарни сўраш учун оғиз жуфтлаган-у, кейин тилини тишлаган. Толмас Бадриддинович оғир хўрсинди ва ястаниброқ ўтирди-да, қулочини ёйди:

— Рацияни узат, — деди Элёрга.

Чаққон ҳайдовчи илинган симли телефонни дарров унинг қўлига тутқазди. Раис колхоз бухгалтериясига қўнғи-

роқ қилди, кассирни сўради. У йўқ экан. Энг чекка бригадага ойлик тарқатгани кетибди.

— «Аҳмоққа бугун борма, эртага тарқатасан. Бир кун кеч олса, ўлиб қолмайди», девдим-ку!

Толмас Бадриддинович ўшқириб гапирди. Симнинг у ёғидаги зона бухгалтери ўтириб гаплашса, раис кўриб қоладигандай, кейин «Фалон еб ўтирибсанми, бўтсиман?» деб бақирадигандай ўрнидан туриб кетди, кўзи олайиб ранги оқарди. Оғзидан тайинли гап чиқмай, гудранди.

— Ҳайвонга одам жўнат! Икки соатда банкда бўлсин! — деди раис ва алоқани узди.

Кейин яна ястаниб ўтирди-да, кўзини юмди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас, уйку босди. «Эҳ, соягина, хур-хур шамол эсиб турган жой бўлса-ю, маза қилиб ухлаб олсанг» ўйлади у.

Шу заҳоти ухлади, хуррак отди, бироқ машина чайқалишидан уйғониб кетди.

— Секинроқ ҳайдасанг, бўлмайдими? — дея койинган бўлди-да, деразадан ташқарига қаради.

Кўзи эшакка пичан ортмоқлаб кетаётган болага тушди.

— Тўхтат! — дея қичқирди ҳайдовчига.

Элёр шоша-пиша тормозни босди. Толмас Бадриддинович қарсиллатиб эшикни очди.

Эшак таққа тўхтаган, бола ҳайкалдай қотган, ҳар икковиям кўзидан ўт чақнаган раисга термилиб қолишган...

— Энангнинг пайкалида опкеляпсанми, ифлос?! — бақирди Толмас Бадриддинович ва лорсиллаганча тез юриб борди-да, эшакка ортмачоқ қилиб ортилган пичанни устидаги бола билан бирга бир кўтаришда ерга ағдарди.

Ўн бир ёш атрофидаги бола озғингина, суяклари нимжонгина эди. Бир оёғи пичан билан асфальт орасида қолиб қайрилди-ю, қарс этиб синди. Оғриқ зўридан у бор овозда бақириб юборди. Раис унга эътибор ҳам бермади. Эшакнинг қорнига ўхшатиб бир тепди-да, сўкинганча бориб, машинага чиқди.

Шу куни Толмас Бадриддиновичнинг кайфияти ўнган-мади. Райком асабийлашиб ўтирган экан. Тузук-қуруқ сўрашмади. «Сут, тухум режасини вақтида бажармаяп-

сиз, гўшт-ку умуман эсдан чиқиб кетди. Шу аҳвол давом этадиган бўлса, ишлашингиз ҳам гумон остида қолади», деди. Илгари райком сира у билан бунақа гаплашмаган. «Сиз районимизнинг энг илғор, кўзга кўринган раисларидансиз, бошқаларга ўрнак бўлишда давом этинг», дерди. Юзида табассум бўларди, юмшоқ гапирарди. Кетар чоғи эшиккача кузатиб қўярди.

У Лазиз Эшбўриев қабулидан чиқиб, ёрдамчининг хонасига кирди.

— Хўжайиннинг кайфияти йўққа ўхшайди, тинчликми? — дея сўради.

Ёрдамчи елкасини қисди. Кейин:

— Ҳайронман, эрталабдан бери кимки ёнига кирса, авра-астарини ағдариб ташляпти. Кеча обкомга борувди. Яхшигина тузлашган, шекилли, аламини бу ёққа келиб сочяпти, — деди.

Ёрдамчи Толмас Бадриддиновичдан тўрт ёш кичкина. Шунга қарамай, иккаласи, мана, олти йилдирки, ошначилик қилади. Бунга раиснинг саховатпешалиги сабаб. Оралатиб-оралатиб, ёрдамчининг уйига ҳайдовчисидан бозорлик қилиб жўнатади. Гоҳ-гоҳида дарё бўйидаги чангалзорга овга таклиф қилади. Эвазига кўп нарса сўрамайди. «Райком бованинг кўнглини билиб беринг», дейди. Ёрдамчи хурсанд бўлади. Кўлини кўксига қўйиб, «Албатта» дейди. Гўёки ўта муҳим масала зиммасига юкланётгандай жиддий тортиб, пешонасини тириштириб қўяди. Раис ичида кулади: «Ўла-а, хумпар. Дарров тусингни ўзгартирдинг-а. Оғир иш айтиб қўйдим-да, тўғрими? Олаётган бозорликларинг кам. Бундай муҳим масалани доим менинг фойдамга ҳал қилишинг учун қуруғидан қўшимча қилиб туришим керак-да, а?» дея кўнглидан ўтказди. Аммо бу гапларнинг бирортаси ҳам тилига кўчмайди.

— Эртага бир кўнғироқ қилиб келаман-да, бўлмаса, Обиджон. Паст-баландига ўзингиз қараб қўярсиз. Унгача бирорта янгилик чиқиб қолса, идорага сим қоқиб юборсангиз, қушдай учиб келаман, хўпми? — дея иржайди раис.

Райком ёрдамчиси одатдагидай қўлини кўксига қўйиб, ўрнидан турди-да:

— Ҳар доимгидай, Толмас ака. Фақат шу сафар сал бошқачароқ бўладими, дейман-да, — деди.

— Элёрбекка айтаман, бирровга ўтиб келади.

Обиджоннинг юзи ёришди.

— Ака, аслида, керакмас эди. Бир-иккита меҳмон келадиган эди-да...

— Бу томонидан хавотир олманг, Обиджон. Сизнинг меҳмонингиз меники ҳам ҳисобланади. Бўпти, унда мен борай, — деб Толмас Бадриддинович кетишга чоғланди.

У қўл бериб ёрдамчи билан хайрлашди-да, эшик томон юрди. Ҳовлига чиққач пешонасидаги терни артиб, сигарета тутатди ва оғир қадам ташлаганча, юз қадамча нарида, мажнунтол остида турган «Вилис» ёнига борди. Машинага чиқмади. Сигаретаси тутгунча чекди. Кейин Элёрга банкка боришини айтди.

Ҳартугул, кассир етиб келибди. Афтидан, унга ҳудуд бухгалтери раиснинг жаҳл отига минганлигини айтган, шекилли, безовта эди. У банк эшиги ёнида у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Толмас Бадриддинович машинадан тушмади. Эшикни очди-да, уни имлаб ёнига чақирди:

— Ҳа-а, — деди раис чўзиб, — нега оёғи куйган товукқа ўхшаб турибсан?!

— Энди, раис бова, сизни кутаётувдим. Кеп қолсангиз, кўринмаётганимдан жаҳлингиз чиқмасин, деб турувдим, — деди қилтириққина кассир лабини ялаб-ялаб қўйиб.

— Мен сенга эртага тарқатасан девдим, сен бўлса, бугун Томбосди қишлоғига бориб юрибсанми? Одам бўлмадинг-бўлмадинг-да. Банкка кир-да, тракторчиларнинг ойликларини олиб, идорага бор. Беш юзини опқўй... Йўқ, яхшиси, анавига бер. Отинг ўчгур, нимаиди? Бош бухгалтерга... Айт, ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйсин, — деб Толмас Бадриддинович қарсиллатиб эшикни ёпди.

Элёрга эса:

— Ҳайда, — деди.

Машина бироз юрганидан кейин:

— Тинка қуриб кетди, Каттатегирмонга борамиз. Одамга ўхшаб дам олмасам, қон босимим ошиб, йиқилиб қолишим ҳеч гапмас, — дея бурнининг устидаги маржондай терни артди.

Каттатегирмон кўшни район маркази. Вилоятдаги иккинчи шаҳар. Аэропорт, темирйўл бор. Қарийб ўндан зиёд миллат яшайди. Аҳолисининг сони ҳам бошқа районларга нисбатан уч-тўрт барабар кўп. Толмас Бадриддинович у ерга ҳафтада бир — кун охирлаганда қоронғилик тушар-тушмас боради. Шанба куни. Аммо бу сафар чи-долмади. Асаби бузилганини, ишнинг кўплигини баҳона қилди. Шу билан ўзини ўзи алдади. «Виждоним қийналмайди-да» деб қўйди ичида.

Элёр эса гижинди. Чуқур хўрсинди. «Бечора Паризод, шу одамдан ҳам сендай қиз тугилиши мумкинми? Шўринг курсин, қизгина» дея кўнглидан ўтказди ва газни босди.

Соат олтидан ошиб қолганди. Иш куни тугаган. Кўчада одам кўп эди. Толмас Бадриддинович ичида хурсанд бўлди. Чунки Сумбулхон ҳам ишдан қайтади. У кўп кутиб қолмайди. Унинг хурсандлигидан бошини қашлайдиган одати бор эди. Ҳозир ҳам шундай қилди.

— Аввалги сафаргидай эшигининг тагигача борма, берироқда тўхта. Кейин манави пулни ол, — дея раис ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиққа иккита қип-қизил ўн сўмликни ташлади-да, иржайганча: — гастрономга кириб, ширинликлардан ол, колбаса эсингдан чиқмасин. Ҳа, ароқ тугаб қолганди, ундан ҳам биттасини сумканга солволасан-да, уйга обориб берасан. Мени сўрашса, «Обкомга мажлисга кетди», дегин. Райком билан бирга. Тушундингми? — деди.

Элёр бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди. У худди ёш йигитлардай кўкрагини кериб, чаққон юриб кетаётган Толмас Бадриддиновичнинг ортидан тикилиб тураркан, гижинди: «Қизи бўлмаганда, ҳаётда бу аблаҳни олиб юрмасдим» дея кўнглидан кечирди.

У дўконга кириб, бозорлик қилди. Раиснинг уйига етиб борганида, соат миллари тунги ўнга яқинлашиб қолганди. Дарвозадан кириши билан кўзи Паризодга тушди. У сўри остидаги ҳалинчак ўриндиқда олма еб ўтирган экан. Элёрни кўриши билан жилмайди:

— Уррэй, дадам келди, хўрозқанд опкелди, — деди жилмайиб.

— Ҳимм, хўрозқанд... Зўридан, куни билан шимиб юрсанг ҳам, тамом бўлмайдиганидан. Мана, — деб Элёр

қоғоз пакет ичидан ароқни чиқариб, унга кўрсатди.

Паризоднинг афти бужмайди. Ўрнидан дик этиб турди-да, чоп-қиллаб йигитнинг ёнига келди:

— Сиз адашдингиз, менимча. Ўзингизникини билмай кўрсатиб қўйдингиз. Қани, пакетнинг ичидагиларини кўрсатинг-чи, — деди шўхлик қилиб.

Унинг овози нозли, майин ва ширали эди. Яна шаҳар қизларига ўхшаб кийиниб олгани ўзига шунақанги ярашгандики, Элёр шўрлик ҳушини йўқотаёзди.

— Колбаса, сир, помидор, бодринг, гўшт... Оббо, менга ҳеч нарса йўқ экан-ку, — аразлаганча киприкларини пирпиратди қиз.

— Сенгами, сенга, сенга...

— Тўтимисиз, нима бало? Битта сўздан бошқасини билмайсизми? — дея шўх кулди Паризод.

— Ҳа-а, шунақа, шеккилли... Ҳалиги янгамга айтиб қўйсанг, Толмас ака...

— Биладан! Ҳар доимгидай мажлисга кетган. Обкомга... Бутун бошли областда битта менинг дадам раис. Обком ҳафтада бир марта дадам бечорани кўрмаса, туролмайди. Элёр ака, шу обком деганингиз аёл кишимасми?!

Қизнинг кўзи чироқ ёруғида ялтиллаб, ёниб кўринар эди.

— Аёл... Нега аёл бўларкан? — дея Паризоддан кўзини олиб қочди йигит.

— Аёл бўлмаса, нега ҳадеб чақираверади?

— Энди мен кичкина одамман. Катталарнинг ишларига аралашавермайман. Сен ҳам кичкинасан. Катта бўлсанг, билиб оласан, тушундингми, ойим қиз?

— Ойим қиз, ойим қиз! Қаердан топгансиз шу гапни? — деб лабини бурди Паризод.

Шу қилиғи ҳам унга ярашди. Шу ҳам унинг чиройини очди. Йигитнинг юрагини ўйнатди. Қанийди, имкон бўлса-ю, қизни кўтариб, чирпирак қилиб айлангирса. «Бошим айланиб кетди! Йиқиламан!» дея қиқирлаб кулса, қичқирса бу малак.

Раиснинг аёли уйдан ҳовлига чиқди. Йигит билан қиз томонга қаради. Энсасини қашлади.

— Келдингларми, Элёр? — дея овоз берди.

Йигит айб устида қўлга тушгандай чўчиб тушди. Бирдан жиддий тортди.

— Ҳа, йўқ. Раис бова мажлисга кетди, — деди довдираб.

— Ҳимм, тушунарли. Сендан бозор қилиб, бериб юбордими?

Элёр бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Яхши бўпти. Ҳозир ишинг йўқми?

— Йўқ, фақат уйга кетаман.

— Борасан... Укам келган, бирга ўтир, бечора бир ўзи ёрилиб кетай деяпти. Пари, сен бозорликни акангнинг қўлидан ол-да, музлаткичга қўй, — деб Насима опа ҳовлининг нариги адоғига кета бошлади.

— Ҳимм, — деди Паризод Элёрга қошини қоқиб, — қўлга тушдингизми? Кетиб бўпсиз уйингизга. Меҳмон билан ўтиринг. Бирам яхши меҳмон, бирам яхши меҳмонки, ўтирасиз-у, жойингиздан қимирлолмай қоласиз.

— Яхши одамлар билан биринчи марта ўтиришим эмас...

— Бўпти, киринг унда.

Қизнинг кетиш чоғида ҳам нозланиб қўйиши унинг кўнгли шўхлик тусаб турганидан далолат берарди. Лекин... Ўша лекинлар кўпинча одамга панд беради-да. Бўлмаса, ҳеч қурса, манави нозланаётган санамнинг сочидан тортиб қўйишга имкон бор-ку. Агар шундай қилса, Паризод баттар ўйноқлайди, баттар шўхлик қиларди...

Элёр ичкарида бунақанги одамни учратаман деб сира ўйламаганди. Қизарган кўзи пиёладай келадиган, соқоли ўсиб кетган нусхани кўрган кишининг афти бужма-йиши турган гап. Элёр уни раиснинг уйида эмас, кўча-кўйда учратганида, ҳеч иккиланмай сўккан бўларди.

— О-о-о, қариндош! — дея меҳмон Элёр кириши билан ўрнидан турди ва шу заҳоти чайқалиб кетиб, айтмоқчи бўлган гапи эсидан чиқди.

Элёр салом берди. Алигини кутмасдан жирканчли кимсага қўлини узатди.

— Ҳе, ҳе... — дея маст одам нусха унинг қўлидан тутди.

Йўқ, кўришиш учун эмас, йиқилиб кетмаслик ва дастурхондаги яримлаган ароқ шишасини ағдариб, ичидаги

ақл-хушни ўғирловчи шайтон сувини тўкиб юбормаслик учун ушлади.

— Эҳтиёт бўлинг, — деди Элёр унинг жойига ўтиришига кўмаклашаркан.

Паризоднинг нимага шама қилганини англади.

— Қалайсан энди, қариндош? — сўради ўтириб олганидан сўнг Паризоднинг тоғаси.

— Юрибман тупроқ босиб, — жавоб қайтарди Элёр.

— Яхшиям тупроқ устида экансан, остида бўлганинда нима қилардинг?! — дея хахолаб кулди серсоқол ва лаблунжини кафтининг орқаси билан артиб, бирдан ароққа кўлини чўзди.

— Тупроқ остида бўлганимда, алкаш бўп қолардим, — деди ҳамсуҳбатига жавобан Элёр.

Хонадон тоғаси бирдан унга қаради, кўзини олайтирди. Аммо лом-мим демасдан, шишани кўлига олди-да, ёнидаги пиёлани ароққа тўлдирди. Кейин яна битта пиёлага солиб, Элёрга узатди.

— Ичмайман, эртага ишга чиқишим керак, — эътироз билдирди Элёр.

— Эртага ишга... Нима, биз бекорчи эканмизми? Отинг нимаиди?

— Элёр.

— Меники Диёр... Ха-ха-ха... Ҳазиллашдим. Саид менинг отим. Гап бундай, Элёрбек, пиёлани кўлингга ол, мен сенга битта гап айтаман. Ундан кейин ичасанми, тўкиб ташлайсанми, ўзинг биласан. Қани, ол кўлингга.

Элёр бир пиёлага, бир Саидга қаради.

— Эркакмисан, мен сенга ич деяётганим йўқ-ку. Кўлингга ол, тамом-вассалом. Бирон нимадан қўрқаётган бўлсанг, мана, менга айт. Любой ода-мингни тиз чўктиришга қурбим етади. Керак бўлса... — деб Саид эшикка кўз ташлади.

Афтидан, кимнидир кўрди, шекилли, гапини давом эттирмай, пиёладаги ароқдан бир хўплаб, сўнг газак қилди.

Унинг боя ўрнидан турганида тебраниб йиқилмаслик учун Элёрнинг кўлини ушлагани ва энди бурро-бурро гапираётгани, эҳтиёткорликни йўқотмагани Элёрни ҳайрон қолдирди.

— Кўлингга пиёлани ол! — деди Саид бу сафар буйруқ

оҳангида.

Элёр беихтиёр унинг айтганини бажарди. Шунда Саид ковак тишини шимиб қўйди-да:

— Шаробнинг фойдаси бир олам. Мана, сен ишдан чарчаб келдинг. Иложи бўлса, ёстиққа бошингни қўйсанг-у, қотсанг. Лекин мен билан ўтиришга мажбурсан. Агар эзмаликларимни эшитиб ўтирсанг, абжафинг чиқиши аниқ. Чунки мен ҳали-вери ухламайман. Кундузи планни бажариб бўлганман. Яна ишдан яхшигина бош оғригини орттириб олган бўлсанг ҳам, ажабланмайман. «Қаердан биласиз?» демоқчимисан? Эй, мен билмайдиган нарсанинг ўзи қолмаган. Охириги пайтларда ер остида илон қимирласа, сезадиган бўлганман. Хуллас, гап кўпайиб кетди. Ичмасанг, кўпи билан беш-олти йилдан кейин инфарктни орттириб оласан. Қарабсанки, бу дунё билан хайрлашиб турибсан-да, — дея Саид яна бир марта эшик тарафга қўз ташлади. Сўнг: — Ол, зўр гапларни кейин айтаман, — деди.

Элёр кўзини юмиб, бир кўтаришда пиёлани оқ қилди. Сўнг ҳайрон бўлиб Саидга қаради-да:

— Оддий сув-ку, — деди.

Саид ҳиринглаб кулди.

— Эй, қишлоқи, сен ниманиям билардинг? Биз аҳмоқ эмасмиз. Асл нарсаларни топиб ичамиз. Бу ароқ ўзи шунақа, ҳидиям, аччиғиям йўқ. Лекин шунақанги кайф берадики, даҳшатга тушасан. Чет элники-да... Чет элликлар ишни тоза қилишади... Хўш, биринчи билан иккинчининг орасидан «КамАЗ», «БелАЗ» ўтсаям, қил ўтмасин, деган гап бор, — дея Саид Элёрнинг пиёласини яна ўзи мақтаган ароққа тўлдирди.

Бу сафар Элёр «йўқ» демади. Қолаверса, ўзининг ҳам бундай ноёб ароқни ичишга истаги ортган эди.

— Қани, энди у-бу нарсалардан е. Мана, колбаса, мана, помидор, бодринг, сузмаям турибди. Қовурилган гўшт сал совиб қолган-у, лекин ичгандан кейин зўр кетади. Агар ҳурматли опажоним жиянчамга буюрса, овқат ҳам беришлари мумкин.

Элёрнинг мияси қизиб, иштаҳаси очилди. Аммо бирикки бўлак гўшт еганидан сўнг, дастурхондан қўлини тортди. Лаб-лунжини сочиққа артди.

— Тишинг суякка тегдими? — дея иржайди Саид.

— Йўқ, ўзим...

— Овора бўлма, барибир, овқат беришмайди. Буларни мен биламан-ку. Ишонсанг, қариндошим бўлсаям, баъзан ўзим сўраб оламан. Пишиқ ҳаммаси. Биттагина шўринг қурғур поччамнинг қўли очиқ. Энди у одам қоплаб топади-да, тўғрими? — дея мийиғида кулди Саид.

— Билмадим, — дея елка қисди Элёр, — мен кичкина одамман. Ундан кейин ҳамма нарсагаям ақлим етавермайди. Машина десангиз, машинани чоптираман. Ремонт-пемонтлариниям қотириб ташлайман. Лекин катта нарсаларга келганда нўноқроқман-да... Шу, сиздан бир нарса сўрасам, майлими?

— Бемалол, укам, биз баъзи бировларга ўхшаб, ичимизда минг битта нарсани сақлаб юрмаймиз, шартта ташқарига чиқариб юборамиз-қўямиз, олам гулистон, — дея гўдайди Саид.

— Боя келганимда оёқда зўрға тургандингиз. Яна мен билан бирга ичдингиз. Лекин гапларингиз бурро-бурро. Сира маст одамга ўхшамайсиз.

— Ҳе, биз бунақанги ароқлардан бир яшигини кўрдим демай ютадиганлар хилиданмиз. Ундан кейин бу зангарнинг, — дея Саид шишани олиб Элёрга кўрсатди, — қиладиган иши аввал оёқни ишдан чиқариш. Кейин секин бошқа жойларга хужумга ўтади. Лекин сен бола гапсўзларингдан, ўзингни тутишингдан пишиққа ўхшайсан. Мен сенга айтсам, шундай бўлганинг яхши. Мана, мен туғилганимдан бери ўзгармайман. Ухлаётганимдаям ҳозирги гапларимни гапираман. Бир куни Толмас Бадриддинович жуда нозик ишни буюриб қолди. Мен сенга колхозчиларнинг ишламаганигаям ойлик ёзиб, кейин ўзлари чўнтақларига ураётганларини айтмаяпман. Умуман олганда, бу раис даражасидаги иш эмас. Бухгалтер, бригадир, ана боринг, табелчи бунақанги майда ишларни қилади. Раис, ўзинг биласан, битта урганда қарийб ка-а-атта...

Саиднинг қолган гапи ичида қолди. Хонага Паризод кирди, кирган заҳоти кўзининг ости билан Элёрга қаради. Сўнг бироз қовоғини солган бўлди-да, қўлидаги буғи чиқиб турган косани дастурхонга қўйди.

— Шўрва зўр нарса-да, қатиқ аралаштириб, устига па-тир тўғрасанг, жоннинг роҳати, — деди шу заҳоти Саид.

— Ҳимм, — дея бурнини жийирди Паризод, — айниқ-са, текин бўлиб, лақиллашингни эринмай эшитадиган кулоқ бўлса, янаям зўр ўтади-да.

Элёр кулгидан зўрға ўзини тийиб қолди. Саид эса бўзрайди.

— Ёқмадими? — дея мийиғида кулди Паризод. — Унда бурнингизни тишлаб қўйсангиз, жойига тушиб кетади.

У кетар чоғи Элёрга нигоҳлари билан тегажоқлик қилиб кетди.

Саид муштини бир-бирига урди. Тишини гичирлатди ва кўзини чақчайтириб, Элёрга қаради-да:

— Кўрдингми? Булар чаёндан ҳам баттар. Агар мен бўлмаганимда, ҳолларига маймунлар йиғларди... Арзи-майди. Асабни бузиб, ғазабланишим бунақанги қовоқ-тумшуқчалардан бир неча марта қиммат туради, — дея пиёласини ароққа тўлдириб, бир кўтаришда ичиб юбо-риб, бурнини тортди.

Сўнг орқасига, кўрпачанинг остига қўлини тикиб, яна битта шишани олди-да, дастурхон устига қўйди.

Бу вақт оралиғида Элёр бир-икки қошиқ шўрва ичган эди.

— Менга қара, ферманинг мудирлигига кимни қўйиш-ди? — сўради Саид шишанинг оғзини очаётиб.

— Билмайман.

— Ҳой, бола, қўйсанг-чи шунақанги гапингни. Жуда ўзингни соддаликка солаверсанг, сендан шубҳалана бош-лайман.

— Ихтиёрингиз, ака. Мен уззукун кўчада бўламан.

— Тўғри, тўғри. Энг яхшиси — ароқ. Ҳеч қандай сир-асрори йўқ. Ичасан, кайф қиласан, ётасан.

Саид кетма-кет пиёласини тўлдириб, захру заққум юта бошлади. Элёр гўё ёнида ҳеч ким йўқдай шўрва ичди. Орадан бирор йигирма дақиқа ўтгач, Саид бугунлай маст бўлди. Боши эгилиб қолди. Бир нималар деб гўлдиради. Элёр «Ана пишди. Энди кетаверсам ҳам бўлар» деган хаёлда, бўшаган косани четроққа суриб, энди ўрнидан турмоқчи бўлганида, Саид:

— Мен ҳам бир вақтлар сендай эдим. Сен ҳам мендай

бўласан, — деди.

Элёр бирдан ялт этиб унга қаради. Бироқ у кеч қолган эди. Саид яна бошини эгиб олган, тагин гўлдирай бошлаганди.

— Нима бўлган? — деди Элёр ички қизиқиш билан.

Жавоб гўлдираш бўлди.

Йигитнинг ичидан қиринди ўтди. «Мастлик — ростлик, дейишади. Бу одам нима иш қилган экан? Бу гапларида нимани назарда тутди? Қандай қилиб менинг ўрнимда бўлади-ю, кейин манави аҳволга тушади? Туришига қарасанг, алкаш деб ўйлайсан, лекин айтаётган гаплари галати» дея кўнглидан ўтказди Элёр ва ўрнидан турди.

У эшикдан даҳлизга ўтганида кўшни хонадан гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди. Беихтиёр қулоқ тутди.

«Юзталикларини алоҳида, элликталикларини алоҳида тахланглар. Чалкашиб кетмасин. Савил бирдан тахлаб келса, бир жойи камайиб қолармиди?» деди Насима опа.

«Қизиқ, нимани тахлашаётган экан? Шошма, элликталик, юзталик. Наҳотки пул бўлса? Шунақа пуллар борлигини кўп эшитганман. Лекин бирор мартаям кўрмаганман. Қанақа бўларкан? Битта қараб кўрсам-чи?! Эй-й, бошқа хаёлга боришади. Кейин хўжайинга айтишса, балога қолиб кетаман» дея ўйлади Элёр. Аммо, барибир, ички қизиқиш уни ташқарига чиқишга қўймаётганди. У раиснинг ундан-бундан пул олиб, бойлик орттиришини яхши биларди. Лекин эллик, юз...

— Ая, сариқ тангаларни нима қилай? — сўради Паризод бирдан Элёрнинг хаёлини бўлиб.

Йигит чўчиб тушди ва изига қайтмаса, уни биров айбдор қиладигандай ортига ўгирилиб, ўтирган хонасига кирди. Саиднинг кўрпача устида узала тушганча ухлаётганига гувоҳ бўлди. «У маст эди. Бунча тез чўзилиб олди. Ёки ичгани ароқ эмасмиди? Ҳиди, мазаси йўқ эди. Худди сувга ўшарди. Лекин бошимни қизитди-ку... Тавба, икки йилдан бери бу уйга келаман-у, ўзимни биринчи марта ўғирликка келгандай ҳис қиляпман. Бир гап бор. Бекоргамас...»

Йигит ўйини охирлатмай туриб, унинг ортидаги эшик очилди. Элёрнинг юраги шиғиллади ва бирдан ўгирилди.

— Ҳа, нима бўлди? Нимага довдираб турибсан? — деди унга еб қўйгудек тикилиб турган Насима опа.

* * *

Унинг ишга иштиёқи баланд эди, шу боис саҳарлабдан уйғониб мол-ҳолга қаради. Ювиниб, сингиси, энасининг уйғонишини кутмасдан, примус пилигини ёндирди. Устига чойнак қўйди. Сўнг сийраккина соқолини қиртишлашга тушди. Уни ҳам дарров уддалагач, соатга қаради: эндигина олти ярим бўлибди. У бошини қашлаб, сўрига борди. Кўзи кўча тарафдан тўртта қўйни ҳайдаб келаётган отасига тушди. «Бировларни гапиргулигим йўқ экан-ку. Ана, отам ҳам пахтанинг ичига қўйларни боқиб келаяпти. Эй, азалдан шундай-ку, нима қиламан арзиман нарсага бошимни қотириб?» дея ўйлади у ва отасига ёрдамлашиш учун унинг истиқболига юрди.

— Битта қўчқор опкеп, орасига қўшмасак, бўлмайдиганга ўхшайди. Валиникини зўрға ажратдим. Бирдан иккитаси қочибди. Савилга «Тураверсин, эртага чиққанда, ажратиб оларсан» десам, «Ориқлаб кетади» дейди, ярамас. Бўлмаса, икки соат гаплашиб турдик. Қанча одамнинг гийбатини қилдик. Ўз оғзи билан қишлоқнинг ярмини хасисга чиқариб ташлади. Мен ҳам аҳмоқ бўп, унинг гапини эшитиб тураверишман. Қўчқори иргишлаб қолганидан кейин чопқиллаганини бир кўрсанг эди. Аввал мен содда нима экан, деб ҳайрон бўпман. «Ҳар куни икки коса макка бераман!» деб бақирди у. Шундан кейин билибман, — дея кулди Норқул ака.

Лекин ўғил кулмади. Отасига жиддий боқди.

— Нимага безраясан? — сўради ота.

— Безраймаяпман. Кеча қўчқорни сўймаганингизда, бугун Вали акадан шу гапни эшитмаган бўлардингиз, — жавоб берди Маъруф.

Норқул ака шу заҳоти:

— Сен аҳмоқ ниманиям биласан? — дея ўғлининг бошига шапатилаб қўйди.

— Нима қилдим? — деб йиғламоқдан бери бўлиб отасига тикилди Маъруф.

— Менга ўхшама, дегандим-ку, сен эшшакка.

— Бўлмаса, кимга ўхшай?!

— Итга ўхша! Ҳайвонга ўхша! Лекин менга ўхшама!

Ўхшайдиган бўлсанг, умринг сувчиликда ўтади. Биров билан келишолмайсан. Юрасан, моховдан бир тукинг фарқ қилмай. Тушундингми?! Баҳромгайм ўхшама. Раисга ўхша! Анави падарингга лаънат мешқорин Ҳайбатуллога ўхша! Ҳа-а, Ҳайбатуллонинг қизига уйланиб ол! Ошифинг олчи, пичоғинг мой устида бўлади! Оқшом қизи билан гаплашиб тургандинг-ку! Ўлиб ўтирган бўлса, шартта қулоғини тишла-да, номард! Нима қиласан лаллайиб?.. Лаллайиб, мен нима топдим?.. Кўзимни эртароқ очсам бўлмасмиди? Ўқишнинг, казо-казоларнинг этагини тутишнинг иложи йўқмиди? Бориди. Керак бўлса, райондаги ҳамма магазинга мол тарқатадиган база директорининг қизига уйлансам бўларди. Лекин мен уйланмадим. Унинг ўрнига, қилдай камбағал, чоригини зўрға судраб юрган, ўзимга ўхшаган чўлоқ — Эшбўрининг қизига уйландим. Кейин, кейин ҳаммаси расво бўлди!..

Норкул ака гапиришдан тўхтади. Унинг юзи қизарган, кўзи олайган, қўли мушт бўлиб тугилганди. Маъруфнинг эса ранги докадай оқариб кетди. Чунки у умрида отасидан бунақанги гап эшитмаганди. Эшитишни тасаввур ҳам қилолмасди. Тўғри, отаси тўпори, содда, оғзига келганини қайтармайдиганлар хилидан. Аммо бирор марта бўлсин, хотини, болаларини камситмаганди. Бирдан кутилмаганда бундай дейиши йигитни бутунлай довдира-тиб қўйди.

Норкул ака бир муддатлик жимликдан сўнг чуқур нафас олиб, Маъруфнинг елкасига қўлини ташлади-да:

— Болам, мендан хафа бўлма. Ичим куйиб кетганидан шундай дедим-да. Ўтириб-ўтириб, алам қилиб кетди... Аслида, энангнинг ўрнини босадиган аёл йўқ. Унинг баҳоси йўқ... Сен ҳам менга ўхшамай, кимга ўхшардинг?.. Яхшиям ўшанда база директорининг қизига уйланмаганим. Бўйнимга тоза осилиб олганди. Юришимга қўймасди. У пайт ёш эдим, оёғим бутун эди, — деди.

Бу гапларни айтгач, Норкул ака хўрсинди ва ўғлининг елкасига қоқди:

— Чойингни ҳали ичмаган бўлсанг керак. Юр, чой ичвол. Кейин ишга кетасан.

Ота-бола ҳали сўридаги чорпоя ёнига етишмаганди. Орқа тарафдан овоз келди. Иккиси бараварига ўгирилди

ва кўзлари Ҳайбатуллога тушди.

— Инсоф борми сизларда?! — бақирди колхознинг бош агрономи бор овозда ҳозиргина айтган гапини так-
рорлаб.

Ота ўғилга, ўғил отага қаради.

— Оқшоми билан ухлатмадинглар-ку. Кимнинг трак-
тори эди патиллаган?..

Норқул ака ўғлига:

— Сен бориб чойингни ичавер, аралашма, мен ўзим гаплашаман, — деди.

Айни пайтда Маъруф аламини кимдан олишни бил-
май турганди. Буни ота ич-ичидан сездди. Агар ҳозир
ўғли ўзи билан бирга Ҳайбатулло хомсемизнинг ёнига
борса, уни бирон нима қилиб кўйиши кундай равшан
эди.

Маъруф отасига итоат этди. Норқул ака эса бош агро-
номнинг ёнига борди.

— Кимиди у? — сўради Ҳайбатулло қўшнисига ўқрай-
иб.

— Ака, меҳмон келувди. Трактори сал носозроқ экан,
узр. Билганимда, «Тракторингни ташлаб кел», дердим,
билмабман-да.

— Ким эди у? — деди бурнини жийирган бош агро-
ном.

— Сиз уни танимайсиз. Кўшни колхоздан. Маъруф-
нинг бирга ўқиган жўраси. Отасининг тракторини ми-
ниб кепти.

— Ҳе, — дея Ҳайбатулло ерга чирт этказиб тупурди.
Сўнг: — Кўр кўрни қоронғида топган экан-да, — деди ва
шартта ўгирилиб кета бошлади.

Норқул аканинг жаҳли чиққанди. Шунга қарамай, у
ҳеч нарса деёлмади. Ўғлини ўйлади. Илгари ўйламасди.
Бугун ўйлади. Боя ўзи-ю ўғлини хотинига қўшиб ҳақорат-
лаганида, қаттиқ сиқилганди у. «Бўлди, бундан бу ёғига
қайсарликни бас қиламан. Мен шунақа бўлсам, бошқа-
ларда нима айб? Боламни ўқишни битиргани, ишга жой-
лашгани учун айблаяпманми? Қайси аҳмоқ ота шундай
қилади? У мен эпллмаган ишни болади-ку. Ўзим одам
бўлмаганим етмагандай, энди буниям олдини тўсайин-
ми? Чапаниликнинг вақти ўтганга ўхшайди. Шу болам

учун бундан бу ёғига созгарчилик қилишимга тўғри келади», деган қарорга келганди у. Шу сабабли ҳам Ҳайбатуллонинг ортидан индамай кузатиб қолди.

— Ҳайвон! — деди Норкул ака чорпоя ёнига қайтиб келиб. — Битта тракторга тузукроқ глушитель тополма-санг, нима қип участка агрономи бўп юрибсан?

— Ороми бузилибдими? — дея юзидаги табассумини яшириш мақсадида бошини эгди Маъруф (у отаси билан Ҳайбатуллонинг гапини эшитмаганди. Шу боис юзида кулги пайдо бўлганди).

— Энасини эмсин... Айтганча, энанг ҳалиям дастурхон ёзмабди-ку, — деди Норкул ака ва чорпояга чиқаётиб, бошини уй томонга бурди-да: — Кампир! Ў, кампир! — деб бақирди.

Кампири ошхонада эди. Боя чоли (шуниси қулайроқ) Маъруфни уришганини эшитганди. Шу боис унга бир парча тегиб қолганди. Ўғил юпатилди. Аммо юпатувни аёл эшитмаганди-да, шу боис қовоғини осиб олганди.

Чорловига жавоб бўлмагач, Норкул аканинг қошлари чимирилди. У ўзига ўзи ваъда бериб қўйганлиги учун хотинининг пўстагини қоқолмади. Бунинг устига, икки уй наридаги ҳамсоя келиб қолди. У уйқудан яқиндагина уйғонганлиги боис қовоғининг шишгани йўқолмаганди.

— Абдураҳим ака келди, — деди Маъруф.

Норкул ака бўйнини чўзиб, кўча томонга қаради. Афти бужмайди. Сўнг ўғлига юзланиб:

— Ўзинг гаплаш шу турқи совуқ билан, — деди.

Аммо уларнинг суҳбати қовушмади. Тўғрироғи, Абдураҳим она сути оғзидан кетмаган болани менсимеди.

— Отанг ҳали ўлмаган бўлса керак?.. Охирги пайтларда гўдайтиб қолган отангнинг гапини олайлик-да, — деди у кесатиб.

Маъруфнинг бир жони чиқди, бир жони чиқди. Қўйиб берса, бу ношуднинг оғзи-бурнини қон қилишга-да тайёр эди. Уйга келганни ит қопмас, деган гап бор, шу ваддан у индаёлмади.

— Билдик, ака! — деди чорпоя ёнига келган Абдураҳим овозини баландлатиб. — Уйингизга битта трактор кепти. Шунини деб, бутун қишлоқни кўчириб юборай дедингиз-ку.

Буниси Норкул акага ортиқчалик қилди. Боя Ҳайбатуллони азбаройи амали, ўели унинг қўлига ишлагани бориши, қолаверса, кеча кечаси қизи Маъруфнинг йўлини пойлагани ва келажакда ўша қиз келин бўлиб, унга бир пиёла чой тутқазishi эҳтимоли борлигини ўйлаб, чидаганди.

— Энангни эмгур, нима бало деяпсан?! — деди бирдан жаҳл отига минган Норкул ака.

— Ҳа, ўзгарибсиз. Битта трактор уйингизга келганига шунчами? Худо кўрсатмасин, саёқ болангиз бирор амалга миниб қолса, уриб бошимизни ёраркансиз-да, — деди Абдурахим бурнининг остидаги мўйлабини пирпиратиб.

— Падарингга лаънат, сен итга нима?! — деб Норкул ака ўшқирди.

Абдурахим қараса, аҳвол чатоқ. Бу чўлоқнинг қони бир қайнадими, совиши қийин.

У ортига ўгирилди-ю, қочишга тушди.

— Энангни эшак тепкур! — дея бақирган Норкул ака қўлига илинган нарсани улоқтирди.

Биронтаси ҳам мўлжалга тегмади. Абдурахим шаталоқ отиб қочди. Норкул ака эса жойига қайтиб ўтирди-да, кулди.

— Эшшак. Садқайи редакция кетсин. Беш-олти йил илгари ўнинчини битириши билан райондаги редакцияда ишловди. Хийла ўзгарувди. Кейин ўқишни битирди. Ёзувчи бўлди, деб эшитувдим. Лекин ёзганларининг биронтасиниям кўрмаганман. Бундан чиқди, гўрам нарса ёзмаган-да. Аммо нима бўлгандаям, одам бўлмабди. Отаси бундан тузукроқ эди. Неча йиллаб бригадирлик қилган. Тўғрини тўғри, эгрини эгри дерди. Бировларнинг гапига кирарди-ю, лекин бунчаликмас... Аслида, буям кирмаган, Ҳайбатуллога яхши кўриниш учун уйқудан турар-турмас, бу ёққа чопган. Айтганча, бу валак-салак шаҳардан қачон келиб, қачон мешқорин билан кўришиб?.. Эй, бошим оғриди, ундан нарига ўтиб кетмайди-ми?

Маъруф бошини эгиб ўтирар, отасининг гапини эшитиб-эшитмасди. Чунки мана шу ўтган бир кун уни яхшигина эзиб қўйганди. Бор-йўғи бир кун. Ишга кирганини ҳис қилишга улгурмай, бир ботмон юк елкасига

тушгандай бўлди.

— Дастурхонни энангнинг қўлидан ол, — деди ота ўйга толган ўғилга.

Маъруф уйқудан уйғонган одамдай чўчиб тушди ва дарров ўрнидан турди.

Намуна опанинг ҳалигача қовоғи солиқ, арази кетмаганди. Шу боис ҳеч бир сўз демай, ортига ўгирилди.

Нонуштадан сўнг кийиниб йўлга тушган Маъруф қадмини тезлатди ва шу билан бирга ҳеч нарсани эсламасликка ҳаракат қилди.

Баҳром ака гаражда тракторнинг орқа баллонига суянганча ким биландир гаплашиб турарди. У Маъруфнинг саломига шунчаки бошини қимирлатиб қўйди-да, ҳамсуҳбатининг сўзларини тинглашда давом этди.

— Одам бундай бўлмайди-да, Баҳром ака, нима деган гап? Бош агрономнинг ўзи бир ҳафтадан бери қатнайди. Қани, эплаёлса?.. «Ундай қил, бундай қил» дейди-да, соя-салқинни топиб ухлайди. Унинг айтганини қилсак, участканинг бир жойи баланд, бир жойи паст бўп қоляпти. Тўғриси, юравериб, тинкам қуриб кетди. Шу, менинг ўрнимга бошқа тракторчини жўнатиб, — дея нолувчи ранги ўчиб кетган эски дўпписини олиб, пешонасидан оқаётган терни артди.

— Сен қилолмаган ишни бошқа ҳеч ким эплаёлмайди. Раиснинг ўзи сен боришингни айтган. Мени бўлса, бугун бошқа жойга ишга буюришди. Боролмайман. Борган тақдиримдаям, Ҳайбатулло билан жиққамушт бўп қоламан. Ўзи у ифлоснинг ялтоқланиш, ароқ ичиш, ухлашдан бошқа нарсага калласи етмайди, — деб Баҳром ака бир муддат Маъруфга тикилиб турди-да, — битта иш қилсак-чи, — деди.

Тракторчи билан ёш агроном унинг юзига термилди.

— Маъруф, сен борасан. Институтда узум қандай экилади, оралиқлари қанча масофа бўлади, ҳаммасини ўқигансан. Ўқиганмисан ўзи? — дея Баҳром ака унга синовчан тикилди.

— Ўқишга ўқиганман, лекин...

— Энди ўқиш билан ўқишнинг фарқи бор-да. Бундай олиб қарасанг, Ҳайбатулло хомсемиз ҳам шаҳарнинг кўчасини беш йил чангитган. Ошқовоқдан маза олса бўлади,

лекин у валак-салакда таъб деган нарса бутунлай йўқ... Хуллас, бор, кўр, эплосанг, ана, эплосмасанг, шундай қайтиб келавер. Сенга биров бир нарса демайди. Мен еттинчи биргадда бўламан.

Баҳром ака бошқа ҳеч нарса демади. Кетди.

Узум экиладиган майдонга етгунларича, Маъруфнинг боши қотди. Ўзича заганни тасаввур этар, ўзича режа тузар эди. Лекин кўпроқ кўрқаётганди. Эплосмаса, калласидан тузукроқ гап чиқмаса, тамом, биров сариқ чақага олмай қўяди. Биринчи қадам ҳамма нарсани ҳал қилиши керак.

Манзилга етганларидан кейин заган бошида турган бригадир, яна уч-тўрт одам тракторчига ҳайрон бўлиб тикилишиди.

— Баҳром ака келмадими? Чатоқ бўпти-да, — деди бригадир.

— Келмади. Манави ёрдамчисини қўшиб юборди, — дея тракторчи Маъруфни кўрсатди.

Ҳамма бараварига Маъруфга қаради.

— Мен аҳмоқ эканман-да, — деди жаҳли чиққанидан қошларини чимирган бригадир. — Келиб-келиб, шу ёш болани жўнатадими? Ўзи келганда амалидан тушиб қолармиди?! Эй, менга нима, ана, мешқориннинг ўзи эксин, — дея бригадир энди ортига ўгирилиб кетмоқчи бўлганида, уни Маъруф тўхтатди.

У шу пайтгача далага термилиб турганди.

— Битта гап айтай, кейин кетсангиз ҳам, майли, — деди йигит хиёл жилмайиб.

Қорувли, тажанг бригадирнинг жаҳли чиқди. Келиб-келиб, шу жинқарчанинг гапини эшитадими?

— Манавиларга айт! — деб у ишчилар билан тракторчини кўрсатди. — Ҳе, валак-салак!..

— Чорхона қилиб экиш керак, — деди Маъруф ичидагини айтмаса, бригадир кетиб қоладигандай.

— Қанақа чорхона?

— Оддий, ўртадаги культиваторнинг иккитасини олиб ташлаб, икки четдагисини қолдириш керак. Кейин математика дафтар чизигига ўхшатиб, чорхона қилинади. Аввал тўғрисига, сўнгра кўндалангига чизиқ тортилади. Чизиқлар кесишган жойга узум экилади. Тамом.

Бригадир бир муддат унга термилиб турди. Сўнг келиб, елкасига қоқди.

— Маладес! Калланг ишлайдиган бола экансан. Ҳали сендайини кўрмагандим. Ақл ёшдамас — бошда, деганлари шу бўлса керак-да. Бўлмаса, Ҳайбатулло хомсемиз нималар деб ташламади?.. Отанга балли! — деди.

Маъруф бирор сўз айтмади. Бошини хам қилганча келган томонига кета бошлади.

— Ҳов бола, қаерга, нега кетяпсан? — бақирди бригадир.

— Бундан бу ёғига менинг керагим йўқ, бемалол ўзларинг эплейсизлар.

У нақ икки соатдан сўнг Баҳром акани топиб, ёнига етиб борди. Агроном ғўза гулларини кузатиш билан овоза экан.

— Нима бўлди? Эплогмадингми? — сўради у Маъруфни кўриши билан.

— Айтдим, «Чорхона қилиб экинглар» дедим. «Культивациянинг ўртадаги иккитасини опташланглар» дедим, — деди Маъруф беҳафсала.

— Эй, қара, шу нарса меням калламга келмаган экан.

— Лекин, Баҳром ака, ҳозир узум экадиган пайт эмаску.

— Юқоридан буюрилган. Тўғрироғи, эрта баҳорда айтилувди. Энди экишаяпти. Раис билан Ҳайбатуллонинг иши. Йўқ бўп кетмайдими? Энди сен лабораторияга бор. Кеча мен топшириқ бериб келувдим, нима бўпти, шуни сўра.

Кўп юрганидан кечга бориб Маъруфнинг тинкаси қуриди. Шу боис судралиб, қишлоғига етиб олди. Уйига бориб, ўзини ўринга ташлаб ухламоқчийди. Лекин...

Аввал онасининг овозини эшитди. Бирдан юраги ҳаприқди. Қадами тезлашди. Кейин бунгаям қаноат қилмасдан югурди. Шунда синглиси:

— Ота-а-а-ж-ж-о-о-н! — дея бақирди.

* * *

Элёр Насима опани четга суриб, ташқарига югурди. Кутилмаганда, олдидан Паризод чиқди ва иккиси тўқнашиб кетди. Қиз орқага қулади. Боши полга тегиб, гурсиллаб кетди. Паризод бирдан бақириб юборди-да, инг-

рай бошлади. Насима опанинг кўзи косасидан чиққудай олайиб, жон-жаҳди билан Элёрнинг орқасидан итариб юборди. Йигит шўрлик қизни босиб кетмаслик учун аранг унинг устидан сакраб ўтди.

— Боламни ўлдириб қўйди! Болам тамом бўлди! — дея ўкирди Насима опа.

Шу заҳоти Саид уйдан югуриб чиқди ва ҳанг-манг бўлиб қолган Элёрнинг ёқасидан олди-да:

— Энангни эмгур, жиянимни нима қилдинг?! Ҳозир сени сўйиб ташлайман! — деб ўшқирди.

— Мен... Сиз... маст эдингиз-ку!

— Мана сенга мастлик!

Башарасига теккан муштдан Элёрнинг кўз ўнги қоронғилашди, у мувозанатини йўқотиб, деворга суяниб қолди. Худди шу маҳал унинг биқинига ҳам мушт тегди. Йигит икки букилди.

— Мен нима қилдим?! Ўзи...

Аммо у гапини охиригача етказолмади. Бутунлай қутурган Саид унинг дуч келган жойига тепа бошлаганди.

— Бўлди! Бўлди, ўлдириб қўясан, ичкарига киргиз! — дея бақириб, Насима опа Саидни тўхтатди.

Элёр судралди. Оғзи-бурнидан оқаётган қон қип-қизил гиламни баттар қизартирди.

— Нима қилдим? Нега уряпсиз?! — деди чиққан хонасига олиб кириб, ётқизилган Элёр.

— Ҳа-а, ергина етгур! Ҳа-а, офат бошингдан кетмагур!.. Нимага урасан, дейдими?! — қарғанди Насима опа.

— Ичак-чавоғини бошига салла қип қўяйинми, опа! Шунда билади бу ифлос нимага мушт еяётганини! — дўриллади Саид.

— Сўраганимга жавоб бермаса, шундай қиласан.

— Ая, ўлдирасизларми?! Қамаб қўйишади-ку! — сўради қўрқиб кетган Паризод ранги докадай оқариб.

У Элёр билан йиқиладиган даражада тўқнашмаган эди. Шунчаки йигит унга тегиши билан ўзини орқага ташлаб юборган ва гурсиллаган овоз чиқариш учун қўлини полга қаттиқроқ урганди. Шу боис қўлини уқалаб турарди.

— Сен бор, хонанга кир! Ишинг битди! — дея бақириб берди Насима опа.

Қиз аразлаган қўйи бир аясига, бир тоғасига қаради.

Сўнг ачингандай йигитга кўз ташлаб қўйди-да, чиқиб кетди.

— Сен ифлос, энди менга айт! — деди Саид ўкирганча тиззалаб ўтириб, Элёрнинг ёқасидан оларкан. — Раисни қаерга ташлаб келдинг?!

— Айтдим-ку.

— Айтдим-ку?! Мана сенга!

Элёрнинг жағига яна мушт келиб тегди.

— Мараз! Мен опамнинг устидан кулишларига йўл қўймайман! Областда колхозлар тиқилиб кетган бўлса, ҳар ҳафта обкомда унга пишириб қўйибдими?! Гапир, ярамас!

— Бўпти, бўпти, — дея бошини қимирлатди Элёр, — ҳозир обораман.

— Обораман?! — деди бирдан ҳайратга тушган Насима опа.

— Ҳа, райком ўринбосарининг ҳайдовчиси ёнига. У опкетган. Ҳар доим Толмас ака райком ўринбосари билан бирга кетади.

— Қайси ўринбосари? — сўради Саид Элёрнинг ёқасидан қайта-қайта тортқилаб.

— Биринчи ўринбосари.

— Саъдулла Ғайбуллаевичми?

— Билмайман.

— Биласан.

— Ҳар балони биласан, — деб Саид бошини кўтарди-да, Насима опага қаради: — Опа, уйда телефон ишлаб турибдими? — деди иржайиб.

— Ҳа-а, ишлаяпти, — жавоб берди Насима опа.

— Ҳозир манави итнинг оёқ-қўлини боғлаб ташлайман. Кейин ўзим Саъдулла Ғайбуллаевичга телефон қиламан.

— Вақт алламаҳал бўп қолди. Шундай пайтда райком ўринбосарига телефон қилсанг, қандай бўларкан? Поччанг ундан каттароқ амалда бўлганидаям, майлийди...

Саид кўзини қисиб қўйди:

— Саъдулла ака билан ошнаимиз. Неча марталаб ошқатиқ бўлганмиз. Қамоқдан чиққан кунимоқ кўргани келган. Битта қўйни етаклаб, биттасини тандир кабоб қилиб опкелган.

У опасига арқон олиб келтирди. Сўнг эринмасдан Элёрнинг оёқ-қўлини боғлади. Шундан кейин йигит билдики, аҳвол ўйлаганидан анча мураккаб. Бирон нима қилмаса, бу ҳўкизбашара сўйиб ташлашдан ҳам тоймайди-ганга ўхшайди. «Ростини айтсаммикан? Айтсам, «Обор» дейди. Ҳозир булардан оладиганимни олдим. Кейин раиснинг навбати келмайдими?.. Сотиш ярамайди. Раис ким бўлиши, қаерга бориши, нима иш қилишидан қатъи назар, тилимни тийишим керак. Амаллаб манави махлуқларнинг қўлидан қутулиб чиқсам, кейин нима қилишни ўзим биламан» хаёлидан ўтказди у.

* * *

Сумбулхон Толмас Бадридиновичнинг никоҳида эди. Бунга кўп бўлган. Аввалига раис шунчаки кўнгилхушлик учун у билан кўришиб турмоқчи бўлди. Бироқ бунга аёл рўйхушлик бермади. Истарали, гўзал ва айни дамда меҳрибон бўлган жувон тасодифан бозорда Толмас Бадридиновичга дуч келди. Тўғрироғи, иккиси ҳам қассобнинг гўшти устида талашиди. Кун адоқлаб, бозор охирлаган, одамлар деярли қолмаганди. Қассоб эса ҳали дўконини ёпмаганди. Тўрт кило гўшти бор эди, «Шуни сотай, эртагаям овора бўлиб юрмай», деди ва қўлини иягига тираб, мижоз кутди. Ниҳоят, иккита одам келди. Қассобнинг ялиниб-ёлворишига қарамай, бир килодан олишди. Улар кетгач, қассоб икки марта нос чекиб туфладики, биров келмади. «Жонимгаям тегиб кетди. Жа ортса, уйда бугун чорагини шўрва қилдираман» деган хаёлда энди ашқол-дашқолини йиғиштираман, деб турганида, олдинма-кейин бир эркак ва жувон келиб қолди. Қассоб аввалига уларни эр-хотин бўлса керак деб ўйлади. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Аввал эркак етиб келиб:

— Гўшт борми? — деб сўради.

Қассоб бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилгач:

— Эй-й, хайрият. Тўрт кило тортинг, — деди.

— Сал эртароқ келмаган экансиз, бор-йўғи икки кило қолди, — дея қассоб афсус билан мижозга термилди.

— Меҳмонлар кўпроқ эди-да, эй-й, майли, картошкадан дадилроқ соламиз-да, бормаган жойим...

— Гўштингиз қолдими? — дея унинг гапини бўлди шу

пайт ҳаллослаб етиб келган жувон.

— Охирини манави акам олди, — дея қассоб рўпара-сидаги одамни кўрсатди.

— Во-о-й, энди нима қиламан? — деди жувон кип-рикларини пирпиратиб.

— Магазиннинг гўштидан оласиз-да, нима қилардин-гиз? — луқма ташлади Толмас Бадриддинович.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат. Ўзингиз магазиннинг гўштидан олиб, менга қассобникини бера қолинг. Ҳар қалай, эркак кишисиз...

— Эркаклигимнинг гўштга нима алоқаси бор? Агар бошқа пайт бўлганида, умуман олмасдан кетардим. Ле-кин меҳмон бор-да уйда. Қайтага, сиз аёлсиз, сизни бо-зорга жўнатиб, ўзи оёғини кўтариб ётган анави барака топгурга битта аччиқ қилсангиз, олам гулистон. Ундан кейин, овқатни ўзингиз қиласиз, қандай гўштдан овқат қилганингизни ким билиб ўтирибди?!

— Раҳмат! — деди жувон аччиқ киноя билан. — Жуда яхши маслаҳат бердингиз. Менимча, сиз гўшт қидириб овора бўлганга ўхшайсиз. Уйга кирволиб, оёғингизни де-ворга тираб, хотинингизни магазинга жўнатмабсиз-да...

— Агар уйга гўшт олсам, шундай қилардим...

— Мен ҳам айтганингизни бажонидил бажарардим, агар уйда эрим бўлганида.

Қассоб пиқ этиб кулиб юборди-да:

— Гўштни, балки иккига бўлиб берарман, — деди.

Раис унинг гапига эътибор ҳам бермай, жувонга бош-дан-оёқ қараб чиқди.

— Ҳа-а, — деди бундан жаҳли чиққан жувон, — кий-им-бош обериш учун размеримни ўлчаб кўряпсизми? Жа бошқача қараяпсиз.

— Кечирасиз, ҳайрон бўлаяпман. Сиздай аёлнинг эри йўқлигига тушунолмаёпман.

— Эркак зотининг ҳаммаси бир. Сал...

— Йў-ў-ў-қ, шу гапни айтманг. Биламан, бир гўрлиги-мизни. Яхшиси, майли, гўштининг ҳаммасини олинг, мен шофёримга айтаман, бирорта курка-пурка топиб келар.

Жувон мамнун жилмайиб, қассобга қаради.

— Ютдингиз, — деди сотувчи лаб-лунжини йиғишти-ролмай.

— Синглимникига қанча вақтдан бери энди боряпман. «Ҳамма нарса ол-у, гўштни менга қолдир», дедим. Гапимда турмасам, уят бўлади-да, — деди жувон табассумини яширолмайд.

— Сизда йўқ экан, синглингизнинг эри бордир, ҳаракатини қип қўйгандир, — луқма ташлади раис.

— Ҳали студент синглим. Эрга тегса, қуп-қуруқ бораман.

— Оббо! Бўлмаса, энди сизга бир гап айтаман, кўна-сиз. Сиз ҳам менга ўхшаб райондан келганга ўхшайсиз. Йўл бўйида шофёрим кутиб турибди. Синглингизники-гача обориб кўяман, рози бўласиз.

— Ёшингиз элликка бориб қолган бўлса керак. Ҳалиям қуйилмабсиз-да. Набиралар олдида уялиб қолманг тагин.

— Набирагача ҳали бор.

— Янгамуллодан рухсат олганмисиз?

— Э, янгангиздан сўрайдиганлар хилиданмасмиз. Шу гапларингиз ёқиб қолди-да. Жа, бошқача гапираркансиз. Гўштдан айрилганга яраша, икки оғиз гаплашиб кетмасам, қарздор бўлиб қоласиз. Шу, мен ўзимниям, биров-ниям қарздор бўлишини хоҳламайдиганлар хилиданманда.

— Ҳа-а, ака, — деди қассоб кулиб, — бу яхшигина овчига ўхшайсиз.

— Бизда овчилик қоптими, ука? Ширин сўзнинг гадо-си бўлиб қоларкансиз. Ундан у ёғига... Ҳали нима дерди? — дея иржайди Толмас Бадриддинович. — Шу ердан ҳам яхши кўринаяпти, дермиди?!

Учовлон орасида шўх кулги кўтарилди.

— Унда нима қиласиз бошингизни қотириб? — деди жувон. — Мошинангизга ўтирволиб, кўзингизни суғориб кетаверинг-да!

— Ха-ха-ха-ха!!! — дея қассоб бақириб кулиб юборди.

Унга раис ҳам кўшилди.

— Мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўлурсан мендек, деган гапни эсингиздан чиқарманг, ука, ана унда кулиш бошқача бўлади! — деди у кулгидан ўзини тўхтатиб.

— Қўрқитманг, ака, — дея қассоб иржайган кўйи гўштни жувонга узатди.

— Менга беринг, — деди Толмас Бадриддинович ва гўшт солинган қоғоз халтани жувоннинг қўлидан олди.

Бозордан чиққунча жувонни илинтириш истагида бўлган эркак суҳбат асносида билдики, у енгил хулқлилар сирасига кирмаскан. Бироқ кўнгли сушт кетди.

— Бугун вақтингиз қанақа? — сўради у чўчиброқ.

— Вақт масаласи оғир. Ҳали айтдим, синглимнинг туғилган куни. Эртароқ бориб, дастурхон тузашига ёрдамлашим керак. Кейин дуч келган эркак билан валақлашиб ўтирадиган одатим ҳам йўқ, — жавоб берди жувон энсасини қотириб.

— Мен дуч келган эркакмасман. Ундан кейин, биласизми, итлик қилиш ниятим умуман йўқ. Ишонаверинг.

— Аввалига эркак зоти шундай дейди-да... Гўшт сабаб танишдик. Энди ўзим гўштга айланиб қолмайин... Меҳмонларингиз бор эди, адашмасам?! Ҳар қалай, боя шундай деяётгандингиз. Боринг, улар билан чақчақлашиб ўтиринг.

— Исмингизни айтдингиз, қаерликлигингизни айтдингиз. Сира тортинмадингиз...

— Шу билан дарров бошқача хаёлга бораяпсизми?

— Борганим йўқ, ўлай агар. Лекин сиз билан гаплашгим келаяпти. Шунчаки. Одам баъзи пайтлари шунақанги аҳволга тушиб қолади-ку.

— Қўйинг бунақа гапларни, кап-катта одамлармиз, уят бўлади. Ундан кейин мен умуман турмуш қурмаганман. Гаплашиб ўтирганингиздай сизни зериктириб қўйишим мумкин. Яна сал қайсарроқман. Феълимда қўполлик ҳам бор. Шунинг учун сизга ваъда бериб айтаманки, мен билан гаплашиб, барака топмайсиз.

— Ана шу дангаллигингиз учун ҳам бир пиёла чой устида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирамиз. Ҳозир бундай қиламиз: мен ошналарим билан кўришаман. Кимнингдир уйига бориб, икки кило гўштни қовуртирмайман. Ҳаммасини авраб, ресторанга обораман. Эй, борсин-э, ўзим ҳақ бераман, икки соатча ўтираман, кейин секин қуён бўламан.

Сиз синглингизникидаги ишларни битирасиз, бунгача икки соат бемалол ўтади. Сўнг ёшларнинг ўзларини қолдириб, аста кўчага чиқасиз. Мен ҳайдовчимга жавоб бе-

риб юбориб, ўзим таксида синглингизнинг уйи ёнига бориб, кутиб тураман. Чиқасиз, мошинага ўтирасиз, кейин бирорта ресторанга борамиз.

— Сиз...

— Ўлиб кетай агар... Мутлақо шил-қимлик қилмайман, итлик ҳақида эса хаёлингизнинг бир чеккасига ҳам келмасин.

Сумбулхон нима дейишини билмай, бироз ер чизиб қолди. Охири рози бўлди. Чунки синглисининг тенгдошлари орасида ўтириш унга ниҳоятда зерикарли туйилаётганди. Қолаверса, уларга халақит берадигандай эди... Яна, яна унинг кўнгли суҳбат тусаётганди. Шунчаки, қайсидир хотин билан бошқа бир хотиннинг ғийбатини қилишни эмас, яна муштдай қизчалар билан гаплашишни ҳам эмас, эркак зоти билан шунчаки... Ҳамма нарса тўғрисида эмин-эркин... Ахир илгари ҳам неча марта кўнглида шундай иштиёқ бўлганди. Ўша паллаларда у ўзини ўзи енгарди. «Жинни бўлма, Сумбул», дерди. «Кўнглингни эркалатма. Шарманда бўласан», дерди. Ота-онаси ўқишни битиришини кутиб ўтирмади. Олдин-ма-кейин борса-келмасга жўнаб қолишди. Укаси кичкина эди. Синглиси ундан ҳам кичик: бор-йўғи олти ойлик. Уларни катта қилишга, оёққа туришига ёрдамлашадиган одам бўлмади. Ҳамма нарса бир ўзининг зиммасида бўлди. Мана, укаси улғайди, институтда ўқиди, битирди, ишга кирди. Амал пиллапояларидан сакраб, тобора баландлаяпти. Сингил эса ўқишни битираман деб турибди. Севгани бор эмиш, дипломни қўлига олиши билан турмушга чиқармиш... Сумбулда йўқмиди? Бор эди. Лекин унга тегмади. «Энди ука-сингилларимни вояга етказаман. Эрга тегмайман», деб оёқ тираб олди. Йигит бош-қасига уйланиб кетди. Кейин ўзгалардан совчи келди. Бари изига қайтди... Вақт ўтиб кетибди. У кундан кунга ёлғизланиб бораяпти. Яқин бир-икки йилдан сўнг бутунлай ёлғиз қолади...

Нотаниш эркак унинг оғзига термилиб турганида, у шуларни ўйлади. Сўнг:

— Майли. Фақат ваъдангизда турсангиз бўлди, — деди.

Гап шунчаки йўлига айтилди. Бунга Толмас Бадриддинович ич-ичидан сезиб турарди.

Сумбулхон манзилни айтгач, раиснинг қўлидан гўшт солинган қоғоз пакетни олди-да, йўл четига чиқиб, такси тўхтатди-ю, жўнаб кетди.

Улар кўришишди. Режалаштирилган вақтда айтилган жойда. Кейин ресторанга боришди. Дастурхон тўкин эди. Хушсизлантирувчи ичимликдан бошқа ҳамма нарса бор эди дастурхонда (унга буюртма беришга Сумбулхоним кўнмаганди). Суҳбат қизгин бўлди.

— Менга нима иш қилишингизни айтманг. Исмингизни айтиб қўйдингиз, лекин шарт эмасди. Чунки, биласизми, нима? — деди жувон (аслида қиз) бироз ўйланиб. Сўнг мийиғида кулиб: — Одам бир-бирига қанчалик бегона бўлса, шунчалик очилиброқ гаплашади. Яна сирлариниям бемалол айтаверади. Сабаби, эртага кўришадими-йўқми, билмайди. Лекин баҳонада дилининг ғубори ёзилади.

Сумбулхон шундай деганида, улар эндигина бир пиёладан чой ичишган эди.

— Мана шу гапингиз учун беш кетдим. Агар қаршилик қилмаганингизда, қадаҳни тўлдириб, ароқ ичган бўлардим, — деди Толмас Бадриддинович кўзи чақнаб.

— Унда ичдим деб хаёл қилаверинг. Мен ўзимни доим шундай деб овутиб келаман. Энди гапиринг, — деди Сумбулхоним ўқдай нигоҳини Толмас Бадриддиновичга қадаб.

Эркак бироз довдиради. Тили калимага келмади. Рўпарасидаги ҳамсуҳбатига билдирмай, секин сонини чимчилади. Нем оғриқ унинг забон қулфини бўшатгандай бўлди.

— Нимани гапиришга ҳам ҳайронман... Боя айтмоқчи бўлган гапларим бир дунё эди. Лекин энди...

— Алдаманг, — дея мийиғида кулди Сумбулхон, — боя ниятингиз бошқа эди. Ҳатто мен билан гаплашмаслигингиз ҳам мумкин эди. Ҳали айтдим-ку, оғзингизга нима тўғри келса, гапираверинг деб. Бегоналар, одатда, шундай қилишади.

— Бўлди, келишдик. Лекин-чи, битта нарсани сизга айтай. Мен ичмасдан фақат сизнинг гапларингизни эшитиб, маза қиляпман. Шунақаси ҳам бўларкан.

— Ростини айтсам, мендаям шундай. Яна сиз ич-ичингиздан кутган, аммо сўраёлмаётган гапни ҳам айтишим

мумкин. Ишонсангиз, мен ҳам ким биландир обдан гаплашгим келувди. Фақат аёл киши билан эмас. Бошга ҳар хил кулфат соладиган ишлардан кейин ҳам эмас. Мана шунақа ўтирган ҳолда.

— Сиз менинг рафиқам бўлишингиз керак экан.

— Нега энди бирдан бундай деяпсиз?

— Гаплашиб маза қилипман-ку.

— Аёлингиз билан ҳам маза қилишингиз мумкин. Фақат ораларингда бир-бирларингдан яширадиган нарса бор. Кўзга кўринмас тўсиқ. Яъни сиз хотинингизга ҳамма гапни айтиш мумкин эмас деб ўйлайсиз. Бир томондан тўғри қиласиз. Чунки, айтайлик, ишингизда бирор муаммога дуч келгансиз. Сиқилияпсиз. Агар ўша ташвишни аёлингизга билдириб кўйсангиз, табиийки, уям сиз туфайли эзилиб юради. Демак, ўз-ўзидан тўсиқ пайдо бўлади. Оқибатда юк бир ўзингизнинг елкангизга тушади. Мана шундай маҳаллар газаклаб бораётган ярага ғирт бегона одам малҳам бўлиши мумкин.

— Лекин ҳар доим ҳам сизга ўхшаганлар дуч келавермайди-да. Ташвиш бўлса, одамнинг ортидан қувлаб юради. Агар тўхтасангиз, устингизга сапчиб миниб олади.

— Афсуски, шундай. Лекин мен сизга ҳамиша ҳамсуҳбат бўлолмайман-да. Умуман, ҳозир тўйиб гаплашаман-да, кейин эртага сизни кўрсам, бегонани кўргандай кетавераман.

— Илинж йўқми?

— Йўқ. Азбаройи ўзимни ўйлаганимдан чиқдим шу сафар.

— Оббо. Бу ёғи чатоқ бўлган экан. Унда сизнинг рухсатингиз билан юз эллик грамм ичаман. Балки, рухсат бермасангиз ҳам. Ундан кейин, балки, суҳбатимиз янаям қизиби кетар.

Ростдан ҳам шундай бўлди. Толмас Бадриддинович эътибор берса, қанчадан-қанча одамлар суҳбатида бўлгани билан ҳали одамга ўхшаб гаплашишни билмас экан. Баъзан шундай ҳоллар бўлдики, Сумбулхон кулиб, уни уялтириб қўйди. «Ҳа, энди биз тўпори бўлиб қолганмиз-да. Қишлоқда юравергандан кейин одам шундай бўларкан-да», деб ўзини оқлаган бўлди. Ваҳоланки, илгаридан тўпори эди. Жойи келса, аёлларнинг олдидаям сўкиниб

юборарди. Тўғри, кейин «Шуни бекор қилдим-да», деб юрарди-ю, яна беихтиёр оғзидан гуллаб кўярди.

Улар ресторан ёпилгунча ўтиришди. Ке-йин Толмас Бадриддинович Сумбулхонни кузатиб кўйди. Шу билан бирга, хоним қанчалик оёқ тирамасин, яна учрашишга келишишнинг уддасидан чиқди.

Орадан йигирма кунча вақт ўтиб, кўшни районга иш юзасидан борди-ю, баҳонада Сумбулхоннинг уйига кирди. Жувон очиқ чеҳра билан кутиб олди. Ош дамлаб, меҳмон қилиб, кузатиб кўйди.

Шундан сўнг ҳам раис уч марта уникида меҳмон бўлди. Худди шу учинчисида Толмас Бадриддинович кетаётганида:

— Бундай келишингиз яхшимас. Одамлар кўриб қолса, ҳар хил гап чиқади. Қолаверса, эркак билан аёл бошқалардан холи кўришса, орага шайтон кириб, бир балоларни бошлашга мажбурлаши мумкин. Никоҳсиз бўлган ишнинг охири яхшилик билан тугамайди, — деди Сумбулхон.

— Тушундим, — дея унга бир муддат термилиб турган Толмас Бадриддинович, шартта ортига бурилди-ю, кетди.

Орадан роппа-роса бир ҳафта ўтиб, мулла етаклаб келди. «Бугун икковимизга никоҳ ўқилади», деди. Сумбулхон ҳангу манг бўлиб қолди. Ҳам жаҳли чиқди, ҳам кўнглида қандайдир ўкинч пайдо бўлди. Оппоқ ҳарир кўйлакдаги келинчак, ҳаммадан мафтункор, ҳаммадан бахт-ли... У бир пайтлар ўзини шундай тасаввур этарди. Энди... Энди ёшининг ярмидан кўпини яшаб кўйган, бир нечта боласи бор эркак унинг уйига бостириб кириб, «Сени никоҳимга оламан» деб турибди. На совчи бор, на тўй-томоша. Шунчаки, никоҳига олармиш, тамом-вассалом. «Ҳаддан ошишмасми бу? Ҳе йўқ, бе йўқ, бирдан бундай қилишни ким кўйибди унга?» хаёлидан ўтказди Сумбул ва энди раисни мулла билан бирга ҳайдамоқчи бўлиб турганида, Толмас Бадриддинович:

— Уйингдан ҳайдасанг ҳам кетмайман. Ётволаман. Менинг сенга ёмонлигим йўқ. Ўзим ҳам балчиққа ботмоқчимасман. Мулла икковимизни никоҳлаб кўяди. Кейин биров менга қаршилиқ қилиб кўрсин-чи, — деди.

— Шунақами, унда келишдик. Демак, менинг сизга хотин бўлишимни истайсиз. Майли, розиман, — деди Сумбулхон ва шартта ичкари уйга жой қилди.

Рўмол ўради. Бир коса сув келтирди ҳамда ўзи билан бирга ишлайдиган дугонасига қўнғироқ қилиб чақирди...

Никоҳ ўқилиб, мулла кетгач эса йиғлаб юборди. Юракдан жўшиб, деворни муштлаб йиғлади.

Толмас Бадриддинович уни тушунгандай эди. Шу боисдан ўз ҳолига қўйиб, ташқарига чиқиб кетди. Икки соатларда қайтди. У бир олам бозорлик қилган эди. Сумбулхон ҳалиям йиғидан тўхтамаганди. Дугонаси қанча уринмасин, уни юпатолмаётганди.

— Жиноят қилган бўлсам, айт, ҳозирнинг ўзидаёқ орани очиқ қилиб, сенга етказган зарарни қоплайман, — деди Толмас Бадриддинович.

Сумбулхон бирдан бошини кўтарди. Унинг юзи кўз ёши билан ювилган эди.

— Йўқ! — деди у ўжарлик билан. — Бир ишни бошладингизми, энди охирига етказасиз. Лола иккаламиз дастурхон тузаймиз. Мен тўйимни нишонлашим керак. Сиз, дугонам ва мен. Бор-йўғи уч киши... Ундан кўп одам чақиришга арзимамайман...

У бошқа гапиролмади. Лаби титраб, Толмас Бадриддиновичга қараб қолди. Бир муддат ўтиб, чуқур нафас олди-да, қўл силтади. Жилмайди.

— Шампань опкелдингизми, хўжайин? — деди.

— Ҳа, ҳаммаси бор. Лекин тўйимиз бу ердасиз, шаҳарда бўлади. Синглингга телефон қил, ўша сен билан танишган кунимиз ўтирган ресторанга келсин. Кимни кўнгли тусаса, чақирсин. Мениям таниш-билишларим бор. Ҳақиқий дўстларим бор. Уларга айтганман. Тушундингми? Энди тайёрлан.

— Толмас ака, — гапга аралашди Лола, — тўғриси, бундай бўлишини мутлақо кутмаган эдик. Шошиб қолдик. Қилаётган ишларингиз тўғрими-нотўғрими?..

— Тўппа-тўғри! — унинг гапини бўлди Сумбулхон. — Нимаси нотўғри экан? — дея у юзини Толмас Бадриддиновичга бурди: — Шампань виносини очайлик, илтимос.

Толмас Бадриддинович жилмайди:

— Нега очмас эканмиз? Мана, ҳозир...

Улар ичишди. Толмас Бадриддинович қониқмади. Пиёлани икки марта тўлдириб бўшатди.

Ресторанга ўн бештача одам йиғилибди. Албатта, Толмас Бадриддиновичнинг ошналаридан бошқа ҳамма ажабланган эди. Айниқса, Сумбулхоннинг синглиси Саида ўзини қўярга жой тополмасди.

— Биз Сумбулхон билан оила қуришга келишиб олдик, — деди ҳамма йиғилиб бўлгач, Толмас ака ўрнидан туриб, — тамом. Ҳозирги ўтиришимизнинг сабаби шу. Бу ёғи европаликларникига ўхшаб кетди. Нима қилайлик, ора-чора шунақаси ҳам бўп тураркан. Ҳали насиб этса, каттасиям бўлади. Каттасиниям кўрасизлар. Бўлди.

У шундай деб ўтириб олди ва ошнасига қараб деди:

— Қуй, ичайлик. Бугун ҳар қачонгидан ҳам яхши куним. Умримда ҳали бунақаси бўлмаган.

Сумбулхон унинг гапларини эшитди. Кўзини юмди. «Менда эса бунга яқиниям бўлмаган» дея шивирлади. Сўнг хўрсинди. Хўрсиниши ўзига ёқмади. «Бу нима деган гап? Худо пешонамга шунақанги тақдир ёзган бўлса, нега ташвишга тушишим керак? Йўқ, қувнаб, маза қилиб ўтираман. Унча-мунча ичаман ҳам».

Озроқ вақт ўтиб, озроқ ичкилик ичилиб, озроқ бошлар қизигач, даврада кулги кўтарилди. Фала-ғовур бошланди. Ҳаттоки меҳмонлардан бир-иккиси сўзга чиқди. Албатта, Толмас аканинг ошналари. Лекин бирортаси ҳам «Икки ёш қўша қарисин» демади. «Бахтли бўлишсин» дейишди ҳамда киши билмас кулиб қўйишди. Толмас ака ич-ичидан тилакнинг кесатиқли эканлигини сезди. «Сенларга ўхшаб, ҳаром-хариш юрганим йўқ. Ҳалоллаб оляпман» дея кўнглидан ўтказди. Аммо Саиданинг қарашига бардош бериши қийин бўлди. Ҳар сафар унга кўзи тушганида, қизи Паризод эсига тушаверди. Ана шундай паллаларда. «Қизалоғим, бадбахт отангни кечир» дея хаёлидан ўтказиб, ичкиликка зўр берди. Сумбулхоннинг синглиси опасининг ёнига келиб, унинг қулоғига:

— Опа, ким бу одам? Менга сираям ёқмаяпти, — дея шивирлаганини ногаҳон эшитиб қолди.

Илкис бошини кўтариб, қизга қаради:

— Мен яхши одамман! — деди.

Толмас ака ўзининг яхши одам эканлигини исботла-

шига кўп вақт кетди. Чунки ўжар Саиданинг кўнглини олиш ўзи бўлмасди. У ўқишни битириб, уйига қайтиб, ишга кирганидан кейин ҳам поччасини ҳоли-жонига қўймасди. Доим нимадандир камчилик топар, унча-мунча нарсага кўнгли тўлавермасди. Кейин Толмас акага «яхши одам» деган лақаб ҳам қўйиб олганди. «Яхши одам, ҳафтада бир келишингиз опам бечорага камлик қилаётганга ўхшайди-ёв... Майнавозчиликни йиғиштириб қўйсангиз яхши бўлармиди?..» У бекорга бундай демаганини раис яхши биларди. Ахир шуям оила, рўзғор бўлди-ми? Ҳафтада бир кўришса, шундаям бир-икки соатга... Саида ҳақ эди. Ҳақлигини айтишга эркалиги, очиқ гапира олиши ёрдам берди. Опасидан дакки эшитди-ю, Толмас ака кулиб қўя қолди. Лекин кейинчалик алам қилди. Сумбулхоним билан топишгани, унга уйлангани эмас, шу хонадонга келишга ҳамиша вақт тополмаётгани алам қиларди кўпроқ.

Сумбулхоним ҳомиладор бўлди. У бирам хурсанд эдики, ўзини қўярга жой тополмас, тинимсиз Толмас Бадриддиновичга ташаккур айтар, эрига аввалгидан-да меҳрибончилик кўрсатарди. «Мени ҳаётга қайтардингиз, ҳамма нарсадан кўнглим совиб, дунёга қўл силтагандим. Энди болали бўламан, уни эркалайман, у билан овунаман», дерди у.

Бола туғилмасидан бурун Саида турмушга чиқиб кетди. Ўша ўзи севган йигитга. Сумбулхоним, ҳақиқатан ҳам, ёлғиз қолди. Бахтига, синглисини узатгач, кўп ўтмасдан кўзи ёриди. Кўчқордай ўғил туғди.

* * *

Раис машинадан тушгач, қадамини тезлатди. У Элёрнинг тезда жўнаб кетмай, ортидан қараб турганига эътибор ҳам бермади. Юраги гупиллаб урар, эртароқ суюкли аёлининг ёнига бормаса, нимадир содир бўладигандай эди. Ҳа, адашмаган экан. Сумбулхоним уйда Умрбекни (ҳаётимнинг давомчиси бўлади деб, Сумбулхонимнинг ўзи чақалоққа Умрбек дея исм қўйган) бағрига босганча йиғлаб ўтирарди.

— Нима бўлди?! — ҳовлиқиб сўради Толмас Бадриддинович.

— Дори берсам ҳам, боламнинг сира иситмаси тушма-

япти! Кўрқиб кетяпман! — деди Сумбулхон кўзидан дув-дув ёш оқизиб.

— Эй, хоним, шунга шунчами?.. Ҳозир дўхтир чақирамиз, ҳаммаси яхши бўлади, — дея иржайди Толмас Бадриддинович ва дарров «Тез ёрдам»га кўнғироқ қилди.

Боланинг бор-йўғи тиши чиқаётган экан. Шунга иссиғи кўтарилган, ичи кетган. Ваҳимали жойи йўқ. Бироқ шунга қарамай, Сумбулхоннинг кўнглига ҳеч нарса сизмади.

Эртасига Элёр келмади. Раис кўчада талай муддат туриб қолди. Кейин жаҳл билан йўловчи машинада уйига қайтди. Аввал идорага борди. У ерда ҳам хизмат машинаси йўқ. «Нима бўлди бу болага?» ўйлади ҳайрон бўлиб. Сўнг секретарнинг саломига алик олиб-олмай, кабинетга кирди. Ишни нимадан бошлашни билмай турганида, эшик тақиллади.

— Ким? — сўради зардали овозда.

Эшик очилди. Секретарнинг калласи кўринди.

— Бош бухгалтер келганди, кираверсинми? — деди у тиржайиб.

— Қачондан бери рухсат сўрайдиган бўп қопти, кирсин! — деди Толмас Бадриддинович ўқрайиб.

Калла йўқолди. Эшик очиқ қолди.

— Эшмат! — дея бақирди раис.

Секретарь яна пайдо бўлди. Бу сафар остонада турмади. Отилиб кирди. Кираётиб бухгалтерни туртиб юборди. Бухгалтер секретарь эшитадиган қилиб сўкинди. Эшмат парво ҳам қилмади. Хўжайин чақириб турган палла сўкиш эшитгани унинг учун икки пул эди.

— Элёр қайси гўрда юрибди? Райкомга бориб тур, девдим у эшакка!

Эшматнинг ранги қув ўчди.

— У ҳалиги... Мен сизни уйдამисиз, деб ўйлабман. Машинаси кечаси билан уйингиз ёнида эди. Ўзим хабар олиб турдим, хўжайин. Бирор бола у ер-бу ерига чизиб юбормасин, дедим-да. Лекин ҳамма сизни ҳурмат қилди. Айниқса, кўшнилариингиз...

— Мен сендан шунга сўраяпманми, валак-салак?.. Уйимнинг ёнида пишириб қўйибдими?! Учиб бориб, чақириб кел бу ёққа!

— Хўп бўлади! — дея секретарь қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди-да, ортига ўгирилиб, югуриб кетди.

— Эси оғиб қолган бунинг, — деди унинг ортидан раис ва эндигина стол устидаги чойнакка қўл узатиши билан бухгалтер кириб келди. Толмас Бадриддинович унга кўз ости билан нигоҳ ташлаб:

— Ўртоқ Пардаев, қаерларда юрибсиз? — деди.

Бош бухгалтернинг кулгичи бор эди. Шу сабаб сал лаби ёйилса, икки юзида чуқурча пайдо бўлади. Аммо ҳамма ҳам кулгични кўравермасди. Раис кўради, Ҳайбатулло кўради. Кейин ора-чора хотини ва бир-иккита таниш-билиши кўради. Қолганлар қовоқ-тумшугини кўришади. Нафрат, ғазаб кўришади. Пўписа эшитишади.

— Кассир икковимиз кечаги айтганингизни хамирдан қил суғургандай сип-силлиқ қилиб бажариб қўйдик. Фақат «куруқ»ни қаерга оборишни сўраб келдим, — жавоб берди Пардаев мийиғида кулиб.

— Ўзи қуп-куруқ бўлса, шуям муаммо бўлдимиз? Аввал қандай бўлган бўлса, ишни шундай бажараверасиз-да, бухгалтерлар отаси, — дея Толмас Бадриддинович кўзини хиёл қисди.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим. Шунинг учун папканинг ичига солиб, олиб келавердим, — дея тик турган жойида қўлтиғидаги папкани оча бошлади.

— Нозим ака, — деди раис қаншарини қашлаб, — баъзи пайтлари ёш болага ўхшаб кетасиз. Ўтирмайсизми?

— Энди, хўжайин, салобатингиз босади-да, салобатингиз.

— Салобатмас, амал босади, — деб Толмас Бадриддинович чўнтагидан бир қути сигарета олиб, столга ташлади.

Бош бухгалтер қийшанглаб, стулга ўтирди-да, папкасини тиззасига қўйиб очди. Бир даста йирик пулни (ўша пайтларда юз сўмлик энг йирик пул ҳисобланарди) олиб, стол устига қўйди.

— Эсингни едингми?! Узат бу ёққа! Биров кўрса, нима деб ўйлайди?.. — деди раис ҳовлиқиб.

Нозим Пардаев тезда эшик томонга қараб қўйди. Толмас Бадриддинович эса пулни тортмасига солди.

— Хўжайин, Сочига путёвка келганди. Ҳализамон пахта бошланади. Бир жойга қимирлаб бўлмайди. Рухсат берсангиз, келинингизни олиб, шамоллаб келсам, — деди бош бухгалтер пайтдан фойдаланиб.

— Эҳ, — дея шу заҳоти кўзларини олайтирди раис, — шундай дардингиз бор экан, эртaroқ айтсангиз бўлмасмиди? Мен ўзим бирга ўқиган бир ошнам билан боришни мўлжаллаб қўювдим. Ҳатто унга айтиб ҳам қўйгандим. Ҳеч бўлмаганда, ўтган ҳафта хабардор қилганингиздаям майлийди. Бўпти. Январда Германияга турист бўп бориб келасиз ўн кунга. Айтганча, хотирам панд бермаётган бўлса, бир ўглингиз ўша ёқда хизмат қилади...

Кайфияти бузила бошлаган Пардаевнинг «Германия» деган сўзни эшитиши билан юзи ёришди.

— Унда кампиргаям тўғрилаб берасиз. Боласини кўриб келсин.

— Кўндирдингиз.

Бош бухгалтер оғзи қулоғига етиб, чиқиб кетди-ю, ўрни совимасдан Ҳайбатулло кириб келди. Толмас Бадриддинович билан куюқ сўрашди. Сўнг раисдан берухсат эшик тарафга қараб:

— Жиян, кир, — деди.

Толмас Бадриддиновичнинг энсаси қотди. Бироқ индамади. Ундан берухсат чақирилган кимсани кутди.

Узун бўйли, сочлари ўсган, ориқ, лекин тарвуздайгина қорин қўйган, қорачадан келган, кийим-боши тузуккина бир одам пайдо бўлди. Толмас Бадриддинович уни дарров таниди. Мактабда ўқитувчи. Адабиётдан дарс беради. Исми Шокир.

— Ия, муаллим, — деди раис хохолаб кулиб юборишдан зўрға ўзини тийиб.

— Ассалому алайкум, — деди Шокир муаллим иржайганча.

— Ҳайбатулло Нортиллаевич, — дея раис бош агрономга юзланди, — а, бу қандай қилиб молхонани бошқаради?

— Хўжайин, бу ёғидан сира хавотир олманг. Майдалигидан молнинг орқасидан катта бўлган. Одамлар билан гаплашишнинг билади. Педагоглиги асқотган-да, — деди Ҳайбатулло шошиб.

— Молнинг орқасидан катта бўлгани, муаллимлиги етмайди-да, ҳурматли бош агроном. Сутни кўпайтириш керак... Бу мутахассис бўлмаса, эртага уялиб қолмаймизми?

— Эй-й, бунинг уйидаги молларига бир қарасангиз, нақ томдай келади. Сигирлари ўлдим деганда кунига ўттиз литр сут беради. Қолаверса, Мироб районининг Толдиоёқ колхозига ўн беш-ўн олти йилдан бери бош бухгалтерлик қилиб келаётган Нортўхта аканинг жияни. Яна шу колхознинг зоотехнигиям оғайниси. Агар Шокир ферма мудури бўладиган бўлса, ўзимиз бошдан-оёқ қарашамиз. Кейин ем-хашак масаласидаям муаммо бўлмайди, дейишди. Шокиржон, насиб бўлса, зўр кадр бўп етишади. Орада сиртдан ўқитиб оламиз, — деди Ҳайбатулло.

Унинг қисик кўзлари ялтиллаб кетган эди.

— Унда, айтиб қўяй, Ҳайбатулло ака, увол-савоби ўзингизга. Мабодо бир нима чиқиб қолса, у ёғини ўзингиз биласиз, — дея раис бир дона сигарета олиб, лабига қистирди.

— Бош устига, хўжайин, — деб Ҳайбатулло кўлини қорнининг устига қўйди.

Иши силлиқ битган Шокир қайта-қайта ташаккур билдириб, бир-икки таъзим қилгач, чиқиб кетди. Албатта, унинг оғзи қулоғида эди. Илгари сира пул билан иш битирмаганди. Жуда осон бўларкан, раис ўзиям номига хавфсиради, номига текширган бўлди. Албатта, икки минг кичкина пулми? Одамлар бунча пулни топиш учун озмунча меҳнат қилишадими? «Шокирбой, бундан бу ёғига биринчи қиладиган ишинг, тоғангдан олган қарзингни қайтариш. Ана ундан сўнг, аста-секинлик билан бойлик орттираверасан... Пул йиғиш маза-да», дея кўнглидан ўтказиб, қафтларини бир-бирига урганча ишқалади. Шу пайт унинг ёнидан секретарь ўтди. Ўтаётиб Шокирни туртиб юборди.

— Падарингга лаънат! — деди Шокир овозини баланд қўйиб. — Кўзми, пўстакнинг тешигимми?

Эшмат муаллимнинг гўдайиб қолганига ҳайрон бўлди. Аммо тўхташга, у билан ади-бади айтишишга вақти йўқ эди. У доимий одати бўйича эшик қулфига калитни уриб тақиллатишни унутди. Бирдан эшикни очиб юборди. Раис

билан бош агроном чўчиб тушишди.

— Хўжайин, — деди Эшмат нафаси бўғзига тиқилиб,
— ҳалиги... Ҳалиги...

— Нима, ҳалиги?! — бақриб юборди Толмас Бадриддинович.

— Янгам сизни «Тез уйга етиб келсин» деди...

— Уйга?! — деди кўзи косасидан чиқиб кетгудек бўлиб раис. — Нега?!

— Билмасам, раис бова. Боришим билан сочлари тўзғиб ҳовлига чиқди. «Ер юткур, қон қусиб ўлгур» деди. «Гўрингда чаён талагур» деди...

— Ўчир, ит! — бақирди раис унга. Сўнг Ҳайбатуллога юзланиб: — Ишингизга боринг, — деди.

Толмас Бадриддиновичнинг кўнгли қандайдир нохушликни сезган эди. У хотинининг қарғишларини бошдан-оёқ ёд билади. Кўп эшитган. Албатта, хотини ўзига айтмаган. Бировларни, жини суймаганларни қарғаган. «Эрим бор, кўнглига тегиб қолади. Эркак кишининг олдида тилимга эрк бермайин» демаган. Қўшнининг товуғи ўтиб қоладими, бировдан сал нохушроқ гап эшитиб қоладими, бирдан бобиллашни бошлаб юборади. Бошдан Насиманинг шаллақилиги энди куртак оча бошлаган маҳалда Толмас Бадриддинович ҳали кичкина одам эди. Индамасди. Жойи келса, қўллаб юборарди. «Маладес, хотин, бос!» деган кезлари ҳам бўлган. Бироқ вақт ўтиб, ёшиям, амалиям улғайгани сайин хотинининг оғиз қулфининг очилиши жаҳлини чиқара бошлади. Бир-икки марта хотинини сўқди. Шу билан Насима эрининг олдида тилига эрк бермайдиган бўлди. Аммо у Толмас ака йўқлигида қарғашда тенгсизлигича қолаверди.

Ҳайбатулло кетганидан кейин раис кетма-кет иккита сигаретани чекиб тугатди. Сўнгра орттирган пулларини шошмасдан йиғилишга олиб борадиган жигар ранг сумкасига жойлади ҳамда секретарь орқали машина чақиртирди.

Ҳовлига чиқиши билан юзига иссиқ ҳид урилди. Пешонасини тириштирди ва секин-аста қадам ташлаб кета бошлади.

У дарвозахонада қизига дуч келди. Паризоднинг кўзи қизарганди. Уни кўриши билан Толмас Бадриддинович-

нинг капалаги учиб кетди.

— Нима бўлди?! — сўради шошиб.

Қиз бошини эгди. Қулт этиб ютинди ва йиғлай бошлади.

— Нима бўлди деяпман?! Нега йиғлаяпсан? Ким хафа қилди?.. — бақирди Толмас Бадриддинович.

— Ҳеч ким хафа қилмади. Аям сизни уйда кутиб ўтирибди, — деди қиз йиғламсираб.

Раис беихтиёр чўнтагига қўлини тиқиб, сигарета олдида, лабига қистирди. Гугуртни олаётганида қўли қалтираб кетди. Одатда, ишдан қайтгач, эркатой қизининг пешонасидан ўпиб кўяр эди. Бу сафар ундай қилмади. Ўзидан шубҳаланди. Сумбулхоннинг атири ҳиди кийимига ўтириб қолган бўлиши мумкин-да.

Уйга шитоб билан кириб борди. Худди ана шу лаҳзада:

— Қандай кунларга қолдим?! — дея ўкириб йиғлай бошлади хотини.

— Нима бўлди?! Ни-ма?! — дея бор овозда бақириб юборди Толмас Бадриддинович.

— Бало бўлди, баттар бўлди! Сал қолса, номусдан ерга кириб кетардик! Ичкари уйга кириб, кўрасиз нима бўлганини!

Раис ичкари уйга кирди. Оёқ-қўли боғланган, оғзида қони қотиб қолган Элёрга кўзи тушди.

— Бу нобакор Паризодга ташланибди! Паризодни топ-тамоқчи бўпти!

Толмас Бадриддиновичнинг юрак уриши тезлашди. Боши айлана бошлади ва бир қўли билан секин деворни ушлади.

* * *

Маъруфнинг кўзи ҳовлидаги беш-олти одамга тушди. Қўрқиб кетди. Кетма-кет қулоғига синглисининг «ота» дегани эшитилди. Кейин... кейин кўзи ҳеч нарсани кўрмай қолди. Шундай тез югурдики, қандай қилиб ҳовлидаги одамлар ёнидан ўтиб, уйга отилиб киргани, тўрда ётган отасининг ёнида пайдо бўлганини сезмади.

— Ота... Ота, нега бунақа ётибсиз? Ота... — дерди нуқул.

— Отангдан айрилиб қолдинг, болам. Отанг кетди!

Маъруф ёнига ўтирилди. Қўшни хотин. Исми Ойша.

Кунда-шунда аёллардан. Баъзи пайтлар қарға тирикчиликка чиқмай келади. Отаси устидан куларди. «Қарғанинг қорни тўйишини кутмабсан-да, Ойша», дерди. «Ҳазилингиз бор бўлсин. Кампирингиздан кеча иккита нон олувдим. Ҳозиргина ёпдим. Қарзимни узгани келяпман», дерди у. Лекин негадир нон олди-бердиси кўп бўларди.

— Йўғ-э, — деди Маъруф лаби титраб, — соппа соғиди-ку, қанақасига дарров... Оғримай-нетмай... Дўхтир чақриш керак!

Маъруф ўрнидан турди. Гапдираклаб таш-қарига чиқди. Нигоҳи билан кимнидир қидирди. Аммо излаганини тезда тополмай, пешонаси тиришди. Синглиси қаердан-дир келиб, бўйнига осилди.

— Энди нима қиламиз, акажон?! Отажонимдан айрилиб қолдик-ку! — дея уввос тортиб йиғлади.

— Нега айриласан? Эрталаб кетаётганимда, отдай эди-ку. Нимага бирдан бундай бўп қолади?! — деди довдираб қолган Маъруф.

— Ток урибди бечора отамни! — жавоб берди сингил.

— Ток...

Маъруф гапиришга улгурмасидан кимдир унга косада сув берди. Ўша сувни ичганидан кейингина сал ўзига келди ва қандай ҳодиса юз берганини идрок этди. Бақириб юборди. Қайтиб уйга югуриб кирди. Отасининг юзини дока билан ёпиб қўйишибди. Жони чиқиб кетди.

— Нега ёпдиларинг?! — деди ва докани олиб ташлади.

— Болам, ундай қилма! — деди онаси ва ўглининг елкасига бошини қўйди.

— Эна, ҳеч тушунолмапман! Ўзидан- ўзи ўлиб қолаверадими?! Зах ерга ётқизайлик... Ҳалиги, шундай қиларди-ку, эна... Ҳозир мен кўтараман-да, ташқарига опчиқаман. Зах ерга ётқизамиз, дарров кўзини очади. Ҳали отам билан бирга қиладиган ишларим кўп... Катта одам бўп кетганимни кўриши керак-ку. Ҳозир...

— Қўй, безовта қилма. Дўхтир кўрди, болам. «Ҳеч нарса қилиб бўлмайди», деди...

— Дўхтир билмагандир. Дўхтир... мол дўхтири нима-ниям биларди?..

Унинг қўлтиғидан ушлаб икки киши кўтарди. Ўгири-

либ қараса, ҳам-қишлоқлари. Икковиниям кўзидан дув-дув ёш оқмоқда. Қизиқ, уларнинг отаси ўлмаган бўлсаям, кўзларидан ёш оқаяпти. Маъруфникидан эса умуман чиқмаяпти. Нега шундай бўляпти? Ҳозир ҳаммадан кўпроқ у йиғлаши керак. Йиғлагандаям юрту жаҳонни бузиб йиғлаши керак. Нега йиғлолмаяпти?..

Ташқарида унга яна сув беришди. Кейин: «Ўзингни тут, бола. Уйнинг эркаги сенсан. Келган-кетганга қарашинг зарур. Оқсоқоллар билан майитни қачон чиқаришни белгилаб олиш зарур. Шунга қараб таниш-билишларга хабар етказамиз», дейишди.

Маъруф тишини тишига босди. Атрофидагиларнинг ҳаммаси уни ҳақорат қилаётганга ўхшарди. Отаси майит бўлиб қолдими? Ярамасларнинг бундай дейишга нима ҳақлари бор? У ҳамқишлоқларига телбавор боқди: «Битта-битта урсам, булар ҳам майитга айланишадими?» У ўзини амаллаб босди. Устунга суяниб ўтирди.

— Тузукмисан? — сўрашди ундан.

— Билганларингизни қилинг. Менга индаманг. Нимани қачон қилмоқчи бўлсаларингиз, қилинг. Мен ҳаммасига розиман, — деди.

Овози дағал, беўхшов эди.

— Ҳеч нарса кўрмади-я отам... — дея шивирлади.

Маъруф совқота бошлади. Шу боис қунишиб олди. Буям ҳамсоялар назаридан четда қолмади. Кимдир чопон топиб келиб, эгнига ёпди. Бироз ўтиб, ёнига синглиси келиб ўтирди-да, акасини кучоқларкан:

— Энди нима қиламиз? — деди.

— Билмадим. Билмадим, — дея Маъруф пешонасига муштини тиради.

Шу пайт кимдир:

— Дўхтирга чоп! Чоп дўхтирга! — дея бақирди.

Маъруф ўрнидан сакраб турди. Уни елкасидан қучиб турган синглиси йиқилиб тушди.

— Отам кўзини очдимиз?! — қичқирди у.

— Йўқ, энангнинг мазаси қочди! — деди унга жавобан Ойша опа.

— Нима, энамнинг?!

Уйга кирган Маъруф онасининг ранги докадай оқариб, кўрпача устида ётганини кўрди.

— Эна, мени кўрқитманг, энажон! — дея инграган йигит онасининг қўлини уқалай бошлади.

Аканинг ортидан изма-из кирган сингилнинг ҳам ҳуши бошидан учди. Уям тиззалаб ўтирганча унсиз йиғлаб, Намуна опанинг қўлини уқалашга тушиб кетди.

Ҳартугул, дўхтир тез келди. Намуна опанинг томирини ушлаб кўрди. Укол қилди.

— Касалхонага обориш керак. Эртароқ, — деди ва Маъруфга ғалати қараб қўйди.

Қишлоқ бўйича иккита машина бор. Бири эски, ҳозирда бузуқ эди. Иккинчиси Ҳайбатуллоники. Лекин у унчамунчага бировнинг ҳожатини чиқарадиган одам эмас. Шу сабаб ташқарига чиққан Маъруф бир муддат қаерга борарини билмай, гарангсиб қолди.

— Ҳайбатулло аканикига бормаса, бўлмайди. Бировга яхшилик қилмайди-ю, лекин шундай пайтда йўқ демас, — дея маслаҳат берди икки уй нарида турадиган Фулом ака.

Маъруф ичидан зил кетди. Бошқа пайт бўлганида бўйнига арқон солиб судрашганида ҳам уникага бормасди. Лекин ҳозир... Қишлоқдошлари ҳам Ҳайбатуллоникига боролмайди. Биргина Маъруф унинг остонасини ҳатлаши, бошини эгиши зарур.

У тез-тез юриб кетди.

Аввал Ҳайбатуллонинг ити ҳуриб йигитни қарши олди. Маъруф унга парво қилмади. Устига тикка бостириб борди. Ит қочди. Ҳовлида Наргиза кўринди.

— Наргиз, — деди Маъруф юришдан тўхтаб.

Қиз бирдан қоронғиликка юзланди.

— Ҳа, — деди паст овозда.

— Отанг уйдами?

— Уйда.

— Чақириб юбор.

— Ҳозир.

Қиз пешайвон эшигини очди. Икки улфати билан чақчақлашиб ўтирган отасига Маъруф сўроқлаб келганини айтди. Ҳайбатулло афтини бужмайтириб:

— Ким? — деди.

— Маъруф ака кепти, — деди қиз қизариб-бўзариб.

— Чўлоқнинг боласими?

Улфатлар ҳиринглаб кулишди. Қиз титраб кетди.

— Ота, Маъруф аканинг отаси ўлди-ку, — деди.

— Эй-й, айтганча... ҳа, тўғри. Чақир бу ёққа, — деб Ҳайбатулло бурнини тортиди-да, жойидан сал қўзғалган бўлди.

Наргиза чопқиллаб Маъруфнинг ёнига борди.

— Юринг, — деди.

Йигит шошди. Катта-катта қадам ташлади. Бир зумда пешайвон ёнига етди.

— Кир, — деди унинг қадам товушини эшитган Ҳайбатулло.

— Ака, — деди Маъруф ичкарига кирар-кирмас, — энамнинг мазаси қочди. Дўхтир тез касалхонага обориш керак, деяпти. Шунга мошинангизда...

— Оббо, — деди Ҳайбатулло кўзини олайтириб, Маъруф гапини охирлатмасдан, — мошина бузилганди-ку, нима қиламиз энди?

Маъруф шу заҳоти ортига бурилди. Ичида роса сўкинди. Аслида, бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди, лекин ҳозир ўзини тутиб туролмади. Агар шу ҳақоратларни овоз чиқариб айтганида, эҳтимол, илон пўст ташларди. Унинг шиддат билан ортига бурилиб кетаётганидаёқ лол бўлиб қолган Наргиза бу сўзлардан сўнг бутунлай абгор бўларди...

Ҳайбатулло эса улфатларига ўгирилиб, «Бопладимми?» дегандай кўз қисиб қўйди. Улфатлар ичидан зил кетди. Ахир отаси ўлган, онаси касал йигит ёрдам сўраб келган. Бундай пайтда душман ҳам ёрдам беради. Ҳайбатулло бўлса, шўрликнинг устидан кулди. Шу билан «Ошналарим олдида обрўйим ошди» деб ўйлади. Жўралар унга мутероқ эди. Ора-чора ишлари тушиб турарди. Шу боис ҳам миқ этишмади.

Маъруф йўлга чиқай деб қолганида, Наргиза уни қувиб етди.

— Мана калит. Маъруф ака, калитни олинг-у, мошинани ҳайдаб кетинг. Мошинага жин ҳам ургани йўқ! Кун ботмай, дадам мошинани ҳайдаб келганидан кейин калитни менга бериб қўйганди, «Энангга берасан» деб. Манг, олинг, тезроқ бўлинг! — деди титраб-қақшаб.

Маъруф тўхтади. Унга айна чоғда ҳар қандай гап ор-

тиқча эди. У бирон нимани тушунадиган аҳволда эмасди. Аммо шунча оғир бўлишига қарамасдан (эҳтимол, қизнинг овозидаги титроқ, мунг сабаб бўлгандир) тишини тишига босиб:

— Керакмас, энди кеч бўлди, — дея йўлида давом этди.

Бахтига, Баҳром ака қўшнисининг машинасида етиб келибди. У Маъруфни кўриши билан бағрига босди.

— Ака, илтимос, энамни тезроқ касалхонага оборишга ёрдам беринг, — деди кўзидан дув-дув ёш оқиза бошлаган йигит.

— Э-э! Дарров мошинага опчиқинглар. Ҳозир... ҳозир, — дея Баҳром ака тут остида турган машина томон югуриб кетди.

Намуна опанинг қон босими ошган экан. Дўхтир укол қилганидан сўнг ўзига келди. Эсанкираб, дам ўғлига, дам дўхтирга қаради. Кейин ҳаммаси ёдига тушиб, ўрнидан туришга ҳаракат қилди.

— Сизга мумкинмас, ётишингиз керак, — дея дўхтир бирдан унинг елкасидан босиб, туришига йўл қўймади.

— Кетишимиз керак-да, дўхтиржон, — деди оқ халатлига жовдираб Намуна опа.

— Бу аҳволда ҳали кетолмайсиз. Ҳозиргина укол қилдик. Реакция бериб қолишيام мумкин. Бирпас ётинг. Аввалоси, эртага кечгачаям жавоб беролмаймиз.

— Дўхтиржон, ундай деманг. Уйда болагинамнинг отаси қазо қилган, мен ёнида турмасам...

Намуна опа ортиқ гапиролмади. Лаблари титради. Овози чиқмади. Уни кўрган Маъруф ҳам изиллаб йиғлашга тушди.

— Илтимос, ўзингизни босинг, опа. Ҳаяжонланманг. Ҳаммасини эшитдим. Лекин дунёга ким ҳам устун бўларди? Вақти-соати келганда, ҳамма кетади-да. Ҳозир соғлигингизни ўйланг. Болаларингизни ўйланг. Ҳалиям вақтида опкелишибди...

— Маъруфжон, сен бор, бўлмаса. Отангнинг ёнида бўл. Бечора бу дунёга келиб, ҳеч нарса кўрмади. Ҳеч қурса, жанозасида болалари ёнида турсин. Бор, болам. Агар худо шифо берса, эртагача борарман... Бораман, болажоним. Бормасам, бўйнимда қарз бўп қолади. Ке-

йин отангнинг ёнига қайси юз билан бораман?..

— Опа, кўп ўзингизни уринтирманг. Ҳозир битта укол қип қўй, — деди дўхтир вазият бошқача тус ола бошлаганидан хавотирланиб.

Сўнг хонадан чиқиб кетди. Бироздан кейин ҳамшира билан бирга кириб келди.

Укол дарров таъсир кўрсатди. Намуна опа ухлаб қолди. Дўхтир соатига қараб қўйди-да, Маъруфни қўлидан етаклаб, ташқарига бошлади.

— Айтиб қўйин, энанг шу аҳволда уйга кетадиган бўлса, ундан айрилиб қоласан. Ҳозир уни ухлатадиган укол қилдик. Шунинг учун сен бемалол уйингга кетавер. Кўрамиз, агар эрталабгача ҳаммаси жойида бўлса, таъзияга бориб келишига рухсат берамиз, — деди.

Маъруфнинг кўн-масдан иложи йўқ эди. Отасидан айрилиб турганида, худо кўрсатмасин, онасига бирон нима бўлса, у ҳеч қачон ўзини кечиролмайди.

Ташқарида Баҳром ака кутиб турганди. У Маъруф пайдо бўлиши билан ёнига келди.

— Нима бўлди? — сўради вазмин овозда.

— Қон босими ошган экан. Дўхтир ҳеч қурса, эрталабгача қолсин, деди, — жавоб берди Маъруф.

— Бир ҳисобдан, шунисиям яхши. Мошинага ўтир, кетдик.

Маъруфларникида уч-тўрт хотин-халаж ва беш-олти эркакдан бошқа ҳамма қишлоқдошлар уй-уйига тарқаган экан. Айвонда гаплашиб ўтирганларнинг овозини ҳисобга олмаса, ҳовлида жимжитлик. Худди ҳеч нарса содир бўлмагандай.

— Яхшими энанг?.. — сўради ўтирганлардан бири.

— Ҳимм, — жавоб қилди Маъруф ва отаси ётган уйга кирди.

Шу заҳоти суҳбатлашиб ўтирган аёлларнинг овози тинди. Машҳура ўрнидан сапчиб турди. Умид кўзлари билан акасига боқиб:

— Энам яхшими? — деди.

— Ҳа, яхши, — дея Маъруф оғир хўрсинди.

Сўнг отасининг жасади ёнига бориб ўтирди-да, пиқиллаб йиғлай бошлади. Чорси ёпинган хотин-халаж уни юпатишга тушиб кетишди.

Мархумни пешинга чиқаришди. Эрталаб етиб келган Намуна опа эрини кўтариб кетишаётганларида, яна ҳушидан айрилди. Қий-чув икки ҳисса ошди. Эркаклар хонадон бекаси йиқилиб қолганини сезишмади. Таъзияга йиғилган аёлларнинг ярми эса шу заҳоти Намуна опанинг атрофига йиғилди. Биров сувга чопди, бошқаси тобут орқасидан кетаётган қишлоқ дўхтирининг орқасидан югурди. Машхура онасини маҳкам кучоқлаганча:

— Энажо-о-он, кўрқитма-а-анг! — дея уввос тортиб юборди.

Маъруф сингисининг овозини эшитмади...

Ранги докадай оқариб кетган Намуна опа дори-дармондан сўнг ўзига келди. Бироқ на йиғлади, на бирон нима деди. Уни хотинлар суяб, кўтариб уйга олиб киришди.

Мана, отасини қабрга олиб кетишяпти-ю, Маъруф ҳали-ҳануз унинг ўлганига ишонгиси келмайди. «Менга нима бўлаяпти? Нега сира қайғуролмаяпман? Юрагим ачишмаяпти... Отамга шунчалик бемеҳрманми? Бошқалар отасининг оёғига тикан кирсаям, додлаб юборади. Мен бўлсам... Ҳаммаси сохтага ўхшайди. Отамни деразадан оёқ тарафи билан чиқаришаётганида кўзимдан тирқираб ёш отилди. Ё қайғунинг зўридан шундай бўлдимми? Ё... Ёки атрофимдагилар, аёлларнинг уввос тортиб юборганларидан йиғлаб юбордимми? Билмадим... Э худо, қайғурганим рост, буни бошқалар билмасаям, сен биласан. Мен ўзим ишонмасам ҳам, сен ишонасан...»

Норкул аканинг жасади қабрга қўйилди. Устидан тупроқ тортилди. Мулла Қуръон тиловат қилгач, одамлар бирма-бир қабристондан чиқиб кета бошлади. Аммо Маъруф отасининг қабри ёнидан қимирлолмай қолди. Қандайдир кўзга кўринмас куч уни шу ерга михлаб қўйганга ўхшарди. Қишлоқдошлар, Баҳром ака унга:

— Тур, — дейишди.

Лекин Маъруфнинг қимирлашга қуввати йўқ эди. Мабодо бу ердан кетадиган бўлса, отаси тирилиб, қабрдан чиқолмай, юраги ёрилиб ўладигандай туйилаверди.

— Уйингга боришинг керак. Ҳамма кетиб, сен қолишинг яхшимас. Ҳали уйингдаям мулла тиловат қилади. Сен бўлмасанг, бўлмайди, — деди Баҳром ака.

Маъруф секин бошини кўтарди. Қулт этиб ютинди.

— Баҳром ака, — деди ниҳоятда ожиз, хаста овозда, — кичкина туйнук очайлик.

Бундай гапни кутмаган Баҳром ака чўчиб тушди.

— Эсингни едингми? Бўл, тур, кетамиз, — деди у сохта пўписа билан.

— Майли, сиз ҳам бошқалар билан бирга кетаверинг. Мен гўрнинг бир чеккасини очиб қўяман-да, дарров орқадан етиб бораман.

— Каллангни оламан...

— Ихтиёрингиз, — деди қарори баттар қатъийлашган Маъруф.

Қабристон тепаликдан иборат эди. Дарвозадан чиқиб кетгунча анча юришга тўғри келади. Эҳтиётсизлик қилиб, ёғочи чириган эски қабрлардан биронтаси босиб юборилса, ичига тушиб кетиш ҳеч гап эмасди. Шу боис таъзияга келганларнинг қўпчилиги ҳали пастга тушишга улгуришмаганди. Албатта, улар Маъруф билан Баҳром аканинг гапини эшитишди. Тўхташди.

— Бола бечора эсини еб қўйибди, — деди биров.

— Ақлдан озганга ўхшайди, — деди иккинчиси.

— Бирга олиб кетмасак, бир балони бошлайди, — дея кўшимча қилди учинчиси.

Тўртинчи одам эса шунчаки:

— Аҳмоқ, — деб қўя қолди.

Улар ортга қайтишди. Маъруфнинг атрофини ўраб олиб, ниятини эшитишди. Жаҳллари чиқди. Бир-иккиси пўписа ҳам қилди. Бўлмади. «Марҳумнинг руҳи чирқирайди» де-йишди. Таъсир этмади.

— Бўпти, кўнглинг қолмасин, — деди охири Баҳром ака, — муллани чақирайлик, оят ўқисин. Кейин, майли, айтганингдай кичкина туйнук очамиз. Лекин билиб қўй, илон ўрмалаб кириши ҳам мумкин.

Бу гап Маъруфни бироз чўчитди. Аммо, барибир, ниятидан қайтмади.

Қишлоқ йигитларидан бири муллани етаклаб келди. Албатта, мулланинг ҳам жаҳли чиққанди. Бироқ нима қилсин, қайсар болани мажбурлаб олиб кетишса ҳам, барибир, қочиб келадиган авзойи бор.

Тиловат қилингандан сўнг Маъруф қишлоқдошлари

ёрдамида қабрнинг бир четидан қўл кириши мумкин бўлган тешик очди.

Маъруфнинг қилмиши бирпасда ҳаммаёққа овоза бўлиб кетди. Одамлар ҳайратда эдилар. Ҳатто қариялардан бириккиси отасини қабрга қўйиб келган йигитни койишди.

— Ота-бобонг қилмаган ишни қипсан. Эсиз, эсиз, — дейишди.

Маъруф миқ этмади. Ерга чордона қуриб ўтириб олди. «Отам ўлмаган. Ўлмаган одамни кўмиб келдик. Мана кўрасизлар, токнинг захрини зах олиб, отам ўзига келди. Кейин... Кейин гўрни очиб, чиқиб келади... Шошма, бир ўзи чиқишга қийналади. Эҳтимол, қаерда ётганлигини билганидан кейин юраги ёрилиши ҳам мумкиндир... Шунинг учун қоронғи тушиши билан қабристонга боришим керак» дея хаёлидан ўтказди.

Маъруфнинг қилган ишини бутун қишлоқ одамлари тентакликка йўйишган бўлса-да, ҳамманинг кўнглида «Нима бўларкан?» деган ўй бор эди.

* * *

Толмас Бадриддинович шу кўйи ўтириб қолди. Аммо хотини унга эътибор ҳам бермади.

— Яхшиям укамнинг келиб қолгани! Бўлмаса, бу ер ютгур ниятига етиб, бизни тоза шарманда қиларди. Раис деган отингиз бор, хўжайин, қандай бош кўтариб юардингиз?! — дея чинқарди Насима.

— Ўчир! Ўчир овозингни! — дея хириллади Толмас Бадриддинович.

— Нима? Нима дедингиз? Ҳали бу итнинг боласи қизингизни абгор қилишни ният қилади-ю, сиз унинг ёнини оласизми?! Менинг овозимни ўчирасизми?!

Уйга Паризод отилиб кирди. Қўрқа-писа отасига қаради. Режа бўйича онасининг шу гапларидан кейин у кирасолиб ўзини полга ташлаши, оёқларини тапиллатиб дод-вой солиши, «Дугоналаримнинг олдида қандай юрман?» дея уввос тортиб йиғлаши керак эди. Бироқ отанинг мажолсиз ўтириши унинг тилини танглайига ёпиштириб қўйди. Миқ этолмай қолди. Ранги бўздай оқариб, у ҳам секин ўтирди. Толмас Бадриддинович бошини эгган, пешонасига қўлини тираб ўтирган эди. Унинг кўрмаслигидан фойдаланган Насима қизини секин туртди. Па-

ризод бошини кўтариб онасига қаради ва унинг уюлган қоғоғини кўрди. Насима кўзи билан имлади. Паризод бошини қимирлатиб, «Йўқ» ишорасини қилди.

Хонага Саид кирди. Насима умид билан унга қаради.

— Почча, — деди Саид дўриллаб, — опам тўғри гапираяпти. Мен устига келиб қолдим.

Раиснинг бош айланиши бироз тарқаган эди. Хотинининг чинқириғидан сўнг фикрлай бошлаганди.

— Сен устига келиб қолдинг. Элёр кечқурун, ҳамма уйдалигида тўғри бостириб кирди. Ҳамманинг кўз ўнгида Паризодга ташланди, шундайми? — сўради у хаста овозда.

— Бу шофёрингиз тулкининг ўзгинаси экан. Қўлида пакет кўтариб кепти. Бир дунё шикалати бор ичида, — дея Насима нафрат билан Элёрга боқди.

— Гўшт ҳам борийди, — деди Элёр қон қотиб қолган лабини зўрға қимирлатиб.

— Ҳимм, — деди қошларини бир-бирига тўқиштирган хотин, — бизга гўшт бериб алдамоқчи бўпсан-да.

— Колбасаям борийди.

— Ер етгур, нима мақсадда колбаса олгансан, билмайман.

— Ароқ ҳам борийди.

— Ичмоқчи бўлгансан-да...

— Магазиннинг гуручиям борийди.

— Одам ҳам уч кило гуруч оладими? Ош қип беради деб, умид қилувмидинг?! — шанғиллади Насима.

— Яна қоғоз пакетнинг ичига бир дунё шоколад ҳам солинган, — дея иягини силади Толмас Бадриддинович.

— Қизиқ, битта қоғоз пакет қандай қилиб шунча нарса ни кўтардийкан?

Насима бирдан эрига қаради. Бир нарса ёдига тушгандай, пешонасини тириштирди.

— Пакети иккита эди-да, — деди юзига ним қизиллик югуриб.

— Боя битта эди, энди иккита бўп қолди. Яхши.

— Мен сизга пакети нечталигини айтмовдим. Битта пакетда девдим! — деди Насима шанғиллаб. — Гўшт-пўшт солинганини менга бериб юборди.

— Тўғри бостириб кирадиган одам аввал қўлидаги нар-

сасини бериб юборади. Енгиллашганидан кейин бостириб киради. Бўлди, ҳозир бу ярамасни бирёқли қиламан, — деб Толмас Бадриддинович ўрнидан турди ва қайни-сига юзланиб: — Яхши кепсан, шўртумшуқ, энди бориб, анавининг қўл-оёғини ечиб юбор, — дея Элёрни кўрсатди.

Саид қовоғини осилтирди. Сўнг бурнини тортиб қўйди-да, истар-истамас Элёрнинг ёнига бориб, уни тутқунликдан озод этди. Йигит шўрликнинг оёқ-қўли увишиб қолганди. Шу боис инқиллаб-синқиллаб зўрға ўрнидан турди.

— Паризод икковинг мошинага чиқинглар, тўғри милицияга борамиз. Мен қизимнинг шўрини қуритмоқчи бўлган зўравон билан ўша ёқда гаплашаман, — деб раис ортига бурилди.

Насима хурсанд бўлди. Бошқалар ниманидир сезгандай эди. Шу боис йигит ва қиз индамасдан унинг ортидан эргашди. Саид кафти билан серсоқол лаб-лунжини артган бўлди.

Машинани Толмас Бадриддиновичнинг ўзи ҳайдади. Худди ҳеч нарса бўлмагандай сокин ҳайдади. Ҳайдаш асносида чўнтагидан сигарета олиб тутатди. Бироқ на қизига ва на Элёрга бирон нима деди. Машина радиосининг қулоғини бураб, мусиқа қўйди ва куйга монанд бошини қимирлатиб кетаверди. Қишлоқ тугагач эса, уловни район маркази томон эмас, шаҳар тарафга бурди. Элёр ажабланди. Бироқ миқ этмади.

Орадан ярим соатлар вақт ўтгач, улар шаҳарга кириб боришди. Толмас Бадриддинович энг кўркам «Баҳор» ресторани ёнида «Виллис»ни тўхтатди. Аввал ўзи тушди. Сўнг ҳалигача жойидан қимирламаётган йигит билан қизга қараб:

— Нимага аммамнинг бузоғига ўхшаб ўтирибсизлар? — дея иржайди.

Паризод отасини мутлақо тушунмаётган эди. Уйдан чиқаётганларида, милисахонага бормаслигини сезганди. Чунки отаси аясига чап бериш мақсадида уларнинг иккисини олиб кетди. Бунини билмаслик учун у онаси каби содда бўлиши керак эди, албатта. Бироқ ҳозир-чи, нега шаҳар, нега ресторанга келишди? Қиз шунисига тушун-

маётганди.

— Сен, — деди Толмас Бадриддинович Элёрга, — юз-қўлингни ювиб кел. Илгариям бу ерга бирга келганмиз, ювиниш жойи қаердалигини биласан.

Толмас Бадриддинович официантга биринчи, иккинчи овқат буюртирди. Яна салат, лимонад ва, албатта, бир шиша ароқ олиб келишнияма тайинлади-да, шошилмасдан лабига сигарета қистириб тутатди. Сўнг мириқиб тутунини ютаркан, қизи билан ҳайдовчисига қараб қўйди.

— Дада, — деди тоқати тоқ бўлган Паризод, — нега бу ёққа келдик?

— Нега келдик?.. Айтаман ҳали. Томоғимдан бирон нима ўтказиб олай. Кун пешиндан ўтиб кетди. Қорним очқади. Очқасам, ҳеч нима деёлмаслигимни биласан, — жавоб берди Толмас Бадриддинович.

Паризод хўрсинди ва официант келишини сабрсизлик билан кутди.

Раис ҳеч нарса емасидан аввал пиёлани тўлдириб ароқ ичди. Худди чўлу биёбонда қолиб, роса чанқаган одамдай ичди. Афти бужмаймади. Билъакс, маза қилиб ичди. Сўнг бир бўлак бодрингни оғзига солиб, карсиллатиб тишлади.

— Сизлар бемалол овқатланинглар, менга қараманглар, етиб оламан, — деди қиз билан йигитга ва яна пиёлани тўлдириб, шайтон сувидан ютди-да, кейин келтирилган ярим коса маставани қошиқ билан аралаштираркан, кў-шиб қўйди: — Шаҳарда энг тоза овқатни шу ерда қилишади. Бошқа жойга ишонч йўқ. Майли, гапирмай, иштаҳаларинг бузилади.

У иккинчи овқатнинг ярмини еб бўлганида, бир шиша ароқ тугаган эди. Худди шу пайт раис емакни тўхтатиб, Элёрга ўтқир нигоҳини қадади-да:

— Сен Паризодга уйланасанми? — дея сўради.

Кутилмаганда берилган савол йигитни довдиратиб қўйди. У нима дейишни билмай, қизга қаради.

— Битта гапни икки марта такрорлашни ёқтирмаслигимни бошқалардан кўра сен яхши биласан! — деди Толмас Бадриддинович бироз кайфи ошганидан овозини хиёл баландлатиб.

— Дада, нега бундай деяпсиз? — дея гапга аралашди

отасига ҳайрон тикилган Паризод.

— Сен шошмай тур. Жавоб берсин менга.

— Ҳа, — деди икки юзи қизариб кетган Элёр.

— Яхши. Паризод, энди сен айт, шу болага тегасанми?

— Йўқ, — деди бирдан қиз, — илгари рози бўлсам ҳам, энди кўнмайман!

Ота ликопчадаги бодрингга санчқи санчганди. Шу ҳолатда қотиб қолди. Элёр бошини кўтарди. Қизга қаради. Қулт этиб ютинди.

— Уйимизнинг сирини билди, — деди Паризод отаси сўрамаса-да, гапига изоҳ бераркан, — аслида, сир эмасди. Шунчаки аямни...

— Бўлди, гапирма, «Йўқ» дединг, тамом-вассалом, — дея унинг гапини бўлди Толмас Бадриддинович ва бодрингни оғзига солди-да, бошини кўтариб, официантни кидирди.

Зал катта эмасди. Хўрандалар ҳам туш пайтида бунақа жойда кўп бўлмайди. Унча узоқ бўлмаган жойда официант яна бирон нима буюриб қолармикан деб, қараб турарди. У мижози имлаши билан югуриб келди.

— Яна битта ароқ, — деди унга раис ва нигоҳини Элёрга қаратди-да: — Машмашада сенинг айбинг йўқлигини биламан, — деди.

Элёр сўзлашдан аввал Паризодга қараб олди. Назарида, қиз янада очилиб кетгандай эди. Унинг ана шу гўзаллиги йигитнинг оғиз қимирлатишини бироз кечиктирди.

— Лекин мен биламан. Паризоднинг олдида айтмасам майлими?

— Майли.

— Дада, нега мендан сўрамаяпсиз? — дея Паризод отасига қаради.

— Билмадим, қизим. Кўнглим бўлмаяпти. Очигини айтсам, жудаям чарчадим.

— Лекин, дада, мен ҳаммасини айтиб бергим келаяпти.

— Хўп, айт.

— Сиз сабаб Элёр ака шу аҳволга тушди. Бунга менинг дахлим йўқ.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Келинлар, буни аянгнинг озгина эркалигига йўяйлик, тамом-вассалом,

— дея Толмас Бадриддинович тагин сигарета тутатди.

Тутун кирдими ё бошқа сабабданми, унинг кўзи ёшланди ва келтирилган ароқдан шошиб пиёлага қуйди. Ичишдан аввал эса қизига қараб:

— Элёр сени бахтли қилиши мумкин эди, — деди.

* * *

У жуда безовта эди. Уйга кириб чиқар, келиб кетувчиларга мазмунсиз боқар, ҳамдардлик билдираётганларни хушламас, онда-сонда томорқага ўтиб, қабристон томонга қарар, сўнг яна хўрсиниб изига қайтарди.

Гира-шира қорон-ғи туша бошлаганда, унинг безовталиги икки ҳисса ошди. Беихтиёр ҳовлида у ёқдан-бу ёққа югура бошлади. Одат бўйича қишлоқдошлар бир коса-бир косадан овқат олиб келишган, айвонни тўлдириб ўтиришарди.

— Анави болага бир нима бўп қолди, қаранглар! — деди қўшнилардан бири ҳайратдан кўзи олайиб.

— Ушланглар! — бақирди иккинчиси.

— Ўзини бир бало қилиб қўямасин!

Уч-тўрт киши ҳарсиллаб нафас олаётган Маъруфни тутишди.

— Ўзингни бос, — деди уларнинг ёнига келган Баҳром ака, — ўзингни бос. Ҳали ҳаммаси яхши бўп кетади.

— Тўғри, яхши бўлади, лекин бунинг учун қабристонга боришимиз керак. Илтимос, йўқ деманг! — ҳайқирди Маъруф.

Ҳамма ҳайрон бўлди.

— Дўхтир чақириб, укол-пукол қилдириш керак, — дея луқма ташлади кимдир.

Маъруф гапирган одамни нигоҳи билан қидирди. Тополмади.

— Уколни ўзингизга қилдилинг! — деди сўнг бақириб.

— Шошма. Юр, уйга кирайлик. Озгина дамингни ол. Чарчагансан, — деди Баҳром ака.

— Мулла борми, ака? Мулла келганми?! — деди Маъруф шошиб.

— Йўқ. У учун эшон қишлоққа бориб келиш керак. Ўзларининг қишлоғидаям таъзия бўлган...

— Бизнинг қишлоқда таъзия бўлгани йўқ! — дея бақириб, унинг гапини бўлди Маъруф.

Уйга кириб-чиқиб юрган хотин-халаж Маъруфнинг мо-
жаро қилаётганини Намуна опага етказишган, у ичидан
зил кетиб, азобланиб, қизига суянганча ташқарига чиқ-
қанди. Эшик ёнида туриб, ўғлига бақирди:

— Болам! Куйдирма мени! Отангнинг тупроғи сови-
май туриб, ёнига обориб қўймоқчимисан, болам?!

Маъруфнинг аъзойи бадани титраб кетди. Пешонаси-
дан совуқ тер чиқди.

— Кўйинглар, — деди ниҳоятда муло-йим овозда, —
ҳаммасини тушундим.

— Худога шукр, — деди кимдир.

— Бу бошқа гап, — деди иккинчиси.

— Ичкарига кир, — деди учинчиси.

Маъруф уларга бирма-бир қараб чиқди. Сўнг боягидай
паст овозда:

— Кимда сигарета бор? — дея сўради.

Баҳром ака чўнтагидан «Астра» чиқарди. Бир донаси-
ни унга берди. Йигит сигаретани лабига қистиришини
кутди. Аммо Маъруф шошилмади. Бошини эгиб, ютин-
ди-да:

— Мен озгина шу ерда турай, — деб Баҳром акага
юзланди.

— Майли, — деб отасининг ошнаси гугурт чақди.

Маъруф сигарет тутунини ичига ютмасди. Шунчаки
оғзида бироз ушлаб, сўнг пуфлаб юборарди. Баҳром ака
қишлоқ одамларини айвондаги кўрпачаларга ўтқазиб,
унинг ёнига келди ва елкасига қўлини қўйиб:

— Армонда қолишдек азоб йўқ бу дунёда. Сира
кўнглинг бўлмаётган экан, юр, қабристонга бирга бориб
келамиз, — дея пичирлади.

Маъруф унга ҳайратланиб қараб:

— Ростданми? — деб сўради.

— Рост.

Баҳром ака шундай дея дўстининг ўғлини тирсагидан
ушлаб етаклади.

Қабристонгача йигирма-йигирма беш дақиқалик йўл
эди. Аммо Маъруфга жуда узоқдай туюлди. Юриши ун-
маётгандай, имиллаб қадам ташлаётганга ўхшарди. Ҳол-
буки, падарини кўтариб кетишаётганида, гўё кўз очиб
юмгунча етишган ва шунчалик тез дафн этишганди.

— Тезроқ юрайлик, — деди у ёнида кетаётган Баҳром акага.

— Шошилма. Туйнук қолдирганимиз эсингдан чиқмасин. Отанг унча-мунча нарсадан қўрқмасди. Шундай экан, бу ёғидан хавотир олмасанг ҳам бўлади. Ишқилиб, кўнглинг алдамаётган бўлсин-да, — деди у.

Маъруф қабристонга кираверишдаги кичкинагина хоначадан белкурак билан кетмонни олди. Унинг юраги гупиллаб урар, вужуди қўрқув исканжасида эди. Йўқ, қабристон остонасигача мард эди. Ҳеч нарсадан тап торتماётганди. Аммо кўзи қабрларга тушди-ю, ваҳима босди.

— Тўхта, — деди Баҳром ака Маъруф эндигина қабристон оралай бошлаганида, — тиловат қилайлик.

Маъруф беихтиёр чўккалади. Шунда қабристон янада ваҳимали кўриниб кетди кўзига. Бошини эгиб, Баҳром аканинг чала тиловатидан сўнг юзига фотиҳа тортди.

— Эҳтиёт бўлиб юрасан, — дея Маъруфни огоҳлантирган Баҳром ака илдам юриб кетди.

Шу пайт уларнинг қулоқларига шовқин эшитилди. Иккиси ҳам орқага ўгирилди. Анча нарида, қишлоқнинг ёнгинасида уч-тўртта қўлчироқ бу томонга яқинлашмоқда эди.

Бирмунча дадилланган Баҳром ака Маъруфга қувват бўлсин деб:

— Худога шукр, — деди.

Бироздан сўнг кимдир инграгандай бўлди.

— Тезроқ юринг, Баҳром ака! Тезроқ! Қўрқиб кетмасин! — дея бирдан бақириб юборган Маъруф отасининг ошнасини четлаб ўтиб, югуришга тушди.

Ҳаш-паш дегунча отасининг қабри ёнида пайдо бўлди ва туйнукка тумшуғини тиқиб:

— Ота-а-а! — дея бақирди.

— Эшшаклар, нега қамаб қўйдинглар?! — деган овоз келди қабрдан.

Шодликдан Маъруфнинг юраги ёрилаёзди. У шоша-пиша туйнук атрофидаги тупроқни бармоқлари билан суриб ташлай бошлади.

— Эй, худога шукр! Ўзинг шарманда қилма, Эгам! — дея Баҳром ака ҳам унга ёрдамлашди.

— Ота, сизни ток урганди! Захдасиз, ота! Қўрқманг, ота! — бақирди Маъруф.

— Нима балога ўраб ташладинглар?! — овоз келди яна ичкаридан.

— Ҳозир, жўражон! Ҳозир! Мана, очяпмиз! Беш минут! Эй, худога шукр!

Шунда унинг хаёлига кетмон келди ва Маъруфни қўли билан бироз четга сурди-да, тупроқни кетмонлаб олиб ташлай бошлади. Маъруф белкуракни ишга солди. Дарров туйнук катталашди. Баҳром ака ошнаси қўрқиб кетмасин деб, тинимсиз гапириб турди.

Қабр ярмигача очилганида, қишлоқнинг одамлари бирин-кетин етиб келишди.

— Нима бўлди?!

— Тирикмикан?!

— Наҳотки!

— Худо деган экан-да!

Баҳром аканинг жаҳли чиқди.

— Қўрмаяпсизларми, жўрам оғилда-ку! — бақирди уларга қарата.

Худди шу пайт Маъруф ўзини лаҳад ичига ташлади. Типирчилаб, кафаннинг ҳали у ерини, ҳали бу ерини йиртаётган Норкул аканинг бошини кўтарди.

— Ҳозир, ота... Ўзим ёрдам бераман! — дея ҳовлиқарди у.

— Ким сенга латта-пугтага ўраб ташла деди, аҳмоқ! — дея койиди Норкул ака.

— Билмабмиз-да, ота! Билмабмиз! — дея Маъруф отасини кўтариб, ўрнидан турғазди.

Шу заҳоти тепадагилардан икки киши қўлтиғидан олди. Одам кўп, шовқин баланд эди. Шу боис ҳам Норкул ака қабристон аталмиш тепаликнинг пастига тушгунича қаердалигини, нега одамлар бунчалик кўплигини, Баҳром жўраси қаердан келиб қолганини билолмади.

* * *

Кайфи ошиб қолган Толмас Бадриддиновични Элёр амаллаб ўрнидан турғазди ва суяб машинагача олиб борди-да, орқа ўриндиққа ётқизди. У ҳарсиллаб нафас олар, бир нималар деб гўлдираб қўярди. Паризод улар билан бирга чиқмади. Ўрнидан қимирламай ўтираверди. «Элёр-

га тегишимни отам хоҳлаяптими? Мен йўқ дедим-а? Эртани ўйлаб, шундай дедим. Ёш бўлсам ҳам, ақлим кўп нарсага етади. Отам бечора ичавериб, адо бўлди. Элёр энди гўдайтиб гапириб юрса керак».

«Отаси қизига: «Элёрга тегасанми?» деди. Ўз қулоғим билан эшитдим. Раис одам менинг олдимда паст кетди. Илгаридан шундай бўлишини билардим. Паризод ҳам, аслида, мени деб ўлиб турганди. Отаси сўрагани учун «Ҳа, тегаман», деёлмади. «Мана, кўрасанлар, ўзи бўйнимга осилиб олади» деса керак» деб ўйлади-да, гижиниб эшик тарафга кўз ташларкан, бармоқлари орасидан зормандани кўрсатиб:

— Мана тегаман! — деди. — Агар уйимиздаги гап-сўзни бирон жойга чиқарсанг, одам ёллаб бўлсаям, ўзимни абгор қилиб бўлсаям, ўчимни оламан!

Кейин қалтираган қўлини шиша томон чўзди. Ушлади. Бироқ сўнгги дақиқада шаштидан қайтди. Ўпкаси тўлди. «Бой-бадавлат, обрў-эйтиборли одам шунчалик ожизми, қаердаги қаланғи-қасанғиларнинг оғзини ёпиш қўлидан келмайдими?! Нимадан, кимдан кўрқади? Элёрни шунчаки уйдан чиқариб юбораверса ҳам бўларди-ку. Шаҳарга олиб келиб, зиёфат қилиб, ўзи ётиб қолгунча ичиш шартмиди? Бунинг устига, худди ялингандай, «Қизимга уйланасанми?» дегани-чи?.. Дадам жудаям паст кетди».

Кейинги ўйлар Паризодни анча дадиллантирди. У нарироқда турган официантга парво ҳам қилмай, пиёлани ароққа тўлдирди. Аммо ичиш яна насиб этмади. Раисни машинага ётқизиб келган Элёр қизнинг қўлидаги пиёлани тортиб олди. Ичидаги суюқлик чайқалиб, тўкилиб кетди.

— Нима қилдингиз?! — деди қиз бақариб.

— Бу нима қилиқ? Қиз болага ичиш — уят, — дея ўкрайди Элёр.

Уларнинг кўзлари тўқнашди. Бир муддат бир-бирларига термилиб қолишди. Элёр севги майини сипқоргандай сархушланди.

— Менинг ичишим уятми? — деди ўзига келган Паризод.

— Ҳа, — жавоб берди Элёр ва беихтиёр унинг рўпара-

сидаги столга ўтирди.

Шу билан бирга қиздан кўзини узмади.

— Отам қани? — сўради паст овозда Паризод.

— Машинада. Ётқизиб қўйдим. Ухлапти.

— Сиз бизнинг уйда кўрганларингизни одамларга тарқатасизми? — сўради Элёрнинг нигоҳи исқанжасидан қутулишга уринган Паризод стаканга лимонад қуяркан.

Йигит бошини қимирлатиб, «йўқ» ишорасини қилди.

— Отамнинг боя айтган гапларини-чи?

— Мен гап кўтариб юрадиган одаммасман.

— Отамнинг қаерга борганини яширганингиздан ҳам билиб олса бўлади. Лекин, барибир, менга ёқмадингиз, — деди Паризод ва стакандаги лимонадни ичди.

— Ёқмадим?.. Ихтиёринг. Тегмасанг ҳам, майли, лекин сени севаман. Энди тур, кетамиз. Боргунимизча, қоронғи тушиб қолади.

Паризод стаканни тарақлатиб стол устига қўйди-да, зарда билан ўрнидан тураркан:

— Севишга бало борми? — деди.

— Мен кўнглимдагини айтдим. Жойи эмасди, аммо айтмасам бўлмасди. У ёғи ўзингга ҳавола.

Паризод тескари қараб турарди. Негадир Элёрнинг гаплари суяк-суягига қадалаётганди. Алами келиб, йигитнинг юзига шапалоқ тортишни истарди. Эҳтимол, шундай қиларди ҳам, агар Элёр суҳбатни тугатиб, уни кутмасдан ресторандан чиқиб кетмаганида.

Машинанинг орқа ўриндиғи банд бўлганлиги боис қиз тумтайганча Элёрнинг ёнидаги ўриндиққа ўтирди ва тунд қиёфада йигитга ўғринча қараб қўйди. Қовоғи билан урмоқчи, шу билан йигитнинг попугини пасайтириб қўймоқчи эди. Янаям тўғрироғи, Элёрнинг ялинишини истаётганди. «Қўй, ундай дема, агар бирга яшасак, биздан бахтли одам бўлмайди. Мен сени кафтимда кўтариб юраман. Устингга чанг юқтирмайман. Керак бўлса, институтга кирсанг, ўрнингга дарс тайёрлайман» (дарс тайёрлашга бало борми?) дейишини хоҳлаганди. Элёр унинг қовоғига эътибор ҳам бермади. Қайтанга, уям башарасини бужмайтириб олди. Шу билан яралари бужмайиб, буришиб, тиришиб кетди.

— Отамни бу аҳволда колхоздагилар кўришмасин. Қоро-

нги тушганидан кейин уйга борамиз, — деди машина юрганидан кейин Паризод.

Элёр унга ўқрайиб қараб қўйди-да, газни янада кўпроқ босди.

Кўёш уфққа ёнбошлаётганди. «Виллис» жуда учқур эмасди. Юк машиналарини қувиб ўтиши мумкин. Бироқ шу ҳолидаям ғира-ширада колхозга етиб бориш мумкин. Албатта, раиснинг машинасини ҳамма танийди. Лекин орқа ўриндиқда хуррак отаётган Толмас Бадриддиновични ҳеч ким кўрмайди. Умуман, уни кўриш учун тузукроқ қараш керак. Колхознинг одамлари бўлса, кўз ости билан қарашади, токи раиснинг машинаси тўхтамасин, раис машинадан тушиб, бошларини қотирмасин. Чунки раис зоти камчилик топишга уста. Колхозга қарашли қишлоқ одамларининг аксарияти (деярли ҳаммаси дейиш мумкин) шу хўжалиқда ишлайди. Демак, хўжайиннинг кўзига камроқ кўринишни иташади. Аммо, барибир, Паризод ҳақ: кечроқ борганлари маъқул. Қолаверса, Элёр кўпроқ Паризод билан бирга бўлади.

— Отамнинг аҳволини кўрганлар устидан маза қилиб кулишларини истаяпсизми?! — сўради Паризод машина тезлашганидан жаҳли чиқиб.

— Билиб қўй, мен сен билан аянгга қараганда, отанга садоқатлироқман, — деди унга жавобан Элёр.

— Садоқатлимиш, кўрдим садоқатингизни. Ҳозир ҳам кўраяпман. Жонингиз чиққудай газни босяпсиз, — деди Паризод кесатиб.

— Нима қилаётганимни ўзим яхши биламан. Илтимос сендан, индамай кет. Йўқса, тегишга рози бўлмаганинг учун худога шукр қиламан.

Паризод кулиб юборди-да, деразадан ташқарига қараб олди. Кейин:

— Ўзингизни осмон чоғламаяпсизми? — деб сўради кесатиб.

— Менга қара, сен тенги қўшним бор. Оти Лайло, лекин билсанг, ҳали бирор марта овозини баландлатиб гапирганини эшитганим йўқ. Бўлмаса, уям врачнинг қизи. Бирам сипоки, бу йил ўқишга кирди. Мединститутга. Сен бўлсанг...

— Тушунарли, — дея бирдан унинг гапини бўлди Па-

ризод, — шундай сипо, одобли, тили-жағи йўқ экан, нега уйлана қолмаяпсиз ўшанга?!

Паризоднинг жаҳли чиқди. Юзи қизарди.

— Уйланардим, қариндошим бўлмаганида.

— Баттар бўлинг!

— Ҳов, қиз, — деб Элёр Паризодга юзланди, — нима-лар деяпсан? Мақсадинг нима ўзи? Мениям анави тоғанг...

— Йўлга қаранг! — бақириб юборди Паризод.

Элёр шоша-пиша тормозни босди. Аммо кеч бўлганди. Машина олдинда кетаётган тракторнинг тележкасига етиб қолганди.

* * *

Улар кетишлари билан Саид ўзини кўрпачага ташлади. Сўнг яна ўрнидан сакраб турди-да, деворни муштлади. Мушти зириллаб кетди. Бундан баттар қони қайнаб, девор шўрликни гуп этказиб бир тепди-ю, кўзидан олов отилиб:

— Имм, падарингга лаънат, воҳ-воҳ! — дея ўтириб қолди.

Насима унга шунчаки қараб турди. Кейин иржайиб:

— Калланг жойидами? Нега бунча чувиллайсан? Деворни тепишга бало борми? Ана, кўрдинг, поччанг Элёрни бир ёқли қилгани олиб кетди. Ҳеч нима топмадиг-у, ҳар қалай, озгина бўлсаям, алаимдан чиқдим, — деди.

— Опа, қачон каллангиз ишлайди? Поччам сувдан қуруқ чиқиб кетди. Ҳозир у Элёрни мелисахонага опкетди деб ўйлаяпсизми? Чучварани хом санабсиз! Раиснинг қанақа одамлигини шунча йил яшасангиз ҳам билмаскансиз... Имм! Эсиз, қасдимни ололмадим. Лекин ҳали шошмай турсин, шундай ўйин қилайки, қандай қилиб қармоғимга илинганини билмай қолсин!

— Зўравонни мелисахонага обориб таъзирини берман, деб айтди-ку. Ўлибди, шундай одам ёлғон гапирса.

— Опа, жа соддасиз-да. Нимага Элёрни сиқувга олдик? Поччамнинг қаерга борганлигини билиш учун. Хўш, раис бовадан сўранг-чи, «Мен фалон жойга, фалончи хотиннинг олдига бордим», дермикан? Икки дунёдаям айтмайди. Мелисахона масаласига келсак, вой, бутун бошли колхознинг каттаси «Менинг қизимга манави шумта-

ка мана бундай дебди, шундай қилмоқчи бўлибди бу итнинг боласи!» дейдими? Ҳеч қачон айтмайди. Шундай дейдиган бўлса, биринчидан, ҳамма ёққа овоза тарқаб кетади. Иккинчидан, Толмас Бадриддиновичнинг обрўси бир пул бўлади. Кейин унга колхозда ким қулоқ солади? Калламни гаровга қўйиб айтаманки, ит ҳам унга қайрилиб қарамайди!

Насима укасига термилганча ўйга толиб қолди. Кўзига ёш тўлди. Сўнг:

— Энди нима қиламиз? — деди заиф овозда.

Саид чуқур нафас олди-да:

— Ароқдан оп келинг, бошим тарс ёрилиб кетай деяпти. Кеча қуруқ сувни ичаверганимдан қорним ҳам сувга тўлиб кетди. Каллам ишлаши учун озгина отволмасам, бўлмайди, — дея бошини чангаллади.

— Ҳа, тўғри айтасан, сен бечораям қийналиб кетдинг. Анави куни поччанг зўр деб опкелгани бор эди. Озгина ичвосанг, ҳақиқатан ҳам, ўзингга келасан.

У шоша-пиша хонадан чиқди. Йўлакда кичкина ўғлига дуч келди. У қўлидаги шоколадни афтига бежаб ташлаганди. Насиманинг жаҳли чиқди.

— Қариганда ким қўювди менга туғишни? Уф, четроқ тур, валакисаланг! — дея у ўғлини четга суриб, тезда ошхонадаги музлаткичдан ароқ олиб, изига қайтди.

Бир пиёладан сўнг Саид лабини ялади ва бошини сарак-сарак қилиб:

— Бало булар, биледи нимани ичишни!.. Биз бўлсак, кунимиз магазинга қолган, — деди-да, тагин пиёлани тўлдириб ичди.

Насима ундан кўзини узмай қараб турар, кетса, гўё муҳим гапдан қуруқ қоладигандай тоқатсизланиб, Саиднинг оғзини пойларди.

— Ўҳ! — деди Саид иккинчи пиёладаги захри қотилни ютиб бўлганидан кейин бошмалдоғини юқорига кўтариб. — Зўр гап келди миямга! Бу йўл, сўзсиз, эрчангизнинг бошини эгади. Бундай қиламиз, — деб у шишани яна кўтарди.

— Кейин ичасан, айт гапингни, — деди сабр косаси тўлаёзган Насима.

Саид унинг гапига эътибор ҳам бермади. Ишини да-

вом этказди. Ҳаш-паш дегунча пиёлани яна оқ қилди. Шундан сўнггина лаб-лунжини кафти билан артиб:

— Пул... — деди.

— Нима, пул? — ҳайрон бўлиб сўради Насима.

— Пулини тинчитамиз, ҳаммасини. Сиз ҳозир сандиқ-да қанча пул бўлса, ҳаммасини олиб чиқинг. Рўмолчага тугиб, менга беринг. Мен оламан-у, уйга обориб қўяман. Сиз поччам келганида бирдан дод-вой қилишга тушасиз. «Уйимиз куйди, ўғри тушибди!» деб бақирасиз. Кейин раисни эзадиган яна бир-иккита гап айтасиз, ҳиқ... Бу ароқ жуда ўткирми, дейман. Бошимни айлантиряпти. Бир шишасини ичсам ҳам, қилт этмай турардим.

— Сенинг миянг айтиб қопти. Шунча пулни қўш қўллаб сенга тутқазаманми? Ўғрилиқ орқасидан икки марта қамалиб чиққан, бунинг устига, қаердаги отарчини хотин қилволган одамга-я?! — дея шанғиллади Насима.

— Бўлмаса... Ҳиқ... Бўлмаса... Ҳиқ...

Саиднинг кайфи ошиб қолган эди. Энди унинг тили айланмаётганди. Кўзи юмилиб кетаверди.

— Ҳой, овсар, вой, куним кимларга қолган-а?! Биттаси хотинбоз, иккинчиси алкаш!.. Ухлама, эшшак, кўзингни оч! — ҳайқирди Насима ва укасининг ёнига чўккалаб ўтирганча унинг ёқасидан ушлаб силтай бошлади.

— Кўй... Кўйсанг-чи!.. Мен озгина... Ҳм... Ҳм...

Саиднинг оғзидан бошқа гап чиқмади.

— Бу кунингдан баттар бўлгур, жувонмарг! — деб Насима қаддини ростлади-да, укасини бир тепди.

Саид у ўйлаганчалик маст эмасди. Яхшигина кайфи бор эди, аммо бу ҳали унинг бутунлай ўчиб қолиши учун камлик қиларди. У атайин ўзини учиб қолганга солди ва шу баҳонада машъум режасини тузиб олмоқчи бўлди. Ахир куни кеча опаси: «Уйда бир тийин ҳам пул йўқ. Ҳаммасини поччанг қаергадир сарфлаб келди. Эй-й, ҳа-а, эсимга тушди. Қайсидир жўрасининг аҳволи чатоқ эмиш, ревизорларга тушиб қопти. Шунга пулнинг ҳаммасини йиғиб-териб опкетди», девди. Энди бўлса, «Шунча пулни сенга қандай бераман?» деб турибди. «Бундан чиқди, сандиқ пулга тўла... Вазиятдан фойдаланиб, имижимида тинчителишим зарур».

* * *

Намуна опа зарурат юзасидан ташқарига чиққанида, айвонда ўтирган қарияларнинг гап-сўзларидан билдики, ўғли қабристонга кетибди. Юраги шув этди, ранги оқарди, аммо бу сафар йиқилмади. Кўзидан ёш оқизиб, уйга кирди. Албатта, уйда ўтирган хотинлар дарров унинг аҳволини сезишди. Қизи ўрнидан турди. Югуриб, онасининг ёнига келди-да, қўлтиғига кирди.

— Энажон, яна мазангиз бўлмаяптими? — деди хириллаб (салкам кун бўйи бақираверганидан овози битиб қолганди).

— Аканг... — деди Намуна опа хаста овозда, — аканг билганидан қолмабди.

— Вой ўлмасам! — деди уйдаги хотинлардан бири кўзи олайиб, кейин бошқаларга эшиттириб. — Шу маҳалда қабристонга кетибдимми?! — дея қошини қоқди.

— Бонот! — деб ўрнидан турди бошқа бир хотин жаҳли чиққанидан қизариб. — Нималар деяпсан? Тавба қилдим, ҳамма нарсага тўқиб-бичиб, қўйлак кийгизиб ташлайсан-а! Намунахон бошқа нарсани гапиряпти. Худойини ўтказишни айтяпти. Маъруфжон сал тежамлироқ бола-да, ҳечқиси йўқ, Намунахон, бунинг учун хафа бўлиб ўтирманг. Аслида, эскилар «Камхарж бўлинглар» дейишган. Шу томондан олиб қараса, Маъруфжон ҳақ.

Унинг гаплари Намуна опа тугул, уйдаги бирортаям аёлнинг қулоғига кирмади. Ҳамманинг ўй-хаёли Бонот исмли бўйдор, хўппа семиз, кўзлари чақчайган хотиннинг гапида эди. Дарҳақиқат, ҳамма Маъруфнинг нима қилмоқчи бўлиб юрганидан хабардор, барча бирдай ваҳимада эди. Ўша битта хотиндан бўлак бирортасиям Намуна опанинг кўнглини овлашни ўйламади. Қани, ҳозир у бўлмаса. Бир-бирларига ўгирилиб олиб, Маъруфнинг обдан авра-астарини ағдаришса. Шу нарса кўпроқ уларни қийнаётган эди.

— Акам ақлли, нима қилишни яхши билади. Балки, юраги эзилиб кетганидан кўчага чиққандир? Отажонимнинг ошнаси Баҳром акаям кўринмаяпти-ку, — деди Махшура.

Намуна опа Баҳром аканинг исмини эшитганидан кейингина бироз хотиржам тортгандай бўлди. Кўзидан дастрўмолини олмасдан, совиб қолган жойига ўтирди-да, бо-

шини эгди. Ёнгинасига қизи ўтирди. Йиғлайверганидан кўзлари қизариб кетганди Машхуранинг.

Аёллар ортиқ бардош беролмай, пичир-пичирни бошлаб юборишди. Шунча истамасин, кўнгли қайғу-ҳасратга тўла аёлнинг қулоғига айрим гаплар эшитилди.

Машхурани ташқарига чақаришди. Намуна опа буни эшитмади. «Нима қиламан, нима қиламан?» деган ўйлар исканжасида эди у. Ташқарига чиққан қизнинг, сал бўлма-са, юраги ёрилаёзди.

— Даданг тирик экан, дадангни чиқариб олдик. Одамлар олиб келишяпти бу ёққа...

Хабарчи яна нималар деди, Машхура эшитмади. Йиғлаганча тураверди. Охири хабарчи ва унинг атрофига йиғилганлар қизнинг мазаси қоча бошлаганини англашди. Шошилишча сув беришди, биринчи ёрдам кўрсатишди.

Намуна опа ҳам аввалига гарангсиган эса-да, олдинги сафаргидай ағанаб қолмади. Бўлмаса, юрагининг мазаси қочган, дўхтирдан зўрға жавоб олиб, эрининг жанозасига келганди. Мана энди бунақанги хабар чиқиб турибди.

— Илтимос, — деди ёнидан жилмай ўтирган қўшни аёлга, — бу ёққа олиб киришмасин. Бошқа уйга киришсин. Ўзимга келволай.

Оёқ-қўли чаққон қўшни унинг гапини дарров ҳовлидагиларга етказди. Кексалар маъқуллаб, бош қимирлатишди. Ёшлар эса эътибор ҳам беришмади.

Ҳовли бирпасда тўс-тўполон бўлиб кетди. Кимдир астойдил қучоғини очган бўлса, яна кимдир ирганиб, қўрқиб-писиб Норқул аканинг елкасига уриб қўйди. Баъзилар умуман яқин йўламади.

Маъруф бўшашди. Ҳеч кимнинг у билан иши бўлмай қолганлигини сезгач, кўчага чиқди. Йўлнинг ўртасига, тупроққа чўзилиб ётиб олди-да, осмондаги юлдузларни кузата бошлади.

«Қанийди, шу ёққа учиб кетсам, у юлдуздан бунисига ўтиб юрсам... Одам зоти бўлмаса-ю, якка ўзим билганимни қилиб юрсам» деб ўйлаб, ўксинди.

Бу маҳалда одамлар бирин-кетин тарқалишаётганди. Икки-учтасининг кўзи йўлда узала тушиб ётган одамга тушди. Югуриб келиб қарашса, қаҳрамон.

— Сен бола бугун бизни умуман ухлагани қўймайдиганга ўхшайсан! Бор уйингга! — деди биттаси.

— Бу болада бирор хислат бор, — деди иккинчиси.

— Ака, буни уришманг, қарғаса, мажруҳ бўп қоласиз, — деди учинчиси.

Маъруф бўлса ўрнидан туриб, қўлини силтади-да, уйга кетди.

Эртасига уларникида қўй сўйилиб, худойи қилинди. Индинига йигит ишга чиқди.

* * *

Гилдираклар сирпанди, кейин қарсиллаган овоз эшитилди. Унга Паризоднинг қийқиргани қўшилди. Бир муддат Элёрнинг кўз олди қоронғилашди. Нима бўлганини англаёлмай қолди. Сўнг қўли зирқирай бошлаганида, ўзига келди. Ёнида ўтирган Паризодни беҳуш ҳолда кўрди. Бирдан жон-пони чиқиб кетди.

— Пари, Паризод... — деди зўрға эшитадиган қилиб.

Қиздан садо чиқмади. Ана шунда Элёрнинг юраги бутунлай тўкилди. Агар биров «Ўлдинг, умринг қамокда чирийди!» деса борми, ўкириб йиғлаб юборади ё шата-лоқ отиб қочади.

— Мени кўрқитма, кўзингни оч, илтимос. Тирикман, де, — деди йигит йиғламоқдан бери бўлиб.

— Нима бало қилдингиз? — сўради қиз.

— Айтарли ҳеч нима бўлмади. Озгина тўқнашганга ўхшаймиз, — дея Элёр бўйинини чўзиб, машинанинг олд томонига қаради. — Эй-й, трактор йўқми? Тележкасининг орқасига урилгандай бўлувдик, қочворганга ўхшайди...

— Ўлсин, трактор ҳам, тракторчи ҳам, отамга қаранг, — деди Паризод паст овозда.

— Эй-й, — деб Элёр бирдан бошини орқага бурди.

Орқа ўриндикда Толмас Бадридинович йўқ, у ўриндикдан думалаб тушган ва пастда хурракни давом эттирмоқда эди.

— Ухлапти, ҳеч нима қилмаганга ўхшайди.

Йигит билан қиз дарров машинадан тушишди. Элёр «Виллис»нинг олд томонига ўтиб қаради. Бампер бироз пачоқ бўлган, чироқлардан биттаси синган эди. «Худога шукр, жуда ёмон бўлмабди» дея хаёлидан ўтказиб, хўрси-

ниб кўйди у.

Бу пайтда Паризод отасини кўтариб, ўриндиққа ётқи-зишга уринмоқда эди. Бироқ қанча уринмасин, уддаси-дан чиқолмаётганди. Элёр ёрдамга келди.

Улар бир муддат гаплашишмади. Элёр йўлдан кўзини узмас, газни кам босар, шунга монанд машина имиллаб кетиб борарди. Паризоднинг хаёли эса бутунлай бошқа ёқда эди. Унинг назарида, оиласининг колхозда роса шар-мандаси чиқди, бундан бу ёғига бош кўтариб юролмай-ди. Бундан қутулишнинг бор-йўғи иккита йўли бор: бири ўзини ўлдириш, иккинчиси эса қаергадир кетиб қолиш. Айтайлик, шаҳарга. «Шундай қиламан. Мени ким таниб ўтирибди? Ўқишними, балоними-баттарними баҳона қилиб, кетиб қоламан. Кейин ўзим истаганча яшайвера-ман. Яхшилаб тайёргарлик кўрсам, балки, ўқишгаям кир-рарман. Шунда ҳаммаси бошқача бўлади» ўйлади қиз.

— Паризод, — деди, ниҳоят, жимликни бузган Элёр, — менга турмушга чиқ.

— Йўқ, — жавоб берди Паризод, — ҳеч қачон!

— Нимага? Ёмонманми, хунукманми?

— Унисиям-бунисияммасиз. Отам менинг ёнимда сиз-дан: «Қизимга уйланасанми?» деб сўради. Яна отамнинг маст бўлиб, ҳеч нарсани эшитолмаслигидан фойдаланиб, «Менга турмушга чиқ», деяпсиз. Шунинг учун сизга тег-майман, — деди қиз ва ўгирилиб отасига қаради.

Толмас Бадриддинович қотиб ухлаётган эди. Қиз ўксин-ди, «Бечора отамга мунча қийин!» деб ўйлади.

— Унда мен сени ҳар доим кўриб юролмайман. Эзи-либ кетаман, шунинг учун машинани топшираман. ПМКАга кетаман, — деди Элёр худди ўзига ўзи гапир-гандай.

— Тўғри қиласиз, — қувватлади уни Паризод.

Шундай гаплар нозикбадан, кўринишидан ниҳоятда истарали, овози ёқимтой қиздан чиқаётганига биров ишонмайди. Қаранг, қанчалик бағритошлик? Йигит ўкси-нади, деб ҳам ўйламади. Шундай миясига келган гапни айтди-кўйди.

— Кейин, — дея бироз танаффусдан сўнг давом этди Элёр, — ҳеч нарсадан хавотир олма. Мен қумдай бир одамман, кўрган-билганларим ичимга сингиб кетади-ю,

қайтиб чиқмайди.

— Буни вақт кўрсатади. Бўлди, ҳеч нима тўғрисида гапирманг. Ўз ҳолимга қўйинг, чарчадим.

Қизнинг талаби уйига етгунича қондирилди. У машина тўхташи билан сакраб тушди-да, ҳовлига кириб кетди. Дарвозани Элёр очди. Ҳойнаҳой, «Паризод бориб айтган бўлса, уйдан биров чиқар, раисни туширишга ёрдамлашар» деб ўйлаганди у. Лекин ҳеч ким чиқмади. Бир ўзи хўжайинини туширди, уйга олиб кирди. Кейин пою пиёда уйига кетди.

Паризод онасини деворга суяниб ўтирганча йиғлаётган ҳолда кўрди.

— Яна нима бўлди? — сўради ҳадиксираб.

— Куйиб қолдик, қизим! Тоғанг сандиқдаги бор пулни кўтариб кетибди! — деди Насима йиғлашда давом этиб.

— Шу кўргилик ҳам бормиди бошимизда? Ҳаммасига сиз айбдорсиз, ая! — деди қиз бақариб ва югурганча хонасига кирди-да, ўзини каравотга ташлади.

Эртасига тонгда ўзига келиб, юз-қўлини совуқ сувда ювиб, ўзи чой қўйиб ичган Толмас Бадриддиновичга хотини пул йўқолганини айтмади. Қовоғини осилтириб, у ёқдан-бу ёққа ўтди. Кўзининг ости билан эрига қаради. Нафратини сочди, амаллаб вақтни ўтказди. Раис гижинди. «Нима жин уриб, сенга уйланганман-а? Эсиз, агар коммунист бўлмаганимда, шартта ажрашган бўлардим» деди ичида ва ишга кетиш мақсадида кийиниб, ҳовлига чиқди. Дарвозахонага, машинанинг ёнига борди. Бампернинг пачоқ жойи, чироқнинг синганини кўрди. «Вой, валак-салак, қайси гўрга уриб олди? Кечагина машинага ҳеч нима бўлмаганди-ку» дея кўнглидан ўтказди ва кечаги воқеаларни хотирасида тиклашга уринди. Шаҳарга боргани, ресторанга киргани, қизи билан Элёрга айтган гаплари, уларнинг жавоблари — ҳамма-ҳаммасини эслади. Бироқ кайфи ошиб қолганидан кейин нима бўлганини билмайди.

«Бир кун пиёда борсам, ҳеч нима қилмайди. Баҳонада оёқ чигали ёзилади» дея ўзига ўзи гапириб, дарвозадан чиқиб кетди.

Идорага бориши билан фаройиб янгилик эшитди. Эмишки, Норқул чўлоқни тоқ урибди. Уни ўлган деб,

обориб кўмишибди. Оқшом ўғли бориб, гўрдан чиқариб олибди. Тирик эмиш. Суюнчи тилаган Ҳайбатулло эди. Гапираётганда, унинг писка кўзи ўз-ўзидан каттариб кетди. Сариқ юзи қизарди, оғзидан кўпиги отилди.

— Элёр қайси гўрда?! — сўради раис унинг гапларини охиригача эшитгач.

— Сизни опкелмадими? Ўзим ҳам айтдим, хўжайин нимага пиёда келаяпти, деб. Шу боланиям тайини йўққа ўхшайди-да. Ҳозир топтираман, — деди Ҳайбатулло шошиб.

— Керакмас, мошин уйда турибди. Бола икки кундан бери чарчаган. Бирортани жўнатинг, ҳайдаб келсин, кейин биргалашиб қишлоғингизга бориб келамиз. Ҳар қалай, шунча гап-сўз бўпти, бормабмиз, уят бўлади, — деди-да, раис хонасига кириб кетди.

Унинг мияси алғов-далғов бўлиб ётганди. Тузукроқ фикрлай олмас, хаёлига ҳали Сумбул, ҳали қизи, ҳали хотинининг қароматлари келар, нима қилишини билмасдан уф тортар, сигарет чекарди. Ҳайбатулло кириб, машина тайёрлигини айтганида ҳам, раис ўзига келолмаганди.

Толмас Бадриддинович Норқул ака билан самимий кучоқлашиб кўришди. Гўрдан чиқиб келган, деб ижирганмади. Фақат Норқул аканинг сочи оқариб кетганидан ҳайратга тушди. Кейин рангиям сарғайганга ўхшарди.

— Дунёда шундай ишлар ҳам бўлиб туради, Норқулбой. Яхшиям, юрагинг бақувват экан, худо деган одам экансан. Бу дўхтирларимиз ҳам кўчада ўқиб келяпти-да. Яқинда уларнинг ҳаммасини фермага ишга олсам керак, — деди.

Норқул ака жавоб бермади. Синиққина кулиб қўйди. Уйига таклиф қилди. Ҳайбатулло кўришиш учун қўлининг учини тутганига эътибор ҳам бермади...

Шу куни кечки пайт йиғилишда бош агроном керилиб:

— Мана, узумни ҳам экиб ташладик. Саратонда кўкарган узум бошқача бўлади, де- йишади. Ажабмас, келгуси йил ҳосилга кириб, юзимиз ёруғ бўлса... — деди.

Толмас Бадриддиновичнинг ҳеч нимадан хабари йўқ эди. Шу боис Ҳайбатуллога мамнун боқди, аммо Баҳром

ака чидаб туrolмади:

— Одамнинг ҳар нима бўлгани яхши, уялмадингиз-а шу гапни айтгани?! — деди у бош агрономга ўқра-йиб. — Ишни Маъруф уддалади-ку. Сиз ўн кундан бери номига бориб келардингиз.

Ҳайбатулло қизариб-бўзарди, аммо тезда вазиятдан чиқиш йўлини топди. Чунки Маъруф йиғилишда йўқ эдида.

— Ўша Маъруфингизга, — дея бурнини керди у, — участкага кетаётганида, нима қилишни, мана, биз айтгандик.

Баҳром аканинг бирдан тили қулфланди. Нигоҳи билан ток экилган бригаданинг бригадирини қидирди. У, аксига олиб, йиғилишга келмаган экан. Қизарганча мажбур бўлиб жойига ўтирди.

— Энди ёш кадр-да, озми-кўпми, билими борлигини сездик. Лекин, Ҳайбатулло ака, йўл-йўриқ кўрсатиб, тўғри қипсиз, — деди бош агрономга иржайганча қараб қўйган раис.

Ҳайбатулло яна бир марта тантана қилди. Ҳозиржавоблиги қўл келди. «Сен ҳали шошмай тур, бир ўйнатайки, додингни кимга айтишни билмай, типирчилаб қол. Ҳа-а, ошнанг гўрга бир кириб чиқди, лекин сен кирасан-у, қайтиб чиқмайсан, ўша ерда ириб-чирийсан» кўнглидан ўтказди у ҳамда чоҳ қазишни эртасигаёқ бошлади.

Колхознинг даштда ери, фермаси бор. У қарийб эллик километр узоқликда эди. Аввал район марказига борилар, ундан ўтиб, дарё ошилар ва даштга чиқиб кетиларди. Колхоздагилар у ерни МОП деб аташарди.

Ҳайбатулло Баҳром ака билан илиқ кўришди. Яқин йиллар мобайнида ҳали бирор марта ҳам бундай саломлашишмаган эди. Шу боисдан Баҳром ака таажжубланди. «Қани, энди бу шум така нима деркин?» деган ўйда оғзини пойлади.

— Эй-й, Баҳром ака, мана, сиз билан ишлай бошлаганимизгаям ўн беш йилдан ошиб қолди. Мен энди ишга келганимдаям сиз ҳозиргидай ҳудуд агрономи эдингиз, ўзгармадингиз. Буни қаранг, характер ҳам ўша-ўша. Тўғриси, илгари сиздан ёмон кўрқардим. Кесиб-кесиб гапи-

рардингиз, силтаб ташлардингиз. Лекин, — дея Ҳайбатулло афтини бужмайтирди, — умуман хафа бўлмаганман. Тўғрисиям-да, чунки озмунча нарсани ўргатдингизми?

— Энди, анча нўноқ эдингиз-да, Ҳайбатуллобек, — деди энсаси қотган Баҳром ака.

— Бу гапингиз ҳам тўғри, аммо яхшилаб тепиб, тепкилаб пишитдингиз.

— Йў-ў-қ, бўладиганни тепиб-тепкиласангиз, пишийди. Бўлмайдиганни тепкилаш тугул, сўйсангиз ҳам, одам бўлмайди.

Ҳайбатуллонинг ранги гезариб кетди. «Мараз, ҳайвон!..» дея ичида обдан сўкинди ҳамда одатдагидай чирт этказиб ерга тупурди-да:

— Худо шундай қилиб яратган бўлса, менда нима айб? — деди паст овозда ва Баҳром акага еб қўйгудек тикилиб вишиллади: — Энди буйруқни эшитинг. Салим тракторчини оласиз-да, бугуннинг ўзидаёқ МОПга борасиз.

— У ёқда менга нима бор? — дея қовоғини солди Баҳром ака.

— Бало бор, баттар бор! Ёқмаётган бўлса, раисга «Бормайман», деб айтинг, тамом!

Ҳайбатулло яна сўкинди. Баҳром акага унинг минғирлашигина эшитилди.

Шу куни бош агроном истаган нарса бўлмади. Салим трактор тормозини бузмабди — қўрқибди. «Ўзим ҳам асфаласофилинга жўнаб кетсам, иккита болам етим қолади, кейин уларни ким боқади?» деган хаёлга борибди. Буни у МОПдан қайтганларидан кейин Ҳайбатуллонинг уйига борганда айтди.

— Ака, бўлмади, қўрқдим! — деди кўзи жавдираб.

Ҳайбатулло жаҳлини яширди, мийиғида кулди:

— Тўғри қипсан, ўзим ҳам сенга айтишга айтиб, кейин ўйланиб қолдим. Майли, юраверсин, бу ёғи пенсиясигаям оз қолган бўлса керак. Сен боланинг оғзинг маҳкамлигини биламан. Бўлмаса, бунақанги ишларни буюрмасдим-да. Пул ҳам бермасдим, аммо анави айбинг нимагадир ҳеч эсимдан чиқмайди. Чуваш қишлоғидаги магазин ёнидаги-чи, ярим оқшом битта одамни уриб кетганинг...

Салимнинг кўзи олайиб, ранги гезарди.

— Шу одам ўлувди, — давом этди Ҳайбатулло, — алкаш экан-у, лекин, барибир, одам-да. Эсингда бўлса, роса текшир-текшир бўп кетувди. Буни қара-я, ўшанда-ям МОПга жўнатганман сени. Бир ҳафтага. Яна терговчиларга «Ўн кун аввал жўнатганман», деганман.

— Яхшилигингиз эсимдан чиқмайди, Ҳайбатулло ака, нима десангиз, ҳаммасига тайёрман. Аммо...

— Ҳа-а, савобнинг таги тешик бўлади-да...

— Нима қилай?

— Билмасам энди нима қилишингни. Лекин алкашни уриб кетган тракторчи ҳалиям топилгани йўқ. Шу кўрсатмамни ўзгартирсамми, деб турибман. Ҳар қалай, тўққиз-ўн йил анави ёқда юрсанг, тушунармидинг, дейман-да?

— Бўлди, бу ёғини менга қўйиб беринг. Қарзимни узаман, мана берган пулингиз, — деб Салим беш юз сўмни Ҳайбатуллонинг олдига қўйди. — Шусиз ҳам ба-жараман.

— Бўпти, боравер, кўрамиз у ёғини... — деб суҳбатга якун ясади Ҳайбатулло.

У мамнун эди, ахир пули қайтиб келди. Бунинг устига, Баҳромни йўқ қилишни Салим бўйнига олди. «Шундай соддалар учраб турса, бурнидан ип ўтказиб олиб, билган нафмангга ўйнатсанг, одамга ёмон нашъа қиларкан-да... Отам раҳматли «Гўр бўлмайсан, чаласавод!» деб уришарди. Гап саводда эмаскан-да, отажон. Мана, қаранг, устомонлигимнинг орқасидан нималар қилиб юрибман? Керак бўлса-чи, раисниям ўйнатаман. Ана, бутун бошли фермага одамимни тиқиштириб қўйдим. Энди, ота, у ёқдан ҳам пул жонивор оқиб келаверади» дея кўнглидан ўтказди-да, бир тахлам қип-қизил ўн сўмликни костюмининг ички чўнтагига жойлаб, оғринганча ўрнидан туриб, уйдан ташқарига чиқди. Кулочини кенг ёзиб, тоза ҳаводан мириқиб симирди. Шу пайт унинг кўзи қизига тушди. Қиз шошганча кўча томон кетиб борарди. Кўчада эса Маъруф турибди. Ҳайбатулло эътибор бермади. Кўнгли палакда гарқ пишиб ётган помидордан биттасини узиб олиб, терисини шилиб ейишни тусади. Катта қорнини силаб, секин полизга кираркан, беихтиёр кўча тарафга қаради ва қизи билан Маъруфнинг гаплашиб турганини

кўрди. Шу заҳоти тепа сочи тикка бўлди. «Онангни эм-гур, ҳали сен ифлос қизимнинг бошини айлантирадиган бўлдингми?!» деди ва ён-атрофига аланглаб, урадиган бирор нима қидирди. Кетмонга кўзи тушди...

* * *

Маъруфни қишлоқдагилар каби колхоздагилар ҳам ҳурмат қила бошлади. Ким кўрса, илиқ кўришар, «Сен бола бошқача экансан», дер ва отасининг ўлмаганини қандай сезганини сўрарди. Маъруф елка қисар, «Кўнглимга келди-да», деб кўярди. Охири бунақанги сўроқлардан безди. Кимки отаси тўғрисида бирор нима дейдиган бўлса, дарров қовоғини осилтирадиган, сўзлаётганга еб қўйгудек тикиладиган одат чиқарди. Шу-шу, гап-сўзлар камайиб кетди. Орқаворотдан қулоғига чалинганларга эса эътибор бермай, ҳамма нарсани унутиш учун ишга берилди. Ўша куни уни қишлоғига жўнатишганди. Қишлоқ адоғидаги пахта ривожланмай қолибди. Шуни кўриш, сабабини билишга жўнатишди. Борди, кўрди. Бечора пахталарга умуман сув етиб бормабди. Сабаби, ер бошқа жойларга нисбатан анча баланд эди. «Бу йил ҳеч нарса олиб бўлмайди» хаёлидан ўтказди ва идорага боришни истамай, уйига равона бўлди. Йўлда бир-икки жўралари билан кўришди, гаплашди. Кейин яна йўлида давом этди. Кўчадан уйи томон бурилмоқчи бўлганида, Наргизани кўрди. Агар қиз:

— Шошмай туринг, Маъруф ака, — демаганида, у индамай, уйига кетган бўларди.

Ноилож тўхтаб, қизнинг етиб келишини кутди ва бирдан кўзи ҳовлига чиққан Ҳайбатуллога тушди.

— Ичингни ёндираман, — дея пичирлади йигит ва Наргизага қараб, жилмайди.

Йигитнинг хаёлига келган нарса уни қишлоқда яна бир марта қаҳрамонга айлантирарди. Агар у вақтида эҳушини йиғиб олмаганида ёки қизнинг юзидаги самимий табассумни кўрмаганида, шу ҳол юз бериши табиий эди. «Эсиз, шаҳармас. Шаҳар бўлганидами, шартта белидан кучоқлардим, отаси кўрсинга юзидан ўпиб кўярдим. Албатта, Наргиза учун дўстона бўларди, аммо отаси буни бошқача тушунарди. Ичи куйиб кетарди, алаmidан ёрилиб ўларди» дея хаёлидан ўтказди Маъруф ва шунинг

учун Наргизанинг гапини тушунмай қолди.

— Нима? Бошқатдан гапир! — деди.

Қизга у атайлаб ўзини эшитмаганга солгандай, кесатаётгандай туюлди. Бирдан дув этиб қизарди. Шунга қарамай, қўнглидаги гапни айтди:

— Мени... Бизни кечиринг. Шунча кундан бери қийналиб юрибман. Синглингизга айтсам, индамади. Кейин аввалгидаймас, ўзини олиб қочиб юрибди.

— Сендан хафа эмасман. Шундай экан, кечиришимга ҳожат йўқ, — жавоб берди Маъруф.

Қиз бошини эгди. У йиғлаб юбормаслик учун тишини тишига босиб турарди.

— Энди бор, — деди Маъруф ундан кўзини узмай, — отанг қараб турибди. Яна мазаси қочиб, думалаб қолмасин.

Қиз илкис бошини кўтарди. Аввал Маъруфга, сўнгра ўгирилиб отасига қаради.

— Отам... отам... Майли, ким бўлса бўлсин, лекин ҳеч қачон отамни ёмон кўролмайман.

— Биламан, шунинг учун бор деяпман, — деди-да, Маъруф уйи томонга кетди.

Наргизанинг ичи куйди, додлаб юборгиси келди. Кўзига ҳамма, ҳаттоки Маъруф ҳам ёмон кўришиб кетди. Бироқ буни ўн қадамча нарида кетиб бораётган йигит ҳис этмасди. Ҳис этишга хоҳиши ҳам йўқ эди. Умуман, қизнинг қийналаётгани уни заррача қизиқтирмасди. Қайтанга, унга шуниси яхши.

Уйига боргач эса, ўзи эзилди. Аввал Намуна опа кўзида ёш билан кутиб олди. Кейин йиғлаб ўтирган синглисига дуч келди. «Нима гап? Нега яна йиғлаяпсизлар?» деб сўраёлмади. Қўрқди. «Юрагим дов бермайди» деб ўйлади. Уйга кириб, отасини кўргач эса, оёқ-қўли қалтирашга тушди. Норқул ака уйнинг тўрида эшикка тескари ўгирилиб ўтирар, иккала қўли ҳам юқорига кўтарилган, гўё нимадир тиланаётган одамга ўхшарди.

— Ота... — пичирлади Маъруф.

Норқул ака жавоб бермади. Қимир этмай ўтираверди.

— Ота! — баландроқ овозда такрорлади ўғли.

Норқул ака қўлини секин туширди-да, қўрқа-писа ортига қараб:

— Эй, Худога шукр, келдингми, болам? — деди.

— Нима қип турибсиз, ота? — сўради Маъруф падарининг ранги оқариб кетганидан безовталаниб.

— Нима қилардим? Худога ёлворяпман. Оқшом тушмасин, деяпман. Светни ўчириб қўямасин светчилар, деяпман. Қоронғида қолиб кетмайин, деяпман...

— Ота, свет ўчмайди. Хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади, — деди Маъруф уни юпатиш мақсадида.

— Ўчяпти-да! Билсанг, илгари ҳеч ўчмасди. Бугун ўчди, тушда. Ана, ёқиб кўр, ҳалигача ёнмаган.

— Балки, бирор жойда сим-пим узилгандир.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаб, бутун қишлоқни айланиб чиқдим. Симнинг узилганини кўрмадим. Подстанцияга бордим, Тўрақул аканинг уйи ёнидаги. Ишламаяпти. Тўрақул акадан сўрасам, райондан ўчирганмиш. Битта мантир кеп айтибдики, бундан буён эконоом қилинарниш. Ҳар куни уч соатдан ўчиришармиш. Бахтимга, шу сафар кундузи ўчиришибди. Эртадан бошлаб кечаси, соат ўндан кейин...

Норқул ака гапирмай қўйди. Бошини эгиб, хўрсинди.

— Ота-а, — деди Маъруф мийиғида кулиб, — ўчирса нима? Барибир, ухлаётган бўламиз. Кундузи, тўғри, ўчириб бўлмайди. Ток билан ишлайдиган нарсалар кўп. Кечаси бекордан-бекорга ёқилгани кўтара зиён-да...

— Йўқ, кечаси товуқхонада чироқ бўлиши керак. Бунинг устига, пахта заводидаги пахталарнинг толаси ажратиб олинмаган. Шамоллатилмаса, чириб кетади. Лекин гап бошқа ёқда.

— Нимада, ота? — дея Маъруф секин ўтирди.

— Мен кўрқяпман-да, улим. Мен яна қайтадан гўрга тушиб қолгандай бўляпман. Хаёлимда лаҳаднинг томи босиб қоладигандай.

Маъруфнинг эти жимирлаб кетди. Нима деярини билмай, каловланди.

— Лекин сен бунга эътибор берма. Ток деганим — уни ёмон кўрганим. Қизталоқ, илгари сира кўрқмасдим-а! Одамнинг жонини олиб қўяркан. Ақлдан озаётганга ўхшайман... Болам, бир илтимос айтсам, қиласанми?

— Ота, нимага илтимос қиларкансиз? Сиз нима десаңгиз, жонимни бериб бажараман.

— Сен тушунмайсан-да, буниси илтимос. Чунки шунга мажбур бўп қоласан. Масалан, мен... Қўй, керакмас, қарасам, жўрамга ўхшаб қоляпсан. Бўпти, сен боравер. Мол-ҳолга қара, емишини бер. Мен билан ишинг бўлма-син. Жинми-бошқами, ҳаммасини ўзим ҳал қиламан.

Маъруф жойидан жилмади. Отасига қараб тураверди. Гўё чиқиб кетса, падари, ҳақиқатан ҳам, ақлдан озади-гандай. Ахир она билан сингил бекордан-бекорга йиғла-маётган ва ҳовлида юрмаган бўлса керак. Отаси уларга ҳам ҳозир Маъруфга гапирган гапларини айтган. Кейин ташқарига ҳайдаган. Она билан қиз дарди ичида, нима қилишни билмай, кучлари кўз ёшигагина етиб, ҳовлида юришибди. Энди уларнинг сафига Маъруф ҳам кўшила-ди.

— Нимага безраясан? Бор дедим. Чиқ дедим! Ўзимни-ки ўзимга етиб турибди дедим!

— Хўп, — дея Маъруф дарров ортига ўгирилди.

Эшик томон юраркан, отасининг: «Шу дарди бедаво менга каммиди?» деганини эшитди. Отаси ниҳоятда ўкси-ниб, алам билан айтди. Овози шундай қалтирадики, ўгли-нинг ичини тўкиб юборди.

У айвон устунига суянди. Кўзини бирпас юмиб, хаё-лини бир жойга жамламоқчи бўлди.

— Маъруф, болам, бориб битта мулла топиб кел. Дами ўткир бўлсин... Хўжа қишлоққа борганинг маъ-қул. Мул-ла Дамир бовани опкел. Ҳозир уйидан ҳеч қаерга чиқ-майдиган бўлган, деб эшитувдим. Лекин сен кўндир, — деди Намуна опа ғамгин турган ўглининг ёнига келиб.

Маъруф кўзини очмади. Бошини қимирлатиб, «хўп» деган бўлди ва хўрсиниб қўйди-да, кўча томонга кетди.

У қишлоқнинг адоғига етар-етмас, ортидан келаётган машина товушини эшитди. Беихтиёр тўхтаб, ўгирилди. Анча нарида чанг-тўзон кўтариб, раиснинг «Виллис»и яқинлашмоқда эди. «Жинни-пинни бўлганми, тор, тош кўчадаям шунча тез ҳайдайдими? Йў-лингдан бирорта одам чиқиб қолса борми?..» У ўзининг хаёлидан ўзи кўрқиб кетди. Гарчи «Виллис» кўриниши билан яшири-ниш зарур бўлса-да, тутаб келаётган уловга термилиб тураверди. Ҳовлиқманинг олдидан ҳеч ким чиқиб қолма-ди-ю, лекин Маъруф чангга беланди. Камига кабинада-

гиларнинг хохолашганини йигит аниқ-тиниқ эшитди. Ердан тош олиб, ортидан отмоқчи бўлди-ю, ўзини босди.

Қўшни қишлоққа етгунича «Виллис»га яна бир марта дуч келди. Бу сафаргисида чанг йўқ эди. Сабаби, қишлоқнинг ўрта йўлидан чиқилгач, бу ёғи асфальт бошларди. Маъруф кўкрагини кериб, шахдам қадам ташлади. Машинага кўз қири билан қараб қўйди.

«Виллис» унинг ёнгинасида тўхтади. Раиснинг ўрнида Ҳайбатулло ўтирарди. У секин эшикни очди-да, ўтирган жойида Маъруфга бошдан-оёқ қараб чиқди. Очиччасига ижирғанди.

— Нимага ишда йўқсан? — деди атайин овозини дўриллатиб.

— Баҳром ака рухсат берган, — жавоб берди Маъруф ички галаёни зўрға ушлаб.

— Баҳром ким бўпти? Сенинг тўғридан-тўғри хўжайининг мен бўламан. Ярим соатдан кейин идорада бўл! — деди Ҳайбатулло ва эшикни қарсиллатиб ёпди-да, Элёрга ҳайдашни буюрди.

— Яна, — деди Маъруф пичирлаб, — яна бир марта нервимга ўйнасанг, йўқ қиламан! Ёшинггаям, амалинггаям қараб ўтирмайман! Бўғаман! Итдай ўласан!

Унинг томоқ томирлари бўртиб чиққан, юзи қизарган, кўзи олайганди. Қийналиб нафас оларди. Шу боис бир муддат жойида туриб қолди. Кейин отасини эслади ва яна юриб кетди.

Шу куни у мулла Дамирни уйига боришга кўндирди. Мулла хийла қариб қолган экан. «Укамни жўнатаман, менга қараганда бардам», деди. Маъруф кўнмади. «Ўзингиз бормасангиз бўлмаскан, энам шундай деди. Хоҳласангиз, кўтариб бораман. Истасангиз, бирорта оёқ-улов топиб келаман. «Сен қол, мол-қолга, болаларимга, невараларимга қарайсан ёки бирор ўн-йигирма кун ишлаб берасан», десангиз, унияман қиламан», деди. Шундан кейин мулла эриди. «Ҳеч ниманг керакмас. Битта хачирим бор. Миндириб қўйсанг, бўлди. У ёғига кетавераман», деди.

Шундай қилиб, мулла хачирда, Маъруф пойи пиёда йўлга тушишди. Мулла Дамир деганлари кўп нарсани билар экан. Охирату моддиятдан шунақанги кўп ва хўп

гапирдики, Маъруф қарийб сеҳрланди. Чолнинг оғзидан чиққан гапларни эшитиш, хаёлига муҳрлаш асносида уйига қандай етиб борганини сезмай ҳам қолди.

— Ҳаммасидан хабарим бор, — деди мулла Дамир уйга кириб, Норқул ака билан сўрашиб, кўрпачага ўтирганидан сўнг, — ўзингизга жабр қипсиз. Эртасигаёқ чақиришингиз зарур эди. Мен кутдим, лекин биров келмади. Бугун ҳам атайин ўғлингизга «Бормайман», дедим. Аммо болангиз ақли, қайсар экан. Худо хоҳласа, пешонаси ярақлаган одам бўлади.

Норқул ака Маъруфнинг Хўжа қишлоққа кетганидан хабар топгач, жаҳли чиққанди. Хотинига: «Илинган нарсага шу ёққа чопаверасизларми? Бир-икки кун ўтса, яхши бўп кетаман», деганди. Ҳозир ўгли ҳақидаги мақтовни эшитгач, бошқача бўлиб кетди. Мулла Дамирнинг келганидан хурсанд бўлди. Маъруфга: «Дарров бориб қора хўрозни ушла, сўйиб, энангга опкеб бер, бирор нима қилсин», деди. Лекин мулла унамади.

— Ташвишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Намоз маҳалгача уйга етиб олишим керак. Куйиқўрғон қишлоғида отамнинг ошнаси бўларди. Хўп донишманд одам эди, раҳматли. Яқинда унинг китоблариям борлигини эшитиб қолдим. Ўзи ёзган экан. Опкелтирдим. Ярмини ўқидим. Қизиқиб кетдим. Тезроқ уйга бориб ўқимасам, бир нарсам камдай юрибман.

Норқул ака ажабланди. Дамир мулла кўринишидан саксонни уриб қўйган чолга ўхшайди. Шу ёшда китоб ўқиши галати.

— Мулла бова, минг китобдан кўпини биладиган одамсиз-ку, — деди Норқул ака ичидагини сиртига чиқариб.

— Эй, билганимни йиғса, бир сиқим ҳам бўлмайди, — жавоб берди Дамир мулла.

У ярим соатча ўқиди. Кейин овқатга ҳам қарамасдан чиқиб кетди. Маъруф уйигача кузатиб бормоқчи эди, унамади.

Норқул ака шу куни безовта бўлмади. Бошқалар қатори эди, гаплашиб ўтирди, сўнг ухлади. Отасининг бирдан ўзгариб қолиши Маъруфга галати туюлса-да, ҳеч кимга сездирмади. Ҳовлига чиқди, тоза ҳаводан ўпкасини тўлдириб нафас олди. Худди қўл чўзса етадигандай осилиб

турган юлдузларга боқди. Кайфияти кўтарилди. «Яхшиям, беғам-беташвиш оқшом бор. Йўқса, қирққа кирмай, ўлиб кетиш ҳеч гапмас» дея хаёлидан ўтказган Маъруфнинг қулоғига шитирлаш эшитилди. Аввалига эътибор бермади. «Бирорта дайди итми, мушукми юргандир-да қорин ғамида» деб ўйлади. Аммо сал нарида қандайдир каттароқ қора бир нарса кўзига кўрингач, сергакланди. Уни ҳуркитиб юбормаслик мақсадида бир-бир қадам ташлаганча экинзорга кира бошлади. Шу билан бирга, кўрганидан кўзини узмас эди.

— Кимсан? — деди жуда яқин боргач.

Кўланка ўрнидан турди. У қиз бола эди. Маъруфнинг сўроғига жавоб бермади.

— Кимсан? — такрорлади йигит.

— Мен...

— Наргиза?!

* * *

— Песда нима ишинг бор эди?! — деб бақирди Ҳайбатулло қизи қайтиб келгач.

Наргиза юришдан тўхтади. Отасига қаради.

— Песда нима ишинг бор эди?!

— Маъруф ака песми? — дея саволга савол билан жавоб берди Наргиза.

— Ҳали билмайсанми?! Нимага унинг олдига бординг, деяпман?!

Ҳайбатулло бақиргани сайин қизариб, қисиқ кўзлари каттариб кетаётганди.

— Машҳурани сўрадим, ишим бориди...

— Ҳой қиз, икки қулоғинг билан яхшилаб эшитиб ол! Норқул чўлоқнинг на қизи ва на боласи билан гаплашмайсан! Умуман, улар бизникига қадам босмасин! Сен ҳам уларникига бормайсан! — деди Ҳайбатулло ва уй тарафга ғазаб билан ўгирилиб: — Карамат! Ўлиб қолдингми, Карамат?! — деб бақирди.

Унинг овози ҳавога сингмай туриб, бошида рўмоли чала ўралган аёл уйдан югуриб чиқди.

— Эшит! — ўдағайлади унга эри. — Қизинг яна бир марта Норқул чўлоқникига борадиган бўлса, оёғини уриб синдираман! Сениям соғ қўймайман!

Қизи уйига қайтгунича, у экинзордан помидор узиб

чиққан, пўстлоғини арчиб, ейишга тайёрлаб қўйганди. Емади, ерга уриб чилпарчин қилди.

Наргиза югуриб уйга кириб кетди. Каромат опа нима қиларини билмай, каловланиб қолди.

— Сен қораялоққа илгари минг марта айтганман, қизинг Норкул чўлоқнинг қизи билан дугона бўмасин, деб! Сен итнинг бўлса, ҳеч нима билан ишинг йўқ! Ам-мамнинг бузоғига ўхшаб туравермасдан, чорпоянинг устига чой дамлаб кел! Овқат-повқатингдан ҳам суз! Қорин пиёз пўсти бўп кетди!

Хотини миқ этмади. Азалдан унинг тили-жағи йўқ. Айниқса, Ҳайбатулло жаҳл отига минганида, бутунлай ўзини йўқотиб қўярди. У буйруқни эшитиши билан ошхонага югурди.

Ҳайбатулло икки пиёла чой ичар-ичмас, раиснинг ҳайдовчиси келди:

— Семинар бўларкан далада. Шунга Дарғомости қишлоғидан бирорта участкани мўлжаллаб қўяркансиз, — деди.

Ҳайбатулло Элёрга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, иржайди. Сўнг:

— Башарангни ким бежаб қўйди? — деб сўради.

— Тўйга борувдим. Бир-иккитаси ичволган экан, шулар билан жанжаллашиб қолдим. Кўпчилик эди, биттасининг мушти тегиб кетди, — жавоб берди йигит.

Аслида, Элёр бу баҳонани уйдагилар учун тайёрлаб қўйганди. Энасиям, отасиям ўзларини ишонганга солишди. Чунки яқин атрофдаги қишлоқларнинг бирортасидаям шу кунларда тўй бўлмаган эди. Элёр қўшни райондаги қишлоқлардан бирининг номини айтди. Раис билан бирга борганини қўшимча қилди. Шундаям гапи ишончсиз чиқди. Шунга қарамай, у дакки эшитмади.

— Тегиб кетганга ўхшамайди. Обдан бўғилибсан, обдан сийланибсан. Шу бирорта қизни талашганга ўхшайсан-да. Лекин ничего, ёшликда ҳамма нарса бўлади. Мана, биз ҳам неча марта лаб қаҳрамонлик кўрсатганмиз... Бўпти, ҳозир кийиниб чиқай, — деб Ҳайбатулло лапанлаганча юриб, уйга кириб кетди.

Унинг ортидан қараб турган Элёр ижирғанди ва кўкарган кўзини уқалаётиб, ниҳоятда нозанин қизга кўзи тушди. У Ҳайбатулло кирган эшикдан чиқди. Элёрга кўз

ташлаб қўйгач, тўғри экинзорга кирди. «Агрономнинг шундай қизи борлигини билмас эканман. Йўқ, бу унинг қизига ўхшамайди. Шундай турқи совуқ, сап-сарик меш-қориндан бундайин гўзал туғилиши мумкинмас. Менимча, меҳмон қиз бўлса керак. Лекин зўр экан» хаёлидан ўтказди. Сўнг қизга тикилганимни биров кўрмасин, деган ўйда машинанинг ёнига кетди. Рулга суяниб, қизга термилганча ўтираверди. Аксига олиб, Наргиза ҳам уйига киришга шошилмас, ўзи билан олиб чиққан идишга помидор, бодринг саралаб соларди. Элёр оғзидан суви оқиб, қиздан нигоҳини олмаган кўйи Паризод билан солиштирди. Назарида, бу қиз унга нисбатан анча чиройлироқдай туюлди. Оқлиги бир хил, аммо қадди-қомати, ҳаракати қандайдир бошқача.

Шу пайт қиз қаддини ростлади-да, у ёқ-бу ёққа қараб қўйиб, қандайдир қоғозни очди. «Нимаёкан у? Наҳотки йигити бўлса! Қўлидаги ўша йигитдан келган хат бўлса-я! Кечга қолганга ўхшайманов! Сал олдинроқ кўрмаган эканман-да. Эсиз! Шошма, қўлидаги хат бўлмаса-чи... Бунақа қизлар унча-мунча йигитларни менсимайди. Хатни кимдир кимдандир бериб юборган бўлиши мумкин. Лекин у шунчаки қизиқиш устида ўқиётган бўлса керак...»

Элёрнинг ўйи охирига етмай қолди. Лапанлаганча Ҳайбатулло келди. Машинага чиқаётиб, йигитнинг энсасини қотирганча: «Эшикниям очиб турмайсан-а», деб нолиб қўйди-да, гўдайиб ўтириб олди.

Улар Маъруф кўрингунча гаплашишмади. Ҳайбатулло қўшнисини таниши билан эса:

— Яхшилаб чоптириб ҳайда, занғар, бир чангда қоп кетсин! — деди.

Элёр дарров унинг айтганига бўйсуниб, газни қаттиқроқ босди. Маъруф, ҳақиқатан ҳам, чангда қолиб кетди. Буни кўрган Ҳайбатулло хохолаб кулди-да, Элёрнинг елкасига қоқиб қўяркан:

— Бопладинг! — деди.

— Кимиди у? — сўради Элёр қизиқсиниб.

— Танимайсанми? Яқинда агроном бўп ишга ўтди-ку. Чўлоқнинг боласи.

— Ҳа-а, анави отасини гўрдан қазиб олган болами?

— Шундай бўлди. Падар лаънатидан қутулдимми, деб ўйлагандим! Лекин қизталоқ тирик экан. Ёмон шунақа: гўрдан ҳам тирилиб чиқаверади. Тўғриси, унинг ўрнида бошқаси бўлганида, лаҳаднинг ичида юраги ёрилиб ўларди... Аслида, бундайларнинг узоқ яшаши кўпчиликни тамом қилади. Чўлоқни ёшлигидан биламан. Отасиниям танирдим. Билсанг, роса бемаза одамлар. Қадим замонда бойлардан бўлган экан. Кейин бобосими ё чўлоқнинг отасими қулоқ қилинган. Эй, булар бизникиларга озмунча азоб беришганми?

Ҳайбатулло ўхшатиб хўрсиниб қўйди.

— Нега азоб беради? — сўради Элёр қизиқсиниб.

— Ишлатган-да. Бобом чорикор бўган. Ерида итдай ишлаган, лекин битта йиртиқ чопони янгиланмаган. Кейин инқилоб бўлган. Ярамастар, ҳар томонга тумтарақай қочган! Фалакнинг гардишини қара, чўлоқ, кейин унинг ўғай акаси бўларди, ўзиям бўйи икки метрдан зиёд эди. Шуларга отамнинг отаси зоғора нон берган. Шунча қилганини билмаган бой, бир гўрдан келиб, сен мени сотдинг, деб бобомни отиб ташлаган. Ҳа, энди, шунча молдавлатинг бўлса... Бу ёқда одамлар оч-наҳор юрган бўлса, давлатга айтса, айтибди-да. Айтмасин, десанг, қорнини тўйғаз эди. Устига бирор нима обергин эди. Нимамаймиш, бобомни уйлантирганмиш, уй қуриб берганмиш. Қара, замонни... — деб Ҳайбатулло иржайди-да, бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳозир биров қилмайдиган ишни қилган экан-ку, — деди йўлдан кўзини узмай кетаётган Элёр.

— Қўли қавариб, пешонаси тиришиб, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, эшакдай ишлагандан кейин шуниям қилмасинми? Бой шунча мол-давлатни пешона тери эвазига топибдими? Ана, бир гектар ерда бир ўзинг ишлаб кўр, қани, қанча фойда кўраркансан? Ҳеч қанча! Фойда кўриш ўрнига майиб бўласан.

— Тўғри, — бу сафар унинг гапини маъқуллади Элёр.

— Шу пайтгача улар араванинг орқа оёғи бўп келишар-ётганди. Кутилмаганда Маъруф ўқишга кириб қолди. Битирди, раис ҳам ишга олиб ўтирибди. Маслаҳат солганида-ку, ўзим топиб берардим одам... Бундан бу ёғига эҳтиёт бўлиш керак. Булар бир кўтарилдими, ҳамма ёқни расво

қилади. Шунинг учун майдалигида эзиб ташлаш керак.

— Сиз бир чўқишда ишини тўғрилаб қўясиз, — деб кулди Элёр.

— Тўғри-ку-я, лекин баччағар йўғонлашганидан сўнг букилиши қийин бўлади-да. Ке-йин қизимниям бошини айлантриб олганга ўхшайди.

Элёрнинг бирдан юраги гупиллаб уриб кетди. Кўз ўнги-дан экинзор оралаб юрган сарвиқомат гўзал ўтди.

— Ҳовлингизда юрган қизми? — сўради у қўрқа-писа.

— Ҳимм, лекин Норқул қизимни сўраб қолса, жойини соламан... Сенга битта топшириқ берсам, удалайсанми? — деди Ҳайбатулло ва қисик кўзини баттар қисиб, унга синовчан нигоҳ ташлади.

Элёрнинг ўй-хаёли помидор-бодринг териш билан ово-ра бўлган қизда эди. Шу боис бош агрономнинг саволи-ни тўла англаёлмади.

— Нимаиди? — деди беихтиёр.

— Нима, нимаиди? — деди энсаси қотган Ҳайбатулло.

— Гапингизни тушунмай қолдим-да...

— Ҳимм, бу қуруқ шофёр бўлиб юраверасанми? Ку-чинг борида бирор нимали бўп қолмайсанми, дейман-да.

— Энди, ака, бизнинг насибамиз шу-да.

— Биламан, раиснинг кўнгли бўш, унча-мунча бериб туради. Лекин ҳамиша шундай бўлади, деб ўйлама. Ҳозир Толмас Бадриддиновичнинг феъли айниб юрибди. Ўрнинг-га бошқа бировни олиши ҳеч гапмас. Кейин нима қила-сан, пахта суғорасанми?

— Нима қилай? — деди Элёр Ҳайбатуллога қараб қўйиб.

— Битта кичкинагина жанжал ташкил қилсанг. Анави ўзича керилиб юрган билан...

Элёр жавоб бермади. Хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бош агроном қилган таклифнинг унга мутлақо дахли йўқ. Бироқ анави агрономнинг нозанин қизи. Хўш, нима қилиш керак? Қандай йўл тутса ҳам ғурбатга қўшил-майди, ҳам гўзал жононга эга бўлади? Дарвоқе, агроном Маъруф қизининг бошини айлантриб олганлигини айт-дими? Демак, ҳар қандай шароитда ҳам, у рақиблик қиларкан-да.

— Нега даминг ичингга тушиб кетди? Қўрқяпсанми? — сўради Ҳайбатулло киноя билан.

Элёр уйқудан уй-ғонгандай чўчиб тушди ва энди кўриб тургандай, Ҳайбатуллога қаради. У сал қолса, машинани йўл ёқасидаги тутга уриб оларди. Чунки бир неча дақиқа ҳайратда қотган эди-да. Яхшики, Ҳайбатулло:

— Йўлга қара! — дея бақариб юборди.

Йигитнинг ранги бирдан оқарди. Машинани ўнглаб олганидан кейин чуқур нафас олди ва шу заҳоти кечирим сўради. Ҳайбатулло кулди. Элёрнинг анқовлигидан эмас, ўзининг устомонлиги, бошқаларга таъсир ўтказиш қобилияти кучлилиги ва буни яна бир бор ҳис этганидан хурсанд бўлиб кулди.

— Одамни одамдан ажрата билиш керак, — деди у бир муддатдан сўнг. — Шунда узоқ яшайсан, яхши яшайсан. Пичоғинг мой устида бўлади. Худога шукр, мана, мен кам бўлмаяпман. Нега, биласанми? Билмайсан, чунки буни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Бошқалар кўзи билан кўрганига ишонади. Лекин мен ишонмайман, чунки аввал каллам билан кўраман. Тушундингми, каллам билан, Элёр?

— Калла билан ҳам кўриш мумкинми? — мийиғида кулди йигит.

— Эй-й, нималар деяпсан? Бир хиллар, айниқса, ўзини жа-а донишманд тутадиганлар «Қалбим билан кўрдим, юрагим билан ҳис қилдим» деб, оғиз кўпиртиришади. Балки, шундайдир, эҳтимол, шунинг учун улар менга таъзим қилишар. Балки, шуниси маъқулдир... Чунки ўзинг ўйлаб кўр, ҳамма калла билан кўраверса, унда ким кимга итоат қилади? Бўпти, ҳали сен билан кўп гаплашамиз, — деди Ҳайбатулло ва деразадан ташқарига қаради.

Бош агроном Элёрга ниҳоятда донишманд бўлиб туйилди. «Нега аввал бу одам билан гаплашмадим? Раис билан бирга юрганида, гапларига қулоқ тутмадим. Зўр экан-ку, шубҳасиз, ёнида юрсам, кам бўлмайман: ҳам чўнтагим тўлади, ҳам обрўйим ошади. Куёви бўлиб қолсам борми?.. Даҳшатнинг ўзгинаси».

У энтикканча Ҳайбатуллога зимдан кўз ташлаб қўйди.

Улар қайтаётиб, Маъруфнинг ёнида тўхтаганларида Элёр бош агроном томонида бўлди. Мабодо орзусидаги қайнотаси «Туш, жағига бир- икки мушт сол!» деганида борми, ҳеч иккиланмай, гўдайган жўжахўрознинг баша-

расини бежаб кўярди. Афсуски, бош агроном бундай демади.

Элёр Ҳайбатуллонинг қишлоғига яқинлашиб қолганида севинди. Ахир севинмай бўладими? Бир муддатдан сўнг у соҳибжамолни кўради, юракни така-пука қиладиган, кўнгилни ҳар кўйга соладиган, узоқдан-да лаззат берадиган соҳибжамолни.

— Аввал молхонага борамиз. Бир-иккита ишлар бор, шуларни бирйўла битириб келайлик... — деди кутилмаганда Ҳайбатулло.

Элёрнинг бошига биров гурзи билан ургандай бўлди. Ичидаги галаён юзига кўчиб, афти бужмайди ва норози қиёфада Ҳайбатуллога қараб кўйди-да, газни қаттиқроқ босди. Йўл равон. Ўтган йили асфальт қилинган. Шунга қарамай, нисбатан тор. Демакки, каттароқ тезликда юриб бўлмайди.

— Ҳимм, жа-а чоптириб юбординг... — деди ҳайдовчининг қилиғи ёқмаган Ҳайбатулло.

— Ия, билмай қопман, — деди бироз қизарган Элёр.

— Хаёл опқочдимиз? Шундай бўлади сенинг ёшингда.

«Қизингиз сабаб шу аҳволга тушдим. Уйингизга бормоқчийдим, унинг ҳусну жамолини кўрмоқчийдим. Сиз бўлсангиз, мен бечорани шундан ҳам Мосуво қилдингиз» дея хаёлидан ўтказди Элёр ва билинар-билиномас хўрсиниб кўйди.

Улар фермага етганларида катта олатов сигирни тележкага ортишаётган экан. Уни кўриб, Ҳайбатуллонинг кўзи чақнаб кетди. Машинадан тушмай, эшикни очди-да, шу атрофда юрган уст-боши кир-чир, яғир босган, пешонасидан тер оққан подачини чақирди. Подачи азбаройи раиснинг машинасини ҳурмат қилгани боис дарров унинг ёнига келди.

— Мудир... Шокир қани? — сўради ундан Ҳайбатулло.

— Хонасида, — жавоб берди подачи хириллаган дағал овозда.

— Чақир.

Ҳайбатулло бунақа одамларни менсимаслик у ёқда турсин, одам қаторига қўшмасди. Буйруқни шунақанги ижирғаниб бердики, Элёр ҳайратланиб, унга қараб кўйди.

Молбоқар кетди. Кетганда ҳам шунақанги имиллаб

қадам ташладики, уни орқасидан кузатиб турган Ҳайбатуллонинг қони қайнаб кетди. Аммо унинг қони қайнагани чўпон учун икки пул. У раисдан қўрқади. Мелисапелисани уйига бошлаб бориши, ўғирланган бузоқларни, уюлиб ётган силосларни кўриши мумкин. Кейин инсоф қилса, жаримага тортади, қаҳри келса, қаматади. Бош агроном ким? Ўзига ўхшаган одам-да. Жойи келса, у-бу нарсаларнинг секин жойини солади. Ана, одамларнинг гап-сўзларига қараганда, ферма мудириям унинг одами экан. Шу гап-сўзлар тўғридирки, сўроқлаб кепти. Илгари қарға «қағ» этганда бир келарди. Бошқа пайти қорасиниям кўрсатмасди.

У бориб хийла хушомадомуз тарзда Шокирга бош агроном келганини айтди. Ферма мудирини бирдан ўрнидан туриб кетди. Суҳбатдоши, журналист Абдурахим ҳам кимирлади.

— Юринг, юринг, — деди Шокир Абдурахимга, — шу ерга тайинланганимдан бери аканинг биринчи келиши. Қолган гапларни кейин гаплашамиз.

Бирови тарвуздай қоринчасини ликиллайтиб, иккинчиси мўйловини пуфлаб қўйиб, бирин-кетин эшикдан чиқишди. Шаҳдам қадам ташлашди. Ҳар иккиси ҳам кўксини сал кўтариб олди. Бундай юришни, аслида, Ҳайбатуллонинг ўзи ўргатган уларга.

— Меҳмон бор экан-ку!.. — деди бош агроном уларни кўриши билан машинадан тушаркан. — Бу, журналист кўринмай қолди, десам, бу ёққа сурган экан-да!

Абдурахим иржайди, томоғини қириб қўйди. Ҳайбатуллонинг ёнига етиб, у билан кўришгач:

— Ёзувчиман, ака, ёзувчи, — деди навбатдаги марта ўзининг кимлигини билдириб.

— Тисс! — деди шу заҳоти Ҳайбатулло лабига кўрсаткич бармоғини қўйиб. — Зинҳор-базинҳор ундай дея кўрма, мулла Абдурахим. Одамлар эшитиб қолса борми, бу қизталоқ устимиздан ёзгани келибди, деб тумтарақай қочади. Бунинг устига, колхозимизда озмунча ёзувчилар борми? Сал қулоқни ортиқча қимирлатиб юборсанг, дарров қоронғи уйга кирволиб, шундай ёзадики, бир кунда оёғинг осмондан бўп кетади...

Устозининг гапига Шокир ферма хохолаб кулиб юбор-

ди. Абдурахим қизарди ва иккала қўлини ҳам юқорига кўтариб:

— Бўлди, бугундан бошлаб, ҳеч нима демайман, журналист, демак, журналист... — деди.

— Яхши, — дея Ҳайбатулло унинг елкасига қоқиб қўйиб, Шокирнинг тирсагидан ушлади-да, четроққа тортиб: — Олатов қаерга кетяпти? — деб сўради шивирлаб.

Шокир жавоб беришдан олдин ортига ўгирилиб, Абдурахимга қараб қўйди ва шу заҳоти устозидан дакки эшитди:

— Бунақанги нарсаларни гаплашаётганингда, кўзинг олма-кесак термасин, — деди Ҳайбатулло.

— Хўп-хўп. Олатовни чиқимлар ўрнини қоплаш учун жўнатаётгандим, — деди Шокир минғирлаган овозда.

— Эсинг жойидами сен боланинг? Куппа-кундузи шу ишни қиласанми? Мудир бўлганингга неча кун бўлди? Ҳе, нафсингга сенинг!..

— Ака, — деб бир қўлини кўксига қўйди Шокир, — бу ёғидан хавотир олманг, тўғрилаб қўйганман. Молхонада саноқ аввал қандай бўлса, сира ўзгаргани йўқ.

— Эски қўшиқ, биламан, нима қилганингни. Олатовнинг ўрнига бузоқни боғлагансан. Бўлмайди, тушундингми, бўлмайди. Бу аҳволда бир ойгаям етмайсан, — деди Ҳайбатулло бўғилиб.

Сўнг чўнтагидан қиммат сигарет олиб, лабига қистирди-да, тутатди. Кейин:

— Камига анави итнинг кўз ўнгида бунақа иш қилиш учун одам аҳмоқ бўлиши керак! — дея қўшимча қилди.

Шокир сувга тушган мушукдай бўлиб қолди:

— Сиз «Бир-икки марта тарбияласа, яхши бола бўлади», деганингизга очерк ёзаман, деб келган экан, гаплашиб ўтиргандим. Лекин у олатовни кўргани йўқ, — дея ўзини оқламоққа чоғланди Шокир.

— Унақаларнинг қирқта жойда кўзи бўлади. Кейин мен «Тарбияласа...» деганман. Лекин «Тарбиялаб бўлдим», деганим йўқ-ку. Бўпти, гапни кўпайтирмайлик. Бир ҳисобдан, сигирни кундузи опкетишга қарор қилганинг ҳам тўғри. Биров шубҳага бормайди. Энди молхонадагилар орасида гап тарқат: сигирни текширтиргани оборгансан, касал чиққан. Кейин сўйдиргансан, гўштини кол-

баса цехига топширгансан. Ўзинг бировга ҳисоб берма. Шундай қилгинки, миш-миш тарқасин.

— Хўп-хўп, — деди бунга жавобан Шокир қўлини кўксига қўйиб.

Улар ортларига қайтиб, махфий гапга аралаша олмаганидан жиғибийрон бўлиб турган Абдураҳимнинг ёнига келишди.

— Ҳамқишлоқ, — дея журналистнинг елкасига қўлини қўйди Ҳайбатулло, — бу дейман, Дайравотга бормаганингаям минг йил бўлган бўлса керак.

— Минг йилмас, умуман бормаганман, — дея ялтоқланди Абдураҳим.

— Оббо, унда ҳали туғилмаган экансан-ку. Майли, бугун Дайравотнинг бўйидаги балиқ ҳовузга Шокир оборади, бир маза қилинлар.

— Ўзингиз-чи, Ҳайбатулло ака, бормайсизми?

— Менинг озгина ишим бор, битирмасам, бўлмайди-да... Сизлар бемалол. Ҳа-а, — дея бош агроном Шокирга юзланиб: — Эртага идорага кириб ўт, иш бор, — деб кўзини қисиб қўйди.

У «Виллис»га ўтирди. Машина бироз юргач, тўхтади. Ҳайбатулло эшикни очиб, бошини чиқарди-да, Шокирни чақирди. Шокир югуриб келди.

— Айтиш эсимдан чиқибди. Анави шўртумшукқа, — дея кўзи билан Абдураҳим томонга имлади Ҳайбатулло, — бўккунича балиқ едир, ароқдан тўйгунича ичир. Сўнг чўнтагига уч-тўрт сўм тиқиб қўй, уқдингми?

— Худди айтганингиздай қиламан, ака. Сиз сира хавотир олманг, — деди Шокир иржайиб.

— Унақалар номи улуг жойда ишлагани билан чўнтаги доим қуруқ бўлади. Айниқса, Абдураҳимга ўхшаганлар тоифаси, — дея ҳиринглаб кулган Ҳайбатулло эшикни ёпди.

Бош агрономга ўзининг гапи нашъа қилди. Анча наригача лаб-лунжини йиғиштиролмай, иршайиб кетди. Кейин қутилмаганда жимиб қолди. Нигоҳини бир нуқтага қадаган ва қаттиқ ўйга берилган эди. «Иккинчи бўлиш жонга тегди. Доим кимнингдир қош-қовоғига қарайсан. Айтганини қўлингни кўксингга қўйиб бажарасан... Бўлди-да! Толмасни четга суриб ташлаш керак! Ўзиям охириги

пайтларда бўшашган. Вақтдан фойдаланиб, битта зарба берсам, қулайди. Ана ундан кейин бутун колхоз ўзимники бўлади... Лекин шошилмаслик, ҳар битта ҳаракатни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қилишга тўғри келади. Чунки Толмаснинг район, областда бақувват танишлари бор. Улар раиснинг осонгина йиқилишига қараб туришмайди. Дарров елкаларини тутишади, токи чалинган югурдак бирпасда оёққа турсин-да, яна хизматларини бажарсин... Ана, Шокирни яхши жойга қўйдим. Ёзув-чизувни Абдурахим эплаб туради. Ҳар қалай, мен тўғримдаги очеркларни республиканинг манаман деган газетларида чиқариш қўлидан келса керак. Демак, у, кейин бош бухгалтер ҳам мен томонда бўлади. Чунки у раисни кўпам хушламайди. Толмаснинг орқасидан қоғоз тўплаб юрганиям биламан. Зоотехник ўлардай қўрқоқ: кўзингни олайтирсанг, оёғи куйган товукдай типирчилаб қолади. Хўш, яна ким? Яна ким? Ҳа-а, инженер... Уни қўлга олишнинг чораси... Занғар, бир сўзли эшак! Ана шу ўжарни қўлга олиш озгина қийинроқ. Лекин ҳечқиси йўқ, ароқни яхши кўради у. Дайравотга опчиқиб, яхшилаб тўйдираман-да, мастлигидан фойдаланиб, бўйнига бирор айбни юклайман. Қарабсанки, унияма дами ичига тушиб кетади. Менимча, шуларнинг ўзи катта куч... Шошма, Баҳром ҳайвон қоп кетди-ку! Кейин унинг ёнида Норқулнинг боласиям пайдо бўлди. У гапиришга арзимайдию, лекин илонча-да... Ит, менинг тагимга сув қуярмиш! Эй-й, кўнглингнинг кўчасига!.. Уни Элёрга юкласам бўлади. Буям ёш, қизиққон. Фақат Элёрни ушлаб турадиган ип керак. Ўша ип топилса, тамом: ҳаммаси хамирдан қил суғургандай осон кечади. Уйга борайлик-чи, секин қўйнига қўл солиб кўраман. Ажабмас, бирор ожизлиги кўриниб қолса...»

У беихтиёр хўрсинди ва бундан бу ёнига колхозга эга чиққанидан сўнг ишни нимадан бошлаш ҳақида ўй сурди. Ҳайбатулло то уйига етгунча шу тахлит ўтирди. Ҳатто машина тўхтаганидан кейин ҳам бир муддат қимир этмади. Охири чуқур нафас олди-да:

— Етиб келдикми? — деди паст овозда.

Элёр жавоб бермади, бошини қимирлатиб қўя қолди. Унинг хаёли Ҳайбатуллонинг қизиди эди. Юраги ҳапри-

қиб, қизнинг кўриниш беришини кутарди. Аммо ситам-гар сулув ҳовлида йўқ...

«Кўрмай кетаманми? Нега? Шунча интиқиб келсам-у, уни кўрмасам, нима деган гап? Майли, юз-кўзинимас, кўйлагини кўрай... У деразадан қараб турган бўлса керак. Ҳар қалай, машинанинг товуши эшитилди. Ким экан, деб... Билади отасининг келганини. Лекин мен ҳам у билан бирга келдим-ку...»

— Нега қотиб қолдинг? — дея сўради Ҳайбатулло унинг хаёлини бўлиб.

Шу аснода гарчи у гўзал қизнинг отаси бўлса-да, Элёрнинг кўзига балодай кўриниб кетди.

— Нимагадир биқиним санчди... — жавоб берди Элёр.

— Бир тукинг қилт этмаяпти-я, оғриққа чидамли экансан. Бу хислатинг яхши, — дея Ҳайбатулло эшикни очаётганида, Наргиза ҳовлида пайдо бўлди.

Элёр уни кўрди: шу заҳоти кўзи чарақлаб кетди. Аммо қовун туширди, чунки Ҳайбатулло машинадан тушиш асносида унга қараган, юз-кўзидаги ўзгаришни пайқаган ва у тикилиб турган томонга юзланган-у, қони кўпчиган эди.

— Балки, кириб бир пиёла чой ичарсан... — деди бош агроном зарда билан.

Элёр чўчиб тушди:

— Йўқ, раисга учрашишим керак, — деди.

— Ҳимм, унда тезроқ учраш...

У қарсиллатиб эшикни ёпди-да, пичирлаб сўкинганча уйи томон кета бошлади. Кўзи Наргизада, унинг хатти-ҳаракатида эди. Ҳартугул, қизи Элёрга анқаймади. Ҳатто отаси тушган машина томонга қараб ҳам қўймади. Ҳайбатуллонинг қўнгли хотиржам тортди ва шу заҳоти тўхтади-ю, бошига бир муштлаб, ортига ўгирилди-да, қўлини кўтариб:

— Тўхта! Тўхта! — дея бақирди.

Элёр машинани буриб олишга улгурмаган эди. Ҳайрон бўлиб, машинани тўхтатди. Секин ерга тушди-да, Ҳайбатулло томон юрди.

— Миқ этмай турганига мутлақо эсимдан чиқибди-ку! — дея бақирди бош агроном турган жойида.

Элёрнинг ичига шодлик кирди. Қиз уйига кириб кет-

масидан уни яқинроқдан кўриб қолиш мақсадида қадамини тезлатди.

— Тинчликми, Ҳайбатулло ака? — деди ҳовлида у-бу юмушни қилиб юрган қизнинг эътиборини тортиш мақсадида атай юмшоқроқ оҳангда.

— Эй-й, йўл бўйи ўйлаб келганимни бир пул қилдинг-а. Уйга кир, гап бор.

Унинг гапи йигитга мойдай ёқиб тушди. Ҳайбатулло ортига ўгирилганидан фойдаланиб, эндигина кўлига супурги олган қизга яхшилаб қараб олди. Бирдан юраги ҳаприқиб кетди. Чунки Наргиза супургини олиб, қаддини ростлаб, ўзгача қизиқиш билан унга кўз ташлаган эди-да.

— Наргиз, қизим, дарров битта чой дамлаб кир ичкарига, — дея буйруқ берди Ҳайбатулло юриш асносида.

«Худога нолам етди. Нима қилиб бўлсаям, Наргиза билан кўз уриштираман. Ўзимни унга бефарқ эмаслигимни билдириб қўяман. Кейин... кейин бир гап бўлар» дея кўнглидан ўтказди йигит.

Улар бирин-кетин уйга киришди. Ҳайбатулло кийимларини алмаштириш учун бошқа хонага кириб кетди. Ним қоронғи хонада қолган Элёрнинг иккала кўзи эшикда эди. «Ишқилиб, отаси келгунича қизи кирсин, яхшилаб жамолига тўйайин» деган умид билан ўтирарди у.

Кўнглидагидай бўлди. Наргиза кўлида дастурхон билан кирди, салом берди. Овози бирам майин, бирам ёқимли эдики, йигитнинг ҳуши бошидан учаёзди.

— Сиз... — деди у қизнинг тезда чиқиб кетишидан ҳайиқиб, — Ҳайбатулло аканинг қизимисиз?

Қиз бирдан унга қаради. Бунақанги саволни кутмаган, шекилли, ҳайрон бўлди ва оҳистагина:

— Ҳи-и... — деб қўйди.

— Яхши, акангизни танирдим, лекин сизни сира кўрмаган эканман... Менинг отим Элёр, раиснинг шофёри бўлман. Бугун бош агроном билан юрдим. Отангиз одамни зериктирмайдиган одам-да... — дея ўз-ўзидан иржайди Элёр.

Дастурхон ёзгач, Наргиза чиқиб кетди. Ундан хонада хушбўй атир ҳиди қолган эди. Бу ҳидни Ҳайбатулло кириб, ўзининг тер иси билан бузди:

— Нега чироқни ёқмадинг? Эй-й, ўз уйингдай бемалол чироқ-пироқни ёқиб ўтирмайсанми? — деди у ва Элёрнинг рўпарасига, дастурхоннинг нариги томонига ўтирди ҳамда иккита ёстиқни қўлтиғига олиб, ёнбошлади-да, чуқур нафас олди.

— Кулбамиз мана шу. Илгари келмагансан, менимча, — дея меҳмонига қаради.

Элёрни ички ҳаяжон тарк этмаганди. Бу эса Ҳайбатулло учун айни муддао эди. Ахир у атайин кийимларини секин алмаштирди. Қизини кирсин, Элёр кўрсин, ана ундан кейин гапга кириши осон бўлади, деди. Мана, кўриниб турибдики, йигит қурғур бир аҳволда ўтирибди. Демак, секин мақсадга кўчаверса ҳам бўлади.

— Менимча, — деди у томоғини қириб олиб, — бу анави жинқарча сизларнинг қишлоқларингдан ўтиб, кейин уйига келади.

— Ким?

— Ким бўларди, Маъруф-да. Ҳалиги келишганимиздай, шу кичкинагина жанжал чиқарсак, попугини пасайтириб қўйган бўлардик-да.

— У ёғидан хавотир олманг, қишлоқ бўлмаса, бошқа жой...

— Йў-ў-ў-қ, бошқа жой бўлмайди! Қишлоқларингнинг киндигида магазин бор. Ҳар куни тўрт-бештаси ичиб ўтиради. Биламан, улар Маъруфни яхши танймайди. Жўраларингдан бирортасига айтсанг, баҳона топиб, тегишади. Маъруф қизиққон, қарабсанки, кимнингдир кўзи кўкариб турибди-да... Кейин у ёғини идорада ўзимиз кўраверамиз.

— Худди айтганингиздай қиламан. Ўзи шу бола менга-ям ёқмайди.

— Ҳали яна бир-иккита режаларим ҳам бор. Сени кам қилмаслик ҳақида... Бўпти, сен ўтириб тур, мен ергўлага кириб чиқай, ўтган йили Сочига борганимда, зўр ароқ опкелганман. Уни сенга ўхшаганлар билан ичмасам, ким билан ичаман?

Ҳайбатулло ҳиринглади ва қийналиб ўрнидан туришга ҳаракат қилди.

— Керакмас, мен ичмайман. Раис бирор жойга борамиз, деб қолса, аҳвол чатоқ бўлади.

— Шу палла раиснинг ёнида нима бор? У аллақачон инига кириб кетди. Кун ботяпти, идорадаям зоғ қолмаган бўлса керак.

У Элёрнинг норозилигига қарамай, уйдан чиқиб кетди. Атайин шундай қилди, токи қизи чой олиб кирсин. Ёшлар бир-бирини яхшилаб кўриб олсин. Элёрда ўзига нисбатан янада иссиқлик пайдо бўлсин, ана ундан кейин қайтиб келади. Элёр ичмаса, ичмабди. Ўзи бир-икки қултум ютади. Бугунги ишлардан кейин озгина ичса, ёмон бўлмайди.

Элёр яна умид билан қизни кутди. Буни қарангки, атай қилгандай, у отаси кетиши билан кирди.

— Сиз бу йил мактабни битирдингизми? — сўради йигит шошиб.

— Нимаиди?.. — дея секин дастурхон устига чойнакни қўйди Наргиза.

— Менинг синглим бор. У бу йил ўқишга кираман деб, роса тўполон қилди-да. Кейин яна бир-иккитасидан эшитдим, шу йил битирганларнинг кўпчилиги жанжал қилишни яхши кўрадиган қизлар экан.

— Тўғри айтишибди. Мен ҳам бетинг-кўзинг демайди-ганлар хилиданман. Айниқса, бегона, бетайин шилқим-лар бирор нима деб қолса, аямайман.

— Лекин сизни кўрган одам бундай деб ўйламайди.

— Кўринишим ёлғончи. Отамни биласиз-ку, тўғрими? Мен отамдан ҳам ўтиб тушаман. Ўзи ҳозир бемаза болалар кўпайиб кетди-да. Битта қизни кўрса бўлди, оғзидан суви оқиб, ҳиринг-ҳирингга ўтади.

— Аммо мен унақамасман.

— Менимча, айнан шунақа лўттивозларга ўхшайсиз.

— Қойил, бир оғиз гапирдимми-йўқми, ким-кимларга ўхшатиб ташладингиз. Лекин айтиб қўяй, отангиз жуда яхши одам. Колхоздаям обрўси баланд.

Қиз жилмайди. Жилмайиши мафтункор, одамни асир қилиб олиш даражасида ёқимли эди.

— Раҳмат, — деди Наргиза ва бир-бир қадам босганча чиқиб кетди.

* * *

— Бу ерда алламаҳалда сен нима қип турибсан? — сўради Маъруф ҳайрон бўлиб.

— Мен... ҳалиги мушукчам бор-ку, шу қочиб кетди. Оқшом бирорта ит тутиб олиб, ўлдириб қўймасин дедим-да... Шу ёққа қочди. Помидорлар орасига кириб кетди. Кейин мен тополмай қолдим. Энди нима қиламан, деб тургандим.

— Мушукчангни излаяпсанми?..

— Ҳа, мушукчамни.

— Демак, помидорлар орасига кириб кетган...

— Ҳа.

— Ярим оқшомда-я?..

— Устимдан қуляпсизми? — деди Наргиза.

У титраб кетди. «Шарманда бўлдинг. Сенга шу керакмиди? Келиб-келиб, оилангни сариқ чақага олмайдиган, керак бўлса, жирканадиган одамни ярим кечаси, ҳеч қурса, бир марта кўриш иштиёқида келишга бало бормиди? Мана энди мулзам бўлиб турибсан. Ҳозир шундай мазах қилдики, туғилганингга пушаймон ейсан» дея ичида ўз-ўзидан нафратланди.

— Кулмаяпман, — деди Маъруф маълум вақтдан кейин жиддий тортиб, — уришяпман. Ўрнингда синглим Маҳлиё бўлганида борми, ҳеч иккиланмай, юзига шапалоқ тортган бўлардим. Нима бўлгандаям, бу маҳалда помидор орасида пишириб қўйгани йўқ. Менинг ўрнимда бошқа биров кўриб қолганида, нима хаёлга борарди?

Йигитнинг гаплари Наргизанинг чиройини очди. Ичида шундай шодлик пайдо бўлдики, сал қурса, Маъруфни қучоқлаб, юзидан ўпиб олай деди. Ахир у қуюнъяпти. Ҳа, Наргизанинг кечаси юргани уни ташвишга солди. Демак, бефарқ эмас, атайин қизнинг жиғига тегиш учун ўзини олиб қочиб, қўрслик қилди.

— Мени биров кўрмайди, — деди қиз шодон овозда, — кўролмайдиям.

— Нега энди? Мен кўрдим-ку.

— Сиз билгансиз. Сизгансиз. Шунинг учун адашмасдан тўғри келдингиз.

— Шунча билимдонлигингни билмаган эканман. Майли, бугун индамайман. Кайфиятим яхши. Нима учунлигини биласанми?

— Билмайман.

— Мен ҳам билмайман.

— Тавба қилдим. Кайфияти яхши экан-у, лекин негалигини билмаскан, — дея Наргиза қиқирлаб кулиб юборди.

— Жим... — деди йигит шивирлаб. — Эсинг жойидами?.. Уйдагиларнинг биронтаси эшитиб қолиши мумкин.

— Қўрқасизми?

— Энди жа қўрқмайман-у, ҳар қалай, сен билан ярим кечаси гаплашиб турганимни кўрмаганлари маъқул.

— Биринчидан, ярим кечасимас. Иккинчидан, шундай дейишингизнинг ўзи қўрқаётганингизни билдириб турибди.

— Бўлди! Индамасам, Маҳлиёдан ҳам ўтган маҳмадона бўп кетяпсан.

— Дугонам-да у. Гаплашиб юравериб, бир-биримизга ўхшаб қолганмиз.

— Шошма, ади десам, бади деяверма. Нима қип юрибсан бу ерда?

— Мушугим...

— Бўлди, эртагингни эшитдим. Лекин, чиндан, нима қип юрибсан, шуни менга айт?..

Наргиза бошини эгди. Хўрсинди ва бир муддат сукут сақлаб турди-да:

— Ўзингиз билмайсизми? — деди паст овозда.

Шу пайт Маъруфнинг хаёли бузилди. Ахир айни муддао-ку. Ҳозир ҳар нарса кўлидан келади. Демак, бемалол қизнинг отасини ер билан битта қилиб, сўнг устидан кулиши мумкин. Қиз эътироз билдирмайди. Қайтанга шундай бўлишини унинг ўзи хоҳлаб турибди.

У бир қадам босиб, қизга янада яқин келди. Энди йигитга Наргизанинг нафаси эшитилиб турар, унинг ҳаяжонланаётганини идрок этарди. Ўзининг-да юраги алланималарни ҳис этиб, безовта ура бошлади.

— Сиз, — деди Наргиза қалтираб, — отамни кечиринг...

Маъруфнинг бошига биров гурзи билан ургандай бўлди. Унинг кўз ўнгида Ҳайбатулло пайдо бўлди. Қисиккўз, бужмайган сап-сарик башара. Кейин унинг ўзига ўхшаган ёқимсиз гаплари...

— Шунинг учун келганмидинг?! — деди йигит дағал

овозда.

—...

Қиз ортига тисарилди ва шу заҳоти кўзида ёш пайдо бўлди. Ой тўлин эди. Ҳамма ёқ сутдек ёруғ. Ўша ёруғликда қизнинг кўзидаги ёш йилтиллаб кетди. Ана шу йилтиллаш Маъруфнинг қаҳр-ғазабини ҳам, ёввойи туйғуларини ҳам парчалаб ташлади. У ювош тортди. Секингина помидор пояси пуштига ўтирди-да, бошини кафтлари орасига олди. Наргиза оҳиста юзидаги ёшни артди. Бир муддат йигитга термилиб қолди, сўнг унинг ёнгинасига ўтирди. Жасорати устун келиб, Маъруфнинг елкасига бошини қўйди.

— Сенга буларнинг бари нега керак? — деди Маъруф бир муддат жимликдан сўнг.

— Билмайман... Балки, оилаларимиз ярашишини истарман. Отамнинг айтишига қараганда, юз йиллар аввал биз бир оила бўлган эканмиз. Аниқроғи, ота-боболаримиз.

— Яна нималарни айтган отанг?

— Айтишича, отамнинг бобоси қайсидир дашт жойдан кўчиб келган экан. Кейин шу ернинг бойлари қўлида азбаройи қорнини тўйғазиш учун ишлаган, бой жуда қаттиқ азоб берган экан...

— Наҳотки? Шунақамикан? Менимча, сал бошқачароқ бўлган бўлса керак. Бир бечорани очликдан қутқариб, маълум вақтдан сўнг уйлантириб, яна тўла оёққа туриб кетишига ёрдам бериш азоблаш бўлса, мен ҳам жон-жон деб азобланган бўлардим...

— Маъруф ака, мен эшитганимни айтдим.

— Тўғри, алалоқибат ўша нон-туз берган одамларини инқилобчиларга сотишган. Кейин бобом бечорани қулоқ қилишган. Бундан фойдаланган батрак хўжайинининг уйида қозон борми, гилам борми — ҳамма-ҳаммасини ўзиникига ташиб кетган. Яна... буниси энг даҳшатлиси, хўжайиннинг қизининг номусини топтамоқчи бўлган!

Наргиза бирдан бошини кўтарди ва ҳайрат тўла нигоҳини Маъруфга қадади.

— Буларни отанг айтмайди. Балки, билмас, отаси гапириб бермагандир. Қандай гапирсин? — давом этди Маъруф.

— Демак, сизнинг, отангизнинг оиламизда қасди бор экан-да.

— Йўқ. Ким-кимлардан қолган эски нарсани ўйлаб, эслаб, гавго чиқаришдан кимга фойда? Мени ҳозирги кун қизиқтиради. Отанг... Отанг билан тенглашмайман.

Наргизанинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Раҳмат сизга. Сиз, барибир, бошқачасиз.

— Энди уйингга бориб, ётиб ухла. Мен сени кўрмаганман, гаплашмаганман. Маҳлиёгаям ҳеч нарса дема. Ўзинг уялиб қоласан.

— Хўп бўлади. Сизнинг ҳар битта гапингиз мен учун қонун. Лекин сира кетгим келмаяпти.

— Қизиқсан-ку, мен қайтанга сени кўйиб юбормаслигим керак.

— Бир сафар алмашдик-да. Кейинги сафар «Қол», десагиз ҳам, кетиб қоламан.

— Бўпти, бор энди.

Қиз кетди. Аммо беш-олти қадам босар-босмас тўхтаб, ортига ўгирилди.

— Маъруф ака, — деди паст овозда.

Йигит уни кузатиб турганди. Тўхтаб ўгирилганига ҳайрон бўлди. Кейин узоқ масофадан гаплашаётганликларини биров эшитиб қолмасин, деган хаёлда унинг ёнига борди.

— Нима дейсан? — дея қизга термилди.

— Нимагадир чигирткалар сайрамаяпти-я?..

Маъруф атрофга аланглади. Қулоғини динг қилди. Дарҳақиқат, чигирткалар сайрамаётганди. Одатда, бундай пайтда уларнинг овози ўчмасди.

— Тўғри. Ҳамма ёқ сундай ёруғ бўлсаям, ваҳимали. Шуларниям сайраб тургани яхши экан. Мен сени кузатиб қўяман.

— Ўзим кетавераман. Уйдагилар сиз билан бирга кўриб қолишмасин.

— Шу ергача мардлик қилиб келгандинг-ку. Бирдан кўрқиб қолдингми?

— Билмадим, келаётганимда, ҳеч нимани ўйламагандим, — жавоб берди қиз.

— Майли, унда шу ердан қараб тураман, кетавер.

— Хўп, — деди қиз итоаткорлик билан ва секин юриб

кетди.

Маъруфнинг юраги безовта бўла бошлади. Назарида, кимдир уларни кузатиб тургандай эди. Аввал уйи томондан хавотирланди. Синглиси, онаси кўрган бўлса, майли-ку, лекин отасининг кўзи тушган бўлса, аҳвол чатоқ. Сўкади. Эҳтимол, бир-икки шапалоқ уриши ҳам мумкин. Аслида, сўкиш, уришишдан кўра, унинг бир-икки шапалоғи афзал. Чунки юзи бир қизийди. Шу билан ўтиб кетади. Аммо уришса, Маъруф анчагача ўзига келолмай юради.

У нигоҳини Наргиза томонга қаратди. Қиз анча олислаб қолганди. Маъруф «Бўлди, кетди» дея кўнглидан ўтказиши билан кўзи қандайдир шарпага тушди. У танаси қучоққа сигмайдиган тут ёнида эди. «Ҳозир Наргиза уни кўриб, қўрққанидан бақриб юборади» деб ўйлаганди йигит. Аммо Наргиза шарпани кўрмади. Бошини ҳам қилганча ўтиб кетди ёнгинасидан. «Кўзимга кўринди, шекилли» дея кўнглидан ўтказган Маъруф шарпадан нигоҳини узмаган кўйи секин ўтирди. Шунда шарпа қимирлади ва Наргизанинг ортидан тушди. Маъруфнинг юраги безовталанди.

Ҳайбатулло ўзига яраша зийрак эди. Ўзи дунёни бузгудек хуррак тортса, уйғонмасди. Кейин хотиржам кунлари орқасини биров кесиб кетса, сезмайдиган даражада қотиб ухларди. Аммо безовта бўлган куни унинг уйқусида ҳаловат йўқоларди. Бугун ҳам шундай бўлди. Чунки қизининг кундузи Маъруф билан учрашганини ўз кўзи билан кўрган эди-да. «Кечқурун кўришишга келишиб олган бўлишмасин тағин» деган ўйга борди ва анча маҳалгача ухлаёлмай ётди. Кўзи энди илинганида эса, қулоғига эшикнинг секин очилгани эшитилди. Бир-икки дақиқа индамай ётди. Сўнг қизини пойлаб чиқди. Кўнглидаги иш бўлди. Қизи қўшнисиникига ўтди. Норқулнинг экинзорига кирди. Кўп ўтмай, Маъруф пайдо бўлди. У қанча ҳаракат қилмасин, уларнинг гапларини эшитмади. Бироқ қизи билан Маъруф ёнма-ён ўтирганини кўрганида, кўзи қинидан чиқиб кетай деди. Шундай бўлса-да, тишини тишига босиб, чидади. Учрашувнинг охирини кутди. Ҳартугул, йигит билан қиз ортиқча ҳаракат қилмади. Лекин кўрганларининг ўзиёқ қизига яхшилаб жазо беришга стар-

ди.

Наргиза ҳовлида тўхтади. Отасининг хурраги эшитилмаётганидан хавотирга тушиб, ён-атрофига аланглади. Аммо ортига қараш хаёлига келмади. Қараганида, падарини бемалол кўрган бўлар ва уйга кирмасдан қочиб кетарди. Бу ҳам эҳтимол. Чунки у қочадиган ёшдан ўтган, унча-мунча калтакланишга туриб берадиган пайт келган эди.

Қиз уйга кирди.

Унинг ортидан Ҳайбатулло йўртди. Ундан-да орқада бўлган Маъруфнинг эса қўллари мушт бўлиб тугилди.

Бироз ўтиб, қизнинг чинқиргани эшитилди. Ана шунда Маъруф бутунлай тамом бўлди. Унга қолса, югуриб уйга кирар, қизини савалашга тушиб кетган Ҳайбатуллонинг қўлидан хивични тортиб оларди. Лекин унинг бориши ичкаридаги жанжални янада кучайтириб юбориши кундай равшан эди.

Наргиза чироқни ёқмасдан энди жойига чўзилган эди ҳамки, «чирқ» этган товуш чиқди. Кейин бирдан уй ичи ёришиб кетди. Кўрқиб кетган қиз бирдан ёстиқдан бошини кўтарди.

— Ит эмган, ҳароми! — бақирди Ҳайбатулло.

Каромат опа ҳам шу уйда эди. У ҳам чўчиб уйғониб кетди.

— Дада!.. — деди Наргиза кўрқа-писа.

— Дада, дема мени, ит! Мен сенинг даданг эмасман! Сен менинг қизим бўлишга нолойиқсан!

Ҳайбатулло аввал қизининг устидаги кўрпани олиб ташлади. Сўнг ҳавода хивичнинг овози эшитилди. Хивич беҳи новдасидан эди. Унча-мунчага синмасди. Бунинг устига, юмшоқ жойга текканда кесиб ўтгудек бўларди.

Наргиза чинқирди. Каромат опа ўзини қизининг устига отди. Она-боланинг додлаши ташқарига, ҳаттоки кўчагача эшитиларди.

Ҳайбатулло уларни жони борича урар, ургани сайин қони жўшиб, багтар қутурарди. Ҳовлигача келган Маъруф типирчилаб қолди. У нима қиларини билмай, бир неча марта деворни тепди. Аниқ биладики, уйга кирса, Ҳайбатуллонинг қўлига ёпишса, жанжал янада катталашади. Эҳтимолки, бераҳм ота бутун қишлоқни бошлаб

келиши ҳам мумкин. Кейин ҳаммаси тамом бўлади. У қишлоқдан чиқиб кетишга мажбур... Аммо ичкарида Наргиза уни деб калтакланяпти, азобланяпти.

У кўча томон югурди. Бироз узоқлашгач, тўхтаб, ердан тимирскилаганча тош топди ва Ҳайбатуллонинг томига улоқтирди. Шифер тарақлаб кетди. Бу пайтда Ҳайбатулло жикқа терга ботган, оғзида тупуги қотган, қизининг нозик белига навбатдаги зарбани бераётганди. Тарақлаш уни чўчитиб юборди. У уришдан тўхтаб, сўкинганча ташқарига қулоқ солди. Яна бир тош шиферга тегди.

— Онангни уч-кўргондан кўрай, ит эмган! — дея ташқарига югурди.

— Қизим, — деди лаблари дир-дир титраётган Каромат опа, — қоч! Тераскага чиқ. Кейин деразадан ўзингни ташлаб қоч! Даданг ўлдириб қўяди!

Наргиза бир хаёл шундай қилмоқчи бўлди. Бироқ сўнгги дақиқада:

— Йўқ. Қочсам, дадам сизни соғ қўймайди. Нима бўлса, бўлди, ая! — дея юзини ёстиққа босди.

Ҳайбатулло тошни Маъруф отган деб тахмин қилганди. Шу боис уларникага югурди. Бироқ ҳеч кимнинг қочаётганини кўрмагач, ортига қайтди. Тўғри уйига кирмади. Ертўлага тушиб, арқон олиб чиқди. Ошхонага кирди-да, пиёлани сувга тўлдириб, икки марта ичди. Сўнг сайисхонага борди. Сигирнинг ипини ечиб олди-да, уйига қайтиб келди.

У қизи билан хотини инграб ётган хонага кирганида, ҳансираб нафас оларди.

Эрининг қўлидаги ипни кўрган Каромат опанинг жонпони чиқиб кетди.

— Дадаси! Дадаси, нима қилмоқчисиз?! Вой ўлай! Йўқ! Йўқ! — дея бақириб юборди.

* * *

Толмас Бадриддинович уйига келса, ҳеч ким йўқ. Уйдагиларнинг ҳаммаси кўчиб кетгандай, ҳовли ҳувиллаб қолганди. У ҳайрон бўлиб, ичкарига кирди. Хоналарни бирма-бир кўриб чиқди. Бироқ ҳеч кимни топмади.

— Буларнинг бари қаерга кетди? Бир оғиз айтиб қўйишса бўлмасмиди? — деб ҳовлига чиқди.

Қулоғига қўйларнинг маъраши, молларнинг бўкириши

эшитилди.

— Бундан кейин шуларгаям ўзим қарайман. Ярамаслар еса, ётса, ҳожатга борса бўлди. У ёғи билан иши йўқ, — дея ўзига ўзи гапирди-да, уйга кириб, кийимларини алмаштириб чиқди.

Сўнг очликдан бақираётган ҳайвонларнинг охурига хашак солиб, изига қайтди. Ювиниб, ошхонага кирди. Қозонни очди: ҳеч нарса йўқ. Музлаткични кўрди. Бўм-бўш. Жаҳли чиқиб сўкинди. «Бутун бошли колхознинг хўжайини бўлсам-у, уйимда егулик топмасам» деди ўзига ўзи ва хонасига кириб, телевизорни ёқди. Юмшоқ диванга ўтирди. Хаёлига Норқул ака келди. «Бечора гўрга бир кириб чиқди. Сочлари оқариб кетибди... Унинг ҳам хотини эрини сариқ чақага олмасдан, хоҳлаган пайти хоҳлаган жойига кетаверармикан? Йўқ, ундай бўлмаса керак. Ундайларнинг аёллари еб тўймас, қўлидан бир иш келмайдиган менинг хотинимга ўхшамайди. Бир неча марта чопиқда кўрганман. Қуёшда куйган бўлсаям, терга ботган бўлсаям, бели букчайиб ишларди. Кўриб, ичинг ачийди. Лекин у хурсанд. Кетмон чопаётганидан, икки-уч сотих кўпроқ чопиқ қилганидан, бир-икки сўм ортиқроқ ишлаб, уйига оборишидан мамнун. Яна у уйига бориб, сигир соғади, овқат пиширади. Яна алламбало ишлар билан ярим оқшомгача тиним билмайди. Бу ёғи тонг отмай, уйдаги ҳамма ишни саранжомлаб, участкага югурди. Меники бўлса, йиғламай нон есаям катта гап... Уфф, Сумбулнинг ёнига борсаммикан?.. Савил, сал узоқлик қилади-да. У ерга борсам, эрталабгача келолмайман. Тўхта, кўчириб келсам-чи район марказига? Ўрислар кўпроқ яшайдиган жойга. Уларнинг мен билан, Сумбул билан ишлари йўқ. Илгариям бир неча марта Сумбулга айтувдим. Лекин унамади... Қоринам очқаб кетди-ей».

У чўнтагидан сигарета олиб, тутатди. Сўнг ўрнидан туриб, бироз хона ичида юрди. Юраги сиқилди. Телефоннинг ёнига бориб, гўшакни кўтарди. Элёрнинг уйига кўнғироқ қилганди, онаси гўшакни кўтарди. Кўнғироқ қилаётган раис эканлигини билиб, аёл анча-мунча хушомад қилди. Унинг гапларини сабр-бардош билан эшитган Толмас Бадриддинович Элёрни сўради. Минг истиҳола билан аёл ўғлининг уйда йўқлигини айтди. Раис

бирдан гўшакни шарақлатиб жойига қўйди-да, сўкинди. Кейин хаёлига Элёрни Ҳайбатуллонинг уйига жўнатгани келди. «Мендан, бизникилардан хафа бўлгани икки пул. Келиб-келиб, шу муштдай боланинг қовоқ-тумшугига қараб юраманми? Мошинани уриб олгани учун орқасига бир тепиб, жавобини бериб юборишим керагиди... Ҳайбатулло «Виллис»да юриши керакми? Бошқа мошина жўнатсам ҳам бўларди. Кўнгилнинг бўшлиги қурсин» дея кўнглидан ўтказди у ва беихтиёр ҳовлига, ундан ташқарига чиқди.

Кўёш энди уфққа ёнбошлай бошлаган, колхозчилар, гаражда ишлайдиганлар шошганча уйларига қайтишарди. «Тавба қилдим, худди қарғаларга ўхшашади. Улар ҳам тонг бўзармай туриб, қорин гамида қаерларга учиб кетишади. Кеч тушгач эса, гала-гала бўлиб вақтинчалик турар жойлари — чинор шохларига қайтиб келишади. Кейин ҳамма ёқни қағ-қағ босиб кетади. Шу қайси қарғанима қилгани ҳақида гаплашишса керак-да... Ана, колхозчилар ҳам бири қўйиб, бири сайраб келяпти. «Бугун кечагидан бир сотих кўпроқ чопиқ қилдим, эллик тийин кўпроқ ойлик оламан...» Эҳ, бечорагина, содагина. Кошкийди, идорада уйқутираб ўтириб, сенинг бир йилда зўрға топадиганингни бир кунда чўнтагига солувчилар борлигини билсанг. Билганингда ҳам нима қилардинг? «Ҳа, энди, у катта-да» дейсан-қўясан. Лекин унинг ўша ҳаром пули, аслида, сенинг пешона теринг...»

Хаёлга берилиб турган раиснинг ёнидан ўтувчилар бирма-бир унга салом беришди. Толмас Бадриддинович бировиникини эшитди, бош қимирлатиб алик олди. Бошқасига эса шунчаки қараб қўйди.

Кейин ўзини ўзи яниди. «Ниманга гўдаясан? Булар ҳозир бориб, эрларига овқат пиширади. Бола-чақаси билан дастурхон бошида ўтиради. Гурунглашади. Сен-чи?.. Сеники-чи?.. Ҳозир уйингга қайтиб кирасан. Зоғ йўқ. Оч қорнингни силай-силаё, бир амаллаб ухлайсан. Ухлаб бўпсан. Ярим кечагача у ёқдан-бу ёққа ағдариласан. Садқайи раис кет».

У жаҳл устида шахдам қадам ташлаб идора томон кетди. Борса, қоровул ҳовлидаги чинор остидаги столнинг устига бир чойнак чойни қўйганча тебраниб, алланима-

ларни хиргойи қилиб ўтирибди. У раисни кўриши билан ўрнидан сапчиб турди-да, колхоз эгасининг истиқболига юрди. Яқинлашар-яқинлашмас салом берди.

— Нима қилиб ўтирибсан? — сўради раис.

— Ўтирувдим. Ҳа-а, ҳамма ёққа қараб чиқдим. Тинч. Эшикларнинг бари қулфланган. Ҳозир ўғил овқат опкелиши керагида, — деди қоровул шошиб.

Толмас Бадриддиновичнинг ичида бир нима чирт этиб узилгандай бўлди. Ҳатто шуниям уйидагилари безовта. Ҳатто шуниям хотини эрининг оч қолишини истамайди.

— Ким бор идорада? — сўради раис хаста овозда.

— Кадрлар бўлимининг бошлиғи Лайло... Бир-иккита хужжат ишлари бор экан.

Толмас Бадриддиновичнинг кўз ўнгида сочи калта, доим бўяниб юрадиган, ўттизни қоралаб қолган жувон намоён бўлди.

— Секретарь...

— Бўлди, — деб қоровулнинг оғзига уриб, Толмас Бадриддинович боягидай қадам ташлаб идорага кирди.

Тўғри бориб кадрлар бўлимининг эшигини очди. Кўйлагининг этаги тиззасидан бир қарич кўтарилган Лайло оёқларини чалиштириб ўтирганча алланималарни ёзиш билан овора экан. У бошини кўтарди-ю, раисни кўрди. Аммо бирдан ўрнидан турмади. Оппоқ оёқларини яширмади. Жилмайди.

— Нима қип ўтирибсиз, Лайлохон? — сўради Толмас Бадриддинович ҳам ўшшайиб.

— Толмас ака (бошқа пайтлар у раис бова ёки Толмас Бадриддинович дерди), — дея стол устидаги қоғозларни тахлай бошлади Лайлохон, — бир-иккита ишларим бориди. Эртага районга чақаришибди, шуларни битириб кўяйин, бемалол бориб келаман, девдим.

— Ҳимм, яхши. Қани энди, бошқалар ҳам сизга ўхшаб жонкуяр бўлса.

— Ўзингиз кеч бўлганда кепсиз?..

— Бугун мажлис бор эди.

Лайло қиқирлаб кулиб юборди-да:

— Айтмовдингиз-ку, — деди ноз билан.

— Эй-й, айтмабмидим? Калла курсин.

— Чарчабсиз, Толмас ака. Дам олишингиз керак. Ке-

чани кеча, кундузни кундуз демайсиз. Ишлайсиз. Дам олишингиз керак, — дея ишва билан кўзини сузди Лайло.

* * *

Том тарақлади. Шундай қаттиқ тарақладики, Ҳайбатулло турган жойида чўчиб тушди. Юраги орқага тортиб кетди.

— Мараз! Ўлдираман! Ўлдираман! — дея ўкирди ва кўлидаги ипни иргитиб, ташқарига югурди.

Аввал ертўлага кирди. Ов милтигини олди. Шу кунгача бу милтиқдан ҳали бирор марта бўлсин, одамзодга ўқ отмаганди. Паррандаю даррандани отган, беш-олти ёввойи ўрдак умрини бевақт хазон қилган. Яна... Яна битта тўнғиз унинг дастидан ўлган. Фақат қуролдан бошқа одам отган. Чунки Ҳайбатулло қурол ишлатишга нўноқроқ эди. Ҳар сафар милтиқни кўлига ушлаганида, вужудида қандайдир титроқ пайдо бўлар, кўзига нуқул Наргиза кўринарди. Ўша овга чиққан кезлари ҳам у деярли милтигини ғилофдан чиқармай, «Мен ошпаз бўламан, мана шунақанги чангалзору бутазорларда олов ёқиб, бирон нима пиширишни хуш кўраман», дерди. Албатта, шерикларига ҳар доим шунақа одам керак. Улар беозор ҳазиллашишарди-да, ўрдак қидириб кетишарди. Ора-чора ўзлари билан Ҳайбатуллонинг милтигини ҳам олишарди.

У қуролини ўқлади. Сўнг сўкинганча ташқарига чиқди. Тўрт тарафга аланглади. Рақибини қидирди, лекин у ҳеч қаерда кўринмас эди. Шу пайт яна шифер тарақлади. Бу сафар тош уйнинг орқа томонидан отилганди. Ҳайбатулло шу томонга югурди. Томорқага маккажўхори экилган, унинг орасидаги одам қимирламаса, биров топмайди. Аммо ҳозир экинлар орасида ўтирган одам шитирлатмаслик кераклигини хаёлига ҳам келтирмасди.

— Ана, топдим! — деб бўкирди Ҳайбатулло ёш боладай қувониб.

Сўнг поя шитирлаётган томонга милтиқни ўнглаб, тепкини босди. Гумбурлаган овоздан ҳамма ёқ зириллагандай бўлди. Эндигина уйкуга чўмган ва аллақачондан бери ухлаётганлар ўрнидан сапчиб туришди. Бир-иккиси ташқарига югурди. Қулоғини динг қилиб, ўқ овози такрорланишини кутди. Лекин милтиқ қайта отилмади. Гум-

бурлаган товуш билан деярли бир вақтда кимнингдир инграгани ва бу ингроқ ҳам бошқа такрорланмагани боис ҳамма ўз қулоғидан шубҳаланди. «Эҳтимол, менга шундай туюлди. Балки, бирон нарса тушиб кетгандир» деган хаёлга борди қўни-қўшнилари.

Ҳайбатулло маккажўхори орасига кирди. Инграётган жонзотни топди.

— Кимсан?! — дея сўради ҳам ҳаяжон, ҳам қўрқув билан.

— Вой, жони-и-м!..

— Наргиза?!

— Вой, оёғи-им!

— Энангни эшшак тепгур! Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан?!

Наргиза томга тош отаётган Маъруф эканлигини тахмин қилди. Яна аяси: «Қоч, Наргиз! Қайтиб келгунча қочиб кет! Ўлдиришдан тоймайди у!» деди. Наргиза ташқарига югуриб чиқди. Ертўланинг чироғи ёниқлигини кўриб, томорқага ўтди. Тахминича, Маъруф шиферни тарақлатиб, отасини чалғитяпти. Қиз «Бу ёқдан мен тош отаман» деган хаёлга борди. Шундай қилди ҳам. Мана, оқибати.

Ҳайбатулло милтиқни ерга ташлаб, қизининг қўлтиғидан олиб кўтармоқчи бўлганида, Наргиза додлаб юборди. Шундагина Ҳайбатуллонинг юраги орқага тортиб кетди.

— Қаерингга тегди?! — сўради ҳовлиқиб.

— Оёғим! Оёғимга!.. — деди қизи йиғлаш асносида.

— Уф-ф, хайрият!

У қизини опичлаб, экинзордан олиб чиқди. Сўнг ҳовлига олиб борди.

— Каромат! Энангни эмгур, Каромат! — дея бақирди.

Каромат опа ўтирган жойида ҳайкалдек қотган эди. Унинг қулоғига эрининг гапи кирмаётганди. Шу боис эгик бошини кўтариб ҳам қўймади.

Ҳайбатулло уйга отилиб кирди. Хотинининг индамай ўтирганини кўриб, баттар тутақди. Ўхшатиб елкасига тепиб юборишдан ўзини тиёлмади. Сўнг ёстиқдошининг қай аҳволда қолганига эътибор ҳам бермасдан ташқарига югуриб чиқди-да, машинасини ўт олдириди. Кейин Наргизани орқа ўриндиққа ўтқизиб, газни босди.

Дўхтирга: «Йиқилибди. Оёғини нимадир шилиб юборибди. Менимча, занглаган мих бўлса керак. Микроб тушмасин деб, опкелдим», деди.

Дўхтир уни индамай эшитди. Сўнг операция хонасига кирди. Қизнинг ранги докадай оқариб кетганди. Йиғлайверганидан кўзи қизарганди. У врач хонага кириши билан орқага тисарилди.

— Оёғимни кесиб ташламайсизми? — деди лаби титраб.

— Йўқ, қизим. Ҳеч нарса бўлмайди. Отдай бўп кетсан, — дея дўхтир унинг кўнглини кўтарган бўлди.

— Қўрқяпман. Алдаётганга ўхшайсиз!

— Сал тирналибди. Дори суриб, боғлаб қўямиз, — деди ҳалитдан бери Наргизани овутиш билан овора бўлган ҳамшира.

Наргиза ишонгандай бўлди-да, кўзини чирт юмиб олди.

Дўхтир аввал «Наркоз» деди. Сўнг «Пичоқ, қайчи» деди ўрис тилида. Наргиза рус тилини унча-мунча биларди. Шу боис қўрқиб кетди. «Булар мени алдашяпти. Ана, уколдан кейин оёғим ҳеч нимани сезмай қолди. Демак, кесишга тайёргарлик кўришяпти. Бундан бу ёғига қўлтиқтаёқда юраманми? Унда Маъруф акага ҳеч қачон етишолмасканман-да, у билан турмуш қуролмасканман-да... Эй, Худо, сенга нима ёмонлик қилгандимки, менга бунчалар азоб бераяпсан? Бўлди, ўзимни ўлдираман. Менга Маъруф акамсиз ҳаёт йўқ. Оёғимни кесишлари билан ўзимни ўзим сўяман. Ёки деразадан пастга ташлайман. Бошим билан ташлайман, токи майда-майда бўп кетай, оғриқ нималигини билмасдан ўлиб кетайин. Кейин руҳим учиб, мени кимки қийнаган бўлса, ўшанга азоб берсин. Тушларига махлуқ бўлиб кирайин... Маъруф акамниям қийнайман. Чунки у менинг севгимни писанд қилмади. Агар мени бугун оқшом қўйиб юбормаганида, ҳозир оёғимни кесишмасди...»

Унинг аъзойи бадани зирқираб кетди. Дўхтир ҳамширага тиббий тилда сўзлагани учун Наргиза ҳеч нарсани тушунмади. Бу унинг қўрқувини икки ҳисса ошириб юборди.

— Йўқ! Кесманглар! Илтмос! Ундан кўра, ўлдирадиган укол қилинглар! — дея бақирди.

— Жим, қизим! Биз соппа-соғ оёқни кесадиган аҳмоқ-масмиз! Мана кўрасан, эртагаёқ югуриб кетасан, — деди дўхтир.

Наргиза лабини тишлади.

Дўхтир ишини тамомлаб, хонадан чиқди. Ҳайбатулло дарров унинг ёнига келди.

— Ҳайбатулло ака, — деди врач у энди гапириш учун оғиз жуфтлаганида, — биз бир-биримизни кўпдан бери таниймиз. Шунинг учун яширсангиз ҳам, айтайин, оёққа бир нима кириб кетмаган. Ҳар қалай, йигирма беш йиллик жарроҳман. Биламан. Бунинг устига, ҳадемай тонг отади. Шу пайтда қизингиз қанақанги нобоп жойга чиқдики, оёғига бирон нима кириб кетса...

— Ҳа, энди, зарурат юзасидан...

— Қўйинг, ёлғон гапирманг. Оёғига ҳеч нима кириб кетмаган. Бошқа нарса бўлган. Лекин хавотир олманг, обрўйингизни тушириш ниятим йўқ.

— Раҳмат, дўхтир, — деб Ҳайбатулло унинг оппоққина халатининг кенг чўнтагига бешта қип-қизил ўн сўмликни солиб қўйди.

— Комиссия келиши керак эди. Шунга ҳозир қизингизни опкетасиз. Тушдан кейин қайтариб опкелсангиз, мен ҳамшираларга айтиб қўяман, дори суриб, қайта боғлашади. Хавотирли ҳеч нима йўқ.

Ҳайбатуллонинг кўнгли хотиржам тортиб, чуқур нафас олди.

* * *

Толмас Бадриддинович унинг нимага шама қилаётганини дарров илғади. Озгина истаса, озгина ташаббус кўрсатса, яна озгина мулойим гапирса, нималар содир бўлмайди? Мана шу идоранинг ўзида. Бошқа жойга боришнинг ҳожати йўқ. Бир зумда девор, пол, эшик, ром, парда, стол-стуллар, боринги, шу ернинг ҳавоси жирканч тусга киради. Кейин Толмас Бадриддинович ҳар сафар идорага келаётганида, ҳозир содир бўлиши муқаррар бўлган воқеани эслайди. Бундан ҳам баттари, қоровул айланиб ўтиб, орқа деразанинг тирқишидан пойлайди. Балониям кўрмайди-ю, ҳансирашларни эшитади. Кейин бир қоп олтин топган одамдай дуч келганга «Фалон бўлди, пистон бўлди, ўз кўзим билан кўрдим. Бу раисда

ҳалиям отнинг, йўғ-э, тойнинг кучи бор экан. Бирам ирғишлади, бирам ирғишлади, томоша қилавериб, чарчаб кетдим», деб гапириб юради. Завқ-шавқ билан гапирди. Ҳаттоки уйидаги хотинигаям айтиб беради. Ана ундан кейин Толмас Бадриддинович тўғри қабристонга бориб, ўзига ўзи гўр қазисаям бўлаверади. Ўзи қазимаса, Насима қазийди. Оппоқ кафанга ўрамайди. Гўнг чаплайди ҳамма ёғига.

Раис хаёлларини қувиб солди. Ҳовлида боласи овқат олиб келишини кутаётган қоровулгаям тупурди. «Ҳеч нима қилмай, икки оғиз гаплашайин, ҳарна кўнгил роҳатланди» деган ўйда ўзини гўлликка солиб:

— Дам олишга қачон чиққаним эсимда йўқ. Менимча, икки йил олдин Сочига борувдим. Ҳа-а, шундай, — деди ва уф тортди.

— Толмас ака, дам оламан десангиз, шу ердаям Сочи топилади. Фақат хоҳласангиз бас, — дея Лайло кўзини айёрона қисди.

— Йўқ, бўлмайди. Ҳаво топсанг, улфат топмайсан, улфат топсанг, денгиз топмайсан...

— Дайравотдаги кўлчани денгиз деб ҳисобланг, ҳаво-сиям яхши. Улфат масаласига келсак, сиз бораман денг, ҳар қандай одам жон-жон дейди.

— Ҳар қандай одам билан ўтиришни кўнгил тусамайди. Бир одам бўлсинки, жону жаҳонингни бер, — деб Толмас Бадриддинович Лайлога термилди.

— Унда бугунингизни ўғирлайман. Йўқ, десангиз ҳам! — дея Лайло ўрнидан турди ва секин юриб, Толмас Бадриддиновичнинг орқасига ўтди-да, елкасига кўлини кўйди.

Худди шу пайт Толмас Бадриддиновичнинг қорни гулдиради. У аёлнинг қўлларига бир-бир қаради. «Шаҳарнинг таннозларига ўхшайди-я, оппоқ, бармоқлари узун. Яна тирноқларини ўстириб олибди. Шуям уйида иш қилармикан? Йўқ, қилмайди. Қилганида, ҳеч бўлмаганда, кўли озгина қораярди. Бунинг кўнгли маишат тусайди... Менинг эса қорним оч» дея хаёлидан ўтказди ва чўнтагига кўлини тиқиб, сигарета кутисини чиқарди-да, стол устига ташлади.

Лайло унинг бошини силай бошлади. Бу Толмас Бадриддиновичга ёқди. Бир муддат кўзини юмди. Унинг тин-

чланаётганидан фойдаланган жувон кейинги босқичга ўтди. Раис бирдан чўчиб тушди. Назарида, хонага Сумбул кирган, киноя билан жилмайганча уларга термилиб тургандай эди.

— Эсим қурсин, бугун райкомга чақирришганди-ку, — дея Толмас Бадриддинович бирдан ўрнидан турди-да, Лайлога қараб: — Сен эртароқ уйингга бор. Эринг кутиб тургандир. Қорни очдир. Бечора менга ўхшаб овқат қилишга нўноқроқ бўлса керак, — деди.

Лайлонинг афти бужмайди.

Раис чиқиб кетди. Қоровул боя ўтирган жойида йўқ эди. «Орқада, деразанинг ёнида турган бўлса керак. Бечора томошадан қуруқ қолди-да» дея хаёлидан ўтказди у шитоб билан юриб кўчага чиқаркан ва бир муддат туриб, ўтаётган машинага «Тўхта!» ишорасини қилди. Машина тўхтади, ҳайдовчи кабинадан сакраб туриб, раис билан кўшқўллаб кўришди.

— Менга қара, Холмат. Анави Лабзак колхозининг дала шийпони ёнидаги чойхона ҳалиям ишлаяптими? — сўради ундан раис.

— Ҳа-а, раис бова, ишлайди.

— Мени ўша ерга оборасанми?

— Жоним билан, раис бова. Лекин шу грузовойда боришингиз сал ноқулайроқми дейман-да?.. Кейин у ерга қаланғи-қасанғилар боради. Обрўйингизга тўғри келармикан?

— Келади. Кейин грузовой бўлганиям яхши. Кўрганлар ҳар хил хаёлга бормади.

Ҳайдовчи ўзида йўқ хурсанд эди. Чунки, кимсан, Толмас Бадриддиновичдай районнинг обрўли раиси у билан ҳозир битта чойхонада овқатланади. Бундай воқеа ҳар куни бўлавермайди. Фойдаланиб қолиш керак. Машина эскирган. Раисга яхшилаб хушомад қилса, келадиган янгилардан бирини бериб қолса, ажаб эмас. Бунинг устига, жияни уйланган. Иккинчидан, уйида ҳар куни жанжал. Икки келин бир ҳовлига сиғмаяпти. Опаси уникага келиб, дийдиё қилади. «Шофёрсан. Идорага аралашасан. Катталарга айт, жиянингнинг биттасига уй-жой берсин», дейди. Униям раисга хушомад қилиш асносида ундирса бўлади.

У чойхоначининг у ёғидан-бу ёғидан ўтиб, Толмас Бадриддинович учун яхши чорпоя топди.

Раис билан ҳайдовчи узоқ ўтиришди. Учта ароқ ичилди. Яна Толмас Бадриддинович билан ўтириш насиб қилдими-йўқми, деган ўйда машина ҳайдаши кераклигини ҳам унутган Холмат хўжа-йини билан баб-баравар олиб турди. Бошида ширакайфлигида илтимослари ёдига тушди. Бироқ айтолмади. «Яна озгина кайфим ошсин, ана ундан кейин мабодо раис қўнмасаям, мендан қўнгли қолсаям, мастликка йўйиб қўяверади» деган хаёлга борди. Аммо кайфи тароқ бўлгач, ҳамма нарсани унутди. Дардини айтиш ўрнига Толмас Бадриддиновични кўқларга кўтариб мақтади. Эмишки, колхоз ташкил этилгандан бери колхозда ундайин раис бўлмаган экан. У ҳамма нарсага ақли етадиган, нимага қўл узатса тутадиган, узиб оладиган экан.

Раис ҳам маст эди. Бироқ ҳушини йўқотмаган, ҳайдовчининг гапларини бемалол идрок этаётганди.

— Бас қил! Ҳеч қурса, сен шундай дема. Мен ҳам бир бандаман. Шунинг учун фаҳм-фаросатим ҳамин-қадар. Бўлмаса, манави ҳамма ёғи тутаб ётган чойхонада сен билан бир сўрида ўтирмаган бўлардим. Энди кетамиз. Қорин тўйди. Кайф ошди. Бундан бу ёғига ароқ ҳам, овқат ҳам кўплик қилади. Тўғри Дайравотга ҳайдайсан. Ҳайдоласанми ўзи?

Холмат «ҳа» дегандай бошини қимирлатди.

— Кўринишингдан сира ўхшамайди. Майли, ўзим ҳайдайман, тур ўрнингдан!

Холмат чорпоядан тушгач, қийшанглаб кетаверди. Яна алламбалолар дедики, ўзидан бошқа биров тушунмайди.

Дарё бўйида колхознинг балиқчилик тармоғи бор эди. Толмас Бадриддинович ҳали бирор марта у ерда вақтичоғлик қилмаганди. Борарди, балиқларга хўрак берарди. Уларнинг овқат ейишини мириқиб томоша қиларди. Кейин қайтиб кетарди. Бугун эса тунни ўша ерда чўмилиб, қолган-қутган кайфини ошириб, ўзлигидан кечиб ўтказгиси келди.

Сўнгги қишлоқ тугаб, ёввойи жийдазор бошланди. Шунда ҳам раис машинани илон изи йўлда бошқара олди ва манзилга эсон-омон етди. Бу пайтда Холмат

эшикка суянганча хуррак отиб ухларди. Унга қараб иржайган Толмас Бадриддинович:

— Хомсан, — деди ва эшикни очиб, пастга сакраб тушди.

Оёқлари зириллаб кетди. Ёшлигида бундан ҳам баланддан сакрарди. Бироқ ҳеч нима бўлмасди.

Бир-бир босиб ҳовуз ёнидаги уйчага борди. Қулоғига шовқин-сурон эшитилди.

— Ярамас балиқбоқар, маишат қилаётганга ўхшайди, — деди.

Унинг юзига урилган салқин ҳаво кайфини бироз тарқатгандай эди. Шу боис илдам юрмоқчи бўлди, аммо оёғи нимагадир тегиб, ўмбалоқ ошиб кетишига сал қолди. Қаддини ростлаб сўкинди.

Уйчада ҳеч ким йўқлигини у деразадан қараб билди. Сўнг «хохо, хеха» келаётган томонга юрди.

Аввал уни балиқбоқар кўриб қолди. Дарров танимади. Шу боис:

— Кимсан?! — деди бақириб.

— Отангман, иблис, отанг!

Овозидан ким келганини дарров фаҳмлаган балиқбоқар дарров ўтирганларга қаради-да:

— Раис! — деди ваҳима билан.

Ўтирганлардан бири дик этиб ўрнидан турди. Қолган иккиси эса пинагини ҳам бузмади. Толмас Бадриддиновичга уларнинг жойидан қимирламагани оғир ботди. Шунда ҳам ўзини босди.

— Дам олаётганмидинглар?.. — деди.

— Хўжайин, бугун шундай бўп қолди-да. Одам сал амалга минса, ёр-жўралари «ювасан» деб қўймаскан. Шунга... — дея чайналди Шокир.

— Молхонанинг каттаси амалдор бўп қолдими? — деди Толмас Бадриддинович.

— Амалмас-у, лекин шу янги иш-да, раис бова, — деб ялтоқланди Шокир.

— Янги ишмас, амал. Ҳа-а, худди шундай, амал. Нима қиласан, Шокир, паст кетиб? — деди балиқнинг думини сўриб ўтирган Абдурахим.

У шеригидан фарқли ўлароқ, раис келганини эшитиб ҳам бошини кўтармаган, хўрагини чайнашда давом эт-

ганди. Шу боис Толмас Бадриддинович бошида уни танимади. Унинг ёнида ўтирган шериги Саидни эса дарров таниди.

— Эй-й, дунёни кафтида тутиб турган одам эканми бу, ҳурмат юзасидан, ҳеч қурса, ўтирган жойидан қимирлаб қўймади, десам, ўзимизнинг қадрдон Абдураҳим журналист экан-ку, — деди раис кесатиб.

— Ҳе, биз унча-мунча одамлар билан ўтирмаймиз, почча. Бир томонимизда ёзувчи, иккинчи томонимизда ферма мудури. Шунинг ўзи майда эмаслигимизни кўрсатиб турибди, — деб Саид бурнини тортиб қўйди. Сўнг томогини қириб: — Мана, сиз ҳам келдингиз. Энди Жўра ака қулинг ўргилсин балиқ қовуриб келади-да. Бугун ҳақиқатан ҳам маишат бўладиган кун экан.

— Ҳа, ҳа, раис бова, ўтиринг. Даврамизга файз кирадиган бўлди, — дея ялтоқланди Шокир.

— Файз?.. — деб бошини кўтарди Абдураҳим. — Файз ҳаммадан биринчи келган.

— Тўғри, — унинг гапини маъқуллади раис, — Абдураҳим турганида, файз биз билан бирга келармиди? Мениям қўшасизларми?

— Раис бова, одамни уялтирманг. Сиз борсиз, биз бормиз. Абдураҳим кайфчиликда озгина бошқача гапириб қўйди-да, — дея Шокир балиқбоқарга юзланди: — Жўра ака, сиз ширин балиқларингиздан яна икки-учтасини қовуринг. Мен гиз этиб ароқ топиб келайин.

— Хўп, — дея ёши ўтинқираб қолган, эти суягига ёпишган эчкисоқол Жўра ака қўлини кўксига қўйди ва уйча томонга шошиб кетди.

Ферма мудури ўзининг ўрнига Толмас Бадриддиновични ўтқазди-да, дарров Жўра аканинг ортидан йўлга тушди.

— Почча, — деб Саид Толмас Бадриддиновичнинг елкасига қўлини қўйди, — ёмонам омадли одамсиз. Балиқ бор, ароқ бор, закуская бор. Сизга жуда ҳавасим келади. Келинг, шу ҳавасим ва сизнинг омадингиз учун юзта-юзта олайлик.

Унинг гапига Абдураҳимнинг энсаси қотди. Чунончи у шу пайтгача «ёзвориши, чизвориши»ни айтиб, Шокирниям, Саидниям, керак бўлса, оддий балиқбоқар Жўра

аканиям дамани ичига тушириб қўйганди. Мана, раис келди-ю, ҳамма хушомадлар аста-секин унга қаратилияпти.

— Ичамиз, — деб у пиёласини Шокирнинг олдига, дастурхон устига қўйди.

— Абдурахим, ука, бу қўлинг ёғмиди шу пайтгача?..

— Нимайди?

— Кўришиб қўймаганингга айтаман-да. Саид — бу Саид. У гўрга кириб одам бўлмаса, ёруғ жаҳонда одам бўлмайди. Сен бўлсанг дунё кўргансан. Одамлар билан гаплашиб, улар тўғрисида ёзиб, психологияниям яхши ўзлаштиргансан-да, шунга нимага кўришмади, деб ҳайрон бўляпман.

— Оббо, почча-ей, шунақа қилиб, бизни гўр тўғрилайди-да, а?

— Ҳақорат бу! Турган-битгани ҳақорат! Мен хушмуомалаликни қадрлайдиган одамман, — деб Абдурахим мўйловини силаб турди-да, кутилмаганда бирдан раисга қараб ўқрайди ва гапини давом эттирди: — Шунинг учун сиз билан бир қултум ичсам, отамнинг ўлиги тепасида турай!

Раис дастурхон ўртасида липиллаб ёниб турган мойчи-роқни олиб кўтарди-да, Абдурахимга қаратди. Кейин кулди.

— Сен боланинг оёғинг ердан узилиб қопти-ку. Уялмай-нетмай «Отамнинг ўлиги устида турай!» дединг-а! Бошқача қасам ичганингдаям бир нарса демаган бўлардим. Ичмасанг, ичма, мен сени мажбурлаётганим йўқ. Ундан кейин ўтирган еринг менга тегишли. Хоҳласам, орқангга бир тепаман-да, келган жойингга жўнатаман!

Жаҳли чиққанидан раиснинг кўзи олайиб кетганди.

— Шундай денг, мен билмай юрган эканман. Майли, кейинги мақоламга шундай гапларингизни, албатта, киритаман. Чунки мен ўтирган тупроқ давлатники, мен эса шу давлатнинг адолат посбониман, деган хаёлда эдим. Демак, кетишимни хоҳлаяпсиз... Марҳамат, мана, кетаман, лекин кейин ўзингизга ёмон бўлади.

— Билган қўшиғингни айт! — деди бир қўлини мушт қилган раис.

— Почча, қўйинг. Бир томони меҳмон. Иккинчи то-

мони, республиканинг олди газетларидан бирида ишлайди. Озгина чизиб юборса...

— Ўчир овозингни! Шу мишиқидан қўрқаманми?! Бундан отаси тузукроқ эди. Ўзи нима қип юрибди бу ерларда?!

Буниси Абдурахимга ўтиб тушди. У дастурхон устидаги пичоқни қўлига олди. Саиднинг эса бирдан кўзи чақнади. «Қани энди, кўкрагига урса, Толмасбой хириллаб қолса, ўлса... Абдурахим, сал шиддатлироқ бўл. Бошласанг, бўлди, у ёғини ўзим давом эттираман» дея кўнглидан ўтказди у.

* * *

Паризод тушкун кайфиятда эди. Ўша куни у эрталаб-ки нонуштага чиқмади. Умуман ўрнидан турмади. Одатда, барвақт уйғонар, ҳовли супурар, сигир соғарди. Шу ишлардан ором олар, роҳатланарди. Бугун эса қимирламади. Хаёлга берилиб ётаверди.

Чошгоҳда Насима опа хонасига кириб, каравотига омонатгина ўтирди-да, қўлини қизининг елкасига қўйиб:

— Нега турмаяпсан? — деб сўради паст овозда.

— Тургим келмаяпти, — жавоб берди Паризод.

— Ҳимм, нимага?

— Шунга.

— Уф-ф, чарчаб кетдим, Паризод! Нима қилишним билмайман.

— Ким сизни чарчатяпти? Менми, дадамми? Ёки укаларим овора қиб қўйишаётгандир?

— Билмайман, ҳозир тургин-да, юз-қўлингни юв, бир жойга борамиз.

— Қаерга?

— Аввал кичкина опангникига, кейин каттасиникига. Уйда ўтиравериб, юрагим сиқилиб кетди. Ёзилиб келамиз.

— Мен бормайман.

— Борасан, тамом-вассалом!

— Уф-ф! — дея Паризод ўрнидан турди.

Насима опа анчадан бери қизини ички кўйлақда кўрмаган эди. Хипча бел, оппоқ баданига кўзи тушди. «Бу ҳар қандай йигитнинг ақли-хушини олади. Афсус, менда шундай бўлмаган. Бўлганида, эрим ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа

овга бормасди» дея хаёлидан ўтказди. Паризод устига юпқагина халатини илиб, ташқарига чиққач, қизининг ўрнига чўзилди. Беихтиёр ёшлик дамларини эслади. Ҳа-а, бир эмас, икки эмас, нақ уч ошиғи бор эди. Ҳаммаси билан барабар гаплашарди. Лекин шунчаки эрмак учун, бирортасига ҳам ҳаттоки қўлини ушлатмаган. Тўғрироғи, йигитларнинг ўзида журъат йўқ эди. Қўрқишарди, чунки база директорининг қизи димоғдор эди-да. Учрашувга чиққанида осмондан келар, нукул тилла тақинчоқ, машиналар тўғрисида гапирар, таниш-билишларининг исларини айтиб, камситарди. Аммо, мана, ҳозирги раис — Толмас Бадриддинович унинг гап-сўзларига эътибор ҳам бермади. Шартга белидан қучди-да, лабини лабига босди. Шу аҳволда анча муддат ушлаб турди. Охири Насима бўшашди... Вақт ўтиб, Насима Толмасни кўрмаса, туролмайдиган бўлиб қолди. Алалоқибат иккаласи турмуш қуришди. Лекин эри ўша биринчи сафаргидай шиддатли эмасди. Ўй-хаёли ишда, Насимага унчалик эътибор бермайди...

Паризод хонага қайтиб, аясининг хаёлини бўлиб юборди. Гапирмади, ойна қаршисида туриб, белига тушиб турган сочини тареди.

— Ая, — деди онаси қимирламай ётаверганидан жаҳли чиқиб, — балки, мен кийиниб оларман-а? Ёки кийинишимниям томоша қилмоқчимисиз?

— Қизим, қанчалик чиройли бўлсанг, тилинг шунчалик заҳар-а? — дея Насима опа ўрnidан турди-да, қовоғини солиб, чиқиб кетди.

Паризод хонасида анча вақт қолиб кетди. У аввалига бир муддат ойнадаги аксига термилиб ўтирди. Сўнг сочини бошқатдан тараб, турмаклади. Бўянди, сўнг кийинди. Ҳаммасини секинлик, ҳафсала билан қилдики, ташқарида уни кутиб турган Насима опа ёрилиб кетаёзди. Тоқати тоқ бўлиб, энди уйга кирмоқчи бўлганида, қизи чиқиб келди.

— Ўлиб қолдинг-ми деб ўйловдим! — деди жаҳл билан Насима опа.

— Ҳали ўлмайман, ая, қиладиган ишларим бир дунё... Айтганча, биз кетсак, мол-қўйлар нима бўлади? Бечора сигирлар эрталаб соғилмаган бўлса керак... — деди қиз

ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб.

Билади, онаси ҳеч қачон қўлини совуқ сувга урмаган.

— Даданг эрталаб хашагини берган. Боласи аллақачон соғиб қўйди. Кетдик, кўп вайсама. Ҳамсояни машина ҳайдашга чақириб келганман. Боядан бери «Қачон кетамиз?» деявериб, жонимга тегиб кетди, — деди Насима опа ва қизининг қўлини ушлади.

— Дадамнинг шофёри келмайдими? Ҳамсоя бизни олиб юрадими? — сўради ҳайрон бўлган Паризод.

— Фақат обориб қўяди. У ёғига поччангнинг машинаси бор. Бунча кўп гапирдинг, юр!

Паризод опасиникига етгунча очилмади. Кўзига ҳамма нарса зерикарли, мантиқсиз кўринаверди. «Эркаларга маза: ичади, чекади, шу билан ҳамма ташвишларини унутиб, ҳеч нарса бўлмагандай, иржайиб-тиржайиб кетаверишади. Биз эса қайғурсак, ичимизга ютамиз, жуда ошиб кетса, кўз ёши билан озгинасини чиқарамиз. Сўнг ғамимизни кўтариб юраверамиз. Шунинг учун аёллар тезроқ қариса керак-да... Шошма, эртага мен ҳам қарийманми, мижгов, асабий, ҳамманинг кўзига балодай кўринган кампирга айланаманми? Йўқ, унақамас, мен мумкин қадар ёшлигимни узоқроқ сақлайман. Шу бугундан, ҳозирдан бошлаб ҳар нарсадан ташвишга тушавермайман» хаёлидан ўтказди у.

Ана шу аҳдига амал қилиб, машинадан тушганларида жилмайди. Ҳаттоки аясининг қўлидан ушлаб, қулоғига:

— Ая, сиздан бир нима сўрайман. Ростини айтасиз, хўпми? — деди.

Насима опанинг киприклари пирпираб, ҳайрон бўлди:

— Тинчликми, қизим? — деди.

— Тинчлик, ҳали нариги опамникига кетаётганимизда сўрайман. Лекин яширмасдан, тўғриси айтасиз, келишдикми? — деди кўзлари чакнаган Паризод.

— Майли...

Лазокат уларнинг меҳмонга келишларини мутлақо кутмаганди. Шу боис шошиб қолди. Жигарлари билан кўришар-кўришмас, уйга кириб, қайнонаси, эрини айтиб чиқди. Паризод бир қарашдаёқ поччаси, қуда холасининг кўзида қандайдир ташвиш борлигини сездди.

Уйга кириб, сўрашаётганларида ҳам аёлнинг овози тит-

раб кетаётганини кўргач, опасига ёрдамлашиш баҳонасида ошхонага борди ва билдики, опасиям безовта.

— Нима бўлди? — дея сўради паст овозда.

Лазокат гапиришдан аввал эшик томонга қараб олди. Ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач:

— Қайним ҳаммамизни обориб опкеляпти. Бола бўлмади бу, бало бўлди, — деб шивирлади.

— Нима қилди?

— Қоронғи тушар-тушмас кўчага чиқиб кетади. Шу билан эрталаб келади. Кейин тушгача ухлайди. Уйда бир иш қилмайди. Биров бурнидан баланд гапириб юборса, тишлаб олади. Сизлар келмасларингдан олдин поччанг билан роса жиққамушт бўлди. Сал қолса, поччангни сўйиб кўяёзди. Қайнонам бечора уни наша чекади, дейди.

— Қаерда ҳозир?

— Нима қиласан?

— Сўрадим-да...

— Кетгандир-да, бир гўрга.

— Опа-а, қайнингиз илгари жуда яхши бола эди-ку. Ҳар доим мақтардингиз. Нега дарров ёмонга чиқиб қолди? — деди Паризод Лазокатга термилиб.

— Илгари яхшийди. Ўнинчига ўтди-ю, жин чалдими ё безориларга кўшилдим, билмай қолдик. Лекин шу жин чалгани ҳақиқатга яқинроғов. Чунки жўраларининг ҳар бирини поччанг танийди. Шундай бўлсаям, яна ҳаммаси билан бирма-бир гаплашиб чикди. Бари одамдай, битта шу қайним Дилшод бошқача, ўзгариб қолган.

— Балки, бирортасини севиб қолгандир, — деди Паризод мийиғида кулиб.

— Кошкийди, биз ҳам бошида шундай деб ўйладик. Кейин суриштириб билсак, яхши кўрганиям йўқ экан, — дея Лазокат уҳ тортди-да, чойнак-пиёлани олиб, меҳмонлар ўтирган хонага кетди.

Паризод ҳовлига чиқди. Нигоҳи билан опасининг қайнисини қидирди. Дарров топди. У боғ ичида, олманинг остида ўтирарди. Паризод ўзини кўрмаганга олиб, секин супадан тушди ва экинзор орасидаги кичкина йўлак бўйлаб юрди. Кейин кутилмаганда Дилшодга кўзи тушиб қолди-да:

— Вой, Дилшод! Кўрқитиб юбординг-ку! — дея қиқир-

лаб кулди.

Йигитчаям иржайди.

— Ҳеч курса, йўталиб қўй, — дея қиз ёқасига туфлаган бўлди.

— Ҳе, мен сизни кўрган деб ўйлабман, — деди йигитча дўрилдоқ овозда.

— Кўрмабман-да... Менга ҳовлиларинг жуда ёқади. Бир томони боғ, иккинчи томони экинзор... Яна адоғи далага туташган. Ариғиям бор, — деди Паризод шўх овозда.

— Ҳи-и, лекин сираям зўрмас, — дея йигит ўрнидан турди ва саломлашиш учун Паризодга қўл узатди.

— Сенинг опанг сифатида айтаман, ҳақиқатан ҳам, ҳовлиларингга гап йўқ. Бизникига ўхшаб, ҳамма томони ўралганида борми, юрагинг сиқилиб кетарди.

— Бир ёшгина каттасиз-ку, қанақасига опам бўласиз? — дея эътироз билдирди Дилшод.

— Бир ёш ҳам, барибир, ёш. Бу кўп нарсани ҳал қилади. Лекин, майли, сен тенгдошмиз деб ҳисоблайвер. Агар хоҳласанг, сенсирашинг ҳам мумкин.

Йигитча бироз қизарди. Уялганини яшириш учун бошини эгди. Паризод бирдан қиқирлаб кулиб юборди.

— Сенсирардим-у, лекин янгам хафа бўлади-да, — деди Дилшод ноқулайликдан қутулиш учун.

— Янгандан кўрқасанми?

— Кўрқмайман, лекин, барибир...

— Мен рухсат бераман, бемалол сенсирайвер. Кейин... кейин...

Дилшод қизнинг юзига қаради ва бирдан ўтқир нигоҳга дуч келди. Қишлоқнинг боласи — бирорта қиз билан тузук-қуруқ гаплашмаган, кўзига-ку, умуман қарамаган. Орқаворотдан гоҳ тенгдош, гоҳ қуйи синфдаги қизларни яхши кўриб юрган, лекин бирортасига ҳам сўз айтолмаган. Қизлар бошқа-бошқаларники бўлиб кетишгач, индамай қолаверган. Мана, илк марта қиз боланинг ғалати қарашига гувоҳ бўлиб турибди. У шолғомдай қизариб кетди.

— Нега бунча қизариб кетдинг? — сўради қиз лабида табассум билан.

— Мен... мен... Йўқ, кун иссиқ, — жавоб берди йигит зўрға.

— Кетдик, боғларингнинг адоғига борайлик. Мен боғда сайр қилишни яхши кўраман.

Қизнинг ҳар қандай яхши кўриши йигит учун қандайдир гўзал нарсага айланганди. Унинг дилида Паризоднинг кўнглини кўтариш, хушомад қилиш истаги пайдо бўлганди. Аммо ҳозир ўша истакни ўзи сезмас, фақат унга бўйсунар эди. У бирдан бидиллаб, сайрашга тушиб кетди.

— Зўр ўрик бор. Йирик-йирик, олмадай келади. Роса ширин, лекин ҳозир пишиб тамом бўлган. Унинг туршагиям зўр бўлади. Ундан кейин гилос бор. Уям даҳшат. Отам боғбон-да. Бир жойлардан топиб келади мевали кўчатларни. Ёз келиши билан уйдан овқат емай кўяман, куним боғда ўтади. Қайси мева пишган бўлса...

— Қорнинг оғриб қолмайдими? — деб кулди Паризод.

— А-а, қорним?.. — дея Дилшод бирдан юришдан тўхтаб, қизга қаради.

Унинг жаҳли чиққани юз-кўзидан кўриниб турарди. Айни чоғда Паризод кўрқиб кетди.

— Ҳазиллашдим, — деди сўнг маъюс тортиб. — Менинг бир марта мазам қочиб қолган-да, шунга айтаётувдим...

— Йўқ, — деди бу сафар Дилшод дағал овозда, — оғримаган.

— Унда сен ҳақиқий йигит экансан, — деб қиз унинг кўлини ушлаб олди.

Шунда Паризоднинг кўкси кўтарилиб тушиши йигитни ғалати қилиб юборди: унинг баданида худди чумоли ўрмалагандай бўлди.

Қиз ундаги ўзгаришни сезиб, шумлиги баттар ортди. Йигит қалтирай бошлади. Пешонасидан тер чиқиб кетди. Шу заҳоти Паризод мавзуни бутунлай бошқа томонга ўзгартирди.

— Севган қизинг борми?

— Севган қизим... йўқ.

— Хурсандман.

— Нега?

— Билмасам, нимагадир севган қизинг бўлишини хоҳламадим. Ўз-ўзидан шундай бўлди. Сен танийдиган қизлар кўпми?

— Беш-олтита.
— Алдама, қишлоғингдаги ҳамма қизни танийсан-ку.
— Ҳа, танийман.
— Улар беш-олтитами?
— Йўқ.
— Ана, кўрдингми? Мен сени ёқтириб қолсам, нима қилардинг?

— Каттасиз-ку.
— Нима қипти? Гап ёшда эмас. Ҳаётда ўзидан катта қизларга уйланганлар қанча? Кейин келишувимизниям бузаяпсан.

— Қандай келишув?
— Мени сенсира, дегандим-ку. Майли, бунга аста-секин кўникиб кетарсан. Хўш, яхши кўриб қолсам, нима қиласан?

— Билмайман...
— Билсанг, мени жуда кўп болалар севиб қолишган.
— Сиз... эй-й, сен-чи?
— Йўқ, бирортасиям ёқмайди. Қизларнинг орқасидан юрганларни ёқтирмайман. Сенга ўхшаганлар бошқача. Нимага одамлар ҳар хил бўлади?

Паризод бутун вужуди билан Дилшоднинг юраги ўт бўлиб ёнаётганини ҳис қилар, шу боис ҳар гапининг охирида йигит ўзини бошқара олмайдиган аҳволга тушиб қолмасин деб, озгина сув сепиб кўярди.

— Нега жимсан? — дея у йигитнинг кўлини силтаб кўйди.

— А-а? Билмадим, акам билса, ўлдиради, деб ўйлаяпман.

— Ўлдирмайди, хавотир олма. Энди орқага қайтайлик. Мен тузук-қуруқ сўрашмасдан, чиқиб кетувдим. «Қаерга йўқолиб қолди?» дейишмасин, — деди Паризод тўхтаб.

Дилшод қизни сира кўйиб юборгиси йўқ эди. Шу боис қизга илтижоли боқди. Лекин «Қол», деёлмади. Сабаби, Паризод қизларга ялинадиган йигитларни ёқтирмаслигини айтиб кўйган эди.

— Майли... — деди у секингина.
— Сен бормайсанми?
— Йўқ.
— Бормасанг, хафа бўламан.

— Бораман унда.
— Бўпти, кетдик.
— Бизникага тез-тез бориб туришинг мумкин. Кундузи боришга уялсанг, кечқурун бор. Шунда соатлаб гаплашиб ўтирамиз. Келишдикми?

— Бўлди.

Дилшоднинг кўзи чарақлаб кетди.

Лазокат, ҳақиқатан ҳам, хавотирланган экан. У синг-лисини кўриши билан уйдагилар эшитиб қолишини ҳам ўйламасдан, бақирди. Бунга жавобан Паризод жилмайди. Келиб опасининг пинжига тикилди.

— Опажон (буни қарангки, Паризод Лазокатни ҳали бирор марта ҳам «опажон» демаган ва эркаланмаганди. Мумкин қадар кўрс муомала қиларди), ҳозир юзингиздан тишлаб оламан, раҳмат айтмаганингиз учун, — деди.

Лазокат анграйди. Энсасини қотириб қаради. Кейин Паризодни нарироққа итариб:

— Ҳеч қаерда жийда йўқ эди, шекилли? — деди.

— Мушкулингизни осон қилдим.

— Нималар деяпсан? — сўради баттар диққати ошган Лазокат.

— Қайнингизни ёмонловдингиз. «Ундай бўлди, бундай бўлди, гурбат бўлди. Унинг дастидан ҳеч кимга тинчлик йўқ. Одамни қонига ташна қилиб юборди», девдингиз. Мен шундай қилдимки, ҳозир ундан яхши йигитни кундузи чироқ ёқиб тополмайсиз.

Лазокат киприкларини пирпиратиб, диққатини синг-лисига қаратди.

— Беш минут кетдими, ўн минутми? — гапида давом этди Паризод. — Шу вақт ичида мен у билан севги ўйини ўйнадим.

Лазокатнинг эхонаси чиқиб кетишига оз қолди. У шоша-пиша ошхона эшигини ёпди-ю, синг-лисининг ёқасига ёпишиб, вишиллади:

— Бошқатдан айт!

— Кўрқманг, дарров хаёлингиз бузилади. Шунчаки у билан севги тўғрисида гаплашдим.

Лазокатнинг бирдан қўллари бўшашди.

— Ўлдириб кўярдим, Пари, ўлдирардим! Сенга кўшиб, униям жонини олардим! — деди худди хаста одамдай.

— Жинниманми? Шунчаки кўнглига қўл солиб кўрдим. Қарасам, қизлар билан гаплашишни ёқтириб қопти. Ёрдам қилай, дедим. Унга қизиқишим борлигини билдириб қўйдим. Шу билан дарров яхши одамга айланди-қолди. Озгина шундай бўп юрсин, кейин орани узаман, — деди Паризод пинагини ҳам бузмай.

— Пари, бировнинг туйғуси билан ўйнашиб бўлмайди. Айниқса, бу уйдагиларнинг. Булар бир севса, ҳамма нарсани эсидан чиқариб, ақлдан озар даражада севади.

— Поччам сизни шундай севадими?

— Ҳа.

— Хавотир олманг. Безиёнгина ажрашамиз.

— Йўқ, бўлмайди. У кейин сени бир ёқли қилади.

«Опажон, кўрамиз ким кимни бир ёқли қиларкан. Мен бир нарсага киришдимми, охиригача етказмай қўймайман. Сизга ўхшаб, латга чайнаб ўтирмайман. Кечаси у билан учрашувга чиқаман. Бугун атайин қўлини ушлаб, юрагини ўйнатдим. Кейинги сафар бармоғимниям ушлатмайман. Лекин шундай қийнайманки, менсиз чинқириб юборсин» дея кўнглидан ўтказди Паризод.

«Синглим, ниятингдан қайт. Дилшод арслонга айлангач, уни тўхтатиб бўлмайди» дея ўйларди Лазокат гўё бунга жавобан.

* * *

— Раислигинг мен учун икки пул! Ҳозир сени сўяман! Мени ҳақорат қиладиган ҳали дунёга келмаган! — дея ўкирганча Абдурахим ўрнидан сапчиб турди.

Ўйловдики, раис кўрқиб кетади. Орқасига тисарилиб: «Укажон, қўй шу нарсани. Тил топишиб кетамиз. Билман, шаҳарда яшашнинг ўзи бўлмайди. Кел, шу тўртбеш сўмли бўлиб, маза қилиб дам олиб кет», дейди. Аммо ундай бўлмади. Раис Абдурахимнинг ёқасига чанг солди:

— Жинқарча! Итнинг боласи! Ҳали сен муштдайгина бўлиб, менга хезланадиган бўлдингми?!

Абдурахимнинг мўйлови титради. Кўрқиб кетди. Қўлидаги пичоқни ташлаб юборди:

— Мен... мен...

У гапини охиригача айтолмади. Жаҳл отига минган Толмас Бадриддинович қулочкашлаб жағига шундай мушт

туширдики, бечоранинг боши айланиб, гурсиллаб кумоқ ерга йиқилди. Шу заҳоти Саид раисга ташланди. Унинг белидан кучоқлади. Қўли зўрға етди. Гўёки ажратган киши бўлиб, ён томонига силтади. Толмас Бадриддинович мувозанатини йўқотиб, гурсиллаб йиқилди. Биқинига бир нарса ботиб, инграб юборди. Саид пайтдан фойдаланиб, бир-икки марта тепмоқчи бўлди-ю, Шокирнинг овозини эшитиб, шаштидан қайтди.

— Ў-ў! Нима бўляпти?! Тўхтанглар! — дея бақирганди у.

Саид раиснинг ўрнидан туришига кўмаклашиш ўрнига Абдурахимнинг қўлидан ушлади.

— Ака, туринг. Раисниям кайфи борга ўхшайди. Туринг, ака! Хафа бўлманг, чизворасиз, оёғи осмондан бўп кетади!

Толмас Бадриддинович унинг гапларини эшитди. Оғриқни унутиб, сўкинди ва қадини ростлаб, Саиднинг ҳам жағини силаб қўймоқчи бўлди. Бироқ эплай олмади. Биқинидаги оғриқ ҳаракат қилишга йўл қўймади. Ана шу пайтда Шокир етиб келди. Кўрсаки, раис чўзилиб ётибди. Абдурахим билан Саид навбатма-навбат сўки-няпти.

— Нима қилдинглар?! — бақирди уларга Шокир.

— Ҳеч бало! Қайтанга раис Абдурахим акани уриб ағдарди. Шокир ака, энди сиз ҳам газетга чиқасиз. Ўлдингиз, икки молнинг пулини бермасангиз, қутулмайсиз! Поччам бўлса камида битта мошин бериб қутулади. Шундаям қутула олса! — дея оғиз кўпиртирди Саид.

— Мен ҳеч нимани шу аҳволда қолдирмайман. Ҳаммангни шарманда қиламан! — дея ўкирди Абдурахим Саиднинг гапларидан руҳланиб.

— Ҳаммасини тўғрилаймиз, Абдурахимжон, сира хафа бўлманг. Менинг ўзим тўғрилайман, — дея ялтоқланди Шокир.

— Имм, имм! — дея ингради шу пайт Толмас Бадриддинович.

— Бир нарса бўлганга ўхшайдиёв, — деб Шокир қўлидаги ароқни ерга ташлаб, секин энгашди-да: — Раис бова, нима қилди? — деб сўради.

Раис жавоб бермади, бунинг ўрнига биқинига санчи-

либ турган пичоқни суғуриб олди.

— Толмас Бадриддинович, — дея Шокир энгашиб, раисни турғазиш ниятида белидан кучоқламоқчи бўлганида, қўли ҳўл нарсага тегди-ю, чўчиб тушди.

Кўлига қараса, қон. Бирдан юраги шув этди.

— Нима қилдинглар?! — деди улфатларига қараб, оёғи дағ-дағ қалтираркан.

— Нима қипмиз? Мен ажратдим, ўзи гавдасини бошқаролмай, ағнаб тушди. Шунинг учун айбдор бўламизми? — деди Саид хотиржам.

— Эртага милисагаям шундай деб тушунтирасан. «Малладес, болабсан, камига пичоқни қўлингга олиб, бирикки марта тиқиб олмабсан!» дейди. Нимагаям сенларни чақирдим?! — деди жаҳл билан Шокир.

— Ака, билиб қўйинг, бу ерда бир кишимасмиз, учта-миз. Бир гап бўлса, учовимиз ҳам жавоб берамиз.

Абдураҳим одати бўйича дарров четга чиққан, воқеани четдан кузатмоқда эди. Бу услуги унга кўп жойларда фойда келтирган. Яъни у жанжални бошлаб қўярди-ю, бошқача айтганда, жанжалнинг хамиртуруши бўлса-да, ўзи четга чиқар, бошқалар жиққамушт бўлиб, бир-бирининг оғзи-бурнини қонатиб, айбдору гуноҳкорга айланганида, у қўй оғзидан чўп олмаган одамга айланарди. Кейин дўст-ёрларини (ўзи дўст-ёри борми? Йўгов. Менимча, ёшлигида бўлган. Улар ҳам дўстликдан нари, шунчаки тенгқурлари эди) ота-оналари уни намуна қилиб кўрсатишарди: «Ана, фалончига қара, сўфидай». Ишхонада кўриниши бошқачароқ эди. Энг сермахсул ходим билан уч-тўрт кун ўртоқ бўлиб юрар, кейин унинг кўп ва хўп ёзаётгани, аммо меҳнатига яраша ҳақ тўлашмаётганини, муҳаррирнинг гирибонидан олиш кераклигини шундай устомонлик билан тушунтирардики, беш дақиқа ўтар-ўтмас, ўша ходим билан муҳаррир ўртасида яхшигина сўз жанги содир бўларди. Бундан Абдураҳим завқ олар ва ўша сермахсуллик ўзига кўчиб ўтарди. Аммо бугун аҳвол чатоқ бўлиб қолди. Қараса, анави икковига қўшилиб, терговчининг қаршисида сарғаядиганга ўхшайди.

— Саид, сал қалтисроқ йиқитиб қўйганга ўхшайсизов... — деди ҳозирданоқ ўзини ҳимоялаб.

— Шундай қилмаганимда, поччамнинг ўрнида сиз инграб ётган бўлардингиз, — жавоб берди унга Саид. — Энди менинг гапимни яхшилаб эшитинглар.

Атрофдагилар бараварига унга қарашди. Ҳар иккови ҳам Саид муаммони осонлик билан ечадигандай, унга термилишди. Зулматда уларнинг қорайган шакли билан ёниб турган кўзларигина кўринарди.

— Энг тўғри йўл, — давом этди Саид бир муддат жимликдан сўнг, — раисни бутунлай йўқ қилиш. Кейин туя кўрдингми, йўқ!

— Ним-ма?! — деди жон-пони чиқиб кетган Шокир. — Ўйлаб гапир-япсанми?!

— Ўйнаб гапиряпман, тушундингизми, ўйнаб?! Гарантия бериб айтаман, буни бир гўрга йўқ қилмасак, эртагаёқ темир панжара ортида бўламиз. Учовимизам!

— Мен унга ҳеч нима қилмадим! — деди Абдураҳим.

— Лекин жанжални бошлаб бердинг-ку, мўйлов, гўрсўхта!.. Пичоқни ким биринчи қўлига олди? Сен! Раис йиқилган жойга ким пичоқ ташлади? Сен! Хўш, яна гапинг борми?!

Абдураҳимнинг дами ичига тушиб, кўз олди қоронғилашиб кетди. У қулт этиб ютинди.

— Унда менинг нима айбим бор? Жанжал бўлаётган пайтда мен йўқ эдим. Ким раисни йиқитди, ким пичоқни ташлади, кўрмадим, — деди Шокир ўзининг айбисизлигидан бироз тетиклашиб.

— Шунақами? Билмабмиз-да... Дайравотга ким бошлаб келди? Сиз эмасми, Шокир ака? Бизни ким ичирди? Жанжал бўлиши муқаррарлигини билиб, ароқ опкелиш баҳонасида, а!.. Кейин боя ўтирганимизда, «Ишни бошладим, бу ёғи пичоғим мой устида бўлади», деб гўдайган ким эди?! Шундай экан, ҳурматли Шокир ака, биз билан биргасиз.

Шокир сочини гижимлаб, секин ўтирди. Унинг кўз ўнгида тоғасининг пуллари намоён бўлди. Ахир у ферма мудирини бўлиш учун озмунча маблағ сарфладими? Энди шу пулларни қайтариб олмай туриб, панжара ортига кетаверадими? Бунақаси кетмайди. Саиднинг гапида жон бор. Раисни йўқотиш керак.

— Нима қиламиз? — деди у довдираб.

— Нима қилардик? Балиқлар оч экан, берамиз, маза қилишади. Ҳар доим бу одам балиқларни еб келган, энди бир балиқлар ҳам маза қилишсин.

Толмас Бадриддинович шу пайтгача индамай, уларнинг гапларини эшитди. Қараса, аҳвол чатоқ. Ҳақиқатан ҳам, бу мияси чириганлар кўлнинг ўртасига олиб бориб ташлашдан ҳам тойишмайди.

— Бўлмайди, — деди у ётган жойида.

— Ҳи-и, сизга бўлмайди, поччагинам, лекин бизга роса мос тушади, — деди Саид.

— Сизларга бўлмайди деяпман, овсар! Биринчидан, мен ўлганимча йўқ. Кейин сизлардан олдин неча марта-лаб улфатчилик қилганман. Бизда бундан баттариям бўлган, тушундингларми?! Пичоқ сал тирнаб кетди, шунга ҳаммангнинг юрагинг тушиб қолдими?

— Почча, нималар деяпсиз? Мен ўтириб чиққанман. Унча-мунчадан қўрқадиганлардан эмасман.

— Тўғри, шунинг учун сенга доим тан бериб келганман. Лекин анави иккови бутунлай тамом бўлишди, — дея Толмас Бадриддинович инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди-да, икки-уч марта чуқур-чуқур нафас олиб, Абдураҳим томонга бурилди: — Сен яқинда уйландинга? Хотинингни чўлдан опкелдинг. Опкелишинга ўзим иккита машина берганман. Оти Зулфизар. Ҳа-а, эсимда қолган экан. Кўзи қисикқина, думалоққина. Қорачадан келган. Буларнинг бари нимадан далолат, биласанми?

Абдураҳимнинг нафас олиши тезлашди. Ҳар-ҳар замон мўйлови ҳам учиб қўя бошлади.

— Нимага жимсан? — сўради раис газни босиб.

— Хотинимнинг нима алоқаси бор?

— Ҳе-е, алоқаси бўлганда қандоқ! Сен панжаранинг ортида бўласан. Камида ўн йил. Бу ёқда ёшгина хотинчанг қараб ўтирадимми? Бунинг устига, уям кўча кўрган. Институтда ўқиган экан... Лекин сен хафа бўлма, сенга вафодор бўлиши ҳам мумкин. Аммо бу колхозда ҳали уйланмаган, уйлансаям, хотинидан қоникмайдиганлар тикилиб ётибди. Биттаси бўлмаса, биттаси йўлдан уриб қўядими, деб одам қўрқади-да...

— Нималар деяпсиз? Менинг хотиним, керак бўлса, минг йил кутади.

— Ҳа-а, биламан. Илойим, шундай бўлсин. Лекин сен турмадан чиқмай туриб, бир-икки марта қўзилаб қолса, гуноҳ сенда бўлади, — деб Толмас Бадриддинович Шокир томонга ўтирилди: — Сени пишиққина, пухтагина бола деб ўйлагандим. Хол қўйиб қўйдинг-ку, ука!

— Раис бова, мен ароққа кетиб, билмай қопман-да. Билганимда, дарров олдини олган бўлардим. Ҳозир сен ол, мен ол, қилиб ўтирган бўлардик...

— Опкелдингми ароқ?

— Опкелдим.

— Қуймайсанми унда! Бор кайфниям йўқ қилдиларинг! — деб Толмас Бадриддинович Саидга ўтирилди.

Шокир дарров ишга киришди, раис эса қайнисини нишонга олди:

— Буларнинг ичида, барибир, энг зўри ўзингсан. Ҳеч нимадан қўрқмайсан. Чунки йўқотадиган нарсангнинг ўзи йўқ-да. Шунинг учун сени доим ўзим билан бирга олиб юраман, деб ният қилиб қўювдим. Сен бўлсанг, мирза-куруқ қасанғига қўшилиб юрибсан.

— Почча, — деди Саид янада тетиклашиб, — шу сафар шунақа бўп қолди-да. Шу ёнингизга олишниям чўзиб юбордингиз-да...

— Тисс, орамизда Абдураҳим бор! Яна булар қариндош-уруғчилик қилипти, деб чизвормасин. Ўтир ёнимга. Абдураҳим, сен ҳам ўтир, сен ҳам шу ернинг боласисан. Сассиқ деб, бурнимизни кесармидик? Партия ва ҳукуматимиз олдида, қолаверса, коммунистик виждоним билан айтаманки, Абдураҳим келажакда етук фарзанд бўлиб етишади. Шунинг учун ичамиз.

Раис гапириб бўлгунча Шокир пиёлаларга ароқ тўлдириб бўлганди. Ҳамма бирдан улушини қўлига олди. Бир кўтаришда пиёлани оқ қилишди. Гарчи биқинида чимиллаган оғриқ бўлса-да, раис мийиғида кулиб қўйишдан ўзини тийиб туролмади.

— Энди, укалар, бу ерда ўтирмайлик, салқин тушиб қолди. Ундан кейин ўтирган жойимиз зах, яна хотинларимиз устимиздан шикоят қип қолишмасин.

Даврада энгил кулги кўтарилди.

— Саид, қўлимдан ушла. Йиқитдинг, энди турғизиб қўй-да, ярамас! — деди Толмас Бадриддинович.

— Хўп бўлади, — деб Саид ўрнидан дик этиб турди.

Улар уйча томон кетишди. Йўл-йўлакай, ўзини суяб кетаётган қайнисига: «Сен иккинчи бу муттаҳамлар билан ош-қатиқ бўлиб юрма! Даражанг баланд», дея шивирлаб қўйди. Саид гупиллаб кетди. Зеро, поччаси уни улуғлаётган эди-да.

Уйчада, ёруғ жойда кўришсаки, Толмас Бадриддиновичнинг жароҳати хийла жиддий. Кўл бўйидаги бақирчақирни эшитган, аммо кўрққанлиги боис бормаган балиқбоқар Жўра ака тезда тоза латта топиб, ярани ароқ билан ювиб, боғлаб қўйди.

Ичкилик зўр бўлди. Фақат Толмас Бадриддинович ичмади. «Қон босимим тушиб кетади», деди. Бирор икки соат маишатчилар бутунлай ўчиб қолгунча ўтирди. Кейин кетди. Машинани ўзи ҳайдамади. Шофёрни турткилаб, уйғотди. Бисотидаги «ширин» гаплар билан сийлади.

Уйда одам бор экан. Дарвоза тарақлади, эшик ғийқиллаб очилди, аммо ҳеч ким уйғонмади. «Буларнинг орқасини кесиб кетишса ҳам, сезмайди», дея минғирлаб қўйди Толмас Бадриддинович остонадаги оёқ кийимларни кўрганидан кейин.

Шу куни раис ухламади. Тонг отгунча ўйлади. Колхозда обрўси тушиб бораётгани, уни менсимайдиганлар пайдо бўла бошлаганини англади ва бу нимадан келиб чиққани ҳақида бош қотирди. Топди...

Энди, ҳурматли ўқувчи, бироз чекиниш қиламиз. Бундан роппа-роса олти ой муқаддам, Толмас Бадриддинович уйида йиғин қилганди. Тўғрироғи, район амалдорларидан бир-иккитасини чақириб, ҳақ берганди. Ўшанда Ҳайбатулло ҳам бор эди. Аслида, унинг борлиги аҳамиятсиз, бироқ шу куни у ўзини бутунлай бошқача тутди. Насима билан бир-икки марта берилиб суҳбатлашаётганини кўрди. Рашки келиб, ғазабланди, лекин ўзини бошқара олди. Кейин ўзини қойиди. «Қариган чоғингда хотинингни қизғанияпсанми? Яна келиб-келиб сўхтаси совуқ, бадбашара, заводдан чиққан одамдан-а!» деди ўзига ўзи. Аммо шу воқеадан сўнг Насима ўзгариб қолди ва нега ўзгарганини Толмас Бадриддинович энди тушунгандай бўляпти. Шу пайтгача ҳаёлига келмаган экан. У алам

билан лабини тишлади-да, ўрнидан турди. Сигарет чекиб, ҳовлига чиқди. Шу бўйи уйига кирмай, тонг оттирди.

* * *

Раис идорага борса, секретарь оёғи куйган товукдай типирчилаб юрибди.

— Райкомга тез бораркансиз, областдан махсус комиссия келибди! Агрономниям опкелсин, дейишди, — деди у Толмас Бадриддиновични кўриши билан ҳовлиқиб.

Раис унга ижирғаниб қаради. «Шуям энди одам-да» дея кўнглидан ўтказди. Кейин бир баҳона топиб, тишлаб олмоқчи бўлди-ю, ўша баҳона ўлгурни топмади. Изига қайтиб, машинага минди.

— Ҳайда, — деди Элёрга энсасини қотириб.

«Иккинчи марта дағаллашди. Арпасини хом ўрдимми?» кўнглидан ўтказди Элёр.

— Гараж ёнида тўхтаб, югуриб бориб, янги бола — Маъруф бор-ку, ўшани чақириб келасан.

Унинг гап оҳангида яна қандайдир ғазаб бордай эди. Биринчи марта шунақанги муомалага дуч келаётган Элёр додирлади. Унинг ҳатто «хўп» дейишга-да кучи етмади. Қизарди ҳамда раиснинг жаҳлини баттар чиқармаслик мақсадида газни секин босди.

— Оёғингга хина қўйганмисан?! — бақириб юборди шу заҳоти Толмас Бадриддинович.

Элёр чўчиб тушди-да, кўзгу орқали орқа ўриндиққа тезда кўз ташлаб:

— Ҳалиги, машина... — деди-ю, қолган гапи оғзида қолди.

— Ҳалиги-палигини йиғиштир! Одамга ўхшаб ҳайда!

Бирдан тезликни оширган Элёр машинани трактор парки ёнида шунақанги қаттиқ тормоз бериб тўхтатдики, Толмас Бадриддинович олдинги ўриндиққа ёпишиб қолаёзди. Жароҳати чимиллаб азоб берди, афти бужмайди. Ўзини ўнглаб, ғазаби жўшганча қовунчини обдан сўкмоқчи бўлди-ю, улгурмади. Машинадан сакраб тушган Элёр олди-орқасига қарамай, дарвоза томонга югуриб кетаётганди. Толмас Бадриддинович сўкмади, аксинча, кулди.

— Яхшиям, бу қуёнюралка қизим-нинг тегмагани. Худо кўрсатмасин, рози бўлганида, нима бўларди? — деди ўзига

ўзи.

Элёр билан Маъруф олдинма-кейин паркдан шошиб чиқишди.

Маъруф машинага минишга тарадудланди. У раис буйруқни беради-ю, жўнайди деб ўйлаган эди.

— Нега турибсан, аммамнинг бузоғига ўхшаб?! Чиқ! — дея уни ҳам Толмас Бадриддинович жеркиб берди.

Аммо Маъруф унинг жеркишига пинагини ҳам бузмади. Раис ичида тин олди. «Отасининг ўзи унча-мунча нарсадан кўрқмайди» кўнглидан ўтказди Толмас Бадриддинович.

Йиғилиш тушгача чўзилди. Областан келганларнинг ичи гапга тўлиб кетган, шекилли, эринмасдан гапиришди. «Ҳаммаси сариқ чақага қиммат, кошкийди, айтганларингнинг бирортаси бизга тўғри келса. Москвада илмий анжуманда Петров деганлари пахта ҳосилини яна беш центнерга оширишни илмий асослаб берганмиш. Падар лаънати ўша Петров пахта оралаганмикан?! Онангни эмгурлар, Москва нима деса, шундоқ экан, деб вайсайверасанларми?! Ҳе, валакисаланлар!» хаёлидан ўтказди Толмас Бадриддинович ва уйқусираган кўйи Маъруфга қаради. У тинмай нималарнидир ёзарди. «Яхши одат, бир нималарни қитирлатиб ёзиб турсанг, уйқунг қочади. Бу бола бўладиганга ўхшайди» кўнглидан ўтказди раис.

Йиғилиш тугади. Тепадагиларнинг кетишини интизорлик билан кутган залдагилар подадай ўзларини эшикка уришди. Ораларида «Ҳақиқат бор экан-ку, бўғилиб кетдим», дегувчилар ҳам бор эди.

Биргина Маъруф ўзини талотўпга урмади. Мажлис қатнашчиларининг чиқиб кетишини кутди.

У «Виллис» ёнига борганида, Толмас Бадриддинович пешонасидан оқаётган реза-реза терни уч кунлик дастрў-молча билан артаркан, ўпка дориси тутунини ютоқиб-ютоқиб ютарди. У Маъруфни кўриб, иржайди. Ёнига келгач, елкасига қоқди.

— Одам бўласан, одам... Бугун хурсанд қилдинг. Кайфиятнинг абжағи чиққанди. Лекин сен кўтардинг, эвазига ҳақ бераман. Бир шашликхўрлик қиламиз кўк чой билан, — деди.

Маъруф ҳеч балога тушунмади. Зеро, у раисни хурсанд

этадиган нима иш қилганини билолмаётганди. Лекин иккисининг бирга тушлик қилишига бошқа колхоздан келган иккита раис халақит берди.

Улар Маъруф билан Толмас Бадриддинович турган жойга келганларидан сўнг новчаси шундай деди:

— Толмас ака, сира думингизни тутқизмайдиган бўп кетдингиз, — деди ёнига келиб. — Ака-ука бўлганимизга минг йил бўп кетди. Охирги марта ўтирганимизга юз йил бўлдиёв.

— Бўлмаса, уч юз минг йил умр кўрарканмиз-да, Эшимбой. Сал инсофли бўлинг, одамни чарчатманг, — деди бунга жавобан Толмас Бадриддинович.

— Ака, инсоф деганлари сиз билан мендан кейин тутилган, — дея учинчи раис хохолаб кулди.

Уч колхоз бошлиғи битта машинага ўтирди. Қолган икки ҳайдовчига «Ортимиздан борасизлар», дейишди. Шу орада ҳамкасбларига Толмас ака Маъруфни таништирди:

— Бўладиган кадр, сизлар агрономларингга жавоб бериб юборибсизлар, лекин меники боради. Чой-пой ташийдиган одам ҳам керак-ку.

Эътироз бўлмади. Раис деган унвонли Эшимбой ва думалоққина Маҳмуд бараварига «маъкул» дейишди. Шу билан Маъруфга бошдан-оёқ қараб олишди.

Маъруф бир олам янгилик эшитаман деб ўйламаганди. Бу раис деганлари ғийбат масаласида бошқалардан сира ортда қолмас экан. Аввал обдан райкомнинг гўрига гишт қалашди. Маъруфнинг борлигига эътибор ҳам беришмади. Маъруф шундан билдики, Толмас Бадриддиновичнинг обрўси баланд ва у билан бирга келган ҳар қандай одам ишончли.

— Толмас ака, райкомни алмаштириш ниятлари йўқми-кан? Хабарингиз бўлмадими? Ўтган ойда шу гап роса авжга чиқувди, — деди Эшимбой раис.

— Яна жимжит бўп кетди. Йиққан-терганини обкомга обориб бергандирки, ишляпти, — жавоб берди унга Толмас ака.

— Ўзимиз қимирлатиб кўрайлик, Толмас ака, сиз энг зўр кандидатсиз. Кейин соянгизда соялардик-да... — лукма ташлади Маҳмуд раис.

— Ука, райкомликни биз эплаёлмаймиз. Эплаган тақ-

диримиздаям, осонгина ўтқазиб қўйишмайди. Лазиз Бердиқуловни эсласангиз керак. Эсимни танибманки, унақанги райком кўрмаганман. Районни гуллашиб юборганди. Хўш, нима бўлди?

Толмас ака ҳамкасбларига бирма-бир қараб, жавоб кутди. Иккиси ҳам миқ этмади. Шундан сўнг ўзи берган саволга ўзи жавоб бериб қўя қолди.

— Одамлар дарров уни «обком бўлармиш» деб гап чиқаришди. Кейин кутилмаганда Лазиз Бердиқулов касалхонага тушди. Сўнг ҳафта ўтди ё ўтмади, касалхонада инфарктдан ўлиб қолди. Тушундингларми?! Нима, мениям ажалимдан беш кун бурун ўлишимни хоҳлайсизларми? Бу — биринчи томони, иккинчи томони, колхоздаям бош кўтарганлар бор. Ажабмаски, кейинги мажлисга бошқа раис келса.

— Ким? — сўрашди бараварига ҳамкасблар.

Толмас Бадриддинович Маъруфга қаради. Хўрсинди.

— Бор-да... — деди пиёласидаги чойни ичаркан.

— Толмас ака, бир неча марта бизни қўллаган одамсиз. Бундай олиб қараса, сиз туфайли отга миндик. Четда қараб турмаймиз. Яхшиликча ўпқасини босса боссин, бўлмаса, ўзимиз шундай босамизки, мурдаси итларга ем бўлади.

Маъруфнинг хаёлига бирдан Ҳайбатулло келди. «У раис билан иноқ. Ораларидан қил ҳам ўтмайди. Лекин нега энди Толмас Бадриддиновични ағдаришни хоҳлаб қолди? Йўқ, у эмас. Бошқаси бўлиши керак. Ўша бошқа ким? Ким Толмас Бадриддиновичдай одамга қарши чиқа олади?» дея ўйлади у.

— Биласизлар, унақанги ишни шу пайтгача қилмаганман. Бундан кейин ҳам...

Раис гапиришдан тўхтади. Маъруфга юзланди.

— Сен бориб менга бир пачка сигарет опкел. Тугаб қопти, — деди.

Маъруф ўрнидан турди. Кетди, қадамини тезлатди, аммо яқин атрофда дўкон кўринмасди. Улар туман марказидан бирор чақирим чиқиб кетишган, орадаги масофа машинада ўн дақиқалик. Аммо пиёда юрилса, дўконга бориб келишга камида бир соатча вақт керак бўлади. Бунгача Толмас Бадриддинович ҳамма гапини айтиб бўла-

ди. У раиснинг душмани ким эканлигини билмай қолади. Қолаверса, уч нафар раис одам ўлдириш ҳақида гапиргандай бўлди. Наҳотки шундай иш уларнинг қўлидан келса? Бўлиши мумкин эмас. Раислар бунақанги ифлос ишга қўл уришмайди. Аммо анави бақалоқ шундай дедику.

Маъруфнинг ичи ёнаётганга ўхшарди. Шу боис у янада тезроқ юра бошлади. «Шофёрларга жавоб бериб юборишди. Бирортасини қолдиришмайдимиз? Шундай пайтда физиллаб бориб, ўша сигарет ўлгурни опкелмайдимиз?» ўйлади у.

Бирпасда Маъруфнинг пешонасида тер пайдо бўлди. У қайтиб келди-ю, қотиб қолди. Чунки Толмас Бадриддинович ёстиққа ёнбошлаб, тамаки тутатмоқда эди.

— Бор экан-ку! — деди ғазаби бўғзига келган Маъруф.

— Столовойчида бор экан. Қаерга кетдинг ўзинг? Ёш болага иш буюр, кетидан ўзинг югур, деб шуни айтишса керак-да, — деди Толмас ака иржайиб.

Маъруф унинг гапига ишонмади. «Ўзининг чўнтагида сигарет бўлган, гапларимни эшитмасин деб, мени атайин магазинга жўнатган. Столовойчида эмиш. Агар унда бўлганида, «Сўраб кўр-чи», дерди. Майли, эшитмасам, эшитмадим» кўнглидан ўтказди у.

— Маҳмуд ука, — деди Толмас Бадриддинович орадан бир муддат ўтиб, — анави ёқда ўтириб келган бир одам бор, дегандингиз. Шу бола ҳозир қаерда?

— Юрибди, бояги ишни шунга буюрсак, киприк қоқмай, бажариб ташлайди. Унга ўтирган жойи яхши. Бу ёқда зерикди бола.

— Бизга яқинроқ биттаси бор. Уям ўша ёқни зиёрат қилиб келганлардан. Айтсак, эплай олармикан?

— Эплайди, ишонаверинг. Лекин шу чўнтагингиз сал енгиллашади-да...

— Майли, бажарса бўлди. У ёғига ўзим туриб бераман.

Маъруф ўзини раислар орасида эмас, кўча безорилари билан бирга ўтиргандай ҳис эта бошлади. «Толмас Бадриддинович кимни айтяпти? Ҳайбатулло ўтириб чиққан одаммас. Тўғри, агар кеча қизини отиб қўйганини милициядагилар эшитса, оёғини ерга текизмай, обориб тиқишади. Йўқ, раиснинг гапига қараганда, у эмас. Ким ўти-

риб чиққан? Кимни йўқ қилиш ҳақида гапиряпти?..»

Маъруфнинг боши гувиллаб, умуман ишламай қолди. У гапирётганларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига қарар, бирор нимани тушуниш учун ҳаракат қилар, бироқ код-ли сўзлардан сира мазмун чиқмасди. Охири «Бор-эй! Менга деса, портлатишни режалаштирмайдими? Жонимга тегиб кетди. Булар-ку, роса еб-ичяпти, мен бўлсам, ҳали бир сих кабобни эплаб тугатолганим йўқ», деди-да, астойдил кавшанишга тушди. Бироқ вақт бой берилган эди. Раислар кетиш ҳақида гапириб қолишди. Аммо на бир режа ва на бир гап тузук-қуруқ якунига етганди. Ҳаммаси чала. Худди чала туғилган итнинг боласига ўхшайди. Яна барининг кўзи кўр. Маъруф уларга қарата: «Булар одам эмас экан. Сайрайди, сайрайди... Бир-бирининг гапини маъқуллайди. Кейин гўёки бир нималар қилмоқчи бўлишади. Аммо шу бир нималарнинг ўзи яримта бўп қолади. Биргина яримта яримламай, охириги томчисигача ичилди. Бунақанги яримтадан учта эди. Падарингга лаънат! Шу учовини қўшсанг ҳам яхлит чиқмайди-я» деб ўйлади.

Буни қарангки, улар ўрнидан тургани заҳоти машиналар келибди. Айтганча, Толмас Бадриддинович ҳайдовчиларга айни шу вақтда келишларини тайинлаганди.

Элёрнинг қовоғи солиқ эди. Сабаби аён. У қанча вақтдан бери Толмас Бадриддинович билан эрталабдан ярим кечгача деярли бирга. Аммо раис бирор марта бўлсин, Маъруфга кўрсатган мурувватни унга кўрсатмаган. Одамда инсоф бўлиши керак.

Ўзича хафа бўлган, ўзича адоват ҳосил қилган Элёр бирдан газни босди. Маъруф эшикни ёпишга зўрға улгурди. Табиийки, бундан Толмас Бадриддиновичнинг жаҳли чиқди.

— Сен бола жийда-пийданинг остидан келмадингми? Уруғингда жинни-пинни йўқмиди мабодо?! — деди у кўзини олайтириб.

— Узр, раис бова. Биз анави шофёрлар билан озгина баҳслашувдик. Ким биринчи хўжайинни опкетишга... Шунга...

— Эй-й, баҳслашмай ҳар бало бўл! Охириги марта огоҳлантиряпман. Бугун ўзи бошқача бўп юрибсан. Эртагаям

қовун туширсанг, ўзингдан кўр!

Ярим йўлгача ҳеч ким гапирмади. Толмас Бадриддинович сигарета чекди. Маъруф хаёлга берилди. Элёр раисдан ўч олиш чорасини қидирди. «Ўзинг кимсан-у, ни-ятингни қара? Эй-й, валакисаланг, бўйингга тенг ишни ўйласанг-чи».

— Одамларни кўрдингми? — сўраб қолди бир маҳал Толмас Бадриддинович Маъруфдан.

— Одамлар? Қайси одамлар? — ҳайрон бўлиб сўради Маъруф.

— Бирга ўтирганларимиз-да. Ё сен уларни одам қаторига қўшмайсанми? — мийиғида кулди раис.

— Нега энди қўшмас эканман? Лекин, раис бова, ўлай агар, ҳеч балога тушунмадим.

— Йўғ-э.

— Ҳа.

— Мен бўлсам, сени мақтадим. Шунинг учун сени сигаретга жўнатдим. Ўзинг эшитсанг, талтайиб кетишинг мумкин-да.

— Раис бова, сизни Ҳайбатулло ака ишга келмасингиздан бурун роса сўраганди, — орага луқма ташлади Элёр.

Толмас Бадриддиновичнинг бирдан пешонаси тиришди.

— Нима бўпти шунга? Бориб кечирим сўрайми ёки тушунтириш хати ёзиб берайми?!

Раис овозини бир парда кўтариб гапирди. Шунинг ўзиёқ уни нақадар жаҳл отига минганидан далолат берарди.

— Машинани тўхтат! — бақирди у Элёр жавоб беришга улгурмасидан.

Улов тўхтагач, раис сўкиниб пастга тушди. У ёқдан-бу ёққа бориб келар, тинимсиз сўкинарди. Охири «туф» этказиб тупурди-да, машинага чиқди.

— Сен баччагар, — деди ҳайдовчисига, — идорага боришинг билан мошинни топшир. Шошма, шу ернинг ўзидаёқ топширасан! Туш пастга!

— Раис бова! — дея ўгирилиб Толмас Бадриддиновичга илтижоли боқди Элёр.

— Раис бова-паис бова йўқ! Туш, ит эмган!

Лаби гезариб, кўзи чақчайган, юзи қизарган Элёр зўрға эшикни очди. Оёғини аранг ерга қўйди ва шу алфозда пастга тушди.

Машинани Толмас Бадриддиновичнинг ўзи ҳайдади. У ўзини сира босиб ололмас, Элёрнинг қариндош-уруғига қўшиб, уни ишга олиб келган одамни ҳам бўралатиб сўкарди. Идорага етишларига озгина қолганида эса негадир кулди.

— Анчадан бери бунақа мириқиб сўкинмаган эдим. Яхши одам бўлмоқчийдим. Бу ёғи ёш ҳам анчага бориб қолди-да, тил ўлгур, бир ўрганса, тамом, бирон нимани тушунтириб беролмайдиган бўп қолади-да. Лекин сен бола сира хафа бўлма, ўрганмаям, — деди.

Маъруфнинг диққати ошганди. Асабийлашганидан лабини маҳкам тишлаб олганди. Раиснинг кейинги гапи уни бироз юмшатди.

— Нега Ҳайбатуллонинг ўрнига сени олиб кетганимни биласанми? — дея Толмас Бадриддинович Маъруфга қараб қўйди-да, йигит жавоб беришга улгурмасидан яна гапиришда давом этди: — Билмайсан. У тулкини йўқ қилман. Ҳали мен билан синаштамассан. Қандай болалигинг менга қоронғи. Лекин унинг ўрнига сени ўтқазман. Шу ишни тоза ўрганиб олгунингча, ёшим бир жойга бориб қолади. Кейин шартта раисликниям сенга топшириб, пенсияга чиқиб кетаман. У занғар ўзича менга қарши команда тузибди. Ўзича мени ағдариб, ўрнимга ўтирмоқчи. Чучварани хом санабди.

Маъруф ич-ичидан Толмас Бадриддиновичга ачинди. Назарида, у ниҳоятда чорасизга ўхшарди. Аламидан тўпланган ғам-ғуссаларини ичига сиғдиролмаганидан шундай деяётган эди. Бўлмаса, районнинг энг олди раиси муштдайгина боланинг олдида дардини дастурхон қилармиди?

Уларни идора ёнида Ҳайбатулло иржайиб-тиржайиб кутиб олди. Унинг ёнгинасига «Виллис»ни тўхтатган раис бош агроном билан ҳаттоки сўрашмади. Машинадан тушди. Сарғайганча лаб-лунжини йиғиштиролмай турган одамга еб қўйгудек қараб қўйди-да, идорага ўтиб кетди. Ҳайбатулло мулзам бўлди ва эндигина машинадан тушаётган Маъруфнинг ёнига келиб:

— Нима бўлди? Райкомдагилар пўстагини қоқишди-ми? — деб сўради.

Савол бераётганида унинг юзи ёришгандай бўлди.

— Пўстагини-ку қоқмади. Лекин эзгилаб қўйишга яхшигина сабаб топди, — дея жавоб берди Маъруф унга.

Ҳайбатулло шолғомдай қизариб кетди. Қўлини мушт қилди. Лаби пирпираб бир нималар дейишга чоғландию, индамади. Раиснинг ортидан кетди.

Бир хаёл Маъруф ҳам идорага бормоқчи, ҳангомани ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлди. Бироқ «Қўй, шуларнинг уришишини кўриб, нима барака топаман?» деб ўйлади ва уйи томон йўл олди.

* * *

Идорада даҳанаки жанг бўлди. Ҳайбатулло раиснинг сўкишларига икки дақиқа чидади. У ёғига тоқати етмади. Айниқса, хўжайин уни одам тўплашда, уларни ўзига қарши қайрашда айблаганига чидай олмади.

— Толмасжон, мана шу колхозда сиз учун жонини беришга тайёр одам иккита бўлса, биттаси менман. Битта бўлса, уям ўзимман. Биргаликда нима ишлар қилмадик, лекин қаранг, ҳеч бирини биров билмайди. Мени сизга ҳамла қилишни ташкиллаштирган деб ўйласангиз, хато қиласиз. Керак бўлса, мен ўзим уларни бўғиб ўлдираман! Тухумдан чиққанига икки кун бўлар-бўлмас сизга сапчишни ким қўйибди уларга? — деди титраб.

— Нима қиласиз ўзингизни гўлликка солиб?! Нима қиласиз ўзингизни оппоққина кўрсатишга уриниб?! Аҳмоқманми, а?! Аҳмоқманми?!

— Толмас Бадриддинович, мен бунинг тагига етаман. Бугун учовиниям топиб, терисига сомон тикаман. Туғилганига пушаймон едираман. У онангни!..

— Сафсата сотишни бас қилинг-да, йўқолинг! Қайтиб кўзимга кўринманг!

Ҳайбатулло расвойи радди бало бўлиб раиснинг хонасидан чиқди. Чиқибоқ лабига сигарета қистирди. Чуқур изтиробда қизариб-бўзариб, кайфияти тушиб, ҳансираб тамаки тутунини чуқур-чуқур тортиб, у ёқдан-бу ёққа юрди. «Бун шундай қолдириб бўлмайди. Ҳаммаси шунчаки тугаб кетавермайди. Бекорга мени ташлаб, анави чурвақани опкетмабди. Демак... Вой, падарингга лаънат-

лар, мен уларга шундай деганмидим?! «Ҳозир ўпкаларингни босиб юринглар. Вақти-соати келса, нима қилишни айтаман ўзим» демаганмидим?! Одам шунчалик ҳам аҳмоқ бўладими? Буни шундай қолдирмаслигим керак... Толмаснинг олдида ўзимни оқлаб олишим, яна қайтиб ишончига киришим учун қурбонлик келтиришимга тўғри келади. Хўш, қурбон ким бўлади? Шокирми? Йўқ, у керак. Ҳали ишлайди. Абдураҳим ҳам тўғри келмайди. Бундан чиқди, Саид. Ҳа, шунда мениям аламим қолмайди. Бир ҳисобдан, буям раисга яна битта зарба. Ҳар қалай, Саид қайниси. Ҳар ҳолда, бир жойи ачийди».

Ўй-фикрлари Ҳайбатуллони анча тетиклаштирди. Қайтиб Толмас Бадриддиновичнинг ёнига кирмаслик ниҳоятда аҳмоқлик бўлишини билиб, чекаётган сигаретасини оёғи остига ташлаб эзфилади-да, елкаларини силкитиб олиб идорага кирди. Эшикни тақиллатмади. Бирдан очди. Бу пайтда раис телефонда ким биландир гаплашаётган эди. Индамай бориб ўтирди. Гарчи Толмас Бадриддинович ўқрайиб қўйган эса-да, ўтиришига монелик қилмади. Гўшакни қўйиб, «Хўш, яна нимага келдинг?» дегандай Ҳайбатуллога қаради.

— Толмасжон, мана, неча йилдирки, орамиздан қил ўтмай, худди ака-укадек ишлаб келяпмиз. Энди иккита тирриқ бузоқнинг қилган ишини деб, бир-биримизнинг устимизга от ҳайдасак, менимча, ҳамманинг олдида шарманда бўламиз. Айниқса, душманлар оғзи қолиб, орқаси билан кулади. Шунинг учун ҳаммасини бамаслаҳат ҳал қилсак.

Раис Ҳайбатуллонинг гапини энсасини қотириб эшитди. Кейин қаншарини қашлаб деди:

— Мошовани ўзингиз пиширдингиз. Энди айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзингиз ичасиз. Ичиб бўлганингиздан кейин менга хабар етказсангиз, у ёғини гаплашиб олаверамиз. Ҳозир менга бошқа ҳайдовчи топиб келинг. Мурод бор-ку, куйиқишлоқлик, шуни опкелсангиз ҳам бўлаверади.

— Толмасжон, унинг касали бор-ку. Юқумли. Кейин Элёр бирорта айб...

— Уни қайтиб кўрмайин.

— Бўпти, сиз нима десангиз, шу.

Элёр «Виллис»дан айрилган эса-да, Ҳайбатуллонинг саъй-ҳаракати билан юк машинасига эга бўлди. Албатта, янгиси эмас, эскироғи, кимдандир қолганига. Афти бужмайди. Бир хаёл «Бунақанги шалоқ аравани минмайман» демоқчи бўлди. Бироқ қараса, аҳвол чатоқ. Ҳозир шуни олмаса, кейин бутунлай пиёда қолиши мумкин экан. Бунинг устига, суяна бошлагани, бўлғуси қайнотаси Ҳайбатулло ҳам қовоғини очмади. Бир оғиз «Ҳозирча шуни миниб тур, раис озгина жаҳлдан тушсин. Кейин янгисига алмаштириб бераман» деса бўларди. Лекин демади. «Гаражга бор, фалон машина турибди. У ёқ-бу ёғини тўғрилагин-да, инженер нима иш буюрса, шуни қилиб юравер», деди.

Элёр Ҳайбатуллонинг айтганини қилди. Эрталаб машинани беришган бўлса, тушдан кейин ҳайдаб чиқиб кетди. Тўғри уйига борди. Уйдагиларига машина алмашади, демаганди. Чунки эрталаб ўзи ҳам бундан бу ёғига колхознинг бирорта уловини миниш-минмаслигини билмасди-да.

Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол. Грузовойнинг атрофини айланиб, бошини сарак-сарак қилади. Бирдай норози, бирдай кўнгиллари ўксигандай эди. «Ҳали бундан ҳам зўри-ни минаман. Яқинда янги машиналар келади. Биттасини менга беришади. Мен ҳам дунёга келиб, янгисини минай-да» дерди Элёр гарчи ундан биров «Нега бу эски аравани опкелдинг?» деб сўрамаса-да.

— Лекин шуниси дуруст, — деди отаси машинани роса кўрикдан ўтказгач, — ўт-пўт ташийсан. Тўйга кўп одам оборсаям бўларкан, анави «Виллис»ингга беш-олтитадан ортиғи сифмасди. Энди кузовингга кўрпача ёзволиб, ўтириб кетаверарканмиз-да, бир қишлоқ одам.

Элёрни биров чимчилаб олгандай бўлди. Аламидан лабини шундай тишладики, қон сизиб чиқди. Шу куни кечқурун Ҳайбатуллоникига борди. «Бу аравани минмайман, ҳамма устимдан куляпти» демоқчи бўлди. Бироқ бориши билан мешқорин — бош агрономни кўриб, дами ичига тушиб кетди.

— Меҳнаткаш бола бундай бўпти-да, маладес. Шодмо-нкул қисталоқ бир ҳафта тагидан чиқмовди. Лекин, ба-

рибир, юрғазолмаганди. Сен бир кунда чоптириб кетибсан, — деди Ҳайбатулло бир машинага, бир Элёрга қараб.

— Ҳа, энди. Касали унчаликмас экан-да.

— Гап касалдамас, гап каллада, билак-да. Хўш, хурсандмисан?

Элёр миқ этмади. Юзидан олови чиқиб, бошини эгди. Бурнини тортди.

— Оббо, сен-эй, — дея Ҳайбатулло унинг елкасига қоқиб қўяркан, сўради: — Сенга кичкинагина бир иш айтувдим, нима бўлди?

Элёрнинг миясига бирдан лоп этиб, Маъруф келди.

— Шу пайтгача вақт бўлмаганди. Лекин энди...

— Биласанми, Элёрбек, бир хил пайтлари мен шу лекин-пекин деган сўзни жудаям ёмон кўриб кетаман. Бир ишни бировга айтдингми, дарров бажарса-ю, «Ака, шундай-шундай бўлди. Бу ёғига энди нима қилай?» деб турса, одам бошқача бўп кетади-да. Мана, мошинни бир кунда отдай қилиб опсан. Энди, тўғри, мошин ўзингга керак. Менинг ишим орқада қоп тураверсаям бўлади, тушунаман.

— Хавотир олманг, бугундан қолдирмайман. Ярамаснинг жағини эзаман. Касалхонадан чиқмайдиган қип кўяман!

— Ҳай, ёш болага иш буюргин-да, орқасидан ўзинг югур, деб шунга айтишади-да. Сендан катта учта аканг кеча қовун туширган. Худди сенга ўхшаб, улар ҳам ҳаммасининг жағини майдаламоқчи бўлган-да. Кейин шу ишгайм мен кўндаланг бўлдим. Уқдингми?

Элёр индамай бошини қимирлатди. Шу билан кетди. Уйига боргунча Ҳайбатулло нима демоқчи бўлганини ўйлади. Охири топди. «Демак, нима бўлгандаям мен урмаслигим керак. Умуман, мени у билмаслиги шарт. Лекин қандай қилиб? Куни кеча раиснинг шофёри эдим. Унча-мунча тенгдошларим ҳурмат қилишарди. Унча-мунчаси айтганимга кирарди. Энди манави арава билан уларнинг ёнига борсам, устимдан кулишади. Шошма-шошма, бор-ку йўли! Осонгина! Парда нашаванд. Чекмаса, қорачасини чойга эритиб ичмаса, туролмайди. Қачон қарам, кўкнори излайди. Менда бор шу ўлгурдан. Отам бултур томорқага экувди. Ширасини олиб, уйга яшириб

қўйган. Стаканчада турибди, устига озгина мой қўйилган. Бир чайнам сақичдайгинасини отамга билдирмай олсам, Парда нашаванд қўлимда. Нима десам, қулоқ қоқмай бажаради». У шундай хаёллар билан машинадан тушди. Уйдагиларга ўзини тинка-мадори қуриган, сулайгандай кўрсатди-да, ошхонага кирди. Отаси яшириб қўйган стаканни топди. Бир чимдим олди. Бир бўлак целлофанга ўраб, чўнтагига солди. Ошхонадан чиқиб, эндигина машинага ўтирган эди ҳамки, энаси сўраб қолди:

— Қаерга кетяпсан?

— Ишга.

— Ҳозир келдинг-ку.

— Келсам нима қипти?

— Овқатланмайсанми?

— Гаражда кечқурун ҳам овқат қилишяпти. Комиссия келаркан, шунга манави шалтоқ араванинг у ёқ-бу ёғини тозалашим керак. Сезонга тайёр бўлсин, деди. Раиснинг калласи айниб қолган. Ҳаммани чақяпти.

— Ундай дема, раис катта одам. Эшитиб қолса бўлмайди.

Аёл раисни Худо деб билади. Ёмон кўрқади. Толмас Бадриддинович билан умуман дуч келмаган. Олдинги раислар унинг юрагини олиб қўйган. Улар отда юришарди. Керак бўлса, эрининг ёнида қамчиси билан уриб-уриб ташларди. Эри гинг деёлмасди. Деб кўрсин-чи, отлиқ ўлгур бошига нима кунларни соларди?.. Шу замондан бери раис деса, оёғи дағ-дағ қалтирайди. Ўғли бўлса, Толмас Бадриддиновични мияси айниганга чиқариб ўтирибди. «Ҳаҳ, шартаки бола-я. Ҳаҳ, юраккинаси боргина бола-я» кўнглидан ўтказди аёл.

Элёр Парда нашавандни уйидан тополмади. Сочлари тўзғиган, кўзлари киртайган аёл айвонга чиқиб:

— Парда акангиз уйда йўқ. Билмайман қачон келишини, — деди.

Элёр ижирғанди. Аёл деганиям шунчалик исқирт бўладими? Бўйнининг кири чироқнинг ёруғидаям кўриниб турибди. «Падарингга лаънатининг мўлтонидан фарқи йўқ экан» деб ўйлади-ю, шоша-пиша изига қайтиб, машинага ўтирди. Дарров ортига буриб, газни босди.

«Бу уйга қайтиб келмайман» деб ўзига ўзи ваъда бер-

ганди. Бироқ эртасига яна келишга мажбур бўлди. Кечаси билан нашавандни тополмагандан кейин нима қилсин, келади-да.

Парданинг ота-онаси йўқ. Бир сингил, бир укаси бор. Уларнинг аканикидан оёқларини тортганига кўп бўлиб кетган. Сабаби... Бунга сабаб тиқилиб ётибди: нашавандлик, муштумзўрлик, дағаллик, ишёқмаслик, маишатпарастлик. Булар асосийлари, қолганларини бемалол шуларга тиркайверса бўлади. Дарвоқе, кечаси Элёрнинг қаршисига чиққан жувон — Парданинг саккизинчи хотини. Ўзи, ҳақиқатан ҳам, хотиними-йўқми, ҳеч ким билмайди. Еттинчиси қачон кетган, қачон унинг ўрнига буниси келган, бу ҳам қоронғи. Маълуми, беш-олти ойдан бери шу жувон уйга кириб-чиқиб юради. Ташқарига кам чиқади. Умрини уйда ўтказади. Қўлини совуқ сувга урмайди. Шунинг орқасидан томорқага бирорта экин экилмаган. Ҳамма ёқни ўт босиб кетган. Ўтларки, одам бўйи келади. Ярми қуриб, қовжираб, ер билан битта бўлиб ётибди. Каламушлар учун яхшигина уй. Сичқонларгаям қулайгина макон. Оч мушукларнинг ҳаммаси қорнини шу ерда тўйғазади. Икки туп нок бор. Танаси кучоққа сиғмайди. Экилганига камида олтмиш-етмиш йил бўлган. Ўзи гуллайди, ўзи мева тугади. Лекин меваси озми-кўпми, ейилади. Албатта, Парданинг хушёрлик пайтида. Аммо унинг хушёр пайти камдан-кам бўлади.

Элёр Парданинг отини айтиб, беш-олти марта чақирганидан сўнг кечаги хотин эшикни ғийқиллатиб очганча қаршисида пайдо бўлди. Кўзини зўрға йириб очди-да:

— Ҳа-а, — деди норози бўлиб.

Элёр афгини бужмайтирди. Куни нашавандни шундан сўрашга қолгани учун ўзига ўзи ачинди.

— Парда борми?

— Келувди.

— Бу ёққа чиқсин.

— Ухлаётувди.

— Кейин ухлайди, чақиринг, — деди Элёр жаҳланиб.

— Ким дей?

— Ҳеч ким. Чиқсин, тамом.

Хотин «шилқ» этказиб бурнини тортди. Сўнг ортига бурилиб, уйга кириб кетди. Бироздан кейин ичкаридан

бақир-чақир эшитилди. Элёрнинг пешонаси тиришди. «Падарингга лаънати мени сўкяптими?! — дея хаёлидан ўтказди. — Агар шундай бўлса, онасини учқўрғондан кўрсатаман».

Парда ташқарига чиқди. Қуёш кўзини олди, шекилли, манглайига қўлини соябон қилди-да:

— Ҳа-а, сенмисан? — дея остонага ўтирди.

— Бетингни ювмайсанми аввал? — деди Элёр ижирганиб.

Парда қўлини силтади-да:

— Ҳар куни юваверадими одам? Уч кун олдин сувга тушиб кетганман, шунда ювилган, етади, — дея чирт этказиб ерга тупурди.

— Сенга иш бор.

— Раисникими, ўзингникими? — деб сўради Парда кир шимининг чўнтагидан носқовоғини олиб, бир чимдим носни кафтининг ўртасига ташларкан.

— Менга қара, бор, ювиниб кел. Сенинг турқинга қараб, кўнглим айнияпти.

— Бўлмаса, қарама.

Парда нос отди. Кейин кафтини пуфлади-да, ўрнидан турди.

— Ҳозир келаман.

У битта-битта қадам ташлаб ҳожатга кетди. Уйнинг шундоққина бурчагидаги, ўтирса, одамнинг калласи кўринадиган ҳожатхонага. Элёрнинг кўнгли ағдарилди. Нарироққа кетди. «Шунчалик ҳам ифлос бўладими одам? Мол бундан тузукроқ. Ҳали менинг шунга ишим тушдими? Уф-ф!» дея пешонасини қашлади у.

Парда, ҳартугул, ювинди, шундаям наридан-бери. Сўнг Элёрнинг ёнига келиб:

— Нима дейсан? — деб сўради.

— Қорачадан бор, — дея Элёр унинг юзига тикилди.

Парданинг бирдан кўзи порлаб кетди.

— Қорача? Қани?..

— Битта иш бор, шуни қилсанг, оласан.

— Алдаяпсан.

Элёр чўнтагидагини олиб, унга кўрсатди:

— Мана!

— Нима иш қилишим керак? — ҳовлиқиб сўради Пар-

да.

— Биттаси бор, шуни гум қиласан...

Парданинг пешонасидан тер чиқиб кетди. Унинг қони қайнаган, бутун вужудини ҳаяжон қамраб олган эди. Элёрнинг қўлидаги нарса — унинг жони. Агар шуни олса, қора чойга эритиб ичса, жаннатга тушгандай бўлади. Ҳамма ёқ кўзига гўзал кўринади. Кейин ҳамма нарсани унутади. Одам зоти борки, унинг учун сариқ чақага қиммат жонзотга айланади. Лекин бир кишини ўлдириш эвазига бор-йўғи шунчагина неъмат жуда оз.

— Кам! — деди у Элёрга еб қўйгудек тикилиб.

— Етади.

— Унда бориб, ўзинг ўлдир!

— Мен сенга ўлдир, деяётганим йўқ. Яхшилаб жағини эзғилайсан. Тамом-вассалом!

Парда ўшшайди. Кафтининг орқасини бурнига ишқалади.

— Кимни? — деб сўради сўнг айёрона боқиб.

— Маъруф деган бола. Яқинда институтни битириб келган. Агрономча бўп ишляпти, — жавоб берди Элёр жиддийлашиб.

— Кимнинг думини босиб қўйди у?

— У ёғи билан ишинг бўлмасин. Айтган ишни битиргин-да, ҳақингни ол. Келишдикми?

— Ҳозирми?

— Хоҳлаган пайтинг. Менга эрта эрталабгача ишни битириб берсанг, бўлгани. Лекин у ҳозир гаражда. Тракторларнинг атрофида ивирсиб юрибди. Худди бир нарсани биладиган одамдай...

— Билиб қўй, мени алдайдиган одам ҳали онасидан туғилгани йўқ. Кечқурун тош шийпондаги чойхонада дорини оламан. Агар келмасанг, сен билан бошқача гаплашаман!

Элёр Пардага бошдан-оёқ қараб чиқди. У новча бўлгани билан эти суягига ёпишиб кетган эди. Шундан бўлса керакки, кўзи чаноғига кириб ола-йиб қолган, юзи совуқ. Кўрган одам борки, нарироқдан ўтади.

— Бахтинг бор экан, — гапида давом этди Парда, — икки кун олдин наша чекувдим. Шундан бери бир мисқол ҳам тополмадим. Бошим ҳозир гувиллаб кетяпти.

Ҳамма кўзимга балодай кўриняпти.

— Кўриниб турибди, лекин айтиб қўяй, мен сени танитайман. Ўлдириб қўйсанг, тўғри қамоққа кетасан. Сени биров...

— Ақл ўргатма! Мен бунақа ишларни кўп қилганман. Керак бўлса, иккитаси жаҳаннамга кетган. Аммо бировни сотмаганман. Мана, яна юрибман. Биров мушугимни пишт дегани йўқ.

— Бўпти, унда мен кетдим.

— Тўхта, бирга кетамиз! Гаражгача йўл олис. Боргунимча икки соат кетади. Гаражга етмасдан, тушиб қоламан.

Элёр индамай ортига бурилди-да, машинага чиқди. У Пардани уйига кириб, хотинига кетаётганини айтиб чиқса керак, деб ўйлаганди. Аммо банги уйига кирмади. Томорқасига ўтиб кетди-да, бироздан кейин қайтиб келиб, машинанинг кузовига чиқди.

— Ўтириб ол, менинг машинамда кетаётганингни биров кўрмасин, — деди унга Элёр кабинадан бошини чиқариб.

* * *

Маъруфнинг кайфияти йўқ эди. Ҳеч нимага қўл ургиси келмас, ўлганнинг кунидан тракторлар атрофида юрарди. Баҳром ака: «Культиваторларнинг тишларини ўзинг бирма-бир текшириб чиқ. Бир-иккита тракторчилар эринчоқ, тишини алмаштирмайди», деганди. Шунга тишини тишига босиб юрди. Охири ҳамма нарса жонига тегиб, трактор паркининг ўртасида бош эгиб турган мажнунтол остидаги қаравотга ўтирди. Бир муддат танаси ором олгандай бўлди. Бироқ кейин яна юраги сиқила бошлади. Ён-атрофига қаради. Одамларнинг бирови трактор билан овора, бошқаси ниманидир қидириб, ҳали у тракторчининг, ҳали бунисининг ёнига бориб юрибди. Шунчаки гап сотиб ўтирганлари ҳам бор. «Шундай ҳавода булар қандай ишларкан? Ўрганиб кетишган бўлса керак. Вақти келиб, мен ҳам улардай бўп қоламанов...» дея кўнглидан ўтказди Маъруф. Шунда унинг кўзи дарвозадан кириб келаётган қотма одамга тушди. Қотма кишининг қўлида нимадир бор эди. Тинимсиз у ёқдан-бу ёққа қараб келаётганидан маълумки, кимнидир қидиряпти. Кузатди, ёнига

келишини кутди. Трактор паркига кирган одам худди хаёлини уқиб олгандай, тўғри Маъруф томонга келаверди. Яқинлашгани сайин унинг юриши, кийиниши, турқи-таровати Маъруфга ёқмай кетаверди. Оралиқ масофа уч-тўрт қадам қолганида, афти буришди. Келаётган нусхага нисбатан кўнглида қандайдир ғазаб пайдо бўлди. Ўз-ўзидан унинг ёқасидан олиб, башарасига ўхшатиб мушт туширгиси келди. Кейин ўйладики, ўзи шундай яратилган бўлса, бу шўрликда нима айб?

— Жўра! — деди келгувчи фавқулудда дағал овозда. — Маъруф деган бола керагиди. Қаердан топсам бўлади?

— Қайси Маъруф? — сўради Маъруф.

— Биттаси бор экан-ку, агрономмикан ўзиям... — дея энсасини қотирди келгувчи.

— Отингиз нимаиди? — сўради асаби ўйнай бошлаган Маъруф.

— Парда отим.

— Ҳа-а, эшитгандим. Нимага керак бўп қолди Маъруф? Унинг нашавандлар билан алоқаси йўғиди, шекилли...

Парданинг кўзи олайди. «Чирт» этказиб ерга тупурди. Сўнг одати бўйича кафтининг орқаси билан бурнини артгач, деди:

— Нашавандларнинг у билан иши бор-да.

— Менман шу агроном, — деди Маъруф. — Нима ишинг бор?

Уни бошқа сиз дейишга тили айланмади. Қувиб солгиси келди бу турқи совуқни.

— Шундайми? — ўшшайди Парда ва ҳе йўқ-бе йўқ қўлидаги матоҳ билан Маъруфнинг оёғига чунонам туширдик, йигит бечоранинг кўзидан ўт чақнаб кетди.

У ҳатто бақиролмай, ўтирган жойида иккала қўлини Пардага чўзиб, титраб қолди.

— Бировнинг томор-қасига иккита оёқда ўтган бўлсанг керак, — деди Парда худди ҳеч нарса бўлмагандай иржайиб, — шунинг учун иккинчисиниям синдираман.

Бу сафар Маъруф зарбага қарши қўлини кўйиб қолди. Оғриқ нақ пешонасигача чиқиб кетди. Бақириб юборди. Шундагина атрофдаги тракторчилар мажнунтол остига қарашди. Нима бўлаётганини кўришди. Ишларини таш-

лаб югуришди. Парда қараса, аҳвол чатоқ. Кўлидаги арматурани отиб юборди-да, қочишга тушди. Ҳамма Маъруф билан бўлиб қолгани учун уни биров қувмади.

— Нима бўлди? — деди биттаси.

— Уриб қочдимми? — сўради иккинчиси.

— Танидим, Парда нашаванд эди! — деди учинчиси.

Қолганлар ҳам у деди, бу деди... Маъруф бўлса, кўзини юмганча, соғ қўли билан жароҳатланган ерини силади. Сўнг оёғини.

* * *

Рентген натижасини кўрган дўхтир фақат қўл суяги ёрилганини айтди. «Кўлингни гипслаб қўйсак, бир ойга қолмай, ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетасан. Ўзингни ўтга-чўққа ураверма-да. Кучим бор, ёшман деб, тракторчиниям, кетмончиниям ишини бир ўзим қиламан десаңг, ўттизга кирмай узикиб қоласан, ука», деди. Маъруф ҳақиқий воқеани унга айтмаган, «Трактордан йиқилдим», деганди. Шўнинг учун дўхтир бечора унга куйнаётганди-да.

Лекин Толмас Бадриддинович эртакка ишонмади. Қолаверса, гараждагилар аллақачон нима бўлганини унга етказишганди.

— Бунингни айтиб, дўхтирхонага боргансан. Менга эса ростини айт: нима қилиб нашавандга чалкашиб юрибсан? — сўради у.

— Чалкашган жойим йўқ. Сўраб келган экан. Ҳеч нимага тушунмадим... — жавоб берди ёлғони ўтмагач, ноилож.

— У билан олди-бердинг бўлмаса, гап бошқа ёқда. Буйруқ бўлган. Ҳозирнинг ўзидаёқ Парданинг оёқ-қўлига кишан тақиб, темир панжара ортига жўнатишим мумкин, лекин унда манави ёқдаги чеккада қоп кетади. Ҳозирча сен ўзинг тўқиган эртакни айтиб юравер: қараймиз, кўраимиз, топамиз, кейин шунга яраша иш қиламиз.

Аммо Маъруф бошқача хаёлда. Унинг қасосни орта суриш нияти йўқ. Ахир йўқ жойдан калтак еб қолаверадими? Қаёқдаги гиёҳванд оёқ-қўлини майиб қилиб кетаверадими? Индамаса, ҳамма нарсадан хабардор тенгқурлари нима дейди? «Ўл-а, сўтак, қуёнюрак!» демайдими?

У раиснинг хонасидан ташқарига чиқди. Кўзи қоро-

вулга тушди. У ҳовлида худди Маъруфнинг устидан кулгандай, тиржайиб турарди. «Ҳа-а, бундан бу ёнига кўринган ҳар бир ит устимдан кулади» хаёлидан ўтказди йигит ва тез-тез юриб, кўчага чиқди. Уйига кетди. Илгари кимгаки дуч келса, кимники кўрса, салом берарди. Бу сафар кўзини ердан узмай кетаверди. Магазиннинг ёнига етганида эса кимдир уни чақирди. Бошини кўтариб қараса, Парда турибди. Унинг ёнида яна иккитаси бор. Ҳар учовининг ҳам қўлида шиша, магазин эшигидан икки-уч қадам чапда. Афтидан, винохўрлик қилишяпти. «Портвейн». Ҳозир шу урфда. Қўлларида печенье.

— Агроном бова, келинг! Камбағалларнинг сафига қўшилинг! — деди Парда кесатиб.

— Бир қўлим билан ҳам сени мажақлаб ташлайман! — деди Маъруф илондек вишиллаб ва бир муддат душманига ўқрайиб қараб тургач шундай важоҳат билан юрдик, Парда қўрққанидан улфатларининг орқасига ўтди.

— Бу падарингга лаънати бир балони бошлайди! Сизлар билан кечга маишатимиз бор, қутқаринглар! — деди.

Айни пайтда уриш учун шишанинг бўғзидан маҳкам ушлаб олди.

Улфатлар жиддийлашиб, қўшни қишлоқлик жўжаҳўрознинг танобини тортиб қўйишга шайланишди. Маъруф ўзини унутар даражада жаҳл отига минган эди. У икки улфатнинг «Тўхта!» дейишларига қарамай, гавдаси билан уларнинг орасини ёриб ўтди. Худди шу маҳал Парда ҳамла қилган эди. Бироқ Маъруфнинг гипсланган қўлига теккан шиша арматурадай таъсир этмади. Маъруф Парданинг ёқасидан олди. У қушдай енгил эди.

— Нима қилдим?! — деди банги хириллаб.

Маъруф унинг гапини эшитмади. Ёнига зарб билан бир тортган эди, бечора нашаванд эмаклаб кетди. Энди уни обдан тепкилаш зарур эди. Бироқ тепкилаш Маъруфга насиб этмади. Парданинг улфатлари бараварига унга ёпишишди. Қўли соғ бўлганида, оёғи зир-қираб турмаганида, эҳтимол, Маъруф улар билан бемалол олишиши, ҳаттоки ютиб чиқиши ҳам мумкин эди. Аммо ожизлиги сабаб кўпда қаршилиқ кўрсатолмади ва кўз очиб юмгунча иккисининг оёқлари остига йиқилди. Ана шундан кейин Парда қутуриб кетди. У Маъруфнинг дуч кел-

ган жойига тепар, ҳар тепганида:

— Мана сенга, мана! — деб бақирар эди.

Унга қолса, Маъруфни ўлдирарди. Шу боисдан тепкилаш асносида бошни ёра оладиган бирон нима қидираётганди. Аммо магазиндаги одамлар югуриб чиқишди. Бири Пардани ушлади, қолганлари унинг улфатларини.

— Итлар, нима қияпсизлар?! Жанжалга бошқа жой қуриб қолганмиди?! — деб ўқирди магазин эгаси. — Бу ким?!

У бурнидан қон оқиб, ерда йиқилиб ётган Маъруфга қаради. Дарров таниди. Кунда магазин ёнидан икки марта ўтадиган агроном бола. У яқиндагина шу яқин атрофдаги қишлоқларнинг қаҳрамони бўлганди. Отасини қабрдан чиқарган, ҳеч нимадан кўрқмайдиган жасур йигит.

— Агроном бўлдим деб, бунинг тумшуғи кўтарилиб қопти! — дея бўқирди Парда. — Биз индамай, вино ичаётгандик. Ўзидан ўзи келиб, ёпишиб кетди. Ўлдирамиз!

Магазиндан чиққанлар трактор паркидаги ҳангомадан беҳабар эдилар. Бараварига энди-энди оғзидаги қонни ерга тупуриб ўрнидан тураётган Маъруфга ўқрайиб қарашди.

— Сен бир қўлинг билан шу учовига бас келаман деб ўйладингми? Буларниям ўзига яраша кучи бор. Ҳамма нарсаям гўрдан отасини чиқариб олишдай осонмас!

Маъруф арслондай ўкириб, наъра тортди-да, кейин гипсли қўли билан улфатлардан бирининг бошига чунонам туширдик, бечоранинг кўзи ола-йиб, гуп этиб қулади. Кейин гердайиб турган Парданинг томоғидан бўғди ва оёқлари орасига тиззалади.

— У-у-у! — дея ўкириб юборди нашаванд.

Учинчисини уришга Маъруф улгурмади. Шу ердагиларнинг ҳаммаси бараварига унинг устига ташланишди. Маъруф ўзини унутганди. У ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч нарсани ҳис қилмасди. Бўлмаса, магазинчи киши билмас, биқинига бир-икки муштлади.

— Боғлаш керак! — бақирди битгаси.

— Арқон опкел! — ўқирди иккинчиси.

Бирпасда Маъруфнинг қўл-оёғи боғланди. Бу паллага келиб, томошабинлар сони янада ортиб кетганди. Шу яқин атрофдаги одамлар, ўтқинчи йўловчилар — бари

бирдан югуриб келган, деярли ҳаммаси томоша қилиш, Маъруфнинг устидан мағзава ағдариш билан овора эди. Биров уни милицияга топшириш керак деса, бошқаси жиннихонани тилга олар, яна биттаси дарров уйдагиларга хабар бериш кераклигини айтарди. Оғзи-бурни қонга беланган йигитга ичи ачиганлар эса шунчаки бақираётганларнинг гапларини эшитар ва бундан кейин нима бўлишини кутарди. Ана шу пайтда Толмас Бадриддиновичнинг машинаси йўл четига келиб тўхтади.

— Нима гап?! — бақирди раис машина эшигини очиб.

— Биттасининг ўпкаси каттариб кетган экан. Дуч келганга кучукдай ёпишяпти! — бақирди оломон орасидан биров.

— Ким экан? — деб Толмас Бадриддинович машинадан тушди.

Тўпланганлар дарров йўл очишди. Маъруф тишини тишига босиб, ҳансираганча нафас оларди. Раиснинг жонпони чиқиб кетди:

— Ким?! — дея бақирди қўлини мушт қилиб.

— Ҳалиги, раис бова, бизлар магазиндайдик-да, магазинчи билан гаплашаётувдик-да, бирдан бу қутурган ит келиб манавиларга...

У кўзи билан Парда, унинг улфатларини қидирди. Бироқ уларнинг бирортаси йиғилганлар орасида йўқ эди.

— Эй-й, кетиб қопти!

Толмас Бадриддинович сўзлаётган одамга еб қўйгудек тикилиб турарди. Бечоранинг дами ичига тушиб кетди.

— Ажратамиз девдик-да...

У бошқа гапиролмади. Кўзини раиснинг ўткир нигоҳидан олиб қочди.

— Кейин-чи?.. — деди Толмас Бадриддинович унга яқин келиб.

Гувоҳ қулт этиб ютинди.

— Кейин... — деди бошини эгганча иштонини ҳўл қилиб қўйган боладай паст овозда, — манави, ҳалиги...

— Итлар, ҳайвонлар! Мен ҳаммангнинг жасадингни қамокда чиритаман! Ким буни боғлади?!

Тўпланганларнинг орқароқдагилари секин ортига бурилиб, кета бошлади. Олдинги қатордагилар бошини эгди.

— Эшмирза!

Магазинчи ўзининг исмини эшитиб, чўчиб тушди-да:

— Лаббай, раис бова! — деди қалтираб.

— Хомсемиз, сенинг ишингми бу?!

— Йўқ, раис бова, мен билмайман, раис бова! Мен омбордайдим, раис бова!

— Ит, нимага қараб турибсан! Арқонни еч!

Эшмирза магазинчи шоша-пиша энгашиб, арқонга ёпишди. Дарров унга ёрдамчилар ҳам топилди.

— Ҳаммангни кўр-дим! Ҳамманг эртага менинг кабинетимда мелисага ҳисоб берасанлар! Билиб қўй, қайсингнинг қўлинг теккан бўлса, терингни шилиб, турмага тикаман! Туғилганингга пушаймон едираман! Йўқол ҳамманг, кўзимга кўринма! Ҳозир биронтангни майиб қип қўяман!..

Тўпланганлар айбдор бўлиб қолмаслик учун дарров жуфтакни ростлашди.

Маъруф ўрнидан тураётиб, инграб юборди. Кейин бирдан боши айланиб кетди. Яхшики, раис унинг дарров қўлтиғидан олди, йўқса, юзи билан йиқилиб тушиши аниқ эди.

Магазинчи хушомадига сув, сочиқ олиб келди. Дарров ўз қўли билан йигитнинг юзини ювди. Шунда пешонасиниям ёрилганига кўзи тушди.

— Чойнакни менга бер, бор, битта ароқ опкел! — деди раис жаҳл билан.

Магазинчи яна югуриб кетди. Толмас Бадриддинович машина томонга қараб бақирди:

— Паризод!

«Виллис»нинг эшиги очилиб, ундан ўзига обдан оро берган хушбичим қиз тушди ва югуриб дадасининг ёнига келди.

— Менинг уқувим йўқроқ, манави йигитнинг ярасини боғлаб қўй.

Паризод дарров отасига итоат этди. Раис Маъруфни суяб, ўрнидан тургазди, аммо унинг мияси чайқалган, бош айланиши тўхтамаганди. Шу боисдан оёқлари бўшашди. Бу орада қўлида бир шиша ароқ тутган Эшмирза пайдо бўлди.

— Нимага қараб турибсан, ушла бир томонидан! — бақирди раис магазинчига.

Юрагини олдириб қўйган дўкондор яна чўчиб тушди-да, Маъруфнинг қўлтиғига кириш асносида:

— Яхшиям, вақтида кўриб қолиб, ҳаммани қайтарганим. Бўлмаса, бола бечорани ўлдириб қўйишаркан-да, шўрлик уйидагиларни бошқа кўролмаскан-да, — дея сайрай бошлади.

— Боягина ҳеч балони кўрмагандинг, ҳеч нимадан хабаринг йўқ эди. Лекин арқон яп-янги экан, бунинг учун жавоб берасан! — деди унга Толмас Бадриддинович.

— Ҳалиги... бу меникимас, ким опкелганини кўрмай қопман. Кўрганимда айтардим, раис бова. Мени биласиз-ку, раис бова...

— Биламан!

Маъруфни «Вил- лис»нинг орқа ўриндиғига ўтқозишди. Унинг ёнидан Паризод жой олди.

— Нима бўпти, дадаси? — деб сўради Насима.

У «Виллис»дан тушмаганди. Боя Паризод одамлар нега тўпланганини билиш учун эшикни очганида тўхтатганди. «Сенга пишириб қўйгани йўқ», деганди. Ҳозир Маъруфни кўриб, ҳайрон бўлди.

— Билмайман, Маъруфни касалхонага обормасак, бўлмайди, — деди Толмас Бадриддинович ва жойига ўтириб, моторни ўт олдириди.

— Меҳмонга бормаймизми? Озиб-ёзиб бир марта бирга бораётган бўлсак... — деди Насима.

— Ўчир овозингни! — дея унга ўқрайиб қараб қўйди раис.

— Ая, аҳволи оғир экан, оёқда юролмаяпти. Дўхтирга обормасак, бўлмайди, — дея Паризод отасининг гапини маъқуллади.

Насиманинг уни ўчди. Фақат беш дақиқалардан кейин «Бекордан-бекорга шофёрга жавоб бердирибман», деди.

Раиснинг хаёли бошқа ёқда эди. Шу боис хотинининг гапини англаёлмади. Аммо кейин Насиманинг: «Қачон бир жойга бормоқчи бўлсак, бир ташвиш чиқиб туради», деганини аниқ-тиниқ эшитди.

— Палакат! — деди унга жавобан.

— Ҳа-а, палакат фақат сизнинг олдингиздан чиқади. Шу ердагилардан биронтасига буюрсангиз бўларди-ку. Мен дугонамга телефон қип айтиб қўювдим. Бечора тай-

ёргарлик кўриб ўтирган. Яна эри кичкина одам бўлсаям, майлиди. Энди обрўйингиз нима бўлади?

— Ер билан битта бўлмайдами, йўқ бўп кетмайдами?!

— Ҳар доим шундайсиз, керакли ишни қилмайсиз-да, қаёқдаги нарсаларга бош суқиб юрасиз!

— Ўчир дедим сенга! Бўлмаса, ҳозир машинани тўхта-таман, пиёда шу дугонангникига кетасан! Борасан-у, ўша ёқда қоласан! Тушундингми?! — бақриб юборди Толмас Бадриддинович.

Паризоднинг кўзи ёшга тўлди. Маъруфнинг ичидан бир нима узилгандай бўлди. У раиснинг аёли шунақанги ўжар деб сира ўйламаган эди.

— Раис бова, ўзим боравераман, анча яхшиман, — деди паст овозда.

Паризод шу заҳоти унинг юзига қаради.

— Оз қолди, яна беш минутдан кейин етамиз. Янганнинг гапларига эътибор берма, — дея раис ойнадан орқа ўриндиққа кўз ташлаб қўйди.

Маъруфнинг кўнгли ўксиди. Қанча уринмасин, барибир, кўзидан ёш сизиб чиқди. Паризод лабини тишлади ва сумкачасини очиб, дастрўмолини олди-да, йигитнинг кўз ёшини секин артди. Маъруф хушбўй атир ҳидини сизди. Бошқа пайт бўлганида, кўнглида ўзгача туйғулар уйғонарди. Аммо ҳозир йигитлик ғурури борлигидан нишона бериб, виждони қийналди. У секин Паризоднинг қўлидан ушлади. Кўзини очиб, сулув қизга жуда яқиндан қаради. Сўнг:

— Керакмас... — дея шивирлади.

Мана шу базўр айтилган биргина сўз Паризоднинг юрагини ўйнатиб юборди. Беихтиёр қизариб, юзида та-бассум пайдо бўлди.

Қиз боланинг олдида кўз ёш тўккани Маъруфга алам қилар, у ўзини ўта пастлашиб кетгандай ҳис этарди. «Нима бўлсаям, агар биров қўлимни узиб олсаям йиғлаш тугул, афтимни ҳам буриштирмайман» деб ўзига ўзи онт ичди. Ва ҳозиргина қилган айбини ювиш мақсадида жилмайди.

— Оғримаяптими? — деди бунга кўрган Паризод.

— Оғриқ? Оғриқни сезмаяпман. Касалхонага бекор бо-ряпмиз. Дўхтирларнинг саволи кўп бўлади, — жавоб берди

Маъруф.

Унинг гапини Насима ҳам эшитди ва бирдан ортига ўгирилиб, Маъруфга қаради-да, қовоғини уйди. Ўқрайди.

— Ҳа-а, бировнинг оёғига тикан кирсаям, киприги ортиқча пирпираб кетсаям, биз балоғардонмиз. Ўпка-мизни қўлтиқлаб бечорага бир нима бўлиб қолмадимикан, деган хавотирда югурамиз. Эшматнинг боласиям бизга керак, Тошматнинг аммасиям. Эгалари таралабедод қилиб юраверишади, — деди.

Толмас Бадриддиновичнинг баттар жаҳли чиқди. Машинаси тўхтатиб, хотинини туширволиб, қўй-и-б, қўй-и-и-и-б юборгиси келди-ю, яна шайтонга ҳай берди. Унинг ўрнига қизи:

— Ая, ҳар бало, бир бало деяверасизми? Ҳақиқатан ҳам, мазаси йўқ. Бизни ташвишга қўймаслик учун шундай деяпти, — дея онасига жавдиради.

— Кўриниб турибди. Мабодо менинг бир жойим оғриб қолса, биронтангниям пинагинг бузилмайди. Қайтанга хурсанд бўласизлар. Лекин буларнинг «Оборманглар» деганиям жа-а улуғ гап...

— Ўчир овозингни! — деди раис ортиқ чидолмай.

— Хўп бўлади, хўжа-йин! Мана, мана, — дея Насима бармоқларини лабининг устига қўйди.

Унинг гаплари Маъруфнинг суяк-суягидан ўтиб кетган эди. Юзини ойна томон ўгирди ҳамда касалхонага етиб боргунларича қайтиб қарамади.

Кўпни кўрган дўхтир бир қарашдаёқ нима бўлганини сизди. Аммо Толмас Бадриддиновични танигани, унга ҳурмати баландлиги боис индамади. Фақат: «Шўхлик даври тугамабди-да, ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади. Битта укол қиламиз, яраларни қизимиз боғлаб қўяди, шу билан ҳаммаси жойига тушади. Энди беш-олти кун кўкаргани, қизаргани туради. Буни кетказишнинг сира иложи йўқ, бўлганида униям дарров йўқ қилардик», деди. Албатта, бу гапларнинг ҳаммаси Толмас Бадриддиновичнинг кўнглини кўтариб қўйиш учунгина айтилди. У бўлмаганида Маъруфни обдан сўкар, кимлар билан тепкилашганини суриштирар ва керак бўлса, милицияга ҳам хабар берарди. Раис унинг айнан мана шундай қилишини бил-

гани сабаб, шахсан ўзи келган эди-да.

Маъруфнинг уйидагиларга жанжаллашганини айтишдан ўзга иложи йўқ эди. Чунки «йиқилиб тушди»га ўхшаш баҳоналарга ёш болаям ишонмайди. «Районга йиғилишга борувдим. Ҳамма кетди, менинг бозор айлангим келди. Бир-иккитаси келиб зўравонлик қилмоқчи, чўнтагимдаги пулни олмоқчи бўлди. Қарасам, учовиям алкашга ўхшайди. Жанжаллашдик. Уларни-ку ер тишлатдим, лекин кейин келганларига кучим етмади. Чарчаб қолган эдим-да. Қошимнинг тепаси ёрилган экан, негадир қон сира тўхтамади. Мажбур дўхтирга бордим», деди. Аммо гипсланган қўли тўғрисида лом-мим демади. Худдики аввалдан бор, ҳамма кўрган ва изоҳ беришнинг ҳожати йўқдай.

Отаси ҳеч нима демади. Бошини қимирлатиб қўйиш билан кифояланди. Аммо энаси аллақанча вақт безориларнинг гўрига гишт қалади. Кейин кўз ёш тўқди. Унга сингил қўшилди. Йигитнинг дили вайрон бўлди. Бироқ сир бой бермаслик учун миқ этмасдан хонасига кирди. Ойнада аксини кўриб, қўрқиб кетди. Кўкармаган жойи қолмабди. Яна боши боғланган. «Бечора, соғ жойинг қолмабди-ку», дея аччиқ кулди-да, лабини тишлаб, соғ қўлини мушт қилди.

Маъруф ярим кечаси ҳовлига чиқди. Бу пайтда унинг кўнглида ўч олиш алангаси гуркираганди. «Ҳаммасини топаман, йўқ қиламан», деди Толмас ака. Лекин бу билан менинг кўнглим таскин топмайди. Кейин бир умр ўзимни кечиролмай юраман. Ҳозир наркоман кўринган одамга мени қандай қилиб дабдала қилганини гапириб юргандир. Ҳа-а, у мақтанади. Бундан руҳланиб, бошқаларгаям гўдаяди, «Сениям фалончидай қилиб оғзи-бурнингни қонга тўлдириб ташлайман!» дейди.

Охирги ўйи Маъруфни титратиб юборди. Ўтирган жойидан туриб кетди. Хаёл билан бўлиб, супа четига ўтирган, шу боис шими тупроқ бўлганди. Ўрнидан турди-ю, шимини қоқишни ҳам унутиб, қўлини мушт қилганча йўлга тушди. Парданинг уйигача анча йўл, қарийб бир соатча пиёда юриш керак. Аммо Маъруф шунчалик илдамлик билан қадам босардики, шу туришида бемалол от аравани ортда қолдириши мумкин эди. Ўта хаёлга бе-

рилганидан масофанинг қисқариб бораётганини ҳам сезмасди.

* * *

Магазиндаги муштлашувдан сўнг Парда бир қарич ўсгандай бўлди. У дўкондан бирор юз қадам нарида шерикларини кутди. Ҳар тугул, одамлар тўпланганида кетиш кераклигини англаган ёрдамчилар дарров етиб келишди.

— Болалар, мен сизларнинг олдингизда қарздорман, — деди Парда уларга пешвоз чиқиб, — қарзимни бугуноқ узиб қўймоқчиман.

Икки шерикнинг ҳам қовоғи солиқ эди. Қарз ҳақидаги гап ҳам уларни юмшатолмади.

— Нега урмоқчийди? — сўради биттаси.

— Айбинг бормиди? — деди иккинчиси.

Парда сўроқларга жавоб беролмай, бир зум каловланди. Сўнг иржайди.

— Ёпиштиргандим. Гаражда. Жигимга тегувди. Ҳозир менда шундай бир нима пайдо бўлган. Ҳеч нарсадан қайтмайман. Аслида гаражнинг ўзида ўлдирсам бўларкан.

У афтини қийшайтириб, кўзини олайтириб гапирди. Токи манавиларнинг ҳам юраклари ўйнасин.

— Бекор қилибмиз. Индамаганимизда у сени аниқ ўлдирарди. Бир қўли билан дабдалангни чиқараётганди, — деди биринчи шерик.

— Наркоманга нимага қўшилганимизни ўзимиз ҳам билмай қопмиз. Сен бир балони бошлайсан, — деди иккинчиси.

— Боя сенларга ҳақ бермоқчи бўлиб тургандим. Энди бермайман.

— Орқангга тиқ ҳақингни!

Ҳақорат Пардага зиғирча бўлсин, таъсир қилмади. Ҳатто пинагини ҳам бузмади. Ортига бурилди-ю, кетди. Тўғри уйига борди. Сочлари ёйилган хотини иягини суяб ўтирган экан. Пардани кўрди-ю, ўрнидан туриб қийшанглади.

— Арслоним, соғиндим, — дея эрининг бўйнига осилди.

— Ҳеч ким мени сўраб келмадимми?

Бу одатий сўроқ эди. Биладика, бировга кераги йўқ. Аммо хотинининг олдида ўзини худди унга одамларнинг иши тушадигандай қилиб кўрсатгиси келади. Хотин ҳам ҳозиржавоб.

— Бугун келмади-я.

— Яхши. Чарчагандим. Кириб бир-икки соат ухлама-сам бўлмайди.

Аёлнинг қорни оч эди. Аслида, эрини кўрганида «Бирон нима олиб келдимикан?» деган хаёлда қийшангла-ганди. Қўлида ҳеч вақо йўқлигини кўрди, бироқ чўнтак-да бир-икки сўм бўлиши мумкин-ку. Аммо билдики, Парда одатдагидай қуп-қуруқ келган.

— Бирон нима емаймизми? — дея умидвор боқди уйга кириб кетаётган Парданинг ортидан.

— Ҳамсояларникига чиқ. Битта нон бериб турсин. Эр-тага қайтарамиз.

Қўшниларнинг олди-берди қилмай қўйганига кўп за-монлар бўлган. Шундай бўлса ҳам, Парда қачонки хоти-ни (аввалгиларигаям шундай деган) қорни очганини айт-са, дарров қўшниларга рўбарў қилади. Бошида хотини ҳеч нарсадан хабари бўлмагани боис борди. Сўради. Эва-зига «Тур, йўқол!» деган гапни эшитди. Яхшики, бети қаттиқ, йўқса ерга кириб кетиши ҳеч гап эмасди.

— Балки, кечқурунга бирон нима бўлиб қолар, — деди жувон Парда уйга кириб кетганидан сўнг паст овозда.

У ўз кўнглини кўтариш учунгина шундай деди. Чунки бирон ниманинг бўлиши амри маҳол. Аммо чиқмаган жондан умид, дейишади-ку!

Кутилмаганда Парда қайтиб чиқди. У хотинининг кей-инги гапини ҳам эшитганди.

— Кечқурун дедингми? — дея афтини бужмайтирди у.

— Балки, дейман-да...

— Яхши айтдинг. Кечқурун бор. Қизталоқ боя уйга олиб кел, демаган эканман-да. Биттасининг бўйнига бир нимани илганман. Тошшийпонда беради. Им-м, бўлмаса дарров пўрим кўйлагингни кийиб чиқ. Ҳозироқ йўлга тушамиз. Бу ёғи ҳализамон кун ботиб қолади. Келмади деб, кетиб қолмасин.

Жувоннинг юзи ёришди. Югуриб уйга кириб кетди. Алмисоқдан қолган, қўлтиғи йиртиқ, офтоб урган, эски

штапель кўйлагини кийди. Сочини йиғди-да, шпилька билан турмаклади. Кейин ҳовлига чиқиб, тикилиб турган эрига қараб қилпанглади.

— У-у, очилиб кетибсанми? — деди Парда.

— Чиройлиманми?

— Дунёда сендан зўри йўқ!

Жувон дарров Пардани қўлтиқлаб олди-да, юзидан ўпиб кўйди. Ундан бадбўй ҳид таралаётганди. Бироқ буни нашаванд сезмади. Чунки унинг ўзи бундан баттар эди.

Улар пою пиёда Тошшийпонга етгунларича куёш бо-тиб, қоронғилик этагини ёйди.

— Мана, етдик, бу ёғи энди маишат, — деди Парда хотинининг кўлини қисиб кўйиб.

— Лекин роса чарчатдингиз. Бирорта машина тўхтатганингизда бўларди, — дея нозланди жувон.

— Кўрдинг-ку, биттасиям тўхтамади. Ўзимниям оёғим синиб кетай деди. Лекин сен хафа бўлма. Ҳали шундай давр келадики, соямизга салом беришади. Шу тўхтамай ўтганларнинг ҳаммасини бирма-бир эслаб қолдим. Даврим келганида биттама-битта бурниларини ерга ишқайман, — дея Парда хотинини тўрга бошлади.

Улар энг охирги чорпояга чиқиб ўтиришди. Бир муддат ўтиб биринчи ё иккинчи синфда ўқийдиган болакай улар ўтирган чорпоянинг ёнига келди. Аввал Пардага, кейин жувонга афтини бужмайтириб қаради. Сўнг:

— Нима олиб келай? — деди.

Парданинг «Ароқ олиб кел, шашлик олиб кел» дегиси келди. Лекин деёлмади. Чунки чўнтагида ҳемириям йўқ. Шу боисдан:

— И-и, — дея томоғини қириб кўйди. — Ҳозирча чой олиб кел, шеригимиз келгач, бошқа нарсаларни айтамыз.

Болакай ортига бурилиб кетди. Парда бўлса гўдайиб хотинига қаради. «Кўрдингми, нима олиб келайин, деб келди. Ҳаммадан ҳам сўрайверишмайди. Отимиз машҳур-да. Кўрган борки, ҳурмат қилади. Биз шунақа зўр одамларданмиз» демоқчи бўлди. Унинг кеккайиши хотинига ҳам хуш ёқди. Бироқ шу қорни қурқураб кўймаётганди. «Бир чойнак чойга биттагина нон қўшиб айтилганида, бошқача бўларди-да. Ҳай, майли, чой айтилдими, демак, ундан кейинги буюртмалар ҳам бўлади» деган

тўхтамга келди жувон.

Қоронғилик бутунлай тушиб бўлди. Чойхонага беш-олти ҳўранда келди. Улардан бири мотоцикл сотиб олган экан, шуни ювиш учун келишибди. Уларнинг ҳаммаси Пардани танишарди. Бироқ бирортаси ҳам салом-алик қилмади. Нигоҳлари тушди-ю, кўзларини олиб қочишди. Нашаванднинг ичидан қиринди ўтди. Зўравон бўлиш иштиёқи янада кучайди. «Ҳозирча майли, кутайин, кейинроқ ҳаммасини ҳал қиламан» дея кўнглидан ўтказиб, чўнтагидан носқовоғини олди. Бир чимдим носни тилининг тагига ташлади. Сўнг кўча томонга кўз тикди.

— Падарингга лаънатнинг келиши бунча қийин бўлиб кетди! — деди хотинига эшиттириб.

— Сиз унинг келишини кутиб ўтирманг. Ҳамма нарса-ни буюраверинг, келади-да, тўлайди, тамом вассалом, — дея жилмайди жувон.

— Ақлингга балли. Бўлди, шундай қиламан, — деди Парда ва ўрндан сапчиб туриб, чойхоначининг ёнига борди. Катта бойлардай кўкрак кериб, айтди:

— Ўн сих шашлик, иккита ароқ, икки хил газак, нон-пон — ҳаммасини дарров тайёрлаб, чорпояга обориб беринг.

Чойхоначи ҳам Пардани яхши танирди. Нашаванд, ҳар ойда хотин алмаштирадиган махлуқ бир кимса деб биларди. Шу боис, аввало, гапига ишонмади. Кейин ўйлади. «Бунақаларнинг ўзига ўхшаган ошналари кўп бўлади. Яна жойи келса, зўр мардлик қилишади, деб эшитганман. Тағин тўпланишганида бирор кимса оромларини бузиб қўйса, аяшмайди деган гаплар бор. Айтганини қилайин-чи, ўзи бўлмаса, ошналаридан бирортаси келиб тўлар».

— Боравер, ҳозир обораман, — деди у ва ишга киришди.

Парда хотинининг ёнига бориб кўкрагини керди.

— Ана, ҳаммасини қотириб ташладим. Мана кўрасан, ҳов анавилар бор-ку, — дея улфатлар ўтирган чорпояни кўрсатди у, — барининг оғзи очилиб қолади. Бор-э, сен ҳам маза қиладиган бўлдинг.

Аввал чой билан нон келди. Кейин газак билан ароқнинг ортидан яхши пишган кабоб.

Жувон ўлгудай оч қолган экан, газак келгунича битта нонни чойга ботириб еб қўйди. Шундан кейингина бироз нафси қонди. Шу боисдан кабобни худди ресторанда ўтирган оқбилак хонимчалардай нозланиб, у ёқ-бу ёғини айлантирганча томоша қилиб, кейин еди. Орада эри уза-тиб турган ароқни тўхтовсиз ичаверди.

— Маст бўлиб қолмаслигим керак. Анави гўрсўхта келиб қолса, берадиган нарсасини бермай кетиши мумкин. Алдаш осон. Чўнтагингга солувдим, дейди. Ўзинг йўқ қилгансан, ўзинг айбдорсан, дейди. Ана ундан кейин бармоғимни бурнимга тиқиб қолавераман, — деди Парда биринчи шишанинг таги кўришиб қолганида.

— Жоним, менинг ичгим келяпти. Гўшт билан зўр кетиб турувди, тўхтатмайли-и-ик, — дея нозланди жувон.

— Сен ичавер, мен сигарета чекиб тураман, ҳар қалай... — дея Парда кўча томонга қаради ва бирдан кўзи машинадан тушаётган Элёрга тушди. — Ана, падарингга ланнати келди!

Ўй-хаёли Элёр олиб келиши керак бўлган қорачада бўлган Парда яшнаб кетди. Ўрнидан сапчиб туриб, пастга тушди. Ана шу маҳал Элёрнинг гўрлиги билиниб қолди. Унинг ўрнида каттароқ ёшдаги одам бўлганида, шартта ортига бурилиб машинасининг ёнига борарди. У бўлса, тўғри юриб келди. Улфатларнинг нафратини қозониб, нашаванд билан кўришди. Яна Парда танлаган чорпоёга чиқиб ўтирди.

— Қалай, бопладимми? Сенёрни абжағини чиқариб ташладим ўзиям! — дея бирдан мақтанди Парда.

— Лекин гап йўқ. Мен бунчалик бўлади деб ўйламагандим. Ҳамма ёқда шов-шув: «Парда жўжахўроз агрономнинг абжағини чиқариб ташлабди», дейишяпти одамлар, — деди Элёр Парданинг ўпкасини янаям шишириб.

— Энди, биласан-у, раз битта ишни қиламан дедимми, қиламан! Қилгандаям мойини чиқараман! Мана кўрасан, — дея Парда овозини хийла пасайтириб, улфатлар ўтирган томонга назар ташлаб қўйди-да, гапини давом эттирди: — Бир ой ё узоғи билан икки ой. Ана ундан кейин тамом бўлади. Чунки унинг ичи эзилган.

— Икки ой бўлса яхши. Ўзи ўлиб қолган, деган гап

чиқади, — дея Элёр дастурхондаги егулик-ичкиликларга қаради-да, кўшиб кўйди. — Янга билан роса ишрат қилаётган экансизлар-да. Келиб, халақит бердим, шекилли.

Жувон «ҳе-ҳе» дея ҳиринглаб кулди.

— Нималар деяпсан?! Жуда вақтида келдинг. Анавини чиқар, ҳозир мен сенга бошлаб бир нарса қилиб бераман, — деди Парда бурнини қўлининг орқаси билан артаркан.

— Озгина-озгина олайлик, жа шошилмаяпмизми?

— Йўқ, овқатдан олдин зўр бўлади. Яхши ейсан-да, давай, чиқар.

— Бўлмайди. Мен аввал у-бу нарса еб олайн, ана ундан сўнг кўрамиз.

— Оббо! Одамни ёмон диққат қилдинг-да. Бўпти менга бериб кўй, ўзимда турсин.

Элёр чўнтагидан нашаванд истаган нарсани олиб узатди.

— Жоним менинг, эркатойим. Ўзинг қора бўлсанг ҳам, шунақанги лаззатлисанки, даҳшат. Любой аёл сенинг олдинда пачақ.

У елим тугунчани авайлаб кўйлагининг кўкрак чўнтагига солиб кўйди ва қўлига дастурхон ўртасидаги ароқни олди.

Кетма-кет ичилган ароқдан сўнг Элёрнинг кайфи ошди. Бу орада Парда чойхоначини чақириб, яна ўн сих кабоб, тўртта нон ва иссиқ чой олиб келишни буюрди.

— Энди қорачанинг мазасини кўрсак бўлади, — деб Элёр оғзига гўшт солди.

— Эй-й, тилиннга новвот, уагинам.

Парданинг қувончи чексиз эди. У ҳамма нарсани унутиб кўйганди. Елим тугунчани авайлаб очиб, гугурт донасининг учгинасини ўша эркатойига теккизиб олди. Сўнг чўпни пиёладаги чойга ботириб, обдан кўзгади-да, Элёрнинг кўзларига тикилиб сўради:

— Аввал бу занғардан кўрганмисан?

Элёр бош чайқади.

— Во-о-а, бунинг мазасини билмабсан, дунёга келмабсан. Ҳозир ўзимгаям тайёрлаб олай, кейин биргалашиб оламиз.

Иккита пиёла бир-бирига тўқнашиб, жаранглади. Сўнг сипқорилди.

Элёр бор-йўғи беш дақиқадан кейин бошини ёстиққа ташлади-да, ухлаб қолди.

— Ҳе-е! — дея қулди малакали Парда. — Қотиб қолди! Кўрмаганда аввал, кўрмаган. Ана энди бунинг орқасини кесиб кетсанг ҳам, билмайди.

У хотинига қаради.

— Озгина-озгина ароқ ичиб тур, кейин секин дастурхонда қолган нарсаларни кўкрагингда олиб юрадиган сеткангга сол. Нариги чорпоядагилар кетиши билан биз ҳам сурамиз. Ҳа-а, безрайиб ўтиравермай, ҳар-ҳар замон ҳиринглаб тур.

Парданинг кайфи яхши эди. Бироқ думалаб қоладиган даражада эмас. Чунки ўзининг пиёласидаги чойга гугурт чўпида юқи қолган қорачанигина аралаштирган эди.

У секин Элёрнинг чўнтагини ковлади. Нақд ўн сўм чиқди.

— Бунисиям яхши бўлди, — дея ўшшайди Элёрнинг юзига кўзини қисганча қараркан, — шунча шов-шувни нўхатдайгина лаззат учун қилди деб ўйлабмидинг? Ҳе, менинг олдимда сен ҳали жўжасан. Энди акаларнинг ёнига бораман. Ана ундан сўнг қорачани қаердан олганингни айтасан. Айтмасанг, гўрга тикаман.

Хотинининг боши айланаётган бўлса-да, Парданинг бу гапидан сўнг чўчиб тушди. Зеро, у нашаванд эрининг одам ўлдиришини билмасди.

Кўшни чорпоядагилар Элёрнинг бирдан маст бўлиб қолганидан ҳайрон бўлиб, турли хаёлга боришди. Бироқ Пардадан бунинг сабабини сўрашни ор билишди-да, битта-битта ўрниларидан туришди.

— Бу ёғи қаймоқ. Бир кунда шунча марта омадим келади, деб сира ўйламагандим. Энди дастурхонни тозала. Ушоқ ҳам қолмасин, — дея Парда ҳам ўрнидан турди-да, яхшилаб керишиб олиб, кир сочини таради ва пастга тушиб чойхоначининг ёнига борди.

— Анави ухлаётган раиснинг шофёри эканлигини яхши биласиз. Маст бўлиб қолди, ярамас. Турганидан кейин ундан пулингизни олинг. Менинг чўнтагимда ҳемириям йўқ. Ит. Раз ҳақ берасанми, охиригача ўтир-да. Хуллас, еган-ичганимизнинг пулини у тўлайди. Мен кетдим. Ҳали уйимга етгунимча эрталаб бўлади. Ҳайвон, уйимгача олиб

бориб қўймоқчийди. Уф-ф. Ҳа, эсимдан чиқай дебди. Яқинда катта акалар келишмоқчи. Биласиз, бизнинг акалар унча-мунчамас. Ҳар биттаси камида ўн йилдан ўтириб чиққан зеклар. Шунинг учун тайёргарликни кўриб қўйинг. Яна сен-менга бориб юрмайлик.

Чойхоначи бу падарингга лаънати, пасткаш нашаванднинг ёқасидан олмоқчи, яхшилаб башарасига мушт туширмоқчи бўлди-ю, аммо унинг «зек» деган сўзини эшитгач, дами ичига тушиб кетиб:

— Раиснинг шопири, раиснинг шопири... Тўласа бўлдида, менга нима фарқи бор? Лекин акаларингга бошқа яхшироқ жой топганинг маъкул, — деди.

— Нималар деяпсиз? Бизда гапдан қайтилмайди. Мен айтиб қўйганман. Ҳа-а, айтиб қўйганман. Ўзи, аслида, текширмоқчи бўлиб юрувдим. Бугун анави мараз «Ҳақ бераман», деб қолди. Мана, келдим, кўрдим. Чойхона менга ёқди. Фақат шашлик сал қаттиқроқ бўпти. Шуни юмшоқроқ қилиб пиширасиз. Балки, ўзимиз билан ошпаз олиб келармиз. Ўргатади қандай пиширишни. Нима дедингиз?

Нашаванд мўлжални аниқ олганди. Чойхоначи бутунлай довдиради. Парда эса ўзининг санъатига қойил қолиш билан бирга ҳозир айтган гапларини ўйлади. «Ҳақиқатан ҳам, икки-уч зўравон нашавандларни танийман. Билишимча, уларнинг қўли анча узун. Элёрнинг қорачаси тўғрисида хабар берсам, эҳтимол, мениям ўзларига қўшиб олишар. Балки, шундан кейин мен билан ҳам бошқалар ҳисоблашадиган бўлар. Қачонгача бунақа юраман? Бўлди, эртагаёқ ишга киришаман. Ҳозир бўлса уйга бораман-да, ҳақиқий кайф қиламан».

У чойхоначига ўкрайиб қўйиб, чорпояга қараб кетди.

— Бўлдингми? — сўради хотинидан.

— Ҳа, ҳеч нима қолмади.

— Сурдик бу ердан. Эй-й, шошма, пиёда юриб аҳмоқ бўлганим йўқ. Мошинада кетамиз.

У Элёрнинг чўнтагидан калитни олди. Бориб машина моторини ўт олди. Юрғизди, кетди. Бироқ шундай ҳайдардики, ортидан қараган киши «Ишқилиб, йўлидан бирортаси чиқиб қолмасин» деган хавотирга бориши тайин эди. Ҳартугул, яқин атрофдаги қишлоқ одамларининг

бахти бор экан, бирортаси ҳам кўчага чиқмабди. Аммо Маъруф йўлда эди. Нашаванднинг уйига яқинлашганди. У ортидан келаётган машинани ким ва қай аҳволда бошқариб келаётганини билмасди.

Машинанинг овоз сусайтиргичи тушиб кетди ва бирдан пориллаб дунёни буза бошлади. Маъруф тўхтаб ортига ўгирилди. Машинани кўрди. «Палакат, ичиб олганми, нима бало? Келишига қара!» дея кўнглидан ўтказди ва ҳар эҳтимолга қарши йўл четига чиқиб, ҳовлиқма ҳайдовчини ўтказиб юбормоқчи бўлди. Бироқ сал бўлмаса, машинанинг тагида қолиб кетаёзди. Ҳайдовчи эшак, ҳайвон ва ҳоказо ҳақоратларга лойиқ бўлган одамнуса лаин машинани у томон ҳайдади. Маъруф ўзини янаям четга отди. Гурсиллаб йиқилди-ю, икки марта думалаб, ўрнидан сапчиб турди. Сўкинмоқчийди, улгурмади. «Хо-хо!» деган овоз эшитилиб, юзига чанг-тўзон урилди. Йигитнинг алами келиб, машина ортидан югурди. У узоқ кетмади. Тўғри Парданинг уйи томон бурилди.

— Тушунарли. Ақли бор одам грузовойни бундай ҳайдамаслигини билардим. Мараз, мана, ўзинг яна дуч келдинг. Бу сафар ҳам сал бўлмаса, сен ютиб чиқардинг. Лекин энди бўлди. Учинчисидан кейин у ёғига менинг даврим бошланади, — деди Маъруф тўхтаб.

Шу пайт машина эшиги очилиб, Парда пастга тушди. Кабинада яна кимдир бор, шекилли, унга бир нималар деди. Кейин хохолаб кулди. «Туш пастга!» дея қичқирганини Маъруф аниқ-тиниқ эшитди.

— Буниси яна ким бўлди? Шу ахлатсифат одам билан бирга юрадиган ҳам бормикан? — деди у ва кабинадан тушиши керак бўлган одамни кутди. Қорайиб кўринган кўйлагининг этагидан билдики, аёл киши.

«Кўнглинг маишат тусаб қолибди-да! Маишат қилсан! Маишатни мен сенга ташкиллаштириб бераман. Шундай маишатки, умрингда бунақасини кўрмагансан, кўрмайсан ҳам, чунки мен сени ўлдираман!» деб ўйлади Маъруф. Аммо шу сафар ҳам омад ундан юз ўгирди. У Парданинг ортидан уйига кирмоқчи, уриб-тепкилаб нашаванднинг ичинини эзмоқчи эди. Аммо дераза ёнига етгач, ичкарида бошқа эркаклар ҳам борлигини билиб қолди.

— Кутмаганмидинг, эшак?

— Озодликда талтайиб юравераман, деб ўйлаганми-динг?

— Сени бекорга ҳимоя қиляпмизми?

Уч хил овоз. Учовиям дағал, таҳдидли. Маъруф секин бағрини деворга босди.

— Акалар, бормоқчи бўп турувдим. Зўр нарса топиб кўювдим. Бахтимдан ўргилай, бугун топдим шу нарсани, — деди Парда овози майинлашиб.

— Вой, қизталоқ! Дарров ёнимизга бормоқчи бўласан, дарров бир нарсалар топасан! Нима, биз сенга лохмизми, ҳамма гапингга ишониб кетаверадиган?!

— Алдамаяпман, акажон, мана, оп келдим. Қорача, қаранг.

Маъруфнинг ичи қизиди. «Нима экан қорача дегани?» дея хаёлидан ўтказди ва ичкарига мўраламоқчи бўлди. Бироқ бунинг имкони йўқ эди. Парданинг чақирилмаган меҳмонлари деразага қараб ўтиришарди.

Ичкаридаги жимжитлик бирор икки дақиқа давом этди. Шунинг ўзиёқ Маъруфни тоқатсизлантириб юборди.

— Точний алдамабди. Значит, бугун айш қиларканмиз-да. Анави хотинингми ё шақилдоғингми?

— Унисиям-бунисиям, ҳе-хе-хе!..

— Онангни эмгурнинг гапини қара, унисиям-бунисиям бўлмайди, ипλος! Дарров чой дамлаб келсин. Ўзинг ўтир. Анави сеткангдаги нима?

— Шашлик-пашлик, ароқ, акажон! Лекин шу чой тугаб қолганди-да...

— Ҳар доим палон-пистон, ишқилиб, баҳона тайёр. Ҳеч бўмаганда, сув қайнатиб кел, мараз! Ё чойнак ҳам йўқми?!

Шапалоқ товуши, ундан кейин ихраган овоз эшитилди. Маъруф секин силжиб деразадан узоқлашди. Орадан бир дақиқа ҳам ўтмасдан, Парда билан бирга келган жувон ташқарига чиқди. Сўл тарафдаги томча томонга кетди. Шу ёқда нималарнидир данғир-дунғир қилди. Кейин изига қайтиб, ичкарига кириб кетди. Маъруф яна дераза ёнига борди.

— Ароқдан қуй! Эй-й, нимага безраясан?! Ҳали пиёланг ҳам йўқми?! Вой, онангни эмгур! Молдан фарқинг

қолмабди-ку! Бор, бирорта идиш топ!

Маъруф яширинишга улгурмади. Парда ташқарига отилиб чиқди-да, боя хотини кириб чиққан томча томонга югуриб кетди. Шундан кейингина Маъруф деразадан узоқлашди.

Парданинг ишрати бурнидан чиқадиган бўлди. Бевақт келган, чақирилмаган меҳмонлар унга бир қултум ҳам ароқ беришмади. Яна қорачаниям ўзлари ҳаллашди. Шунинг баробарида навбатма-навбат уни сўкишди. Биттаси беш-олти марта тепдиям. У ҳаммасига чидади. «Мойдай ёқяпти, акажон, таёқ емаганимга кўп бўп кетганди, одам соғинаркан», дея иржайди. Қорачани қайнаган сувга эритиб ичишаётганларида эса «Менгаям бир қултумгина берармикан?» деган умидда қулт-қулт ютинди. Аммо унга ҳеч бўлмаганда кўкнорнинг идишдаги юқиниям раво кўришмади.

— Биз қаердан келаётганимизни биласанми? — сўради тўрда ўтирган серсоқол, кўзлари қарийб пиёладай келадиган барзанги.

— Ака, сизлар дунёнинг одамлари бўласизлар. Россияданми ё ундан ҳам наридан келаётган бўлсангиз керак-да... — ялтоқланди Парда.

— Ҳе-е, гапни қара. Ёмон тулкисан-да, а! Лекин ниятинг ёмонмас. Бир кун келиб юрамиз, тўғрими? — дея шерикларига қаради барзанги.

Унинг гапи шу заҳоти маъқулланди.

— Ҳозир, — гапини давом эттирди соқолтой, — тўғри турмадан келяпмиз. Энг даҳшатлисидан. Болалар сени эслаб қолишди. Шунинг учун ўзимизнинг укамиз, деб тортинмай келавердик. Ё...

— Ҳеч қандай «ё» йўқ, акажон. Мен, ҳақиқатан ҳам, братишкангиз бўламан. Сизни кўриб, бир қарич ўсгандай бўлдим. Лекин билмабман-да, тайёргарлик кўриб қўйган бўлардим, — деди Парда шошиб.

— Вой, қизталог-эй, шунгаям гап топдинг-а! Аммо, майли, биз қаноатли одамлармиз. Энди, ўзинг айт-чи, ҳеч ким хафа қилмаяптими?

Парда хўрсинди. Айни чоғда ич-ичидан хурсанд бўлиб кетди. Ахир унинг ҳолидан хабар оладиганлар ҳам бор экан-ку. Жа ерда қолмабди-ку.

— Ака, ийинни қисиб юрибмиз. Бировнинг иши бўлмапти. Лекин бугун битта заказни бажардим... — деб Парда барзангига қараб қўйди.

Меҳмонлар шу заҳоти кўз уриштириб олишди.

— Ў-ў, сен ҳали заказларниям бажаряпсанми? — луқма ташлади соқолтой.

— Бизники кичкинагина. Шу битта агрономча яхши бир укамизнинг томорқасига оралаган экан, бориб эсини киритиб қўйдим.

— Бундан чиқди, манави кўтариб келганларинг шунинг шарофатига экан-да.

— Шундай-шундай, — иржайди Парда.

— Бу, машина миниб келдинг. Колхоз тагинга машина бериб қўйдими? — деди соқолтой.

— Бе-е, бизга йўл бўлсин! Бу колхоз менга эшак ҳам бермайди!

Қочқинлар бараварига хохолаб кулиб юборишди.

— Эшакка эшакнинг нима кераги бор?!

Яна кулги кўтарилди. Бу сафар Парда ҳам уларга қўшилиб хохолади.

— Колхозникани ўмардингми? — деди қолганларига нисбатан пойгакроқда ўтирган қочқин.

Унинг юзини ҳуснбузар босиб кетган, битта қулоғининг тирноқдай жойи йўқ эди. Оғзи катталигидан кулганда сарғайиб кетган тишларининг ҳаммаси кўринарди.

— Битта чурвақа билан чойхонада ўтирдим. Заказчик шу эди. Қорачаниям ўша оп келган. Озгина дори эритиб берувдим, қотиб қолди. Кейин пиёда юраманми, деб машинасини миниб келавердим.

— Бу, ҳали оддий шофёрлар заказчик бўп қолдимми?! — деди бирдан жаҳли чиққан соқолтой.

— Ака, заказ бошқаники. У менга етказди-да...

— Машинани ҳозироқ йўқот! Агар бирортаси хитлашиб қолса, каллангни узаман! — дея бақирди соқолтой.

Парда ўрнидан сакраб туриб, ташқарига отилди.

— Братан! — деди чўтир. — Бу қизталоқнинг жонини олиб қўйган экансиз-ку!

— Бундан баттарига лойиқ бу иплос! Ничего, тўрт девор орасида роса занглаб кетгандик, у тар-тарини ташлаб келгунича башараси бузуғини эплаб турамыз.

Бу гапни эшитган жувон нозланиб, бошини эгди. Шу пайтгача у эркаклар кулса кулар, баъзан меҳмонларга сузилиб қарар, эри сўкиш эшитаётган маҳали хафа бўлгандай, бошини эгарди.

— Қалай, исқирт, маъқулми сенгаям? — деди соқолтой аёлга қараб иржаяркан.

Жувон елкасини бироз қисиб, гўё нозланаётгандай қимирлади.

— Лекин сен бизга муносибмассан! Зўр кайфдаман, лекин ириётганига базўр чидаб турибман. Ит ҳам сендан ирганса керак! Бор, йўқол, эшикнинг ёнида тур! Бирортаси кеп қолса, айтасан! Билиб қўй, агар ухлаб қолсанг, кўзингни ўйиб оламан! Тушундингми?!

Жувон «Ҳа» дегандай бошини қимирлатди-да, ўрнидан турди.

* * *

Маъруф ниятидан қайтди. Билдики, унинг қасд олишдан ҳам муҳимроқ иши бор экан. Қочқинларнинг хабарини эртароқ милицияга етказмаса, булар кўп иш қилиши мумкин. Уларнинг ҳар битта гапига Парданинг сакраб тушаётганига қараганда, шунчаки зеклар бу ерга келишмаган. Аслида-ку, турмадан қочишнинг йўлини топишганининг ўзиёқ уларнинг қанчалик хавфли эканлигини билдириб турибди.

Уйига етай деганида, Маъруфни уйқу босди. Кўзини очишга қанча ҳаракат қилмасин, барибир, юмилиб кетарди. «Барибир, пиёда район марказигача етиб боролмайман. Боргунимча қуёш чиқади. Яхшиси, озгина ухлайман-да, тонг отар-отмас йўлга тушаман. Шунда, балки, бирорта машинага дуч келарман. Мени марказгача олиб кетар» дея ўйлади у. Шундай ўй хаёлидан ўтиши билан оёқлари янаям бўшашди. Юраётиб ухлади. Қаерга кетяпти, қандай кетяпти — билмайди. Муҳими, юряпти, уйига яқинлашяпти.

— Ҳой! — деган овоздан бирдан кўзи очилиб кетди.

Бундай қараса, уйига бурилишдаги танаси кучоққа сигмайдиган тут ёнида турибди. Яна бир қадам босганида борми, нақ пешонаси билан уриларкан.

У «Ким бақирдийкан?» деган хаёлда ён-верига қаради ва Наргизани кўрди.

— Наргиз, нима қилиб турибсан бу ерда?

— Сизни кутиб тургандим. Кетаётганингизни кўрдим. Кейин қайтишингизни кутдим, лекин жуда узоқ қолиб кетдингиз. Қаердан келяпсиз, мана бундай юрган йўлингизда ухлаб? Сал бўлмаса, бошингизда яна битта ғурра пайдо бўларди.

— Ҳа, ўзи соғ жойим қолмаган. Яна битта шиш бўлганида, бемалол одам қаторидан чиқариб ташлардиларинг, — дея кулди Маъруф сўнг дарров жиддий тортиб қўшиб қўйди:

— Энди, сен бундай қилма. Яхшимас. Ундан кўра, уйингда ухламайсанми? Бўпти, мен кетдим. Роса чарчаганман.

Қиз унинг ортидан алам билан қаради. Маъруфнинг боши ёстиққа тегар-тегмас қотиб ухлаб қолди. Шу бўйи тушдан кейин турди. Кечаси бўлган воқеаларни тезда эслаёлмади. Шу боис бориб ювинди. Чорпояда кўрпа қавиётган онасининг ёнига чиқиб ўтирди. Кўрпани ушлаб кўрди.

— Сенга. Уйлантирмасак, тинчимайдиганга ўхшаймиз. Отанг билан эрталаб келишиб олдик, — деди Намуна опа.

— Ҳали уйланишимга эрта, эна. Ишлайин, бир-икки сўм топайин, кейин бир гап... — у сўзлаётиб, ошхона томонга қараган ва кўзи эшик ёнида синглиси билан турган Наргизага тушган эди. Бирдан хаёлига тунги воқеалар келиб, гапиришдан тўхтади-да, пешонасини тирриштирди. «Ухлаб қопман-ку. Анавилар кетиб бўлган... Эҳ!» дея ўйлади у ва энасига қараб:

— Нега уйғотмадингиз мени?! — деди.

— Уйғотганимда, нима қип берардинг? Ҳамма ёғиннинг моматалоғи чиқиб ётган бўлса. Шу туришда ишга борармидинг?! — дея жаҳлланди Намуна опа.

— Уф-ф! Ишим бориди! Оббо! — деб ўрнидан турди йигит.

— Ўтир. Агар ёниб кетсаям, бугун ҳеч қаерга бормайсан! Маҳлиё, аканга чой-пой дамлаб кел. Овқатиниям оп кел! Бунга қолса, шу аҳволда кўчага чиқиб кетади. Одамлардан уялмайдиам!

— Эна, бормасам бўлмайди, — деди Маъруф иложи

борича босиқлик билан.

— Гапимни иккита қилдиган бўлсанг, катта кўча! Ўзи сенинг дастингдан бош кўтаролмай қолдик!

Маъруф бўшашиди. Яна кўзи Наргизага тушди. Қиз: «Ана, баттар бўлинг. Боплади. Кўнглимдагидай бўлди», дегандек қош қоқди.

«Орқамдан соядай эргашасан, кунда шундасан. Сениям отангдан фарқинг йўқ. Бир нимага ёпишдингми, ўшани ўзингники қилиб олмагунингча... Шошма, нима, мени ўзингники қип олмоқчимисан? Тушингни сувга айт» хаёлан унга жавоб қайтарди йигит.

У қовоқ-тумшугини осилтириб овқатланди. Кейин ўрнидан турди-да, кўча томонга кета бошлаган эди ҳамки, онаси қайтарди. Яна ўша гап. Одамларнинг гап-сўзи. Бу ёғи Маъруфнинг ичини ит тирнаб ётибди. Ўзи шунча вақтни зўрға ўтказди. Ҳар сонияда қулоғининг остида оқшомги дағал овозлар жаранглаб турди. Нимадир қилиш керак. Йўқса, анавилар жуфтакни ростлаб қолишади. Эҳтимолки, лайча ҳам бирга кетади. Ана ундан кейин унинг қасди қиёматга қолади.

Минг хил ўйлар гирдобида бўлган Маъруф беихтиёр кўча томонга юрди. Энасининг «Яна қаерга?» дея берган саволига: «Ҳеч қаерга. Шу ердан», деб жавоб бериб кўя қолди.

Ана шу палла Ҳайбатулло қўшнисиникига юк машинаси келди. Маъруф уни бир қарашдаёқ таниди. Бу ўша кеча тунда Парда миниб юрган улов эди. Ҳозир уни раиснинг ҳайдовчиси Элёр бошқариб келганди.

* * *

Маъруф шошқалоқлик қилган эди. Агар яна озгина муддат пойлоқчилик қилганида, қочқинларнинг кейинги гапларини эшитган ва қаерга кетишганларидан хабар топган бўларди.

— Кайф зўр. Дамни олдик. Энди бу ерда бошқа туролмаймиз. Анави итни ҳамма отнинг қашқасидай яхши билади. Тонг отмай туриб, бизни босишади. Ўзи шундоғам кўп қолиб кетдик. Яхшироқ жой топишимиз керак... — деди соқолтой шерикларига.

Шерикларнинг кетгилари йўқ эди. Ахир жонлари ором топиб турган пайт қандай бошқа жойга кетиш мумкин?

Бироқ шефнинг гапида жон бор. Шунга қарамай:

— Бизнинг шунча узоқлаб кетганимиз ментларнинг хаёлларига келмаса керак, — деди бир кўзига шиша қўйилган, ранги сариқ қочқин.

— Ҳе, нималар деб валдираяпсан? Хабар аллақачон бутун иттифоққа кетган. Миянг чиригур, яна бир марта шунақанги майда гап гапирсанг, пачағингни чиқараман! Ҳа-а, топдим. Тўғри колхоз раисининг уйига борамиз. Қизалоқ жой топиб беради. Бермаса, онасини уч қўрғондан кўрсатамиз!

— Уйини билмаймиз-ку, — деди қулоғи йиртиқ.

— Сенлар билан нега қочганимга ҳалиям ақлим етмаяпти? Маразлар, шуниям билмайсанларми?! Парданикига нега келдим?! Сигарета бер!

У чекди. Тутунни шунчалик кўп ютдики, ўпкаси, жигарими, юрагим «ғийқ» этган овоз чиқариб юборди. Кулди.

— Занглабди, — деб қўйди.

Бироздан кейин Парда қийшайиб кириб келди. Унинг оғзи қулоғида эди.

— Акажон, мен ҳайдаганимни ит ҳам билмайди. Шундай жойга...

Унинг қолган гаплари ичида қолди.

— Кетдик, — дея соқолтой ўрнидан турди.

* * *

Чойхоначи Парда кетганидан кейин карахтлиқдан чиқди. Унинг ўғли аллақачон ухлаб қолган. Шу боис ҳозиргина нашаванд билан хотини туриб кетган, раиснинг ҳайдовчиси ухлаб ётган чорпояни ўзи йиғиштириб олиши керак эди. Лекин бундан у сира оғринмасди. Илгариям у неча марталаб бир ўзи беш-олти чорпояни йиғиштирган. Ҳозир эса оғринди. «Падарингга лаънат, исқиртнинг орқасини тозалайманми? Нимага шу ердалигида индамадим. Шайтон, роса кўрқитди-я, акалари билан келармиш. Ҳе, ўша акаларингни!.. Шошма у анавининг машинасини миниб кетди-ку».

Чойхоначи шошилиб чорпоянинг ёнига келди. Кўрдики, Элёр пишиллаб ухляпти. «Хайрият», дея ёқасига туфлади. Кейин йигитни туртди-да:

— Ҳой, тур, тур! — деди баланд овозда.

Элёр миқ этмади. Ухлашда давом этди.

— Эй-й, хурмачангга сиққунича ичгин-да. Яхшиям, колхознинг машинасини миниб юрибсан. Ўзингники бўлганида шўринг қуриб қоларди... — дея ўзига ўзи гапирди чойхоначи ва шамоллаб қолмасин деб Элёрнинг устига кўрпача ташлаб қўйиб, дастурхонни йиғиштира бошлади. Шу пайт кўча томондан қандайдир машина сигнал берди.

— Ёпдик! — бақирди чойхоначи бошини кўтариб.

Унинг овозини машинадагилар эшитишмади, шекилли, яна «баб-баб» қилишди.

— Оббо! — дея қаддини ростлаган чойхоначининг хаёлига бирдан Парда айтган гаплар келди. «Акалардан уч-тўрттаси келади. Яхшилаб тайёргарлик кўриб қўйинг». Лекин унинг акалари тўғри ўзлари келишмаса керак. «Ким бўлдийкан?» деган ўйда чойхоначи истар-истамас юриб кўчага чиқди. Қараса, милиция машинаси турибди. «Хайрият-эй, жоним чиқиб кетай деди» дея ўйлаб яқинроқ борди.

— Ассалому алайкум, — деди ҳайдовчи милиционер машинадан тушиб.

— Сал кеч қопсизлар-да. Ёпиб қўйгандим-а, — деди чойхоначи унинг саломига алик олгач.

— Ўтирмаймиз, вақт йўқ, ака. Менга қаранг. Учта турқи совуқ одам келмадими мабодо, — дея милиционер ҳорғин нафас олиб, қўлини машина эшигига тиради.

— Йўқ, ука, ундайлар келмади. Беш-олти улфат, ўзим танийдиган одамлар келишди, холос. Тинчликми?

— Тинчликмас-да. Учта зек турмадан қочган. Мабодо пайдо бўлиб қолишса, дарров бизга хабарини етказинг. Уларни таниш қийинмас, — дея милиционер чўнтагидан уч-тўртта расм чиқариб, унга узатди. — Шундай бўлса-ям, қараб олинг.

Чойхоначи расмларни «Виллис»нинг чироғига тутиб кўрди. Учовиям бадбашара, учовиниям турқи совуқ. Расмига қарагандаёқ одамнинг эти жунжикади.

— Ўх! — деб юборди чойхоначи беихтиёр, сўнг сўради: — Қачон қочган?

— Бугун учинчи кун. Бу атрофларга келиши гумон-у, лекин, ҳар қалай, мабодо пайдо бўлиб қолса, албатта,

хабарини етказинг.

— Хўп.

Милиционер машинага ўтирди. «Виллис» юриб кетди. Шундагина чойхоначининг хаёлига Парда айтган гаплар келди.

— Ҳой-ҳой! — дея бақирди.

Лекин кеч бўлганди. Милиционер радиони ёққан, унга моторнинг шовқини ҳам қўшилган эди. Яна оралиқ ма-софа ўн беш-йигирма метрдан узоқлашганди. Шу боис-дан машинадагилар унинг бақирганини эшитишмади.

* * *

Раис хотинининг қош-қовоғига қараб, гарчи вақт анча кеч бўлса-да, Маъруфни уйига ташлаб қўйганларидан кей-ин меҳмондорчиликка борди. Ҳақиқатан ҳам, Насима-нинг дугонаси тайёргарликни зўр қилган экан. Дастур-хон ҳар хил ноз-неъматлар билан тўлдирилган, ўртага салқин ичимликлар қўйилган, турли салату пишириқлар чиройли идишларда кела қолинг, ея қолинг, деб туриб-ди.

Насиманинг дугонаси аввал обдан гина қилди. «Кел-майсизларми, деб роса ташвишландим. Хўжайинни уч марта кўчага чиқариб олдим. Хайрият», деди. Кейин уйга олиб кирди. Тўрдан жой кўрсатди. Шу заҳоти сўрашиш-лар бошланиб кетди. Толмас Бадриддинович қараса, ҳали-бери биров унга чой тутқазадиган, дастурхондагилардан олинг, дейдиган эмас.

— Биз даланинг одамимиз. Одам юравериб, роса чар-чайди. Аввал бир пиёладан чой ичайлик, ана ундан кей-ин ҳар қанча гап бўлса, гаплашаверамиз, — дея хонадон соҳибига қараб, жилмайиб қўйди.

— Бўлди-бўлди, раис бова, сал нўноқлигимиз бор-да, — деб мезбон қўлига чойнакни олди.

— Бошдан келишиб олайлик. Бу ерда ҳозир ҳаммамиз тенг ҳуқуқли. Мен раисмас, оддий меҳмонман. Шу раис бова, деган гап бора-бора одамнинг меъдасига тегиб кет-таркан. Отим Толмас. Сизники-чи?

Мезбон қизарди.

— Узр, Толмас ака. Шошганда яна битта қовун туши-риб қўйибман. Мен муаллимман. Тўлқин муаллим.

— Оббо. Тўлқинман денг, тамом вассалом! Муаллим

деган қўшимча мактабда қолган. Мактабга борганда Тўлқин муаллим бўласиз, бу ерда оддий Тўлқинсиз. Менга анави оқдан қуйинг. Ҳозир чанқоқни чой босолмайди.

Паризод отасига қаради. Унинг қовоғи уйилган эди.

Толмас Бадриддинович унга эътибор ҳам бермади. Афтини бужмайтириб пиёладаги ароқни ичганидан кейин кафтларини бир-бирига ишқалади-да, иштаҳа билан дастурхонга қўл узатди. У бодрингни қарсиллатиб чайнар, ортидан бир бўлак помидорни тишлаб, худди мастава симираётгандай шимиб қўярдики, дастурхон атрофида ўтирганларнинг иштаҳалари у ёқ-бу ёқли бўлиб қоларди.

— Бизнинг хўжайин шундай мартабали бўлсаям, далигулида, — деб қўйди охири хотини чидаёлмай.

Толмас Бадриддинович унинг гапига иржайди:

— Бизнинг кампир тўғри айтяпти.

«Ҳақорат дилни оғритмас, тубанлик мангу кетмасми? Кимсан ўзинг? Қачондан бери гўдайиб қолдинг? Пешонангда мен — йўлингни ёритувчи аёл бўлмаганида, ҳозир нима аҳволда бўлардинг? Нимангга қариллайсан ўзинг? Кампирмиш, қачондан бери кампир бўп қолдим?» дея ўйлади раиснинг аёли. Аммо дилидагини тилига чиқармади.

— Эй-й, нима бўлса, бўлди! — овозини баландлатиб гапирди у илжайиб. — Чолим пиёлани ароққа тўлдириб-тўлдириб ичяпти. Оғзини тўлдириб, пошиллаб-пошиллаб овқат еяпти. Бунақанги одамнинг ёнида юраверганингдан кейин ўзинг ҳам унга ўхшаб овқатланадиган бўлиб қоларкансан. Қани, дугон, қуйинг. Тўлдириб-тўлдириб қуйинг. Би-и-р биз ҳам яйрайлик. Бу эркаклар дунёга бир марта келса, биз ҳам бир келамиз. Нима, маишатни фақат булар қилишадими? Ўзингизгайм қуйинг.

Паризод секин ўрнидан турди. Тоза ҳавода айланиб келишни баҳона қилиб, ташқарига чиқди. Бахтига аясининг дугонасининг ўзи қатори қизи бор, исми Дилноза экан. У ҳам нозиккина, кулиб тураркан. Истарасининг иссиқлигидан дарров Паризодга ёқиб қолди. Бирпасда иккиси дугонага айланиб, ҳаш-паш дегунча сирлашадиган даражага ҳам етишди.

— Йигитингиз борми? — сўради Паризод эркинсиниб.

Дилноза жавоб беришдан аввал меҳмонлар ўтирган уй

томонга қараб қўйди. Кейин бироз қизарганча мийиғида кулиб, бошини қимирлатиб борлигини билдирди.

— Бугун келмоқчи. Уйимизда меҳмон бўлади, бугун келманг, десам ҳам, ўжар сени кўрмасам, бўлмайди, дейди. Эртага шаҳарга борармиш. Икки-уч кун қолиб кетсам керак, дейди. Шунча кун сени кўрмасдан қандай юраман? Шунинг учун уйлариингга ким келсаям, менга фарқи йўқ, барибир, бораман, дейди, — деди Дилноза.

Афтидан, унинг ичи гапга тўлиб, кимга ёрилишини билмай турган, шекилли, тўкилиб гапирди.

— Ў-ў, йигит қурғур чатоқми дейман, — деди Паризод ҳазиллашиб.

— Билмасам. Ҳоли-жонимга қўймайди-да. Нима қилишним билмайман.

— Ўзингиз ҳам қаттиқ севасизми?

Дилноза уялиб бошини эгди-да, елкасини қисди.

— Биладан, севасиз. Юз-кўзингиз айтиб турибди. Хўш, тўйни қачон бошламоқчисизлар?

— Билмайман. Ҳали совчиам жўнатгани йўқ. Бу йил ҳаракат қилди, лекин ўқишга киролмади. Ўқишга кирволмай, кейин бошингни боғлаб қўяман, дейди.

— Сиз унга ишонасизми?

— Ҳимм...

Дилнозанинг овози қандайдир бошқача чиқди.

— Ростини айтинг, чин кўнгилдан...

Дилноза жавоб бермади. Киприкларини пирпиратиб, Паризодга қараб қўйди.

— Унда нега учрашиб юрибсиз? Менимча, ёшларинг тенг бўлса керак-а?

— Ҳа...

— У ўқишга киради, битиради, ана ундан кейин уйланса керак.

— Мажбурман учрашишга.

— Вой, нега?

— Шунақа бўп қолди.

— Анчадан берими?

— Йўқ, бир ҳафта аввал, — дея Дилноза йиғлаб юборди. Кейин шоша-пиша кўз ёшини артаркан, қўшимча қилди: — Фақат ҳеч кимга айтманг, хўпми? Илтимос.

— Мендан сира хавотир олманг. Лекин қанақасига,

наҳотки у билан?..

— Ҳа-а, авваллари шунчаки учрашиб юрардик, у қўлимдан ушлашдан нарига ўтмаган. Аммо бир ҳафта олдин... Озгина ичган экан. Очиғи, қаршилиқ ҳам қилолмадим. Ҳатто оғриқ пайтигина нима бўлаётганини сезибман. Нима қиламан энди?

Дилноза астойдил йиғлашга тушди. Паризод ич-ичидан унинг йигитидан шунақанги нафратландики, агар ҳозир ёнида бўлганида, юзини юмдалаб ташлашга-да тайёр эди. У секин Дилнозанинг сочини силаркан:

— Номардлик қилмас, ҳаммасини бўйнига олар, — деди пичирлаб.

— Билмадим, лекин, лекин... — дея кафти билан кўз ёшини артди Дилноза йиғидан тўх-таб. — Шундан бери бутунлай измига тушиб қолганман. Нима деса, ҳаммасини қиялман. У ҳам қандайдир буйруқ берадиган бўлган. Қўрқялман бола бўлиб қолишидан.

Паризод даҳшатга тушди. Нима дейишини, Дилнозанинг кўнглини қандай кўтаришни билмай қолди. Китобларда бошқача ёзилганини ўқиганди. Яъни бундай пайтда йигит типирчилаб қолади. Мумкин қадар қизнинг дилини оғритиб қўймасликка, унинг ҳар қандай хоҳиш-истагини қондиришга ҳаракат қилади. Кейин мабодо уйланиш нияти бўлмаса ёки уйланишига халақит берадиган бирор нима чиқса, амал-тақал қилиб қочиб қолади. Албатта, номардлари шундай тубанликка юз тутди. Мардлари эса севгиси йўлида ҳеч нимадан қайтмайди. Дилноза эса ўша бадбахтнинг измига тушиб қолибди. Бечоранинг қўрқаётганлиги кўриниб турибди. Агар ўша бола ташлаб кетадиган бўлса, ўз ёғига қовурилади-қолади.

— Сиз унга совчи юборинг демаяпсизми? Ишончингиз учун белги қилиб қўйса, ундан кейин қўрқмасдингиз-да ҳеч нарсдан, — деди Паризод мумкин қадар босиқлик билан.

— Бир марта айтгандим, ҳали тўйга эрта, ўқимоқчиман, деди-да.

— Шу атрофнинг боласими?

— Қўшни қишлоқдан, отаси магазинчи. Ўзининг оти Феруз.

— Тушунарли. Майлими, у билан бир гаплашиб кўрсам,

ҳар қалай, синардик-да.

— Синаганда-синамаганда энди қаергаям борардим? Барибир, уники бўламан-ку.

«Ҳа-а, уники бўласан, агар у сенга уйланса. Уйланмаса-чи, унда додингни кимга айтасан, қизгина?» дея хаёлидан ўтказди Паризод.

— Бахтли бўлинг, Дилноз. У сизни, сиз уни жудаям қаттиқ севишингиз кўриниб турибди.

Паризоднинг бу гапидан сўнг Дилнозанинг юзида ним табассум пайдо бўлди.

— Мабодо бирор нима чиқиб қолса, биргаликда ҳал қилайлик, майлими?

Дилноза унинг нима деяётганини англамади. Шунинг учун бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

Паризод ота-онаси ўтирган хонага қайтиб борди. Борди-ю, ҳайратдан кўзи каттариб кетди. Соғи қолмабди. Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам ғирт маст. Бари баравар гапиряпти, баравар эшитяпти, хохолаб куляпти. Бўлмаса, Дилноза эндигина биринчи овқатни берган эди. Ҳалитдан шундай бўлса, демак, дадаси билан аяси аниқ шу ерда қолиб кетади.

У изига қайтди. Дилноза хаёлга берилганча иккинчи овқатни сузишга тайёргарлик кўраётган экан.

— Дилноз, шарт эмас, — дея қизни тўхтатди Паризод.

— Нега? — ажабланди Дилноза.

— Маст бўлиб қолишибди, дугона. Агар ҳозир уларни кетишга мажбур қилмасам, қолиб кетишади. Эртага дадам ишга боради. Аям ҳам бозорга ўтиб келишим керак, деяётганди.

— Аям мени уришади. Озгина-озгина сузиб борайин. Кейин бир гап бўлар. Лекин қолсаларинг, яна яхши. Иккаламиз гаплашиб ётардик.

— Боя укаларингиз кириб-чиқиб юришганди. Ҳозир овқатни уларга беринг. Мен унгача меҳмонларингизни кетишга ундаб кўраман. Аянгизгаям ўзим тушунтираман, — деди Паризод ва шартта ортига ўгирилди.

Шу пайт унинг қулоғига хуштак овози эшитилди. Тўхтаб, Дилнозага қаради. У пушти рангда эди. «Бечора, жудаям содда қиз экан» хаёлидан ўтказди Паризод.

— Келдими? — жилмайди Паризод.

— Шундайга ўхшайди... — жавоб берди Дилноза.

— Унда сиз боринг. Мен анави етими-саккизда ўқийдиган синглингиз билан бирга овқат сузаман.

— Боя синайлик, деган гапингизни ҳалидан бери ўйлаётгандим. Айни вақти. Менинг ўрнимга бир учрашиб кўрмайсизми?

— Қўйинг, яна бир гап чиқмасин. Яхшиси, ўзингиз боринг. Лекин тезроқ қайтинг, аянгиз сўраб қолиши мумкин.

— Илтимос, йўқ деманг. Нимагадир уни билгим келяпти. Майлими? — дея ялинди Дилноза.

Паризоднинг ўзида қизиқиш бор эди. Шу боисдан унинг яна илтимос қилишига ҳожат қолдирмади.

— Бўпти, яхши қиз, лекин рашк қила кўрманг. Бунга сира ҳожат йўқ. Хўпми? — деди.

Паризод кетди. Ташқарига чиққанида, ҳуштак яна икки марта такрорланди. Қиз ҳуштак чалинган томонга йўл олди. Бирпасда етди. Аввал ўтган йили экилган дарахт-чалар қимирлади, кейин уларнинг орасидан бир йигит чиқиб келди.

— Дилноза, келганимга минг соат бўп кетди. Бунча чиқишинг қийин? Агар яна бир минут кечикканингда кетворардим!

Дағдаға аралаш айтилган гапга Паризоднинг шу заҳоти жаҳли чиқди. Бироқ индамади, юришда давом этди.

— Жоним, тез кел. Роса соғинганман. Худди кечагидай бўлади. Ўзиям жонимни оласан.

Паризод тишини тишига босди. Яна юрди. Йигит қўлини олдинга чўзди. Худдики қиз тўғри унинг кучоғига кирадигандай.

— Сал шошмаяпсизми? — дея кесатди қиз.

Йигит шу заҳоти қўлини туширди.

— Кимсиз? Дилноз қани? — деди бирдан ҳовлиқиб.

— Унинг ўрнига мен келдим. Бўлмайдими?

Ферузнинг култ этказиб ютингани Паризодга эшитилди. У ичида кулди.

— Ҳалиги... у нимага келмади? — сўради йигит.

— Сизга нима фарқи бор?

— Фарқи йўғ-у, лекин энди сўрадим-да...

— Шунақами? Қойил. Қандай қизнинг ёнингизга ке-

лишининг сизга мутлақо фарқи йўқ экан-да.

— Мен ундай демоқчимасидим... Шошма, ўзинг кимсан?

Паризод кўлди. Олдинга бир қадам босиб, Ферузга янада яқинлашди. Шунда қиздан таралаётган хушбўй атир ҳиди йигитнинг юзига урилди. Уни қандайдир ҳаяжон босди. Лабини тишлади. Дилнозанинг ўрнига келган қизни бирдан қучоқлаб олгиси келди.

— Менми? Мен сиз чалган ҳуштакни бошқалардан олдин эшитиб, бошқаларнинг кўзини шамғалатиб, учрашувга чиққан қизман, — деди Паризод.

Ферузнинг юраги янада тапир-тупир уришга тушиб кетди. У энди ўзини босолмайдиган даражада эди-ю, аммо қандайдир куч тўхтатиб турарди.

— Шуниси сизга маъқул эмасми? — сўради Паризод.

— Маъқул... — жавоб берди Феруз зўрға.

— Дилноза-чи?

— Дилноза?.. Дилноза шунчаки эрмак эди. Эрмак қилиб юрувдим уни...

Паризоднинг ҳар доимгидан-да ғазаби жўшди, довдираётган йигитнинг ёнига янада яқин келди-да, қулочкашлаб юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Номард! Ит! Ҳали бир бечора содда қизнинг ҳаёти сенга эрмак бўлиб қолдими?!

Феруз кутилмаганда юзига теккан тарсакидан саросимага тушди. Ортига тисарилди. Сўкинмоққа оғиз жуфтлади-ю, кеч қолди.

— Мен сени эртагаёқ милицияга бераман! Биласанми, зўрлаш учун неча йил қамоқда ўтиришингни?! Биласанми, деб сўраяпман сен итдан?!

Милициянинг тилга олиниши Ферузнинг юрагини ўйнатиб юборди. Фақат буниси бошқача бўлди. Фақат буниси қўрқувли эди. У Дилноза билан энг яқин муносабатга кирганида, отаси эсига тушганди. Ўшандаям қўрққанидан ичидан зил кетган, кейин дарров «Отанининг пули кўп. Бундай ишларни дарров ёпти-ёпти қилиб ташлайди. Ўзи айтган, бизнинг қўлимиз анча узун. Районда унча-мунчаси олдимизни кесиб ўтолмайди» дея ўйлаган ҳамда хўнг-хўнг йиғлаётган бечора қизнинг сочини номига силаб: «Одамни хит қилма. Мен гапида

турадиган, қилган ишига жавоб берадиган боламан», деганди.

Ҳозир ҳам унинг хаёлига отаси келди ва дарров қўрқувни қувиб, мийиғида илжайди-да:

— Мелисанг ким бўпти? Тўрт сўм ташласам, ўзингни айбдор қилиб ташлайди! — деди.

— Сен ҳали пулингга ишоняпсанми?! Билиб қўй, одамларнинг ҳақини ўмариб, бойвачча бўлган магазинчи отангни сенга қўшиб қаматиб юбориш қў-лимдан келади! Сен ит Дилнозанинг ҳеч кими йўқ, бемалол ўйнатаман, деб ўйлаганмидинг? Чучварани хом санабсан! Мен прокурорнинг қизиман. Дадам Дилнозанинг отаси билан ёшлигидан жўра. Шундай экан, эртагаёқ совчи юбормасанг, бошингга итнинг кунини соламан! Гапимни тушундингми, мараз?!

Ферузнинг юзидан ўт чиқиб кетди. У нима деярини билмай, турган жойида қотиб қолди.

— Энди жўна! Совчинг эртага келмаса, менинг формали «совчиларим» сеникига боради.

Феруз орқачасига юрди. Сал нарироққа етганида, оёғи бир нимага урилиб, гурс этиб йиқилди. Унинг кетаётганини кузатиб турган Паризод сал бўлмаса «пиқ» этиб кулиб юбораёзди. У энди пешонасидаги терни артаётганида, кимнингдир йиғлаётганини эшитиб қолди. Дарров фаҳмлади: Дилноза. Бечора қиз унинг ортидан изма-из келган ва ҳамма гапни эшитган эди. Паризод тез юриб Дилнозанинг ёнига борди ва чўк тушганча кафти билан юзини бекитиб, алам, изтироб исканжасида йиғлаётган қизнинг бошидан қучди-да:

— Тисс, жоним! Ҳаммаси изига тушиб кетади. Биз унинг шохини қайириб қўямиз. Ўзини осмон чоғлаб юрган бўлса, адашибди. Бўлди-бўлди... — дея юзидан ўпиб қўйди.

Дилноза Паризодни маҳкам кучоқлади. Баттар ўкинди. Ўша ифатидан айрилган тундан бери ичи заққумга тўлиб кетганди. Дардини кимга айтишни, кимдан нажот олишни билмай, хонумони куйиб юрганди. Қўрққанидан ҳаммага ўзини хушчақчақ кўрсатишга, ота-онасининг кўзига камроқ кўринишга ҳаракат қилиб юрарди. Мана энди уни тушунадиган, унга ёрдам бера оладиган, ҳамсухбат

бўладиган инсон топилди. Энди унинг бағрига бошини қўйиши, хоҳлаганча дардини айтиши мумкин.

— Отам билиб қолса, тириклайин гўрга тиқади! Отам оғир одам, лекин бир қизиса, кейин совиши қийин. Нима қиламан энди, Паризод? Феруздан умидим катта эди. Лекин унинг гапларини эшитганимдан кейин кўзимга дунё қоронғи кўриниб кетди. Бундай шармандаликдан қутулишнинг биргина йўли бор: ўзимни ўлдириш! — деди Дилноза йиғлаш асносида.

— Йўқ! — деди Паризод бирдан қатъий. — Бу гапни хаёлингизга келтирманг! Ўлганингиз билан ҳеч нима ўзгармайди. Кечирасиз-у, одам деёлмайман уни. Ҳайвон! Қилғиликни қилиб, жазосиз ялло қилиб юрадими?! Ҳеч қачон, ҳеч қачон бундай бўлмайди! Эртага совчиси келмаса, ана ундан кейин мен унга кўрсатаман! Сиз сира хавотир олманг.

— Паризод, сиз бўлмаганингизда нима қилардим? Яхшиям, бугун бизникига келганингиз, иккаламиз қадрдонлашиб қолганимиз, бўлмаса, ўзимни аниқ бир бало қилиб кўярдим.

— Айтдим-ку, ҳаммаси жойида бўлади, деб. Балки, у ҳам синамоқчи бўлгандир. Энди кетдик. Шошманг, иккинчи овқатни бердингизми?

— Йўқ. Синглимга тайинлагандим.

— Унда бизни қидириб қолишгандир. Юринг, — дея Паризод Дилнозанинг кўлидан ушлаб, ўрнидан турғазди.

Толмас Бадриддинович қизи қайтиб келганида, хуррак отиб ухламоқда эди. Икки аёл эса ҳамон гаплашишар, улар на раисга ва на мудраб ўтирган Тўлқин акага эътибор беришарди.

— Қаерда қолиб кетдинг? — деди Насима уйга кирган қизига бирров кўз қирини ташлаб қўйиб.

— Дилноза билан гаплашиб ўтирдик. Кетамизми? Вақт ҳам алламаҳал бўп қолди, — дея норози қиёфада онасига боқди Паризод.

— Ҳа-а, айтганча, дугон, эртага қиладиган ишларим бир дунё. Бизга рухсат берсаларинг, кетсак, — дея суҳбатдошига жилмайди Насима опа.

— Ҳали эрта-ку, овқатниям емадиларинг, Толмас ака...

— Йўқ, — дея дугонасининг гапини бўлди Насима, —

овқатни ҳаддан зиёд еб қўйдик, сизга каттакон раҳмат, роса маза қилдим. Дадаси, туринг, вақт алламаҳал бўп қолди, кетамиз.

Шу қисқа муддатли уйқу Толмас Бадриддиновичнинг кайфини бутунлай тарқатиб юборгандай эди. У кўзини очди-ю: «Кетамизми? Ҳа-а, кеч бўп кетди, бормасак бўлмайди», деди мезбонга.

Йўлда кета-кетгунча Насиманинг жағи тинмади.

— Қўполсиз, бундай маданият нималигиниям билмай-сиз. Ичдингиз, хуррак отиб ухладингиз. Сиз билан бирга бирор жойга бориб бўлмайдиган бўп қопти. Одам ҳам шунақа бўладими? Раис деган номингиз бор. Ҳеч бўлмаганда, шу амалингизни ҳурмат қилсангиз бўларди. Сизнинг дастингиздан қизингиз ярим соат ҳам биз билан бирга ўтиролмади...

Охири Толмас Бадриддинович чидолмади:

— Ҳе, хотин, овозингни ўчирсанг, ўчир, бўлмаса, бир урама-ан, деразадан учиб чиқиб кетасан! — деди ўшқириб.

Ана шундан кейингина Насиманинг жағи тинди. Бироқ энди у пиқиллаб йиғлай бошлаган эди.

— Ая, — деди энди бунисига чидолмаган Паризод, — бўлди-да энди! Дадам сизга чарчаганман, бошқа пайти борайлик, деб неча марта айтди. Лекин сиз қулоқ солмадингиз. Мана, нима бўлди охири?

— Сен ўчир овозингни! Ўзи қачондан бери ақл ўргатадиган бўп қолдинг?! — деб бирдан қизига бақириб юборди Насима.

Кейин баттар ўкириб йиғлади. Айтдики: «Мени одам қаторидан чиқариб юборгансизлар! Ҳеч кимга керагим йўқ менинг. Илгари фақат эрим дўқ-пўписа қилган бўлса, энди унинг қаторига болалариям қўшилган. Бундай яшагандан қўра, ўлганим афзал!..»

Бу сафар на ота ва на қиз бирон нима деди. Иккиси ҳам мум тишлаганча кетаверди. Уйга яқин қолгандагина Насиманинг овози ўчди. Бунинг ўрнига бир-икки марта хўрсиниб қўйди.

Толмас Бадриддинович «Виллис»дан тушиб, дарвозани очди. Машинани ҳовлига киргизиб қўйди. Сўнг оғир-оғир қадам ташлаб ухлаш учун хонаси томонга кетаётга-

нида, кимдир орқадан келиб, бир қўли билан сочидан гижимлади, иккинчи қўлидаги пичоқни эса томоғига тиради.

— Кимсан? — деди раис хириллаб.

— Сенинг ажалингман! Овозингни баландлатма, нима сўрасам, жавоб берасан! Бошқа пайт миқ этмайсан, уқдингми?! Энди секин юр. Боя ўтиб кетганлар қизинг билан хотинингми?

Толмас Бадриддинович бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Янаям яхши. Қайси уйингга одам кам киради?

— Меҳмонхонага.

— Биз уч кишимиз. Ўша ерга олиб кир!

Толмас Бадриддиновичнинг итоат этишдан ўзга иложи йўқ эди. У зўравонни меҳмонхонага бошлаб борди. Бемаврид келганлар тинчгина уйга кирволганларидан сўнг чироқни ёқишди. Раиснинг томоғига тиралган пичоқ олиниб, ўзи тўрга итариб юборилди. Шундагина Толмас Бадриддинович чақирилмаган меҳмонларнинг афт-ангорини кўрди. Беихтиёр эти жимирлаб кетди.

— Қалай, раис? — деди соқолтой хунук иржайиб.

— Тушунмадим. Кимсизлар? Нега меникига келдинглар? — деди ранги бўздай оқариб кетган Толмас Бадриддинович.

— Ким бўлардик? Меҳмонмиз. Одатдагимас, сал бошқачароқ. Яъни хоҳлаган уйига кириб борадиган, хоҳлаган ишини қиладиган меҳмонмиз. Масалан, сенга дарвозангнинг нарёғида «Ака, илтимос, бир кечага жой беринг», деганимизда, бошпана берармидинг?

— Нимага бермасканман? Шу пайтгача ҳеч кимни норози қилмаганман.

— Йў-ў-қ, ҳеч кимни дема. Биз ёлғончиларни ёқтирмаймиз. Башарамизга қарардинг-да, итдай қувиб солардинг! Короче, гап кўпайиб кетди. Ҳозир хотининг билан қизингни бу ёққа олиб келасан!

— Нимага?! — деди титраб кетган Толмас Бадриддинович.

— Нимага бў-ларди? Хавфсизлик учун.

— Менинг ўзим сизлар билан бирга туравераман.

— Сен бўлмайсан. Борасан, оп келасан. Қани, юр, ит!

— дея соқолтой унинг гарданига яна пичоқ тиради.

Раис эшикдан чиқиб, аввал хотинини, кейин қизини чақирди. Насима эрининг овозини эшитиб, афти бужмайди. Паризод ҳайрон бўлди. Иккиси-да ҳали кийимларини алмаштиришга улгурмаганди. Эшик томон юришди. Эшикни очганлари заҳоти кўрқувдан юраклари товлонларига тушиб кетди.

— Агар биттангнинг овозинг чиқадиган бўлса, учовингням қонингга белаб ташлаймиз! — деди Паризодни кўрган заҳоти ишрат илинжи миясига урилиб, вужуди жунбишга келган соқолтой.

Толмас Бадриддинович турган жойидан бир сапчиб тушди. У ғазаб билан соқолтойга тикиларкан:

— Шу йўл билан бирон нимага эришмоқчи бўлсанг, адашасан! Менинг оиламдагиларнинг қони тўкилиши тугул, бошидан бир тола сочи камайса, итнинг кунини бошларингга соламан! — деди.

— Наҳотки! — дея кўзини олайтирди соқолтой. — Даҳшат-ку! Бунақасини учратмагандим! Бўпти, гап бўлиши мумкинмас, ҳурматли раис, биз қон ҳам, соч ҳам тўкмаймиз! Биз оламыз, бошқа нарсани оламыз! Кейин манави, — дея у Паризоднинг ёнига бориб, иягидан тутиб кўтарди, — санамни бизга беришга мажбур бўласан. Чунки сендай районнинг обрўли раиси шармандаликни кўтариб юролмайди-да...

Толмас Бадриддиновичнинг жони чиқиб кетаёзди. У соқолтойни бўғизлаб ташламоқчидек ҳаракатланди. Бироқ соқолтойнинг иккита гумаштаси уни ушлаб қолиш билан бирга қорнига икки-уч мушт туширишди. Инқиллаган хонадон эркаги тиззалаб қолди. Уни судраб хонасига олиб киришди. Ортидан ранги-қути ўчган, лабларини тишлаганча унсиз йиғлаётган она-бола ҳам эргашди.

— Агар, — деди соқолтой Толмас Бадриддиновичнинг ёқасидан ушлаб, — қилиқ кўрсатадиган бўлсанг, аяб ўтирмайман! Аввало, ўзинг, кейин хотининг билан қизингни бир ёқли қиламан! Гап шу: қизинг бизнинг ёнимизда қолади. Гаров сифатида. Ҳар қандай ортиқча ҳаракатинг унинг бадном бўлиши билан тугайди. Мен эркакман, пасткашлик қилмайман. Шундай экан, эркатойингдан ҳавотир олмасанг ҳам бўлаверади. Фақат гапимдан чиқа

кўрма. Энди эр-хотин боринглар-да, бизга нон-чай олиб келинглар, ароқ, закуска эсдан чиқмасин.

Толмас Бадриддинович бошига биров тўқмоқ билан ургандай, гарангсиб қолди. У беихтиёр йиғлаб юборди. Чорасизликдан, гулдай авайлаб-асраб келаётган жигарпорасини бундай аҳволда қолдираётганидан алами келди ва бу сўхтаси совуқлар Паризодни бирон нима қилиб қўймасин деб, ошхона томон илдам юрди. Хотинига ишларни буюриб, ўзи кичикроқ пичоқ қидирди. Топди. Кейин тигни почасига қистирди. Туфлисини ечмаганди. Ана шуниси қўл келди. Пичоқнинг борлиги билинмайди.

Толмас Бадриддинович музлаткични очиб, ароқ билан колбаса олди. Колбасани тезликда парраклаб, ликопчага терди. Сўнг тўртта пиёла билан ичимлигу газакни кўтариб, чақирилмаган меҳмонлар ўтирган хонага борди. Шошиб, юраги ҳаприқиб, бир дақиқа кечга қоладиган бўлса, қизидан айрилиб қоладигандек чўчиб борди. Ҳартугул, барзангилар Паризодга тегинишмабди. У уй тўрида деворга суянганча қунишиб ўтирарди.

— Эркак бўлсанглар, мен ҳам эркакман! — деб қўлидагиларни уйнинг ўртасига, гилам устига қўйди раис. — Ким бўлишингдан, қандайлигингдан қатъи назар, менинг уйимдасан. Бу уйда сотқинлик бўлиши мумкин эмас. Ўзим сизлар билан бирга ўтираман. Ҳеч қаерга қимирламайман. Лекин қизим бу уйдан чиқади. Бориб аясига ёрдам беради.

— Н-нима?! — деди чўтир башарасини тириштириб.

Соқолтой шеригига ўқрайди.

— Сен маишатинг учун ҳамма нарсангдан воз кечворишинг мумкин, лекин бу одам ундай қилмайди. Бўпти, қизинг чиқиб кетаверсин, лекин ҳалиги гапим гап.

— Мардга мардман, — деди Толмас Бадриддинович ва Паризодга бўйнини чўзиб қаради. — Бор, қизим, аянгга қараш...

Ўзи эса шу заҳоти шишани очиб, пиёлаларга тўлдириб-тўлдириб ароқ қуйди. Шу бир қуйишнинг ўзида бир шиша ароқ тугади.

— Қани, яхшилик бўлсин, — дея ўзи пиёласини ҳаммадан аввал қўлига олди-да, бир кўтаришда ҳаммасини ичиб юборди.

Кейин пуфлаб кўйиб, колбаса паррагидан биттасини оғзига солиб, чайнай бошлади. Ундан кейин соқолтой ичди. У газак қилмади. Шунчаки енгини ҳидлаб кўйиб:

— Менга закуска керакмас, кўйлагим минг йилдан бери ювилмайди. Сасиб кетган. Шу сассиғи биз учун газак-да, — деди.

Шу пайт эшик очилиб, Насима қўлида дастурхон билан кириб келди.

— Менга бер, ўзинг жиз-бизингни тезлат. Ҳа-а, музлаткичдаги ароқниям оп ке, — деди Толмас Бадриддинович хотинига.

— Бизни маст қилиб, кейин ўзинг бориб ментларнинг эшигини тақиллатмоқчимисан? — дея соқолтой чўнтагидан сигарета олди.

— Шунақами? Ишонмадинглар-а? Бўпти, гап бўлиши мумкинмас! Биттанг ичма. Агар мен қимирлайдиган бўлсам, бўғзимга пичоқ тортасан. Эй-й, номард бошнинг боридан йўғи афзал. Бу, биринчидан. Иккинчидан, ҳеч қайсинг ичмасанг ҳам розиман. Бир ўзим ичаман. Уйга келгунимча ичгандим. Ҳозир зўр кайфим бор. Яна ичман.

Соқолтой, дарвоқе, унинг ҳақиқий исмини айтмадику. Демак, соқолтой. Унга туғилганида ота-онаси Дамир дея исм кўйишган. Жанжалкашлиги, бузгунчилиги боис ёшлигидан «Ишқал» деган лақабни ўзига ёпиштириб олган ва бу лақаб ҳали-ҳануз у билан бирга юрибди. Унинг бир шериги Чўтир. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада Саттор деган ёзув турибди. Қамалгач, юзини ҳаддан зиёд хуснбузар босиб, ўрни ўйдим-чуқур бўлиб қолди ва «Чўтир» деган тамға пешонасига босилди. Учинчи шерикнинг лақаби Тўнғиз. Лекин уни илгари Бахтиёр деб чақирарди. Мана, учала қочқин билан ҳам мумкин қадар танишиб олдик.

Ишқалнинг ичиди, барибир, гумон бор эди. Шунга қарамай, раиснинг навбатдаги ароқ олиб келишни буюрганига эътироз билдирмади. Толмас Бадриддинович ошхонага кирганида, Насимага музлаткичдаги думбадан кесиб, ликопчага териб, иккинчи шишани айтиши билан олиб киришни тайинлаганди.

Зўравонлар думба ёғига қўл чўзишмади. Толмас Бад-

риддинович эса унинг ҳар бир бўлагини иштаҳа билан еди. Яна нон аралаштирмади. Шундай ўзини еди, токи манави гўрсўхталарнинг иштаҳалари бузилсин. Яна орачора: «Қани, олинглар, ризқда, насибада, кўриниб турибди. Тўкин дастурхон атрофида ўтирмаганларингга анча бўп кетган. Тушунаман, тушунаман. Катта-катта енглар, бўлмаса, маст бўп қоласизлар», деб қўярди. Шу гапларининг ўзиёқ унинг муштумзўрлардан устунлигини кўрсата бошлади. Аввал Чўтир қийшайди, кейин Тўнғиз думалади. Охири соқолтой Дамирнинг ҳам кўзи сузилиб кетарди. Толмас Бадриддинович эса сира қилт этмаётган эди. Сабаби, қўй думбаси унинг ошқозонини тўла ёғлаб ташлаганидан ичилаётган ароқ мутлақо тасир қилмаётганди. Маст бўлмасликнинг шунақанги йўлини Дамир ҳам яхши биларди, аммо кўнгли қўймади. Пешонасида биров ўтириб олиб: «Ошна, ич, яна бунақанги тўкин дастурхонни кўрасанми-йўқми? Бу ёғи изма-из қувиб келишаётган бўлишса, манзилингга етишинг ҳам катта сўроқ остида турибди. Ич, бир яйра, бир ичингдаги ғуборларни юв», деяётгандай эди.

Қараса, аҳвол чатоқ: бу аҳволда яна ярим соат ўтар ўтмас тиниб қолади.

— Бўлди, раис! — деди иккала қўлини ҳам юқорига кўтариб, сузилиб Толмас Бадриддиновичга қараркан. — Биз пас. Ўтираверганимиздан орқамизни зах олдириб қўйибмиз.

— Шундайми? Оббо! Энди иштаҳа очилганди-да! Майли. Эй-й, айтгандай, бунинг осон йўли бор. Туринг, ошна! — деди Толмас Бадриддинович ва ўзи ҳам ўрнидан турди-да, Ишқалнинг қўлидан ушлади.

— Шу шартмикан, жойимда ўтираверганим яхшимас-миди?

— Яхшимас-да. Биз сиз билан ҳали тонг отгунича маишат қиламиз. Кайф-сафо нима эканлигини бир кўрсатайин, дейман-да...

Ишқал тураётиб, сал бўлмаса, йиқилиб тушаёзди. Бахтига раис уни ушлаб қолди. Сўнг суяб, ташқарига етаклади. Ҳовлига олиб чиқди. Кейин ўзи томонга ўтириб:

— Ҳов, ит, мен сенга номардлик қилмайман! Бировга сени сотмайман, дегандим, тўғрими?! — деди.

— Ҳа-а, — дея бошини қимирлатди Дамир.

— Мени Толмас дейдилар. Ваъдамда тураман, лекин ҳақорат қилганинг учун ҳақингни бермасдан, иложим йўқ!

У қулочкашлаб, Ишқалнинг башарасига бор кучи билан шунақанги қаттиқ урдики, Дамир шўрлик мувозанатини йўқотиб, гурсиллаганча ерга йиқилди.

Шу пайт ичкаридан Паризод ташқарига югуриб чиқди:

— Ота-а! — деди бақириб.

— Қизим, кўзим очиқ экан, сени бировга хафа қилдириб қўймайман!

У Ишқалнинг қорнига кетма-кет тепа бошлади. Дамир узум куртидай ҳар зарба текканида ғужанак бўлиб олар, шу билан ўзини ҳимоя қилган бўларди. Аммо мастлиги, барибир, панд бераверди.

Паризод кўрқди. Ичкаридагилардан бирортаси чиқиб қолса-ю, отасига ташланса, бечора падарининг бир ўзи буларга бас келолмайди-ку!

Қиз шу фикрда югурганча қўшнилариликка кетди. Бир зумда ён-атрофдаги ҳамсояларни айтиб келди. Уларга «Уйимизни босқинчилар босишди! Ёрдам беринглар!» деди. Кейин уйи томон чопди. Телефонга ёпишди. «02» рақамини терди. Гўшакни олган кишига воқеани айтиб, эндигина қаддини ростлаган ҳам эдики, биров орқасидан бўйни билан елкаси аралаш мушт туширди. Паризод бақаришга-да улгурмай, кўзи тиниб, ёнига ағнади.

Биз юқорида Чўтирнинг маст бўлиб қолганини айтган эдик. Аслида, у маст эмасди. Кайфи яхши эди, бироқ маст эмасди. Ўзини мастликка солди. Шу баҳонада бироз дам олмоқчи бўлди. Чунки қочиш, йўл азоби унинг тинка-мадорини қуритганди. Толмас Бадриддинович Ишқални ташқарига олиб чиқиши билан ўрнидан сапчиб турди-да, ўйлади. «Ҳозир бир бало бўлади. Падарингга лаънати, Ишқал, сенинг гапинга кирган одам ҳаром ўлади! Ичкиликка режамизни алмаштириб юбординг-а! Тупурдим сенга. Ҳаммасини ўзим қиламан. Ўлжаниям ҳаммаси ўзимга бўлади».

У воқеа ривожини кутди. Соҳибжамол югуриб, қаёққадир кетганини кўрди-ю, қайтганини илғамай қолди. Дамирнинг калтакланаётганини томоша қилишга бери-

либ кетибди. Фақатгина қизнинг телефонда гаплашаётганини эшитганидан сўнг ўзига келди. «Падарингга лаънат!» деб эшикдан ташқарига чиқди-да, гўшакни қўяётган Паризодга орқа томондан яқинлашиб, мушт солди.

Қўшнилар шовқин сола бошлаганида, у орқа деразадан ошиб тушди. Бундан олдин деразадан пастга асирасини туширди, кейин ундан қўлини олмаган кўйи ўзи тушди. Кейин қизни елкасига ортмоқлаб, кўча томонга йўл олди. Бир муддатдан кейин у пахта даласида пайдо бўлди.

* * *

Учинчи босқинчи топилмагач, Толмас Бадриддинович бақириб юборди. Чунки у билан бирга қизи ҳам йўқ эди-да.

Аввал ён-атрофдаги қўни-қўшнилар, кейин ярим қишлоқ аҳли учинчи босқинчини қидиришга тушиб кетишди. Лекин ҳеч қаердан топишолмади. Шунда ҳам қидирув давом этди. Ярим соатлардан кейин етиб келган милиция ходимлари ҳам уларга қўшилди. Бироқ натижа йўқ: босқинчи сувга чўкиб кетгандай ғойиб бўлган эди.

Тонг отди. Милиционерлар сони ошиб кетди. Бешолти ит келтирилди. Ҳамма ёқнинг авра-астарини чиқариб ташлашди. Лекин, қани энди, Паризод топилса.

Чошгоҳга яқин Толмас Бадриддиновичнинг мазаси қочди. У юрагини ушлаганча йиқилди. Уни касалхонага олиб кетишди ва ўз-ўзидан Ҳайбатулло қисқа муддатга бўлса-да, колхозда хўжайин бўлиб олди. Дарров раиснинг машинасига ўтирди. Ҳайдовчини ҳайдаб солди. Унинг ўрнига Элёрни ўтқазди. Буларнинг бари содир бўлгунча кун пешиндан ўтиб кетди.

— Жудаям чуқурга кириб кетмадингми? — деди воқеа тўғрисида тўла ахборот бериш учун кетаётганларида Элёрга.

— Билмадим... Лекин мен Пардадан бўлакка ҳеч нима буюртма қилмагандим.

— Ўз-ўзидан ишимиз осонлашиб кетганга ўхшайди. Қиз топилмаса, Толмас тамом бўлади. Касалхонадан тирик чиқмайди у. Лекин Пардаям тирик юрмаслиги керак. Ҳозирча ментлар унга эътибор беришмаяпти. Мабо-до ушлашса, булбулигўё бўлиб сайраб юбориши мумкин.

— Қизталоқ мени роса туширди! Еган-ичганига пул тўлаганимдан ташқари, чўнтагимдаги ҳамма пулни супуриб кетибди. Каззобдан ошна чиқмайди, деб рост айтишган экан-да.

Ҳайбатулло кулди. «Ўзингнинг каззобдан нима фарқинг қолди? Худо кўрсатмасин-у, менга, қизим шўрликнинг бошига не кунларни соласан, Худо билади?» дея кўнглидан ўтказди.

Бу маҳалда Элёр жўшиб гапирарди. Пардани ундай қилади, бундай қилади. Унга қўшиб, Маъруфниям йўқ қилиб ташлайди.

«Худди ўзим, Толмасни мен ҳам шундай аҳволга туширишни қанча хоҳладим. Лекин, барибир, қаерлардир қўрқоқлик қилавердим. Менимча, қўрқоқ эмас, ақлли бўлсам керак. Яъни аста-секинлик билан томир отиб, атрофимга одам йиғдим. Обрўйимни оширдим ва қулай пайт келишини кутдим. Мана, шу лаҳзалар келганга ўхшайди. Яна бир зарба ва Толмас йўқ. Қарабсизки, Ҳайбатулло — колхознинг раиси».

У хаёлидан ўтказганларидан мамнун бўлди ва шундай кайфиятда райком идораси ёнида машинадан тушди.

* * *

Маъруф раиснинг ҳайдовчиси билан яхшилаб гаплашиб олмоқчийди, лекин улгурмади. У тезда ортига қайтиб кетди. Кейин ҳамқишлоғини учратиб қолди. Барака топгур, куппа-кундузи колхознинг бедасидан бир этак ўриб, орқалаб келаётган экан. Маъруфнинг ёнига етганида «Уф-ф» деганча дами чиқиб, юкини ерга ташлаб, устига ўтирди. Шимининг чўнтагидан носқовоғини олди. Бир чимдим носни тилининг тагига ташлаб, афтини буриштириб олди-да:

— Башаранг бузилиб кетибди-ку, Маъруф! — деди.

Маъруфнинг асаби бузилди.

— Сенга нима?! — дея ўқрайди.

— Менга-ку ҳеч нима, лекин бу аҳволда кўчада юрганга қара. Майли, айтганча, сени мелиса излаб келмадимми? — деб ҳамқишлоғи терлаган бурнини енгига артди.

— Мелиса мени нима қилади?

— Хабаринг йўққа ўхшайди, — дея гўлдиради беда

ўғриси.

— Нимадан? — ҳайрон бўлди Маъруф.

— Сенинг кечаги магазин ёнидаги жанжалинг бутун кишлоққа шов-шув бўп кетувди. Бир хиллар сени аҳмоқ ҳам деди. Тўғри-да, келиб-келиб нашаванд билан ёқалашасанми? Лекин бугунги гаплар кечагисини босиб кетди. Биласанми, раиснинг уйига... — деб ҳамқишлоқ ён-атрофига худди кимдир эшитса, нимадир бўладигандай «Биров эшитмаяптимики?» деган хавотирда қараб қўйиб, гапида давом этди: — Турмадан қочганлар бостириб киришибди. Улар уч киши экан. Аввал раис билан роса ошначилик қилишибди. Бундан чиқди, бостириб киришмаган бўлишса керак. Бунисини раиснинг ўзи ўйлаб топган-да. Хуллас, Толмас ака учовини роса ичирибди. Маст қилиб ташлабди. Кейин каттасини ташқарига олиб чиқиб, роса ураётганида, қизталоқларнинг биттаси раиснинг қизини шумо қилиб кетибди.

Маъруфнинг кўз ўнгида оппоққина, нозиккина, ширин табассумли Паризод пайдо бўлди.

— Маст қилиб ташлабди, дединг-ку, қандай ўғирлайди? — дея Маъруф ҳамсуҳбатига ишонқирамай тикилди.

— Биттаси маст бўлмаганми ёки ўзини мастликка солганми, ишқилиб, шундай бўлибди.

— Унда нега шеригини уришига йўл қўяди?

— Мен қаердан билай? Эшитганимни айтяпман. Шундаям сен тўғрингдаги шов-шувлар эсимга тушиб, аввалги отангни қабрдан қазиб олганингдай, одамларнинг оғзида бўлмаганингни айтмоқчи бўлганим учун сенга гапирдим. Лекин-чи икки-уч марта раиснинг қизини кўрганман, шунақанги офатижонки...

Маъруф тишини тишига босди. Чидади.

— Менимча, — давом этди ҳамсуҳбат, — Толмас Бадриддинович қизини тополмайди. Топсам, у энди бошқача бўлади. Узумнинг зўрини ит ейди доим, деб бекорга айтишмаган экан-да... Ҳа-а, нега безрайиб қолдинг? Ёки шу қиз билан...

Маъруф бундан бу ёғига жаҳлини яшириб туролмади.

— Бунча сайрадинг! Бировнинг бошига ташвиш тушса, сен маза қиласан-а. Мен раис билан бирга ишлайман. Шунинг учун унга ачиняпман. Бор, тошингни тер!

Бўлмаса беда бригадир кеп қолиб, терингни шилиб олади! — дея ортига бурилди-да, тез-тез қадам ташлаб, уйига кетди.

Борса, Наргиз кетмабди. Олманинг остида синглиси билан берилиб гаплашиб ўтирибди. У Маъруфни кўриши билан жилмайди. Йигитнинг энсаси қотди. Индамай уларнинг ёнидан ўтиб кетди-да, уйига кирди. Ўтиролмади. Кўз ўнгида Паризод намоён бўлаверди. У қандайдир азобланаётгандек, ёрдам сўраётгандай бўлаверди. «Мен боришим керак, топишим керак уни. Эртароқ. Агар бугундан қолса, Паризод абгор бўлади. Кейин, балки, яшашдан ҳам воз кечар».

У шундай ўйлар билан уйдан чиқди. Ҳартугул, Наргиза кетибди. Ҳовлида кеч бўлишини кутиб, у ёқдан-бу ёққа юрди. Аммо вақт шунақанги имиллаб ўтардики, юраги сиқилиб ёрилгудай бўларди. Охири чидолмай, кунни кеч қилиш учун у-бу ишга уннади. Бориб сигирларнинг остини тозалади, емиш берди. Шундаям қуёш ботмади. Ўлганнинг устига тепган, дегандай иккита синфдоши келди. Ўтириш бор эмиш. Шу бугун экан. Маъруф бу аҳволда бормайман, деди. Йигитлар кўнишмади. «Ҳаммасини эшитдик. Сендан аччиқландик. Атрофингда шунча жўраларинг туриб, бирортасигаям айтмабсан. Бориб ўша онангни эмгур Парда нашаванднинг калласини узиб олардик. Аҳволингга ҳеч нима қилмаган. Юравер», дейишди.

— Йўқ, бормайман. Уйда зўрға юрибман-у, сенлар билан ўтира олармидим? Сизлар бораверинглар, — деди.

Жўралари шундан кейин ҳам кетишмади. Анча ўтиришди. Жанжални миридан сиригача сўрашди. Маъруф ҳеч нимани яширмади. Ҳаммасини айтди. Раис деган сўзни тилга олганидан эса мавзу бутунлай бошқа томонга бурилиб кетди. Синфдошлари уни гапиришдан тўхташиб, ўзлари эшитганлари хусусида оғизларини кўпиртириб сўзлашга тушиб кетишди. Маъруфнинг яна жони чиқди. У алам билан ошналарига билдирмай, бир неча марта ерга тупурди.

Маъруфни кўндиролмагач, бирор соат у ёқ-бу ёқдан гаплашган синфдошлар кетишди.

«Бир ҳисобдан уларнинг келганиям яхши бўлди. Вақтни ўтказиб олдим. Ана, қуёш ҳам ботяпти. Ҳализамон

ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлади-ю, мен йўлга тушаман. Яна бахтига отасини сабзи тўғрарга айтиб кетишди. Қишлоқнинг нариги бошидаги Эшим ака қизини узатаётган экан. Бунисиям унинг учун яхши бўлди. Бўлмаса, отаси: «Қаерга боряпсан, нега кетяпсан?» деб ҳоли-жонига қўймас, эҳтимолки, уйдан чиқармаслиги мумкин эди. Энасини эса алдаш осон. «Кўчага чиқиб айланиб келаман. Сиқилиб кетдим», дейди, тамом вассалом.

Шундай ҳам бўлди. У уйдан тўғри Парданикига йўл олди. Ҳали одамлар тўла уй-уйига кириб кетмаганди. Кўчанинг у ер-бу ерида Маъруф қишлоқдошларига дуч келди. Ҳаммаси аввал унинг қандай қилиб наشاءанд билан ўралашиб қолганини суриштиришар, сўнг дарров бу жанжални унутиб, раис ва унинг қизи тўғрисидаги мавзуга ўтишарди. Шундай қилиб, у Парданинг уйига етгунича камида икки соат вақт сарфлади. Худди аввалгидек олдин атрофни яхшилаб кузатди. Сўнг Парданинг уйи деразаси ёнига бориб, ичкарига кулоқ солди. Ҳар-ҳар замонда ғингшиш ва аллақандай инграшдан бўлак ҳеч вақо эшитмади. Шундан сўнг деразадан секин ичкарига мўралади ва шу тахлит бир муддат қотиб қолди. Парда хотиними, бир балосими, ишқилиб, уйда сақлаётган жувон билан шунақанги иш қилаётган эдики, уни айтишга тил, ёзишга қўл ожиз. Маъруф ирганди. Ўзини бироз четга олиб, қусиб юборишига сал қолди. Кейин ўйлади: «Ит итнинг ишини қилади. Йўқ, ит бечорада нима гуноҳ? Ит ҳеч қачон бунақанги пасткашликка бормайди. Ҳе-е, онангни!.. Одам деган номнинг ҳам абжағини чиқариб юбординг! Нимагаям қарадим-а?!»

Унинг ўзига келиб олиши учун бирор беш дақиқа ўтди. Шунда ҳам ичкарига бостириб киролмади. Падарингга лаънатиларни бояги аҳволда кўришга юраги бетламади. Шундоғам эсдан чиқариши қийин бўлади. Бошқа деразадан қарамади. Шунчаки ичкарига кулоқ солди. Ҳартугул, тинчишибди.

— Энди кирсам бўлаверади, — шивирлади у ва секин овоз чиқармасдан юриб эшик ёнига борди ва ҳар эҳтимолга қарши ичкарига яна кулоқ солди. Парданинг нималардир дегани эшитилди. «Бу ёғи нима бўлса, бўлди» деди-да, бирдан эшикни тортди. Эшик ғийқиллаб кетди.

Парда билан ҳалиги аёл чўзилиб ётган экан. Нашаванднинг кўзи Маъруфга тушди-ю, ўрнидан сакраб турди.

— Мараз, бирон нимага ўраниб ол! Бўлмаса, бурдалаб ташлайман! — деди Маъруф жаҳл билан.

Шу пайт унинг елкасига кимдир қўлини қўйди. Маъруф кескин ўгирилди-ю, қотиб қолди. Қаршисидаги одамнинг кўзи гўё ўт бўлиб ёнарди.

Бўйи қарийб икки метр келадиган, ҳар елкасига биттадан одам бемалол ўтирса бўладиган, калласи хумдай одамнинг вазоҳати Маъруфнинг оёқ-қўлини бўшаштириб юборди. Унинг тили калимага келмас, кўзлари пир-пирарди. Девсифат узоқ ўйланиб ўтирмасдан, гавдасига ярашмайдиган фавқулодда чаққонлик билан Маъруфнинг қўлини орқасига қайирди.

— Во-о-й! Оғрияпти, нима қиляпсан?! — дея бақириб юборди Маъруф.

— Жинқарча, оғрияптими?! Бу ҳали холваси! — дея барзанги унинг қўлини баттар қайирди.

Маъруфнинг жони чиқиб кетаёзди. Тамом, бундан баттар оғриқ бўлмайди. «Ўлаётган бўлсам керак» ўйлади у.

Шу орада Парда нашаванднинг овози эшитилди:

— Узиб ол қўлини! — дея бақирди у.

Оғриқ Маъруфнинг эсидан чиқди. Фазаби шунақанги жўшиб кетдики:

— Нима деяпсан, иплос?! Мажақлайман сени, мажақлайман! — деди овози борича бақириб.

У оғриқниям унутганди.

— Кишан сол! Бўлинмада қолганини олади!

Бу ёғи тезлашиб кетди. Маъруфни ушлаган киши ёлғиз эмас, яна бешта шериги бор экан. Шулардан иккитаси милиция кийимида. Ғўдайиб турган Парданинг ҳам қўлига кишан солинди. Уям ҳақини олди. Унинг расмийми, норасмийми ё бошқа бало-баттарми хотинининг афт-ангорини кўрганлар юзини буриштирди. «Исқирт, ҳайвон!» деган бақирқиқлар бўлди. Унга яна беш-олтита жайдари сўкинишлар қўшилди. Ана шундан кейингина устини ёпадиган исқирт матони ирғитишди. Сўнгра уйдан ҳайдаб чиқаришди.

«Оборишади-ю, ёрдам бермоқчи эканлигимни билиб, узр сўраб, раҳмат айтишади ва қўйиб юборишади» деб

ўйлаганди Маъруф. Бироқ қалин темир эшикли, деразасиз хонага тиқишганидан сўнг чучварани хом санаганини англади. Бу ёғи неча пулдан тушди? «Нима айбим бор эдики, мени шу аҳволга солишди?» деган хаёлда у зах хонада тинимсиз у ёқдан-бу ёққа юрарди.

* * *

Ҳайбатулло райкомнинг хонасига бошини хиёл эгиб, қўлини кўксига қўйиб, ним табассум-ла кирди. Бир пайтлар у Толмас Бадриддиновичнинг хузурига шу тахлит кириб, унинг кўнглига йўл топган эди.

— Ҳа-а, агроном, — деди райком қовоғини уйиб. — Нима бало қилдиларинг?

Шу заҳоти Ҳайбатуллонинг юзи қайғули тус олди:

— Райком бова...

— Мен сенга райком бовамасман, қаердаги сарқитларни сенлар эсларингдан чиқармасаларинг, колхозчилар қандай чиқарсин! Нима бўлди, гапир?

— Тўғриси айтсам, тўғриси айтсам... Толмас Бадриддинович, колхознинг энг олди раисларидан бўлгани учун ҳаддимиз сиғиб, унга бирон нима деёлмасдик.

— Хўш?.. — қошлари чимирилди райкомнинг.

— Энди, ўз билганича кўп ишлар қилган экан-да. Бўлмаса, турмадан қочганлар уникида нима қиларди? Бошқа бундайроқ одамнинг уйи қуриб қоптими?

— Ҳимм... — дея Ҳайбатуллонинг гапини бўлди райком.

Ҳайбатулло «Айтаётганларим унга маъқул келяпти» деган хаёлда яна сайрашда давом этди:

— Мен сизга айтсам, охирги пайтларда шу Толмас...

Яна унинг гапи бўлинди. Бу сафар райкомнинг ўрнидан туриб кетгани уни сўзлашдан тўхтатди.

— Қизи топилдими? — сўради Лазиз Эшбўриев.

— Йўқ, лекин...

— Боринг, ҳурматингиз борида, ҳурматли агроном, — дея райком томоғини қириб қўйди-да, жойига бориб ўтирди.

Ҳайбатуллонинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. У қулт этиб югинди-да, секин ўрнидан турди.

— Ҳозирча колхозга қараб туринг. Толмас Бадриддиновичнинг нафақат районида, балки областдаям обрўси

баланд. Тушундингиз-а?

Ҳайбатулло ҳеч вақони тушунмаганди. Қандай тушунсин? Лазиз Эшбўриев, бир у ёқдан, бир бу ёқдан гапираётган бўлса. Аммо шунга қарамай, бошини қимирлатиб «Тушундим», деди ва эшик томонга йўналди.

Йўлакда ёрдамчига дуч келди. Ёрдамчи унга савол назари билан қаради. Бироқ бундай қарашлар мазмунини англашга ақли етмаган Ҳайбатулло пешонасидаги терни арта-арта унинг ёнидан ўтиб кетди. Ташқарига чиқиб, машинага ўтираркан: «Идорага ҳайда!» деди жаҳл билан Элёрга.

— Ҳўжайин, ўхшамадими? — гап қотди Элёр.

— Ўхшамди, лекин совсеммас, ўхшатамиз, — дея Ҳайбатулло хўрсиниб қўйди ва бир муддат хаёл сурди-да, ҳайдовчига юзланди: — Менга қара, анави Толмас ҳар доим райкомнинг олдидан оғзи қулоғида чиқармиди?

— Йў-ў-қ, ўнтадан биттасида. Қолган пайтлари қовоғи осилиб чиқарди-да, ўзини машинага отиб юборарди. Шундай пайтда бирон нима деб қолсам, нақ балога қолардим. Бир шу энамдан сўкмасди, — дея жавоб берди Элёр.

— Шунақа дегин. Тушунарли... — деб пешонасини қашлаган Ҳайбатулло «Бундан чиқди, мен биринчи кундан оқ бўшлиқ қилаётган эканман-да. Кимдир, қачондир қамчингдан қон томмаса, тўртта одамга бош бўлолмайсан, девди. Демак, бундан бу ёғига олдимдан келганни тишлаб, орқамдан келганини тепишим керак. Шошма, унда эшакдан нима фарқим қолади? Эй-й, эшаклигимни биров билиб ўтирибдими? Ўзи қайси аҳмоқ баджаҳлларга нисбатан шу гапни ўйлаб топган? Ҳа-а, кўролмайдиган, мулойим супурги, кучугияям сўзи ўтмайдиганлар мендай зўр бўлолмаганларидан... Шошма, нималар деяпман ўзи? Қаердаги майда-чуйдага аралашиб қолдим-а?» дея хаёлидан ўтказди. Сўнг Элёрга қарамаган кўйи:

— Молхонага борамиз, — деб қўйди.

У шунчалик паст овозда гапирдики, Элёрга минғирлаб қўйгандай туюлди. У Ҳайбатуллога қараб:

— Бир нима дедингизми? — деди.

— Нима, қулоғинг карми?! Хаёлинг қайси гўрда?!

«Онанинг эмгурларнинг ҳаммаси бир гўр экан! На иссиқ ёқади буларга, на совуқ» хаёлидан ўтказди Элёр ва газни

қаттиқ босди. Шу пайт машина гилдираги каттароқ чу-
қурга гурс этиб тушди-ю, Ҳайбатулло сал бўлмаса, пе-
шонасини олд ойнага уриб олаёзди.

— Асфальт қилинмаганига минг йил бўп кетди.
Йўлнинг соғ жойи қолмаган, — деди шу заҳоти Элёр
ўзини оқлаш учун.

— Одамнинг пешонасидаги иккита кўз нимага берил-
ган?! — дея ҳайдовчига ўқрайиб қаради агроном.

Бу сафар юмшоқ гапирди ва шу билан, барибир, Тол-
мас Бадриддиновичдай бўлолмаслигини кўрсатиб қўйди.
Элёр унинг ожизлигини ич-ичидан ҳис этди. Ҳайбатулло
иккинчи рақамли раҳбар бўлиши мумкин. Ҳаттоки бун-
дай лавозимда ҳар қандай одамнинг белини букиб қўйиш-
га кучи етади. Аммо биринчи рақамли раҳбар бўлолмай-
ди. Биринчи бўлдими, у ожизланади ва оқибатда қўл
остидагиларнинг таъсирига тушиб қолади, ҳаттоки Элёр
каби оддий ҳайдовчининг ҳам.

— Шокирбойнинг ишини бориб бир кўрайлик. Бечо-
рага жабр бўлди-да. Дайработдаги гапдан хабаринг бор-
дир? — деди Ҳайбатулло бир муддат жимликдан сўнг
худди тенгқур ҳамсуҳбати билан гаплашаётган одамдай.

— Ҳа, эшитувдим. Раисга сакрабдими, бир-иккита
бўлиб?

— Нималар деяпсан? Тарбия кўрган, болаларни қанча-
дан бери ўқитиб келган одам шундай ишга қўл уриши
мумкинми? Эшитганларингнинг ҳаммаси миш-миш. Сен
ким шу мазмунда гапирса, дарров оғзига уришинг керак.
Чунки бундан бу ёғига Шокирбой аканг ҳисобланади.
Тутинган аканг. Керак бўлса, бир-бирларингга ёрдам бе-
ришларинг зарур. Шунда биринг икки бўлади. Ҳали шош-
манглар, раислик бутунлай қўлимга ўтсин, ўзим сизлар-
ни қондошдай қип қўяман.

— Раҳмат, Ҳайбатулло ака. Қўлимдан келганча нима
десангиз, қиламан. Ҳеч нимадан қайтмайман. Ана, Маъ-
руфнинг шохини қайириб қўй, дедангиз, буйруғингизни
ошиғи билан бажардим. Бундан бу ёғига нима десан-
гиз, мен учун қонун.

— Шу гапинг бошқача бўлди-да. Энди бундай қила-
сан. Раиснинг хотини ёнига борасан-да, қайғурган киши
бўлиб, Толмаснинг тозамаслигини секин шипшитиб

қўясан. Шундай гапиргинки, у эрини ўлдиришгаям тай-ёр бўлсин... Айтганча, раиснинг биронтаси борми? Ҳар қалай, ҳар-ҳар замон ўз-ўзидан обком, мажлис баҳона йўқолиб қоларди. Шундай деб, у хотинини алдаши мумкин. Лекин мендай одамни алдолмайди.

Элёр жавоб беришдан олдин Ҳайбатуллога қараб қўйди-да, илжайди.

— Ҳа-а, муттаҳам! Тиржайишингдан икковингнинг тилинг бирга ўхшайди. Демак, бор. Бундан чиқди, сен ҳам сўфимассан. У бир эшикка кирса, сен иккинчисига кирасан. Тўғри топдимми? — дея ҳиринглаб кулди Ҳайбатулло.

— Йўғ-э, мен ҳеч чапга юрмаганман. Лекин Толмас Бадриддинович тез-тез Каттатегирмонга борарди. Кейин менга рухсат бериб, ўзи қаергадир кириб кетарди. Лекин очиги қайси кўча, уйга киргани, ким билан учрашганини билмайман.

— Ана, айтдим-ку. Бекордан-бекорга Каттатегирмонга бормайди. У ерда ҳалигидақалар кўп... Энди-чи, ҳалиги айтганимни секин хотинчасига етказасан.

— Бўлди, Ҳайбатулло ака, худди айтганингиздай қиламан.

— Шу Ҳайбатулло ака, дейишинг сира ёқмайди-да. Қачон раис бова, хўжайин, дейсан?

— Оз қолди-ку. Яна бир марта отингизга «чуҳ» десангиз, ҳар куни эрталаб сизни идорага оборгани уйингизга бориб турибман-да.

Элёр шундай деди-ю, бирдан Ҳайбатуллонинг қизини ўйлади. «Шу баҳонада кетворган қизчангизниям кўрамиз. Бир-икки оғиз гаплашамиз. Вақти келиб қўйнига қўл солиб кўрамиз, хўжайин» дея кўнглидан ўтказди.

* * *

Сумбулхон жуда ёмон туш кўрди. Тушида Толмас акаси қандайдир ботқоқликка ботиб кетаётган эмиш. У ёрдам бераман деб, қанчалик қўлини узатмасин, сира қўли етмасмиш.

— Таёқ-паёқ топ! — бақирармиш Толмас акаси.

Аммо ён-атрофда таёқ тугул, битта чўп ҳам йўқ эмиш.

— Йўқ! Йўқ ҳеч қаерда таёқ!

У чўчиб уйғониб кетди. Дарров ўрнидан туриб, чироқ-

ни ёқди. «Яхшиям, тушим экан, бўлмаса, ўлиб қолардим» дея пичирлади-да, пишиллаб ухлаётган ўғилчасининг ёнига бориб ўтирди, унга термилди. «Тавба, худди отасининг ўзи, қоши, бурни, юзи қуйиб қўйгандай. Шошма, нега бунақа туш кўрдим? Толмас акамга бирон нима бўлдимикан? Илгари ҳеч бунақа туш кўрмасдим. Демак, бир гап бўлган. Э, Худо, нега мени бунча қийнайсан? Шундоқ ҳам у ёнимга жуда кам келади. Агар унга бирон нима бўлса, ўлиб қоламан».

Аёл хўрсинди. Кейин ичида калима қайтариб, ўрнидан турди-да, бехосият тушни унутиш учун юз-қўлини ювиб келди. Соат миллари бешдан ўтганини кўрсатиб турарди.

— Ҳали вақтли экан. Ётганим билан, барибир, ухлаёлмайман. Ундан кўра, бирон нима пишираин, — дея ўзига ўзи сўзлади-да, ошхона томонга кетди.

Охирги пайтларда у тез-тез ўзи билан гаплашадиган бўлиб қолганди. Бошида шундай қилсам, яхши. Уйда биров бордай бўлади, юрагим ҳам сиқилмайди, қўрқмайман ҳам, деб ўйлаганди. Кейин-кейин бунга шунчалик ўрганиб қолдики, меҳмонга келган синглиси-ю, эрининг олдидаям беихтиёр гапириб юборадиган бўлди.

У энг кўп вақтни оладиган овқатга уннай бошлади. Хамир ёйди, гўшт тўғради, сабзи, пиёз тозалади...

Билқ-билқ қайнаётган овқатга термилиб турганида, қулоғига ўғлининг йиғлагани эшитилди. Хурсанд бўлиб кетди-да, ётоққа югуриб кирди.

— Нима бўлди, жоним, асалим?! — деганча боласининг кўрпасини кўтариб, уни кучоқламоқчи бўлганида, ҳўл бўлган тагликка кўзи тушиб қолди: — Эй-й, ана. Менга иш орттириб қўйибсиз-ку, тойчоқ. Лекин бугун уришмаймиз. Чунки вақт ўтказиш учун иш керак эди.

У ўғлининг иштонини ечаётиб кўрдик, тойчоқ бошқа ишгаям улгурган экан.

— Оббо! Бу ёғи энди ошиб тушибди, — дея аёл жилмайганча боласини эҳтиётлаб кўтарди-да, ташқарига олиб чиқди.

Унинг ишга боргиси келмади. Негадир оёғи тортмади.

— Нима, бир кун бормасам, осмон узилиб ерга тушармиди? Барибир, ҳайкал қўйишмайди, — дея ўзига ўзи сўзланиб, ошхонага кирди.

Эринмасдан ҳар битта идишни икки мартадан ювди. Кейин сочиқча билан артди. Эҳтиёткорлик билан жой-жойига тахлаб чиқди. Шунда хаёлига уйниям тозалаш фикри келди. «Тавба, танбал бўп кетибман. Илгари ҳар ҳафта ҳамма жойни чиннидай қилиб тозалардим. Энди бўлса гиламни ташқарига чиқариб қоқмаганимга икки ҳафтадан ошиб кетибди. Яхшимас, Сумбулхон, эрингиз келиб қолса, нима дейсиз?» ўйлади у ва эндигина кўрпачаларни йиғиштираётганида, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

— Ана! Ана, болажонимнинг дадаси келди. Кулоғидан тортамыз дайдининг, — деди ўйинчоқларини ўйнаб ўтирган ўғлига ва шошганча ташқарига югурди.

Ҳовлиқиб дарвозанинг кичик табақасини очса, сингиси эри билан турибди жилмайиб.

— Саида! — бақариб юборди Сумбулхон ва жигарғўшасини бағрига босди. Юз-қўзларидан ўпди. Кейин куёви билан кўришиб, уларни уйга бошлади.

Опа-сингил қарийб бир соатча гаплашишди. Аммо, барибир, Сумбулхоннинг юраги гашланаверди. Безовта бўлаверди. Бир-икки марта куёвига қараб ҳам қўйди. Буни куёв бутунлай бошқача тушунди.

— Мен бир айланиб, оёқнинг чигалини ёзиб келсам, — деди у.

Сумбулхон қизариб кетди.

— Ўтиринг-ўтиринг. Менга эътибор берманг. Мен... Шу, сизларга айтмасам, кимга айтаман? Хўжайиндан озроқ хавотирдаман-да. Шу бугун бемаза бир туш кўрибман. Савилни эсдан чиқарайин, деб қанча ҳаракат қилмай, барибир, бўлмапти...

— Эй-й, опа, нималар деяпсиз? — дея Саида унинг гапини бўлди. — Тушга нималар кирмайди? Ҳали тушга ишониб ўтирибсизми?

Сингил кулди-да, эри билан кўз уриштириб олди.

— Ҳеч бунақа бўлмаган-да. Энди бундай қилсак. Мен бир жойга бориб келсам, сизлар уйда ўтириб турсанглар. Ош дамлайсизлар. Куёвжон чиқиб анави оқидан олиб келса, кейин, балки, поччанг ҳам келиб қолар. Бирга чақчақлашиб ўтирамыз, — деб Сумбулхон ўрнидан турди.

Эри-хотин ҳангу манг эди. Ҳар доим жиддий, унча-

мунча нарсага эътибор беравермайдиган опаларининг бирдан ўзгариб қолганини иккисиям тушунолмаётганди.

— Опа, қаерга борасиз? — сўради Саида Сумбулхон эшикдан чиқар-чиқмас.

— Битта жойга. Ҳали қайтганимда айтаман. Сен ўтиравермай, дарров ошга унна. Ҳа-а, жиянинггаям қараб тургин.

Сумбулхон шошиб кетди. Иккита қадамни битта қилиб босди. Ён-атрофга, ўтган-кетганга қарамади. Бир-иккита қўшни, танишларининг ёнидан ўтди. Салом йўқ, алик йўқ, кетаверди...

Шаҳарнинг кунботар томонидаги лўли маҳаллада фолбин таниши бор эди. Тўғри шунинг уйига борди. Маҳаллага кираверишда бурнига бадбўй ҳид урилди. Эътибор бермади, қолаверса, бу ҳид унга таниш эди. Чунки илгари ҳам бир-икки марта ўтган. Ўшанда айтирини айтиб олганди. Ҳозир эса шу ерга иши тушиб турибди. Қолаверса, бунақанги ҳидларга эътибор берадиган аҳволда эмас. Борса, ичидагини Айшага айтса, ундан яхши гап эшитса, бўлди. Тўғриси, шу пайтгача у бирор марта фолбинга бормаган, умуман бунақанги нарсаларга эътибор бермаган. Бироқ... бироқ ҳозир чорасиз. Эрининг районига боргани билан нима қила олади? Бировдан «Фалончи менга керак эди, топиб беролмайсизларми?» деб сўролмаса. Дардини айтолмаса... Бундай қилса, жондан ортиқ яхши кўрадиганини қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин. Кейин... кейин ўзини кечиролмайди.

Айшани йўлда учратди. У қопини елкасига осганча, ўзига ўхшаган бир аёл билан келаётган экан. Сумбулхонни кўрди-ю, иржайди.

— Иби, Сумбулмий, қаёндан шамол эсопти? — деди лаб-лунжи ёйилиб.

Сумбулхон ҳам беихтиёр жилмайди.

— Сенинг ёнингга келаётгандим. Яхши бўлди қўчада кўрганим, — дея юришдан тўхтаб, сумкачасидан рўмолчасини олди-да, пешонасидаги терни артди.

— Олийфта қизний бизга иши тушдийми? Ҳай-ҳай! — деб Айша ёнидаги шеригини туртиб қўйди, сўнг келиб Сумбулхон билан кўришди.

Бошқа пайт бўлганида Сумбулхон «Ўласанми, ювиниб

юрсанг?! Устингдаги кийимни қара, яғири чиқиб кетган, бунинг устига, икки-уч жойи йиртилган. Аёлсан, қандай қилиб баданингни бегоналарга кўрсатиб юрасан. Яна бизга очиқ кийинасизлар, дейишингга бало борми?!» дея чақиб-чақиб олган бўларди. Бироқ ҳозир бундай гапларнинг мавриди эмасди.

— Айша, гап бундай, — дея Сумбулхон фолбиннинг тирсагидан ушлаб, четга тортди. — Ёмон туш кўрдим. Эрим икки-уч кундан бери уйга келгани йўқ. Тушимда у ботқоққа ботиб кетаётганмиш...

— У касалхонага, ҳа-а, касалхонага, қандоқ келсийн?! — дея бақириб юборди Айша у гапини тугатмасидан.

Сумбулхон чўчиб тушди. Қулт этказиб ютинди.

— Нега?! — деди киприклари пирпираб.

— Бийлмадим, касал, балнисага. Борсанг, кўрасан. Мана, мана, — деб Айша кўкрагининг устига қўлини қўйди, — бу ери оғрийди.

— Юрагимини?!

— Ҳа, шундоқчиғин...

Сумбулхон шартта ортига бурилди. Югуриб кетди.

— Пулий қолдий-ку! Пулийни бермадин-ку, охий?! — бақирди Айша.

Аммо унинг ҳайқирганини Сумбулхон эшитмади. Қинғир-қийшиқ, ўнқир-чўнқир, таппи босилган кўчада югуриб кетаверди. То маҳалладан чиқиб, нафаси бўғзига тикилиб қолгунича югурди.

У уйига эмас, тўғри автобус бекатига борди. Қадрайиб турган сап-сарик автобусларнинг пешонасини бирма-бир ўқиб чиқди ва билдики, қўшни районга борадигани йўқ экан. Жаҳли чиқди. Шоша-пиша сумкасини титкилади. Ҳартугул, пул олишни унутмабди. «Машинада кетаман. Шунда тезроқ бораман» дея хаёлидан ўтказиб, тез-тез юрганча катта йўл бўйига чиқди.

Тўхтаган такси ҳайдовчисининг ёши ўтиброқ қолган экан. У Сумбулхон ўтирганидан кейин бир муддат индамай кетди-ю, ундан у ёғига оғзининг қулфи очилди. Ававал:

— Қаерликсиз? — дея сўради.

Сумбулнинг хаёли банд эди. Саволни эшитмади. Бир-икки дақиқа ўтиб, савол такрорланди.

— Каттатегирмонликман, — жавоб берди Сумбулхон истар-истамас.

— Эй-й, ўзимиздан экансиз-ку, мен сизни ўртақўрғонликми, дебман. Шу ёқнинг одамлари менга унча ёқмайди-да. Ҳаммаси кеккайган. Таксичиман-да, биламан. Таксичилик қилаётганимга йигирма йилдан ошди. Ўҳҳў, ўртақўрғонликнинг нечтасини миндирганман. Иягига хода етмайди мен сизга айтсам. Бир куни денг, ёшгина битта бола минди. Ўтирволиб фалон жойга ҳайданг, деди. Мен унинг киссаси пулга тўла бўлса керак, деб ўйлаган эканман. Энди жа олифта кийиниб олган экан-да. Айтган жойига оборганимдан сўнг бир сўмим ҳам йўқ, деса бўладими? Бир жаҳлим чиқди, бир жаҳлим чиқди. Машинадан тушириб, сол-и-б, сол-и-б ташлагим келди. Лекин индаёлмадим. Чунки ҳамма ёқда ўртақўрғонликлар-да...

Сумбулхоннинг энсаси қотди. У деразадан ташқарига қаради. Шамол сочларини силаб тўзғитди. «Ишқилиб, омон бўлсин-да» деган ўй хаёлидан ўтди.

— Сиз гапимни эшитмаяпсиз, шекилли, — деди таксичи кўзгу орқали унга қараб қўйиб. — Ё шу каттатегирмонликман, деб алдадингизми?

— Йўқ, алдамадим. Фақат бошим оғрияпти, — жавоб берди Сумбулхон ташқаридан кўзини узмай.

Шундан сўнг ҳайдовчининг жағи тинди. Йўлнинг қолган қисмида миқ этмади, аммо манзилга етганларидан сўнг уч сўм ўрнига беш сўм сўради. Сумбул тортишадиган аҳволда бўлмаганлиги боис пулни берди-ю, машинадан тушди.

Ўтган-кетганлардан сўраб-суриштириб, касалхонани топди. Сўнг юрагини ҳовучлаганча навбатчи қизга эрининг исми-фамилиясини айтиб, шундай бемор бор-йўқлигини суриштирди. Аксига олиб, бор экан. Яна инфаркт. Сумбулнинг кўз олди қоронғилашди. Ҳаво етишмаётгандай, томоғини силади.

— Майлими, ёнига кирсам? — деди у бир муддатдан сўнг.

— Афсуски, мумкин эмас. Ана, аёлиям киролмаяпти, — дея ҳамшира беш-олти қадам наридаги ўриндиқда ўтирган хотинни кўрсатди.

Сумбул у кўрсатган томонга қаради. Толмас Бадридди-

новичнинг биринчи хотинини, яъни кундошини кўрди. Аксига олгандай, Насима ҳам худди шу маҳал унга тикилиб турарди.

У бирдан кўзини олиб қочди. Вужудиди қандайдир титроқ пайдо бўлди. Ранги оқарди.

— Тинчликми? — сўради навбатчи ҳамшира ундаги ўзгаришни кўриб.

— Яхшиман. Майли, унда мен кетай. Ҳа, айтганча, Толмас ака нимадан бунчалик бўпти? — деди Сумбулхон ўзини бепарво кўрсатишга уриниб.

Ҳамшира жавоб беришдан олдин кўз ости билан Насимага қараб қўйди-да, паст овозда:

— Қизини турмадан қочганлардан биттаси ўғирлаб кетибди. Ҳозир ҳеч қаерда йўқ эмиш. Бечора кўтаролмай, шу аҳволга тушибди, — деди.

Сумбулхоннинг бошига биров гурзи билан ургандай бўлди. Кўз олди қоронғилашиб кетди. У ҳамширанинг қолган гапларини эшитмади. Телбалар каби узун йўлакдан юриб, ташқарига чиқди. Бу пайтда унинг кўзидан ёш оқмоқда эди. Бир-икки ўткинчи ҳайрон бўлиб қараб ўтди. Биттаси яқинига келиб: «Сизга нима бўлди?» деб сўради. Сумбулхон жавоб бермади. «Сўрагувчи бечоранинг яқинларидан бирортаси оғирлашган ўхшайди» деб ўйлади ва нари кетди.

У автобус шоҳ бекатига бориб, ўриндиққа ўтирди. Шу бўйи қарийб икки соат жойидан жилмади. Шунда ҳам ичидаги заҳар-заққум чиқиб кетмади.

«Нега энди ёнида бўлолмасканман? У хотини экан, мен кимман? Мен ҳам шаръий хотиниман-ку. Бир парча қоғоз нима қилиб бера оларди? У менинг ёнимга келганида яйраб кетар, боласи билан соатлаб ўйнарди. Шунинг ўзи фақат эҳтиёжини қондириш бўлмаганини билдиради. Бундан чиқди, уйдан тополмаганини мендан, менинг уйимдан топган. Боришим, ёнида ўтиришим керак... Лекин анави савил қолгур билиб қолса, қиёмат қойим бошланади, кейин бечора Толмас акамга баттар қийин бўлади. Балки, шу билан... Бундай қилолмайман, дунёдаги энг сеvimли одамимни йўқотолмайман. Унда нима қилишим керак? Ўтиравераманми бошимни елкаминг ичига тортиб? Уф-ф, эй, Худо, Толмас акамга ўзинг

шифо бер. Эй-й, айтганча, Толмас акам бир сафар хотинини бутунлай меҳрсиз, совуқ бир нарса дегандай бўлувди. Демак, у куну тун эрининг ёнида ўтирмайди. Кетишини пойлаб тураман. Кетиши билан ҳамширага пул бериб бўлсаям палатасига кираман. Ҳеч бўлмаганда, бир минутга. Кўрсам бўлди. Кўрганимдаёқ аҳволи қандайлигини билиб оламан...»

* * *

У амаллаб тонг оттирди. Ухламасдан тун бўйи юрганидан кўзи қизариб кетди. Оёқлари оғриб қолди. Куёш чиқиб, соат тахминан ўнга яқинлашганида камеранинг эшигини шарақлатиб очишди. Қўлини орқасига қилиб, терговчининг хонасига олиб боришди. У ерда кутилмаганда отасини учратди. Фам-аламга тўла юз. Пешонада ортган ажинлар. Ўктамликка соя солган мутелик. Буларнинг бари падарида юз берган ўзгариш эди. У совуққон, керилган, хум бошли терговчи қаршисида шу тарзда ўтирарди. Терговчи ер эгаси — бойга, отаси унинг қўлида ишлайдиган чорикор деҳқонга ўхшарди. Маъруф ичикди. Тирноғининг учидан ҳар бир ҳужайрасигача зирқираб кетди. Нигоҳини беихтиёр ерга қаратди.

— Мана, қаҳрамон! — деди терговчи кесатиб.

— Нима балолар қилдинг? — деди отаси хаста овозда.

Маъруф бошини кўтарди:

— Айтарли ҳеч нарса. Ҳеч нима қўлимдан келмади.

Раисга ёрдам бермоқчийдим. У яхши одам. Қизиям яхши. Лекин менга халақит беришди.

Терговчи хохолаб кулиб юборди. Ота баттар мулзам бўлди. У қалтираганча қўлини мушт қилиб:

— Сенга қолувдими? — дея ўрнидан туриб кетди.

— Йўқ, лекин...

Ота ўғлига яқинлашди. Юзига шапалоқ тортди.

— Сенинг дастингдан тинчлик борми, йўқми, номард?!

Қара, ҳамма ёғинг кўкариб ётибди!..

— Норқул ака! — деди шу заҳоти терговчи таҳдидли овозда. — Сизнинг тергов хонангиз бошқа жойда! Бу ерда ўзингизни босиб ўтиринг!

Норқул ака бирдан унга итоат этди. Бориб жойига ўтирди-да, бошини хам қилди. Терговчи бирор ўн дақиқа гапирмади. Худди хонада ўзидан бошқа ҳеч ким йўқдай,

эринчоқлик билан қоғоз титкилади. Бир нималарни ёзди. Сигарета чекди. Сўнг сабр-косаси лиммо-лим бўлган Норқул акага:

— Сиз чиқиб туринг. Ўзим кейинроқ чақираман, — деди.

Норқул ака жиққа терга ботганди. Бунинг устига, у шунақанги оғирлашиб қолгандай эдики, зўрға ўрнидан турди ва битта-битта қадам босиб, ўғлининг ёнига келди. Бир муддат унга алам, изтироб билан қаради, кейин чиқиб кетди.

Терговчи керишди ва гўшакни кўтариб, ошнасига қўнғироқ қилди. У билан кечаги футбол тўғрисида гаплашди. Севимли жамоаси ўйинчиларининг кўрсатган кароматларини фахр билан сўзлади. Охири ишдан кейин учрашиб, қўнғил ёзишга келишиб, гўшакни қўйди ва шундан сўнгигина биринчи саволини Маъруфга берди. Бу пайтда йигитнинг бўлари бўлган, ҳар нарсага тайёр бандага айланган эди. Керак бўлса, терговчи билан муштлашишга-да.

— Хўш, нима мақсадда бординг Парданикига?

— Ўйнагани.

— Нима ўйнамоқчийдинглар?

— Бекинмачоқ.

— Ни-ма?! — афтини буриштирди терговчи ва ўрнидан туриб, унинг ёнига келди. — Яна бир қайтар!

— Бекинмачоқ ўйнагани борувдим. Шунга келишгандик.

Терговчи қўлини мушт қилди, аммо урмади. Навбатчини чақириб: «Обориб камерага тиқиб ташла!» деди.

Шу билан Маъруф яна зах хонага равона бўлди.

* * *

Чўтир елкасида Паризодни кўтарганча талай муддат пахтазор оралаб югурди. Охири нафас олишга-да мадори қолмай тўхтади. Елкасидаги қизни ерга туширди. Юзига бир-икки шапалоқ урди. Паризод инграб қўйди-да, кўзини очди.

— Ҳе-хе-хе! — дея Чўтир ҳиринглаб кулди.

— Вой, бошим! Мен қаердаман? — деди қиз инграб.

— Очиқ мозорга яқинлашиб қолдинг, очиқ мозорга... — жавоб берди унга Чўтир ҳансираганча.

— Сиз кимсиз? Нимага мени бу ерга олиб келдингиз?
— сўради Паризод ҳали-ҳамон ҳеч нимага тушунолмай.

— Эрмакка керагининг. Оп келдим. Энди ўрнингдан тур. Мен билан юрасан. Бақирсанг, қочмоқчи бўлсанг, чавақлаб ташлайман! Нима айтсам, қулоқ қоқмай бажарасан! — дея пўписа қилди Чўтир.

— Нимага?! — деди қўрқиб кетган Паризод.

— Савол берма! Ўлдираман! Энди ўрнингдан тур! Бўл тез, ҳайвон!

Паризод амаллаб ўрнидан турди. Лекин ҳали юришга кучи етмасди. Ўзини тўла тиклашга бирор беш дақиқа зарур эди. Бироқ Чўтирнинг кутишга вақти йўқ. Таъқибчилар ҳализамон пайдо бўлишади. Ана ундан кейин унинг ҳолига маймунлар йиғлаш тугул, бузоқлар ҳам кулиши тайин.

У Паризоднинг қўлидан ушлаб судради. Бирор беш дақиқа шу тахлит юрганларидан кейин зах ариққа дуч келишди. Чўтирнинг юзи ёришди. Чунки таъқибдан қутулишнинг йўли топилган эди.

Бир соатлардан сўнг улар қўшни қишлоқнинг энг чекка уйига етиб боришди. Чўтир бу уйга киришни истамади. Орқадан келувчиларнинг диққатини тортадиган уй. Шу боис озроқ қишлоқ оралаши, ити йўқ уйни топиши ва шу уйдан паноҳ топиши зарур эди. Бироздан сўнг унинг бахтига ана шундай хонадон топилди. Буни қарангки, уйнинг оғили кўчанинг бўйида эди. Ҳовли девор билан ўралмагани боис бемалол кириб бориш, билган ишни қилиш мумкин.

Чўтир Паризодни етаклаб, оғилга кирди. Эшикни ичкаридан тамбалади. Сўнг чўнтагидан гугурт чиқариб ёқди. Қисқа вақтга шу ҳам унга наф берди. Арқон топди. Унинг бир учини ўзининг қўлига, иккинчи учини Паризоднинг қўлига боғлади ва шундан кейингина таппининг юқи қолган деворга суянганча, кўзини юмди.

Паризоднинг кўнглидаги қўрқув Чўтир пишиллаб ухлай бошлагачгина бироз йўқолди-да, секин қўлига боғланган арқонни ечмоқчи бўлди. Бироқ ечолмади. Қандайдир кучи етмади. «Менга тегинмаяпти-ку, балки, бундан кейин ҳам тегинмаслиги мумкин. Лекин бир бало қилиб, бунинг қўлидан қочиб кетишим керак. Бугун те-

гинмади, яхши. Лекин эртага-чи? Бундан ҳар бало кутиш мумкин» дея ўйлади қиз ва хўрсиниб қўйди.

Аввал у ер-бу ерда хўрозларнинг қичқиргани эшитилди. Кейин эшик тирқишидан ёруғлик тушди. Паризод умид билан эшик томонга қаради. Биров овозимни эшитармикан, деган хаёлда қулоғини динг қилди. Бироқ хонадон соҳибларидан бирови ҳам уйғонмаган эди. Улардан олдинроқ эса Чўтир кўзини очди. Ўшшайди ва Паризоднинг юзига юмшоққина шапалоқлади-да:

— Маладес, ақлинг бор экан. Шундай ақли бўлсанг, кўп яшайсан! — деди.

Унинг оғзидан бадбўй ҳид келаётганди. Паризод зўрға чидади. Азбаройи турқи совуқнинг жаҳлини чиқармаслик учунгина афтини буриштиради.

Чўтир ўзининг қўлига боғланган арқонни ечиб, ўрнидан тургач, обдан керишиб олди-да: «Қарамай тур», дея оғилнинг охирига бориб «ортиқча суви»ни тўкиб, қайтиб келди. Эшикдан ташқарига мўралади.

— Ҳеч ким йўқ. Балки, пайтдан фойдаланиб қориннинг ғамини тўғрилаб қўярмиз. Ҳовли тўла мева-чева. Тўртта бодринг, тўртта помидор оп келсак, шу билан тушгача бемалол яшаш мумкин. Ундан у ёғига бир гап бўлар, — деди у гўё ўзига ўзи гапиргандек.

Кейин дарров бу ниятидан қайтди.

— Бўлмайди-бўлмайди, — дея Паризоднинг қаршиси-га келиб, бошини ликиллатди.

— Менинг сизга нима керагим бор? Кўтара ташвишман. Ундан кўра, ўзингиз кетсангиз осонроқ, — дея унга тикилди Паризод.

— Кўзларинг шунақанги зўрки, даҳшат! Лекин менинг бунақа нарсалар билан ишим бўлмай қолганига анча бўлган. Итлардан бунинг учун қасд оламан ҳали!

Паризод унинг бу гапидан кейин бироз дадилланиб:

— Қўйворинг, бировга айтмайман, — деди.

— Қўйворингмиш. Кўрдим нима қилганингни. Бундай нарса учун бизда калласини олишди. Лекин сен менга кераксан. Шунинг учун индамайман ҳозирча. Аммо иккинчи марта мендан бунақанги нарсани сўрама. Сўрайдиган бўлсанг, сўйиб ташлайман! Тўғри-да, сўйдим нимаю, қўйдим нима. Қайтанга сўйсам, хотиржам бўламан.

Чунки бориб мени сотолмайсан-да.

Паризод бошини эгди. Кейин деворга суяниб, кўзини юмди. Чўтир эса яна эшикнинг ёнига бориб, ташқарини кўздан кечиргач, чўнтагидан носқовоғини олиб, бир чимдим носни тилининг остига ташлади-да, ўзича бир нималар деб гўнғиллай бошлади.

Орадан тахминан икки соатча ўтиб, ташқарида одамларнинг сўзлашгани эшитилди. Уларнинг нима деяётганларини англаб бўлмасди-ю, аммо овозлари келиб турарди. Чўтир безовталаниб, шимига осилган ғилофдан ханжарини суғуриб олиб, эшик ёнига бориб, тирқишдан ташқарига қараб тураверди.

* * *

Колхозни милиция босиб кетганди. Улар ҳар қадамда одамларни сўроқ қилишар, ҳар қандай машинани тўхта-тиб, текширишарди. Ҳайбатулло фермага боришдан воз кечди. Чунки уларнинг машинаси идорага етгунича икки марта кўриқдан ўтганди. У «Виллис»дан тушиб, қовоғини уйганча колхоз идораси ҳовлисидаги чинор остидаги ўриндиққа ўтирган иккита милиционер ёнига борди. Милиционерлар иссиқдан шапкаларини қўлларига олиб, ўзларини елпишар, ҳар-ҳар замон ён-атрофга қараб кўйишар, онда-сонда бир-бирига сўз қотишарди. Улар яқинлашиб келаётган Ҳайбатуллони кўришди, бироқ ўтирган жойларидан қимирлаб ҳам кўйишмади.

— Салом бердик, — деди Ҳайбатулло қошини учириб.

Унинг гапи ўтирганларга ёқмади. Биттаси:

— Сен кимсан? — деди дағал овозда.

Шу сўроқнинг ўзиёқ Ҳайбатуллони довдиратиб қўйди. Шунга қарамай, у ўзини бемалол тутишга уриниб, жавоб берди.

— Бош агрономман.

— Ҳимм, қаерларда юрибсиз, бош агроном? — деди дағал овоз эгаси бирдан сизлашга ўтиб.

— Райкомга отчёт бериб келяпман.

— Биз бўлсак бу ерда иссиқдан жизғанагимиз чиқиб юрибмиз, бирорта каттани тополмаймиз, ҳаммаси инига кириб кетган. Нима аҳвол бу? — деди энди иккинчи милиционер гапга аралашиб.

— Энди мана бу нарса чиқиб қолди-да... — дея жавоб

берди Ҳайбатулло.

— Шунақа бепарво юраверганларингдан кейин чиқади-да. Менга колхоз раҳбарларининг рўйхатини беринг.

— Кечирасиз. Энди мен колхознинг иккинчи одами-ман. Раис йўқлигида доим унинг ўрнида қоламан. Кимга шу рўйхатни беришимни билсам, девдим.

— Мен, — деди бошида дағал гапирган формали киши, — район ички ишлар бўлими бошлигиман. Майор Турсунов областдан келган. Ҳа-а, шошманг-да, бу раиснинг уйида зеклар нима қилиб юришибди?

— Энди-чи-и, Толмас Бадриддинович ҳеч кимга ҳисоб бермасди. Шунга ҳозир ўзимиз ҳам гафлатдамиз. Нима дейишгаям ҳайронмиз.

— Битта нашаванд бор экан. У қўлга олинди. Лекин у билан бирга сизга тўғридан-тўғри бўйсунадиган агроном ҳам тушган...

— Ким экан? — ҳовлиқиб сўради Ҳайбатулло.

— Оти нимаиди?.. Ёш бола. Маъруф дейишдиёв!..

— Эй-й! — деди бирдан кўзлари каттариб кетган Ҳайбатулло. — Уми?!

Ҳайбатулло бир муддат лабини тишлаб турди. Сўнг босиқлик билан гапиришга тушди:

— У болани ишга олганимизга кўп бўлгани йўқ. Яқинда ўқишни битириб келувди. Шунга қарамай, мана шу охирги бир-икки кун ичида ўша сизлар ушлаган нашаванд билан икки марта яхшилаб муштлашди... Бундан чиқди, ораларида бирон гап борми, дейман-да.

— Зеклар, аввало, Парда нашавандникига келишган экан. Буни унинг ўзи дарров тан олди.

— Шу болада бир гап бор. Бекордан-бекорга ишга ўтганига тўрт кун бўлар-бўлмас, нашаванд билан ўралашиб қолмайди. Шу ўқишда юрганида бирон нимага аралашганми, дейман-да. Афсус, кўринишидан тузуккина болайди.

— Сизнинг қўшнингиз бўларкан, ҳурматли агроном... — луқма ташлади майор Турсунов.

— Ҳа-а, шундай, лекин у ёшлигида тузугиди. Ўзимиз назорат қилиб турардик. Отасининг феъли сал чатоқ. Шунинг учун тарбия масаласида... Энди бу ёқда бош агрономмиз, ўзимизнинг ҳамсоядан бирон нима чиқиб

қолса, эшитган қулоққа яхшимас-да. Лекин қони бошқа бўлганидан кейин тарбия берган билан ўзгармаскан-да... Айтганча, юравериб қорин ҳам очқаб кетгандир. Мен бир чой ташкил қилай, — дея иржайди Ҳайбатулло.

— Бирон жойга бориб чой ичишга вақт йўқ. Бир бурда нон бўлса, шу ерга оп келаверишсин.

— Бўпти, ҳозир есть қиламиз, — дея Ҳайбатулло катта қорнини у ёқдан-бу ёққа селкиллашиб, кўча томонга илдам юриб кетди-да, Элёрга: «Бориб янганга айт, икки кило гўшти яхшилаб қовуриб берсин, бошқа алоҳида тугунга помидор-бодринг, иккита нон туғиб берсин. Ўзинг ертўлага... Йўқ, Наргизага айт, ертўлага тушсин. Уч яшик ароқ турибди. Тўртгасини оп чиқсин. Униям ола келасан», деб тайинлади.

Элёр ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Ахир Наргиза билан гаплашишнинг бундан яхшироқ имконияти бўлмайдиди-да.

У машинага ўтирди-ю, газни босди. Кўз очиб юмгунча Ҳайбатуллонинг уйига етди. Шошиб машинадан тушди-да, дарвозага яқинлашгач:

— Янга, янга! — дея бақирди.

Уйдан Ҳайбатуллонинг аёли ўрнига қизи чиқиб келди. Наргизани кўрди-ю, Элёрнинг юраги бирдан ўйнаб кетди. Ичида қандайдир қувонч пайдо бўлди. Оний лаҳза нега келганини унутиб, қизга қараб қолди.

— Нима гап, тинчликми? — деди кўзи қизарган Наргиза.

— Ҳалиги... Ҳа-а, хўжайин... Ҳайбатулло акам жўнатганди. Янгам дарров икки кило гўшти пиёз аралаштириб қовуриб бераркан. Сиз огороддан помидор-бодринг териб бераркансиз.

Наргиза оёғига калишини илди. Кейин Элёрга бошқа сўз қотмай, томорқага ўтиб кетди.

«Кўзи қизарибдими? Йиғлаганга ўхшайди. Ким йиғлатдийкан? Ҳа-а, бирон жойи огриётган бўлса керак-да. Оҳ! Шундай қиз ҳам касал бўладими? Меники бўлганида керак бўлса, ўзим унинг касалини олардим. Ҳай, майли, ҳали бўлиб қолар» дея хаёлидан ўтказди Элёр ва бориб узум сўриси остидаги чорпояга суянди.

Бироздан сўнг Наргиза онаси билан бирга қайтди. Элёр

унга ҳам худди тўтиқушдай Наргизага айтганини такрорлади. Ортидан ҳамма ёқни милиция босиб кетганини ҳам қўшиб қўйди.

Хонадон соҳибаси дарров ишга киришди. Наргиза экинзор ичига кирди. Шошилмасдан помидорларнинг қипқизариб пишган сара-сараларини тера бошлади. Элёр қараса, у билан гаплашолмай қоладиган. Йўқ, ишга киришай деб, тез-тез юрганча Наргизанинг ёнига борди.

— Идорадагилар жуда нозик одамлар, тезлаштирмасак бўлмайди. Балога қолиб кетамиз, — деди.

— Нозикми-йирикми, менга алоқаси йўқ. Яхшиси, сиз айтинг, Маъруф акам тўғрисида бирон янгилик борми? — дея қаддини ростлади Наргиза.

— Маъруф!.. Анави агрономчами? Унга нима қипти? — ҳайрон бўлди Элёр.

— Милиса оп кетиб қопти-ку! Унинг биттаям гуноҳи йўқ... Лекин нимага оп кетишади?

Наргизанинг кўзида ёш ҳалқаланди. Бундан Элёрнинг жони чиқиб кетаёзди. Аммо у ўзини босишга, ўша ўзи ёқтирмайдиган йигит тўғрисида эшитишга мажбур эди. Бошқа томондан ич-ичидан хурсанд бўлиб кетди. Ахир рақибни милиционерлар қўлида. Демак, нимадир қилганки, обориб қамаб қўйишган. Бироқ ҳозир шумлик қилиш керак. Ўзини Маъруфга яқин тутиб, мақсадга етмоғи лозим.

— Тўғри, Маъруф зўр бола. Иккаламиз дарров ошна бўп қолганмиз. Менинг хабарим йўқ экан. Қачон олиб кетишди уни?

— Кеча! — деди-ю, Наргиза йиғлаб юборди.

— Эй-й, йиғламанг. Бўлди, сиз сира хавотир олманг. Менинг танишларим бор, шуларни ишга соламан. Бундан ташқари, Толмас Бадриддинович ҳам анча ўзига кеп қопти, унгаям айтаман.

Наргизанинг кўзига Элёр қўлидан жуда кўп иш келадиган одамдай кўриниб кетди. У помидор теришни ҳам йиғиштириб ўтириб олди. Қолган помидор-бодрингни Элёрнинг ўзи терди. Сўнг деди:

— Бугун Маъруф тўғрисида ҳамма нарсани билиб, сизга айтаман. Балки, Маъруфнинг ўзи келиб, нима бўлганини гапириб берар. Мабодо келмай қолса... Шу катталар

кўпайган-да ҳозир, шунинг учун кечроқ кеп қолишим мумкин. Мабодо сизга малол келмаса... Лекин бемаҳалда келсам, Ҳайбатулло акам ҳар хил хаёлга бориши мумкин.

— Соат ўн бирдан кейин ташқарига чиқаман. Келганингизни билдирсангиз бўлди, ёнингизга бораман, — деди Наргиза соддалик билан.

— Бўпти, унда, аммо ҳозир оқшом кўчада юришнинг ўзи бўмайди. Жуда опасний. Зекларга шериксан, деб обориб тиқиб ташлашлари мумкин. Фақат сиз учун мен оқшом бўлсаям келаман, — деб Элёр челақни кўтарганча қизнинг ёнидан ўтиб кетди.

У ич-ичидан хурсанд эди. Чунки бугунги оқшомда Наргизани, албатта, ўзиники қилиб олади: ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам. Ҳозир помидор тераётиб, шу қарорга келди. Режаси бўйича, у қилган ишдан кейин Ҳайбатулло ҳеч нарса қилолмай қолади. Бўлар иш бўпти, обрўйим тўкилмасин, дейди. Тўйни тезлаштирайлик, дейди. Тўй ўтганидан кейин эса Наргиза билан яхшилаб гаплашади. Чунки Маъруф деявериб, қон қилиб юборди-ку.

Бирор ярим соат ичида қовурилган гўшт тайёр бўлди. Ароқни Элёрнинг ўзи олиб чиқди ва шу баҳонада у ерданималар борлигини кўриб олди. Ҳайбатулло бекорга Наргиза кирсин, демаган экан. Агар ертўладаги нарсаларни ташқарига чиқарса борми, бир тоғ бўлади. Ўзиям Ҳайбатулло ҳар куни колхознинг нарсасини уйига кўтариб келган, шекилли, ертўлада бўш жой қолмабди. «Куёв бўлсам, маза қиларканман-да. Ҳали бу ертўла. Тепадаги темир сандиқда ким қанча пул бор? Агрономбойнинг у ёғидан-бу ёғидан ўтиб, секин ҳаммасини ўзимизники қилаверамиз-да» дея кўнглидан ўтказиб қўйди йигит.

Идорадаги формали одамлар Элёр оборган нарсалардан бир тишлам ҳам ейишмади. «Вақт йўқ, ҳозир маишат қиладиган пайт эмас», дейишди. Сўнг томида чироғи ўйнаб турган машинага ўтиришди-да, жўнаб кетишди.

Улар билан анча муддат гаплашган Ҳайбатуллонинг юзи кўрс тус олди.

— Мени менсишмадимми ҳали? Кимлигимни билишмайди-да, билишганида, соямга салом беришарди. Эй-й,

кетса кетибди, нарсаларнинг ҳаммасини менинг хонамга обор, бир қишлоқларни айланиб келамиз-да, чарчоқ ёзди қиламиз, — деди у Элёрга.

* * *

Насима ўзининг таъбири билан айтганда, бегона аёл қорасини ўчириши билан навбатчи ҳамширанинг ёнига келди. Бир муддат сўрайинми-сўрамайинми, дея иккила-ниб турди. Сўнг ички қизиқиш устун келиб:

— Ҳозиргина менга безрайиб қараб қўйган хотин ким экан? — деди.

Раиснинг обрўси бу ердагиларнинг ҳаммасига маълум эди. Бироқ унинг хотини бақир-чақирлари, хурмача қилиқлари билан ўша обрўга соя солиш билан бирга ўзининг кимлигиниям билдириб қўйганди. Шу боис навбатчи ҳамшира энсасини қотирди. Пешонасини тириштириб, бошини кўтарди-да, унга қаради.

— Билмайман, — деди ва тишларини тили билан сўриб, «чирт» этказиб қўйди.

Шу ондаёқ Насиманинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. «Валакисаланг, ким бўлибсанки, менинг олдимда бефаросатлик қиласан? Шундай кунингни кўрсатайинки, уйингга борар йўлни эсингдан чиқариб юбор!» деган ўй ўтди хаёлидан.

— Ҳимм, шундай денг. Менга қаранг, ойимтилла, бу ўқиган жойингларда сал-пал бўлсаям, тарбия ўргатишадими?

Ҳамшира унинг гапига жавоб бермади. Дик этиб ўрнидан турди-да, тўртта қоғозни қўлига олиб:

— Шуларни бош врачга обориб беришим керак, кечирасиз, — дея зипиллаганча йўлак бўйлаб кетди.

— Ҳе, ўл, сендақа медсестранинг боридан йўғи афзал, — дея пичирлади унинг ортидан Насима ва оғир-оғир қадам босганча жойига бориб ўтирди.

Бир муддатдан сўнг унинг боши оғриди. Аввалига ўтиб кетар, деб бир-икки марта кафтлари орасига олиб, эзгилаб қўйган бўлди. Барибир, оғриди. Бу ернинг ҳавоси бузуқ, одамлари ундан ҳам бузуқ. Яхшиси, ташқарига чиқиб айланиб келайин, деган ўйда ҳовлига чиқди. Чуқур-чуқур нафас олди. Шунда билдики, қорни очибди.

«Менга нима зарил? Сассиқ чолнинг аҳволи нима

бўлдийкан, деб ўтираманми? Яхшиси, ошхонага бориб тўрт сих шашлик ейман-да, мелисахонага бораман. Қизимни суриштираман. Менга ҳозир гўдайган колхознинг расидан кўра шу қизимни топиш муҳимроқ».

Шундай ўй хаёлини ялаб ўтиши билан қадамини тезлатди. Энг яқин ошхонага кираётиб, кабобпазга тўртта сих обориб берасиз, нон-чойи ҳам бўлсин, деди ва ичкарига кириб, тўрга ўтаётганида Саидга кўзи тушди. У иккита улфати билан обдан ароқхўрлик қилаётган эди. Опасини кўриб, илжайди.

— Сени нега хабар олмаяпти, десам, айшдан қўлинг бўшамаётган экан-да... — дея кесатди Насима ва ўзи мўлжаллаган жойга бориб ўтиргач, пичирлаб пешонасини силади: — Сендақалардан яна битта бўлса, душманнинг кераги йўқ. Ёрдам бериш, жиянингни топиш ўрнига бу ерда маишат қилиб ўтирибсан, ифлос.

Саид бироздан кейин унинг ёнига келди.

— Опа, зўр иш бўляпти, — деди оғзи ёйилиб.

— Қандай зўр иш? — энсасини қотирди Насима.

— Власт Ҳайбатулло аканинг қўлига ўтадиган бўп турибди. Бу ёғига ошиғимиз олчи. Шоқир бор-ку, ферма мудир, бугун нақ иккита гавазни алмаштирди. Оларманни мен топиб бердим. Бор-йўғи икки соат ичида уч юз сўмли бўлиб олдим.

Саиднинг кўзлари думалоқ-думалоқ бўлиб кетган, қувончдан сакрагудек эди.

— Йўғ-э, бошлабсан-ку. Шуни ҳозир юваётганмидинг? — деди Насима қизи билан эрини унутиб.

— Иш қийин бўлди, опа. Ҳамма ёқни мелиса босиб кетган. Шунга зўриқишни йўқотиш учун ўтирибман-да.

— Нимага мелиса босади?

— Эй-й, анави зекларнинг биттаси топилгани йўқ-ку.

Шу заҳоти Насиманинг хаёлига қизи Паризод келди. Юраги гурсиллаб уриб кетди.

— Паризоддан дарак йўқми? Мелисалар ҳеч нима дейишмаяптими? Ростини айтсам, менинг ўзим ҳам обдан қидирдим. Ҳеч қаерда йўқ, лекин, барибир, топишади. Итлари билан юришибди мелисалар. Энди шу орада иш чиқиб қолди-да. Шартта бажариб ташламасам, бўлмасди.

— Бечора қизим қаерларда юрибдийкан? Соғмикан?

— дея кўзига ёш олди Насима.

— Гарантия бериб айтаман, унга ҳеч нима бўлмаган. У инфлосларни мен яхши биламан. Ўтирганимда ҳаммасини танирдим. Унақалар ўлжасига тегинмайди. Паризод унга ҳимоя учун керак.

— Бечора қизимнинг қўлидан нима келади?

— Соддасиз-да, опа. У ҳеч нима қилмайди. Зек уни гаров сифатида ушлаб туради. Мабодо бирон нима қилдиган бўлса, панжаранинг нарёғидагилар ёмон қилишади, опа, ҳа-а, жуда ёмон қилишади... Бизларда у, — деб Саид иккала қўлини ҳам кўтарди, — нима қилсаям, индамай кетадиган одат. Уларда чатоқ.

Насима кафтига пешонасини тираганча пиқ-пиқ этишда давом этди.

— Менга қаранг, кўп эзилаверманг, эзилганингиз билан фойдаси йўқ. Бу ёғи айтдим-ку, ҳеч нима қилолмайди, деб. Сиз, яхшиси, элликта ютиб олинг. Бўлмаса, поччамнинг ёнига бориб қоласиз, — дея Саид ортига ўгирилди-да, улфатларидан бирининг исмини айтди: — Пахри!

— Ҳимм... — деган жавоб бўлди у ёқдан.

— Жўра, битта шиша билан помидор-бодрингдан опке. Ошпазга айт, ҳаммасини менинг ҳисобимга ёзиб қўйсин.

— Қўй, шу ичишингни, кўнглимга сиғмайди, — деди Насима.

— Опа, шунинг учун ҳам керак-да. Ҳозир озгина ичмасангиз, бўлмайди.

Саид шундай деб улфатининг келишини кутмай, ўзи ўрнидан турди. Бориб бир шиша ароқ, бир ликопча тўғралган помидор кўтариб келди-да, ўтирибоқ шишани очди. Иккита пиёлага тўлдириб-тўлдириб ароқ қуйди ва биттасини Насимага узатди.

— Мана шуни кўзингизни юминг-да, бирдан ҳаммасини ичиб юборинг, — деди.

Насима унинг қўлини қайтариб ўтирмади. Пиёлани олди-ю, бир кўтаришда оқ қилиб ташлади.

— Қойил, мен сизни ичолмайди, деб юрсам, лекин бу ёғи зўр бўлди, — дея уни мақтади Саид.

Шу пайт кабобпаз жазиллаб турган кабобларни келтириб, ўртага қўйиб кетди.

— Ана буниси янаям зўр!

Саид Насимадан олдин сихлардан бирини қўлига олди:

— Опагинам, — деди бир бўлак гўштни оғзига солиб, иштаҳа билан чайнаган, — мабодо раис одам бўп кетган тақдирдаям ўзингиз қўллаб турасиз.

— Мен сени қандай қўлламан? — ҳайрон бўлиб сўради боши айлана бошлаган Насима.

— Оддий. Поччамга: «Шокирга индаманг», десангиз бўлди. Қолган ишларни ўзим текислаб ташлайман. Бу ёғи сизгаям келиб туради. Билсангиз, қанчадан-қанча колхозларни раислар қолиб, хотинлари бошқаришяпти. Сизнинг улардан қаерингиз кам? — деб Саид яна пиёлаларни ароққа тўлдирди.

Бу сафар Насима ҳаммасини ичмади. Бир қултум ютди-ю, пиёлани стол устига қўйди.

— Опа, нима бўлди сизга? Бирдан шаштингиз тушиб кетди. Ёки менинг гапларим ёқмадим? Ёқмаган бўлса, очигини айтаверинг.

— Нега бунақа деяпсан?

— Ичмадингиз-ку.

— Ҳа-а, шунгами? Мен нимаикан, деб ўйлабман. А-а, бу ўлгурингнинг бир пиёласи обориб, оп келяпти-ку. Аксига олиб, қорним ҳам очиди-да. Менга қара, мен сенга ҳеч нима ваъда бермайман. Аввал поччанг ўзига келсин, ундан кейин кўрасан. Бир ҳисобдан унинг оғир касалга чалингани яхши бўлди. Энди қўлимдан ҳеч қаерга чиқиб кетолмайди. Анави тўртта-бешта раисларингнинг хотинлари менинг олдимда ким бўлишибди? — дея Насима пиёласидаги қолган ароқнинг ҳаммасини ичиб юборди ва кабоб ейишга тушиб кетди.

У қорни тўйгунича гапирмади. Бошқа томондан кайфи анча ошиб қолган эди. Бундай маҳали ёнида яқин дугонаси бўлсагина гапирар, гапиргандаям оғзи сира тинмас, ҳамсуҳбатига умуман сўз бермас эди. Ҳозир эса гапирмади. Бунинг ўрнига ўйга чўмди.

— Ростини айтгай, опагинам, мен сизнинг манави тутаган, столлари синган, ери ифлос ошхонада овқатланишингизни сира тасаввуримга сиғдирилмасдим. Сиз тушликни у шаҳарда, кечки овқатни бу шаҳарда ўтказишга лойиқ аёлсиз. Сизнинг наслу насабингиз ҳам тоза.

Насима Саиднинг бу гапларини мутлақо эшитмасди. Ҳамон ўйлашда давом этарди. У колхоз бутунлай ўзининг ихтиёрида қандай ҳаёт кечирishi мумкинлигини тасаввур этаётган эди. Албатта, биринчи навбатда ҳамма ундан қўрқади. Одамлар уни кўришлари билан икки букилиб салом беришади. Ўтиб кетганидан сўнг ортидан «Бу аёл хўп донишманд, хўп ишнинг кўзини биладиганлар хилидан. Мана, раис бўлмасаям, қилаётган ишлари иккита раисникидан зўр» деб гапиришади. Насима уларнинг гапларини эшитади. Кўкрагини янаям керади. Кейин... Кейин аёллар дуч келишади. Ҳаммаси мулозамат кўрсатишади. «Сиздай аёл бизникида бир пиёлагина чой ичиб кетса, бир қарич ўсамиз» дейишади. Лекин у бирортаям хонадонга кирмайди. Чунки айтиб бўладими, уларнинг кўнгилларида нима бор? Фақат уйида овқат ейди. Сўнг ҳар икки ойда бир марта санаторийга боради. Сочига. У ёғи Европа давлатларига саёҳат.

Насима ширин энтикди. Бу пайтда сайрайверганидан оғзи қуриб кетган Саид сигарета чекаётганди.

— Мен кетдим. Кечқурун уйга бор, гаплашамиз. Мелисахонага бормоқчийдим. Лекин сен номард мени йўлдан урдинг. Бўпти, — деб Насима ўрнидан турди.

Юраётиб бироз гандираклагандай бўлди. Жилмайди. Мени кўрганлар ҳар хил хаёлларга бориб юришмасин тагин, деб ошхонадан чиқмасдан орқасига қайтди.

— Бориб битта мошина топиб кел. Мени уйимгача обориб қўйсин, бу аҳволда кетолмайман, — деди кўзи сузилиб.

— Бўлди, гап бўлиши мумкинмас! Боя чиқиб кетган ошналаримнинг биттасида мошина бор. Кетиб қолган бўлишмасин, ишқилиб, — дея Саид ўрнидан турди-ю, югуриб кетди.

У қанча ичса ҳам, кўтарадиганлар хилидан эди. Не-не давраларда не-не одамларни маст қилиб ташларди-ю, ўзи қилт этмаганди. Аммо жигари кундан-кунга орқага кетаётган эдики, буни ҳали унинг ўзи билмасди.

Ҳартугул, жўраси кетиб қолмабди. Дарров оғзи қулоғида изига қайтди.

— Кетдик, — деди.

Насима «Жигули»га чиқиш асносида яна ўша бегона

аёлни кўрди. У бошини эгганча зипиллаб машинанинг ёнидан ўтиб борарди.

— Менга қаранг, ҳов, олифта хотин, — деди Насима чайқалиб кетмаслик учун бир қўли билан машинанинг очиқ эшигидан ушлаб. — Бу ёқларда нима қилиб юрибсиз?

Сумбулхон хаёлга берилиб кетганидан ён-атрофига қарамаган ва Насимани кўрмаган эди. У томонга қаради-ю, саросималанди.

— Нега аммамнинг бузоғига ўхшаб турибсиз? Кимсиз, нега бу ёққа келяпсиз деяпман?! — дея дағдаға қилди Насима.

Сумбулхоннинг шу заҳоти жаҳли чиқди. Саросимаю довдирашдан асар ҳам қолмади.

— Нима ишингиз бор, кимлигим билан, қаерга кетаётганим билан?! — деди овозини бир парда кўтариб.

— Вой, Саид, манави тасқарага қара, нималар деб валдираяпти?!

* * *

Шокир чорпояда хуррак отиб ухлаётган эди. Кимнингдир сўкиши эшитилди. У тушимда, деб ўйлади. «Тушимда кимдир кимнидир сўкяпти. Балки, мен сўкаётган бўлсам керак. Чунки ҳозир шунақа амалдаман-да: қўлимда қанчадан-қанча подачи, соғувчи, қоровуллар бор. Бирортасини обдан...»

У ўйини ўйлаб бўлмасидан яна сўкиш такрорланди. Раис бўлса-я? Чорпоя молхонанинг нақ ўртасида, дарвозадан киргандан кейин бирор икки-уч дақиқа пиёда юрилса етилади. Илгариги ферма мудирлари барака топишсин. Аввал саккизта мажнунтол экишиб, сўнг остидан ариқ ўтказишган, чорпоя шу мажнунтоллар остида. Саратонда ётсангиз ҳам, дарё томондан ҳур-хур муздай шабада келиб туради. Бирам маза қиласизки, у ёқ-бу ёғи йўқ. Лекин гап ҳозир бунда эмас. Агар раис келган бўлса, нақ терисини шилиб олади. Орқасига икки тепади-ю, ҳайдайди. Шунда Ҳайбатулло ака қуртдай санаб олган икки минг сўм ҳавога учади-кетади.

Шокирнинг хаёлидан оний лаҳзаларда шундай ўйлар кечиб, кўзи очилиб кетди. Бирдан бошини кўтарди. Қарасаки, икки-уч қадам нарида эчки соқол бир чол турибди.

— Ҳа-а-а! Бирон жойга ўт кетдими?! — бақириб юборди Шокир.

— Ўт кетиб, шу ўт орасида сен қолиб кетганингда мингдан-минг розийдим, эшак! Сен молхонани хароб қилдинг! — деди чол ундан ўтказиб бақираркан.

— Нималар деб валдираяпсиз?! Ҳе йўқ, бе йўқ бу ёққа кеп менинг миямни ачитасиз!

— Сенда мия борми?! Миянг бўлганда шунча молни гумдон қип юборарминдинг, уволи тутишдан қўрқмайсанми, номард? Катта-катта гаваз сигирларни бузоқларга ал-маштириб қўяётганингга чидаш мумкиниди, бўғозиниям обориб сўянми, ит?!

Шокир ўтирган жойида сапчиб тушди. Кўзи олайди, танасини титроқ босди.

— Сиз... сиз... ҳали... — дея довдираётган маҳали бахтига Ҳайбатулло акажонисининг овози эшитилди.

— Нима гап, нима шовқин? — деди у бирор ўн-ўн беш қадам наридан.

Унинг пайдо бўлиши чолнинг кучига куч қўшди.

— Эй-й, вақтида келдингиз, агроном бова. Молхона тоза тола-тола бўп кетди. Бу Шокир ферма мудури бўлмади. Ҳа-а, ўғирлаганлари етмагандай, бўғоз сигирни обориб сўйибди-я, номард! Мен...

— Шошманг, — деб қўлини юқорига кўтарди Ҳайбатулло. — Сиз қайси сигирни сўйганини айтяпсиз?

— Қора бор-ку, гаваз. Менинг ўзим уни оп келишга шахсан борганман.

Ҳайбатулло кулди ва бир-бир қадам босиб, чолнинг ёнига келди-да, елкасига қўлини қўйди.

— Менга қаранг, Очил бобо. Мен сизнинг ёшингизниям, шу колхозга қилган меҳнатингизниям қадрлайман, ҳурмат қиламан. Ҳа-а, бу ердаги сигирлар тугул, устунлар ҳам сизга қадрдон бўп қолган. Лекин одам касалга чалингандай, моллар ҳам касалланади. Мана, бир хил касалликларга даво топилмаганидан қанчадан-қанча одам ўлиб кетяпти. Қора молдаям шу-да, ота. Агар вақтида юқумли касални ортириб олганларини сўйиб, кўмиб ташламасак, бутун фермадаги мол қирилиб кетади. Ўзингиз айтинг, битта бўғоз сигир юзтасидан афзалми? Биттаси-

ни деб шунчасидан айриладиган бўлсак, партия ва ҳуку-
матимизга нима деб жавоб берамиз? Умуман, ўзимиз-
нинг виждонимиз қийналмайдими? Анави ёққа қаранг,
— деб Ҳайбатулло янги туғилган бузоқчалар сақланади-
ган хонани кўрсатди. — Бир-биридан чиройли, бир-би-
ридан ширин. Агар ўша сиз айтган сигирни вақтида сўйиб,
вақтида обориб қўмиб ташламаганимизда, ана шу кела-
жакдан айрилган бўлардик.

Чолнинг ранги докадай оқариб кетди. Култ-култ этка-
зиб бир-икки марта ютинди-да, селкиллаб турган соқо-
лини силаб, айбдор кишидай Ҳайбатуллога қараб:

— Мени кечиринг, агроном бова, кечиринг. Мен бир-
иккита аҳмоқнинг гапига кириб қўйибман. Улар ҳам менга
ўхшаган чаласавод-да. Энди бориб уларга нима дейишни
ўзим биламан. Аттанг...

Чолнинг юзи шувут бўлиб, алданганидан қони жўшиб
кетди.

— Қойил, устоз, — деди арзчи бироз узоқлашгач Шо-
кир иржайганча.

— Қойилмиш! Ҳе-е, лапашанг! Шу битта сассиқ чолга
гап топиб беролмасанг, қандай қилиб ферма мудирини бўлиб
юрибсан?! Минг гапирганим билан, барибир, қулоғинга
ҳеч вақо кирмаскан, — дея қовоғини осилтирди Ҳайба-
тулло.

— Устоз, энди, ҳалиги, янгиман-да... Озроқ қизиққон-
лигим бор. Шу болаларни уришавериб, ўрганиб қолган
эканман-да...

— Бўпти! — унинг гапини бўлди Ҳайбатулло. — Ишинг
нима бўляпти?

— Зўр кетяпти. Худога шукр, қилган харажатимни чи-
қариб олдим. Энди бу ёғи киссага ишлаймиз-да.

— Сенинг калланг жойидами ўзи? Нимага ҳовлиқа-
сан? Ё қамалиб кетдинг келяптими? Қайси аҳмоқ тўрт
кун ичида шунча молни чиқариб юборади?

— Бу ёғи тоза, устоз. Минг йил текширишгандаям ҳеч
вақо топишолмайди.

— Сут плани нега бажарилмаяпти?

— Сут? Ҳалиги...

— Гўшт-чи?

—...

— Фермадаги молларнинг асосийсини бузоқлар ташкил қиларкан. Шунча ем-хашак қаерга кетди?

Шокирнинг ранги бўзарди. Унинг қаршисидаги одам Ҳайбатулло — йиқилса, турғазиб қўядиган, биров урса ёнини оладиган меҳрибон эмас, балки терговчига ўхшаб кетди. Унинг қўрқиб қолгани Ҳайбатуллога нашъа қилди. Мийиғида кулди.

— Кўрдингми? Иккита нарса сўрашим билан дамнинг ичинга тушиб кетди. Текширишга келганлар бошқача сўрашади. Ана ундан кейин нима бўлишини кўрасан. Сени ҳатто анави пулдор тоғаларинг ҳам қутқариб қолишолмайди. Шунинг учун пишиқ бўл. Бир марта чўқидингми, минг марта ён-атрофингга қара. Ана шу қарашингга уч-тўрт ой кетсин. Шунда ошиғинг олчи бўлади. Шунда тилинг икки қаричга ўсади, — дея Ҳайбатулло бир-бир босиб, чорпоя ёнига борди.

Ўтирди. Бошидаги шляпасини олиб қўйди-да, чўнтагидан дастрёмол чиқариб, бўйни, пешонасининг терини артди. Шокир бўлса қаршисида буйруқ кутаётган хизматкордек қўлларини кўксига қўйиб турарди.

— Чой-пой оп кемайсанми? — деди Ҳайбатулло жаҳли чиқиб.

— Ҳозир, устоз, ҳозир... — дея Шокир чорпоя устидаги чойнакни олди-ю, югуриб кетди.

— Одам бўмайди бу. Нима қилиб қанотим остига олдим, ҳайронман? Шунчалик ҳам бебурд бўладими? — деди унинг ортидан Ҳайбатулло ва эринганча ён-атрофига қарай бошлади.

Шунда унинг кўзи бирдан девор ёнида турган болага тушди. Бола ўн беш-ўн олти ёш атрофида бўлиб, тинимсиз атрофга алангларди.

«Бир гапи боров бу баччағарнинг» кўнглидан ўтказди Ҳайбатулло ҳамда секин ўрнидан туриб, бола томонга бир-икки қадам босди-да, тўхтади. Чунки бола унга термилиб қолганди.

— Ҳов, бу ёққа кел! — бақирди Ҳайбатулло.

— Менми? — деди бола ўзини кўрсатиб.

— Ҳа, сен. Манави ерга кўзойнагимнинг ойнаги тушиб кетди, олиб бер.

— Хўп.

Ҳайбатулло ичида кулди. «Аҳмоқ. Гўл. Кўр бўлсам, сени қандай кўрдим?» дея кўнглидан ўтказди.

Бола югуриб келди.

— Қани, қаерга тушди?

— Манави ерга, — дея қарийб оёғининг остини кўрсатди бош агроном.

Бола ёнига келиб, эндигина энгашган эди ҳамки, Ҳайбатулло унинг қўлидан маҳкам ушлади.

— Нима оп кетяпсан?! — деди дағдаға билан.

— Ҳеч нима! — жавоб берди Ҳайбатуллога қараб кўзларини пирпиратган бола.

— Ҳеч нимами? Яхши. Кимнинг боласисан?

— Айтмайман!

— Айтмайсан. Бундан чиқди, гуноҳингни икки марта оширишни хоҳларкансан-да. Ҳозир отангни топаман. Кейин отанг билан бирга қаматиб юбораман сен ўғрини!

— Битта мен ўғирлик қипманми? Ҳамма ўғирлаяптику!

— Ким у ҳамма?

— Подачиларнинг ҳаммаси-да!

— Яна ким?

— Ферма мудирининг ўзи!

— Ферма мудиринимани ўғирлабди?

— Моторни. Башняга сув чиқарадиган моторни оп кетди. Уйда ишлатаётган экан.

— Ким айтди сенга бу гапларни?

— Обориб берганлар.

— Обориб берганлар аҳмоқмиди муштдай болага айтгани?

— Менга айтмади. Магазинда биргаллашиб вино ичишаётган экан. Шунда гапларини эшитиб қолдим. Ферма мудирини ҳеч кимга айтманглар, деб ҳар бирига икки қопдан ем берибди.

— Шундай дегин...

Пешонаси тиришган Ҳайбатулло боланинг қўлини кўйиб юборди.

— Беда оп кетаётган бўлсанг керак. Майли, бир марта оп кет. Лекин иккинчи марта олсанг, ўзим сени қаматиб

юбораман. Бор, энди кетавер, — дея ҳолсизланганча чор-
пояга қайта ўтирди.

Бир муддат ўтиб Шокир қўлида чойнак-пиёла билан
қайтиб келди-да, ўтириб, энди чойни қайтармоқчи бўлга-
нида Ҳайбатулло уни тўхтатди:

— Сен бола ҳаддингдан ошибсан. Ферма мудири бўлга-
нингга тўрт кун бўлдими-йўқми кимлигингни ҳамма би-
либди, — деди.

— Нега бундай деяпсиз? — сўради ҳайрон бўлган Шо-
кир.

— Сув моторини оп кеп жойига қўй. Бугуноқ.

— Сув?.. Мотор?.. Ким айтди?..

— Энангнинг эри айтди, ифлос!

— Кечиринг, агроном бова...

— Кечиримингни пишириб е! Келиб-келиб сенга ка-
фил бўлиб юрибманми ҳали?

— Устоз... Устоз...

— Гўрдан чиққан устозингманми?! Мен сенга қачон
ўғирликни ўргатдим?..

* * *

Толмас Бадриддинович кўзини очди. Йўқ, аввал ўзига
келди. Қовоқлари жудаям оғир, юзи шишган, яна боши
қандайдир карахт эди. Бундай аҳволга илгари у сира
тушмаганлиги боис ҳайрон бўлди. «Бу дейман, ҳаво ях-
шимасга ўхшайди-да. Шу, охирги пайтларда ҳавогаям
тушуниб бўлмай қолди». Ана шундай ўйлардан кейинги-
на кўзини очди. Ётган жойида ён-атрофига қаради. Ка-
салхона. Бунақанги манзара фақат касалхонадагина бўла-
ди. Деворлари оққа бўялган, полида гилам йўқ. Яна ки-
раверишда ўнг томонда шкаф турибди. Ичида алламба-
лолар бор.

«Эй-й, мана, яна битта деталь. Осма укол. Аммо мен
нега бу ерда ётибман, қачон келдим?.. Шу, охирги пайт-
ларда олди-орқамга қарамай, кўп ичвордим-да. Одам бир
ўрганиб қолса, чатоқ экан. Савил қолгур, кунда тортар-
ди. Мана, нима бўлди охири? Ишқилиб, бу ёғи енгилро-
ғидан берган бўлсин-да... Бу, сув-пув беришмасмикан?
Лаб қуруқшаб кетди-ку» дея ўйлашда давом этди Толмас
Бадриддинович.

У миясидаги чалкаш-чулқаш ўйларни ҳайдаб, бирорта

хамширани чақирриш мақсадида ўрнидан турмоқчи бўлиб, энди қаддини кўтаришга чоғланганида, кўксида қаттиқ оғриқ турди. «Бўлмаскан, бўлмаскан... Шу, оғирроғи ёпишганга ўхшайди. Майли-да, ётган жойимизда чақирришдан бошқа иложимиз йўқ экан-да», дея у лабини ялаб қўйди. Худди шу маҳал эшик очилиб, чиройли, эғнидаги оппоқ халати ўзига ярашган қиз кирди. Кирди-ю, раис кўзини очганини кўриб, жилмайди.

— Ўзингизга келдингизми? Одамни анча қўрқитиб юбордингиз... — деди узун киприклари пирпираб.

— Энди бошқа қўрқитмаймиз. Менга бир пиёлагина сув беринг, жуда чанқаб кетдим.

— Ҳозир, аввал дўхтирни чақирай.

— Дўхтирни қўя...

Толмас Бадриддиновичнинг гапи оғзида қолди. Қиз лип этди-ю, кўздан йўқолди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас ҳамшира қиз дўхтир билан бирга қайтиб кирди. Мўйловли дўхтирнинг юзида табассум бор эди. Яна унинг боқиши кўпроқ ялтоқланишга ўхшаб кетарди. Тағин у одамга эриш туюладиган қилиқ қилди. Кучоғини очди.

— Толмас Бадриддинович! Ошна! Наҳотки шундай зарбардаст одам касал бўлса!

Ҳа-а, Толмас Бадриддинович уни танирди. Бир-икки марта ош-қатиқ бўлганди. Албатта, тасодифан эмас. Бу дунёда нима тасодифан рўй берган ўзи? Хуллас, райком идорасида ишлайдиган, нозик одамлардан биттасининг яқин қариндошини у даволаган экан. Ўша одам раисниям чақириб, ҳақ берувди. Ўшанда танишувди. Кейин тўймаърака дегандай, уч-тўрт марта кўришди. Охирида... Ҳа, охирини Толмас Бадриддинович яхши эслайди. Дўхтир унинг ёнига борганди. Боласининг ўқишига пул сўраб. Раис гап-сўзсиз, нақд уч минг сўм бериб юборди. Шунгайм, мана, бир йилдан ошибди.

— Пешона экан, пешона... — дея Толмас Бадриддинович ҳам зўрма-зўраки илжайди.

— Шу пешонага ўзимиз сабабчи бўламиз-да, Толмас Бадриддинович...

— Шошманг, дўхтир. Аввал бир пиёлагина муздай сув беринг. Кейин қанча насихатингиз бўлса, ҳаммасини эши-

таман.

— Муздай сув? Муздай сув мумкинмас. Лекин қайна-тилиб, кейин озроқ совитилгани бўлади, — дея врач ҳам-ширага юзланди: — Дилафрўзхон, бориб сув оп келинг.

Дўхтир Толмас Бадриддинович ётган каравотнинг чет-гинасига ўтирди. Асбоб-ускуналари билан унинг юрак уриши, қон босимини текширди. Натижадан қониқди. Кейин секин шивирлаб:

— Мелисалардан хушxabар бор, — деди.

Раиснинг юзи бирдан жиддий тортди. Пешонасини тириштириб:

— Мелиса?.. Мелисани нима қиламан? Мен улардан ҳеч қанақа хушxabар кутаётганим йўқ, — деди.

— Майли, уларнинг ўзлари сиз билан гаплашишар. Мен сизга бошқа нарсани айтмоқчиман, ҳалигина ёним-га бир аёл келган эди.

Толмас Бадриддиновичнинг хаёлига ўз-ўзидан бирдан Сумбулхон келди.

* * *

Сумбулхоним ҳеч қачон уни бунақанги шаллақи деб ўйламаган эди. Шу пайтгача у ўзини қандайдир айбдор ҳисоблаб келарди. Энди Насиманинг аҳволини кўргач, хурсанд бўлиб кетди. Бу аёл билан ҳеч ким яшолмасди. Эри ўлим билан олишиб ётган пайтда ичволиши... Оёғида зўрға тургани шундоққина кўриниб турибди. «Ёнига бор-сам, оғзидан келаётган ҳидга чидолмай ағанаб қолсам керак. Жонгинам, эргинам, пешонангиз шунчалик ҳам шўрмиди? Мен... менинг ўзим сизни оқ ювиб, оқ тарай-ман. Шунчаки бу аёлни ҳаётингизга адашиб келган бир нима деб ҳисоблайверинг. Толмас ака, мен сизни сева-ман. Сиз меникисиз, ҳа, фақатгина меники...»

У ўйлаш асносида жилмайди. Буни кўрган Насима эсидан оғиб қолаёзди.

— Анқовнинг туришини қара! Менга иржайишига бало борми?! — дея бақирди Насима нотаниш, шубҳали аёл-дан садо чиқавермагач.

— Эй-й, опа, — деб афтини бужмайтирди Саид, — нималар деяпсиз? Нима ишингиз бор бу аёл билан? Ўти-ринг мошинага!

— Ўтирмайман. Мана шу нухсаниям ёнимга ўтқиз,

боя буни мен касалхонада кўрувдим. Навбатчи медсестранинг қулоғига бир нима-бир нима деб шивирловди. Шу поччангни...

Ҳар қалай, касалхона дарвозаси унчалик узоқда эмасди. У ёққа кириб чиқувчилар кўп эди. Бундан ташқари, шунчаки ўткинчилар ҳам бор эди. Ҳаммаси тўхтаб, шангиллаётган аёлга қараб туришарди. Саид ноқулай аҳволга тушди. Машинани айланиб ўтиб, опасини мажбурлаб «Жигули»га ўтқазди ва ёнига ўзи ҳам ўтириб олди. Машина депсиниб, олдинга бир сакради-ю, тезлик олди.

«Сенга ҳар қандай эр ҳайф. Сен эрли бўлишга нолойиқсан. Толмас акамдай одамни шу аҳволга солган ҳам сенсан. Эртароқ ўлсанг, хурсанд бўлардим...» кўнглидан ўтказди Сумбулхон.

У бош врач билан учрашмоқчи эмасди. Аммо ҳозирги воқеадан кейин қасд қилди. Тўғри касалхона бошлиғининг ёнига кирди. «Толмас Бадриддиновичнинг яқин танишиман, институтда у билан бирга ўқиганман. Каттатегиридонданман. Районларингизга келиб, эшитиб қолдим, касаллигини. Кўриб кетмоқчиман», деди. Сумбулхон ёшига нисбатан анча ёш кўринарди. Фақат бугун пешонасига биттагина ажин тушди. Толмас Бадриддинович эса қорин қўйган, сочлари оқаргани етмагандай, тепакал бўлишга ҳам улгурган эди. Энди уларнинг курсдош бўлишларини тасаввур қилаверинг.

— Афсус, — дея қўлларини икки ёнига ёзди бош врач аёлни обдан кузатиб олгач, — сизга ҳеч қанақанги ёрдам беролмайман. Толмас Бадриддинович ҳали ўзига келгани йўқ.

Сумбулхоннинг ичига қоронғилик энди. Лаблари титраб, йиғлаб юборишдан берироқ бўлиб турганида ҳамшира қиз кириб келди ва янгиликдан хабардор этди.

* * *

Раиснинг кутгани бўлди. Эшик очилиб кўзидан дув-дув ёш оқизганча Сумбулхоним кириб келди. Келибоқ эрини кучди. Юз-кўзларидан ўпди. «Нега, нега?..» дея бўғилиб сўради. Толмас Бадриддинович унинг қоп-қора сочини силади.

— Шунчаки ҳазиллашдим? Бир кўрқитиб кўрайин-чи келармикан, дедим. Аслида, жин ҳам ургани йўқ, — дея

Толмас Бадриддинович уни юпатмоқчи бўлди.

Аммо Сумбулхон юпанадиган аҳволда эмасди. Унинг юрак-бағри қон эди. Жони ҳалқумига келганди. Бирор беш дақиқа кўз ёшиям, овозиям тинмади. Охири раис: «Мазам қочиб қолади», дегандан кейингина мажбуран ўзини босиб олди. Бироқ эри билан узоқ гаплаша олмади. Палатага милиция формасидаги кишилар кириб келишди ва у чиқиб кетишга мажбур бўлди.

* * *

Маъруф яна бир кунни зах, биттагина темир каравоти бўлган қоп-қоронғи хонада ўтказди. Нималар ҳақида хаёл сурмади? Қандай режалар тузмади? Хонанинг қарийб минг маротаба у бошидан бу бошига бориб келди. Назарида, умри охирлаб қолгандай эди. Ахир бундан бу ёғига узоқ муддатга қамалиб кетса, бутун келажаги барбод бўлади. Ундан сўнг яшашгаям ҳожат йўқ. Ана, отасини кўрди. Бир кунда икки букилиб, боши елкасининг ичига кириб кетибди. Падари унинг бир неча йил турмада ўтиришига қандай чидайди? Яна қайтиб гўрга кириб кетмайдими? Онаси-чи? Шундоғам юраги чатоқ. Бир марта сал бўлмаса, айрилиб қолаёзди. Эндигиси аниқ бирон нима қилиб кўяди.

«Бўлди, майнавозчиликни йиғиштиришим керак. Нима бўлган тақдирдаям, қамалмаслик йўлини топишим зарур. Илгарилари шундай қилардим. Қийинчиликка дуч келдимми, дарров ундан қутулиш чораларини излардим. Топардим, қутулардим. Нега энди шундай қилолмас эканман? Тезроқ тонг отсайди. Турқи совуқ терговчи билан рўпара бўлсайдим. Ана ундан сўнг... Шошма, ундан сўнг нима бўлади? Нима деб оқлайман ўзимни? Парданикига борганим рост. Ҳеч ким кўрмагандаям, майлийди. Ахир мени ушлаб олиб келишди. Нақ жиноят устида ушлашди. Лекин...»

У ўзининг айбсиз эканлигини исботлайдиган ҳеч вақо тополмади. Чунки... Шу, лаънати чункилар кўп эди-да...

Маъруф тонгга яқингина темир каравотга ётди. Унинг устига тахта қоқилган бўлиб, тахта юпқа чарм билан қопланган эди. Лекин у Маъруфнинг баданига ботмади. Роса толиққан йигит бирпасда тарашадай қотиб ухлаб қолди. Уни олиб кетгани кирган сержант эшик ёнида уч марта

исм-фамилиясини айтиб чақирди. Аммо Маъруф қилт этмади. «Бу бола ўзини бирон нима қилиб қўймадимикан?» деган хавотирда сержант тез келиб уни туртди.

— Уф-ф! — деди Маъруф кўзини очмасдан. — Сал кейинроқ турарман.

— Онангнинг уйида кейинроқ турасан! Бўл тез! — бақирди сержант.

Маъруф чўчиб тушди. Нима бўлаётганини англа-ламас, сержант уни қўлидан тортиб турғазди. Орқасидан итариб, эшикдан йўлакка олиб чиқди. Кейин терговчининг хонасига киритиб юборди. Тунд қиёфали терговчининг бир кундаёқ чеҳраси очилибди. «Шоввоз, маза қилиб ухладингми?» деб сўради. Маъруфнинг яна энсаси қотди. Ўхшатиб сўқмоқчийди, тундаги хаёллари эсига тушди. Шу боис индамай қўя қолди.

— Сенга жавоб! — деди кутилмаганда терговчи. — Икки кун меҳмон бўлдинг, етар! Энди бориб ишла. Бундай ялпайиб ётаверсанг, ким сенинг ишларингни қилади?

Маъруф туш кўряпман, деб ўйлади. Чунки бир кундаёқ терговчи бутунлай бошқа томонга ўзгариб қолиши мумкин эмасди-да.

— Лекин эслатиб қўяй, ҳар нарсага бурнингни тика-верма: бошингга йўқ жойдан бало орттириб оласан.

Маъруф унинг маслаҳатига амал қилишга ваъда берди. Аммо ваъдаси мелисахона эшигидан нарига ўтмади.

«Падарингга лаънат Пардани, барибир, топаман, терисини шилиб оламан! Аввал Паризодни қидиришим керак. Бечора нима аҳволга тушдийкан? Тўхта, Толмас Бадриддинович қай аҳволда экан? Ҳар қалай, қизини йўқотган. Юраги оғриб, балнисада ётибди. Мени кўрса, баттар эзилса керак. Шунақа бўп қолди, ука, дейди. Балки, йиғлаб юборар. Нима бўлганда ҳам, у кўзидан бир қатра ёшини оқизмаслиги мумкин, аммо қизини йўқотганда, ҳар қандай ота додлаб юборса керак. Демак, мен ҳозирча анави турмадан қочган аблаҳни қидиришим зарур...»

У ўйга берилганидан сал бўлмаса, рўпарасидан келаётган отасини кўрмай, ўтиб кетаёзди. Эҳтимол, отаси сўз қотмаганида индамай ўтиб кетиши ҳам мумкин эди.

— Қўйворишдимиз? — деди Норқул ака қуруққина,

совуққина қилиб.

Маъруф бирдан юришдан тўхтади ва отасига термилди. Сўнг:

— Ҳа... — дея бошини эгди.

— Ўзларидан ўзлари қўйиб юборишдими?

— Ўзларидан ўзлари...

— Айбинг йўқ эканми?

— Шундай, шекилли...

— Унда нимага икки кун ушлаб туришди?

— Билмасам...

— Падарингга лаънатилар! Ҳозир кираманда ҳар бало деб ташлайман!

— Керакмас, ота. Терговчи айтди. Бошимни ҳамма жойга тикавермас эканман.

Норқул ака хўрсинди. Сўнг чўнтагини ковлаб, носқовоғини олди-да, чекарини ҳам, чекмасини ҳам билмай, бир муддат туриб қолди. Чунки ҳалигина носини тупуриб, оғзи қуруқлашганди. Газ сув ичарман, деганди. Аксига олиб, йўлида сув ҳам учрамади.

— Унда юр уйга! Оёқ-қўлингни боғлаб ташлайман! Икки кун мелиса қамаган бўлса, мен бир ой қамайман! — дағдаға қилди отаси.

Маъруфнинг кулгиси қистади. Лекин кулолмади. Куладиган бўлса, отаси бирдан бобиллашни бошлайди. Эҳтимол, ўтиб қайтаётган одамларга ҳам қарамасдан, шу ернинг ўзида калтаклашга тушиб кетар. Чунки отасининг феълида шундай нарса бор. Баъзан кўнглига келган ишни дуч келган жойда қилиб кетаверади. Бундай пайтда унинг ҳар битта айтганига қўниш шарт. Шунга қарамай Маъруф:

— Раиснинг мазаси йўқ, балнисада экан. Кўриб кетмаймизми? — деди.

Норқул ака боласига ўқрайиб қаради.

— Ҳеч гўрга бормайсан! Тўғри уйга! Олдимга туш! — дея бақариб берди.

Уйда энаси кўз ёш тўкди. Синглиси бўйнига осилволиб, увиллаб йиғлади. Унинг юраги баттар сиқилди.

— Бўлди-да! — деб бақирди синглисига. — Ўлиб қолганим йўқ-ку!

— Ҳа-а, ўлгин эди! Бизга шуниси камлик қилиб ту-

рувди! — дея унга жавобан айюҳаннос солди энаси.

Маъруф синглисининг қўлини силтаб ташлади ва уйга кириб кетди. Ўзини кўрпага ташлади-ю, бир муддатли ўй суришдан сўнг ухлаб қолди.

Тушдан кейин Наргиза келди. Дугонаси билан салом-алик қилар-қилмас, Маъруфни сўради. Маҳлиёнинг қовоғи уйилди.

— Икки кун қамоқда ётганига мияси айниб қолганга ўхшайди. Менга бақриб ташлади. Энам уришувди, уйига кириб кетди... — деб бурнини тортиб қўйди у.

— Жаҳл қилма. Бечора қанча қийналган. Омон-эсон келганига хурсанд бўлмайсанми? Қамаб юборишганида нима қилардинг? Ундан кўра, юр, эшикни оч, мен ҳам бир қараб қўяйин.

— Эй-й, йўқ. Билиб қолса, калламни олади. Бу ёғи отамниям жаҳли чиққан. Балоба қоп кетмайин.

— Маҳлиё, дугон, кел, йўқ дема. Кўрайин, биласан-ку. Ундан кейин уйда отамнинг бир нималарни режалаштирганини эшитиб қолдим. Кўрайин, сенга ҳаммасини айтиб бераман.

Маҳлиёнинг қошлари чимирилди. Кўзининг таги билан дугонасига қаради.

— Наргиз, агар акам ухламаётган бўлса-ю, сенинг мўра-лаётганингни кўриб қолса, балоба қоп кетасан. Шунга розимисан?

— Розиман...

— Яхши, энди, айт, отанг нима режа тузган?

— Аввал Маъруф акамни кўриб олайин, кейин айтаман, хавотир олма.

— Бўпти, юр.

Маъруф ёнбошлаб, дераза томонга ўгирилганча ухларди. Наргиза унинг юзини кўролмади. Хонага киргиси, севгилисига термилгиси келди. Шу боисдан секин ичкарига қадам қўйди. Маҳлиё шу заҳоти қўлидан ушлаб олди.

— Жинни, қайт, ҳозир уйғониб қолса, ўласан! — деди пичирлаб.

Наргизанинг пешонасидан тер чиқиб кетганди. Ички ҳаяжони шунақанги кучли эдики, титрарди. Маҳлиё буни дарров сизди ва дугонасини орқага қаттиқроқ тортиб,

ташқарига чиқарди-да, эшикни ёпди.

— Сенга нима бўляпти, Наргиз? — деди унинг кўзига термилиб.

— Билмайман, Маҳлиё. Бошқача бўп кетдим... — жавоб берди Наргиза кўзини ерга қадаб.

— Одам яхши кўрса, шунақанги аҳволга тушадими?

Наргиза бирдан Маҳлиёни кучоқлаб олди. Ўқириб-ўқириб йиғлагиси келди. Лекин дугонасидан уялди. Ҳозиргина Маъруф ухлаётган хонага киришдан уялмаганди. Умуман, бундай пайтда ўзи ҳам англаёлмайдиган қандайдир куч уни ичкарига итарганди. У бир неча лаҳза Маҳлиё ёнида эканлигини унутганди. Бу шунчалик тез содир бўлдики, ўзиям нима бўлаётганини англаёлмай қолди. Кейин нима бўлди? Кейин Наргиза дугонаси олдида уятсиз, юзсиз бир қизга айланди. Ўзининг наздида шундай эди. Чунки Маҳлиё у тўғрисида асло бундай фикрда эмасди. У бировни севиб, мана шундай аҳволга тушиб қолишдан қўрқиб кетди.

— Мени кечир, Маҳлиё. Мен кетдим.

Наргиза тезда дугонасини қўйиб юбориб, уйи томон кетаётганида Маҳлиё уни тўхтатди ва югуриб ёнига борди-да:

— Бундан бу ёғига мени сиз дейсиз, янгажон, келишдикми? — дея пичирлади.

Наргиза баттар қизарди. Юраги шодликдан гупиллаб уриб кетди. Қандай қилиб яна Маҳлиёни кучоқлагани, юзидан чўлпиллатиб ўпганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қилиғи ўзигаям, дугонасигаям ёқди, аммо боядан бери уларни кузатиб турган Норқул акага ёқмади. У экинзорнинг ўртасидаги олма тагида, сояда ўтирволиб, кетмон даста ясаётганди. Қизлар Маъруфнинг хонаси эшигини очгани, ўша ернинг ўзида ачомлашганини кўрмаганди. Аммо ҳозир Наргиза унинг қизини ўпиб қўяётганини кўрди. «Ҳайбатулло мешнинг қизи охирги пайтларда серқатнов бўп қолгандайми? Ишқилиб, тинчликмикан, бирорта палакатни кўтариб келмаётганмикан? Тўғри, илгариям кўп келарди. Лекин у пайтлари кичкина эди. Ҳозир бўйи етиб қопти... Отанг ким-у, сен ким бўлардинг?» хаёлидан ўтказди у ва томоқ қирди.

Иккала қиз ҳам бирдан Норқул ака томонга қарашди.

— Маҳлиё, шиқинг-шиқинг қилавермасдан энангга қарашсанг бўлмайдими?

Отасининг томоқ қиришиданоқ худди айб иш қилиб қўйгандай чўчиб тушган қиз Наргиза билан хайрлашишни-да унутиб, югуриб кетди. Кейинроқ Наргизага ачинди. «Отам акамни ҳеч қачон сенга уйлантирмайди» дея хаёлидан ўтказди у.

* * *

Чўтир бир соатлар, чамаси, эшик ёнида турди. Сўнг ханжарини ғилофга тиқиб, Паризоднинг ёнига қайтиб келиб иржайди:

— Билсанг, мен омадли йигитман. Ёшлигимдан шундайман. Бир марта адашиб, ментларнинг қўлига тушиб қолганимни ҳисобга олмаса. Шундаям бировнинг гапига қулоқ солганман-да... — деди ва хўрсиниб қўйди.

— Сиз умрингизда бирорта қизни севганмисиз? — сўради Паризод гапни бошқа томонга буриш мақсадида.

Чунки қизнинг назарида чўтирнинг бутун ўй-хаёли одамларга озор беришда эди. Бироз чалғитса, эҳтимолки, озроқ кўнгли юмшар, балки, сениям қийнаб юбордим, деб қўйиб юборар, деган умидда эди у.

— Даҳшат! Ҳа, мен даҳшат яхши кўриб қолганман биттасини. У мендан беш ёш катта эди. Отарчийди. Тўйма-тўй юрарди, лекин унга қўлимнинг учиниям теккиза олмаганман. Ит, биттасига тегволди! Тўғрисини айтсам, шу одамнинг бўйнига осилволди. У отарчиларни у тўйдан бу тўйга олиб юрадиган шопир экан. Бир куни ўйинчи билан ёлғиз қоп кетибди. Кейин ҳазиллашиб қўйибди. Хуллас, кейин нима бўлганини билмайман. Билганим, ҳалиги шопирнинг хотини кетиб қолган. Унинг ўрнига бизнинг юрак-бағримизнинг абжағини чиқарган қиз тегиб олган. Тамом.

Паризод ичида кулди. «Палакат, севганинг ҳам ўзингга ўхшаган экан-да. Ўласанми, одамга ўхшаганини топсанг?» дея кўнглидан ўтказди.

— Лекин сен зўр экансан, — деб чўтир Паризоднинг ёнига ўтирди.

Ундан келаётган ачимсиқ ҳиддан қизнинг кўнгли ағдарилаёзди. Шу боис сал нарироққа силжиди.

— Ҳалиги мени қўйиб юборишингизни айтувдингиз...

— деди киприклари пир-пираб.

— Кўйиб юбораман?.. Ҳа-а, кўйиб юбораман. Лекин осонгинамас. Агар осонгина кўйиб юборсам, зекларнинг олдига қандай бораман? Қайси бет билан? Улар мендан «Ҳеч нима қилмадингми?» деб сўрашса, нима деб жавоб бераман?..

— Сиз... Сиз... — деди Паризод қалтираб.

— Захлаб кетгансиз, қўлингиздан, барибир, ҳеч нима келмайди, демоқчимисан? Агар шундай десанг, адашасан, мен бошқача йўлини биламан.

Чўтир Паризодга янада яқинроқ ўтирди ва секин қизнинг қўлини ушлади.

— Ҳозир додлайман! Тегинманг менга! — деди аъзои бадани дир-дир титраётган Паризод.

— Додлайсан? Майли, розиман. Фақат бақирганингдан кейин оғзинг қонга беланади. Беш-олтита тишинг синиб тушади. Бурнинг пачақланади. Мабодо овозингни бирортаси эшитган тақдирдаям, у етиб келгунича нафас олмаётган бўласан. Агар шуларга рози бўлсанг, бемалол, томоғинг йиртилиб кетгунча бақир! — дея хунук иржайди чўтир.

— Шошманг, сизниям синглингиз бордир? Кимдир уни шу аҳволга солса, нима қилардингиз?

Чўтирнинг бирдан юзи жиддийлашди. У қаддини ростлаб, бошини орқага ташлади-да, «Уф» деди ва чўнтагига қўлини тиқиб, носқовоғини олди. Кейин деворга суяниб, сувоқни сидириб ўтирди. Нос отди ва шундан сўнги-на:

— Бекор бу гапни айтдинг. Ярамни янгиладинг. Бунинг учун аввал индамаган бўлсам ҳам, энди соғ қўймайман! — деди.

Ундаги ўзгаришни кўрган Паризод бутунлай бошқача ўйга борганди. Гапларини эшитгач, ҳадиги икки баравар ортди. Қиз аввалгидан ҳам баттар титрай бошлади. Айни чоғда негадир ўзини айбдордек ҳис этаётганди. Чўтирнинг ярасини янгилади. Афтига ит қарамайдиган, оғзидан чиқадиغان ҳавога чидаш ўта мушкул бўлган, хатти-ҳаракати, қилиқлари одамни кўрқитадиган Чўтирнинг кўнглини оғритиб қўйди. Шошма, унда кўнгил деган нарса борми ўзи? Мана, хафа бўлди-ку, демак, бор экан-да.

— Мени кечиринг, билмасдан гапириб қўйибман... — деди Паризод кўрқа-писа Чўтирга қараркан.

— Энди кеч бўлди. Буни гапирмасингдан олдин ўйлашинг керак эди. Лекин, барибир, бир кунмас бир кун кимдир шундай дейди, деб ўйлаб юрардим. Мана, ўйлаганимдай бўлди. Билсанг, билсанг, менинг биринчи марта қамалишимга ўша синглим сабабчи бўлган. Шаҳарда турардик. Ўзимизга тўқ оила эдик. Отам базада ишларди. Импорт моллар базасида. Оддий нарса киймасдик. Ҳаманинг бизга ҳаваси келарди. Айниқса, синглим Ситора роса олифта эди. Бир куни шаҳарнинг ўртасидаги боғда қандайдир бола билан гаплашиб ўтирганини кўриб қолдим. Жоним чиқиб кетди. Анави боланинг абжағини чиқариб ташламоқчи бўлганимда, Ситора йўлимни тўсиб: «Бўлажак куёвингизни урасизми?» деди. Индаёлмадим. Тўғрироғи, уролмадим. «Куёв бўладиган бўлса, аввал совчи жўнатсин. Ундан кейин учрашувлар бўлаверади», дедим. Кейин синглимни олдимга солиб, уйга кетдим. Орадан икки ой ўтдими-йўқми, Ситорани умуман бошқа бола билан учратдим. Тунги дискотекада. Бурчакка ўтволиб, биттаси билан қучоқлашганча ўпишиб турибди. Ана шу пайти бутунлай ўзимни йўқотиб қўйдим. Ҳалиги боланинг дабдаласини чиқариб ташладим. Орада Ситораям бир-икки мушт еди. Кейин ким мени судга берганини биласанми?!

Чўтир кутилмаганда ҳайқириб юборди. Паризод жавоб беролмади. Кўнглидан ўша Ситора исмли қиз ўтди. Чўтир қўлини мушт қилди-да, деворни аямасдан икки-уч марта урди.

— Синглим! Синглим! — деди ғазаб билан. — «Мен турмушга чиқадиган болани урди, мениям урди!» деб судга берди! Ҳеч кимга қулоқ солмади. Ота-онам уни қайтаришга қанча уринди. Фойдаси бўлмади — қамалдим. Кейин қамоқда суриштириб билдимки, Ситора бизга билдирмасдан наша чекаркан. Нашавандлар уни шундай қилишга мажбурлашган. Тушундингми?!

Чўтир сўзлашдан тўхтади. Бир муддат кўзини юмиб ўтирди. Сўнг хаста товушда:

— Синглимнинг хуштори озодликда кўп юрмади. Бир йилдан кейин ёнимга келди. Наша сотаётганида қўлга

тушибди. Паразитни турмада ўлдириб қўйдим. Кейин яна срок олдим. Сен бўлсанг сизниям синглингиз бордир, дейсан. Мен сени ўлдираман! Йўқ, бирдан эмас, аввал кўнглимга келган ишни қиламан, сўнг ўлдираман!

* * *

Ҳайбатулло идорага кетди. Шокирнинг ялиниб-ёлвориб-ришларини эшитиб ўтирмади. Эшитишга тоқати етмади. Бунинг ўрнига уни ўлдириб қўйгиси келди. Қўли мушт бўлди, кўзи олайди, қони кўпчиди. Лекин у ўзини босди. «Тфу!» дея ерга тупурди. Сўнг кетди. Борибоқ гавдасига ярашмайдиган чаққонлик билан машинага минди-да:

— Ҳайда! Ҳаммасининг падарига лаънат! — дея бақирди Элёрга.

Идорада анча-мунча одам бор эди. Уларнинг ҳеч бири ёлғиз турмасди. Тўда-тўда бўлиб туришарди ва минг хил ғийбат кетаётганди. Ҳайбатуллонинг бориши ҳамманинг овозини бараварига ўчирди. Ғийбатлашаётганлар, кўнгилларидаги шубҳаларини бошқаларга етказётганлар дарров унинг машинаси томонга қарашди. Бир-иккиси кийим-бошини тўғрилаган бўлди. Сабаби, Толмас Бадридиновичнинг раислик умри тугаб, Ҳайбатуллоники бошланганди уларнинг назарида. Шунга улар уст-бошларига қараб олишлари билан бирга иржайиб ҳам қўйишди.

— Нима гап?! — қичқирди Ҳайбатулло биринчи тўпланганларга етишига уч-тўрт қадам қолганида. — Утиль буюм кутаётганга ўхшаб турибсизлар!

Шундай деди-ю, у тилини тишлаб қўйди. Сабаби, ўзининг обрўсига путур етказадиган гап айтиб қўйган эди, назарида.

— Емхўрлар! Биронтанг ишни ўйламайсан! Қаердан-дир ниманидир қўпориш мияларингда! Ҳаммангни тўплаб, бир гўрга тиқиш керак! Колхоз қандай оғир аҳволда турибди-ю, буларга бир қара!

Амали кичикроқлар бошларини эгишди. Бош бухгалтер, зоотехник, бош инженер даражасидагиларнинг эса энсалари қотди. «Бу ҳовлиқма ўзича нималар деб валдираяпти?» дея хаёлларидан ўтказишди.

— Катталар менинг хонамга, қолганлар иш-ишларига жўнасин! Кечқурун ҳамма сводкани шахсан ўзим текшириб чиқаман! — деди бош агроном.

У тўхтамади. Гапирди-ю, ўтиб кетди. Хонасига киргач, дарров лабига сигарета қистирди. Кейин сигаретни тутатиб, жойига бориб ўтирди. Пешонасига кафтини тиради. Четдан қараган одамга у ниҳоятда кўп ишни бажарган, ўта чарчаган ва жудаям аҳамиятли юмуш тўғрисида бош қотираётган раҳбарга ўхшарди.

Бироздан сўнг эшик очилди. Катталар бирин-кетин киришди. Гўё ниҳоятда дармони қуриган Ҳайбатулло оғриниб бошини кўтарди.

— Келинлар... — деди хаста товушда.

Келувчилар ҳайрон бўлишди ва зимдан бир-бирларига қараб олишди. Икки киши — бош бухгалтер билан зоотехник ўзаро кўз уриштириб қўйишди.

Буларнинг ҳаммасини Ҳайбатулло кўрди. Ичида уларнинг устидан кулди. Сўнг ҳорғин нафас чиқариб:

— Ташқарида қаттиқроқ гапириб юбордим. Кимнинг кўнглига теккан бўлса, хафа бўлмасин. Менинг эшитганларим олдида айтганларим ҳолва. Яқиндагина райкомдан келдим. Обдан тузландим, — деди Ҳайбатулло ва ўтирганларга бирма-бир кўз ташлаб чиқди.

— Тинчликми? — сўради бош бухгалтер хавотирланиб.

Ҳайбатулло жавоб беришдан олдин яна ўхшатиб хасталардек нафас чиқарди. Кейин:

— Кошкийди... Кошкийди, тинчлик бўлганида. Сиз билан мен билмайдиган ишлар кўп бўлганга ўхшайди колхозда. Толмас Бадриддинович кимлар билан алоқа қилган? Нималарни гаплашган? Режаси қанақа бўлган — ҳаммаси қоронғи. Буларнинг бари тузалиб чиққанидан кейин терговда аниқ бўлади. Сизлар тўпланмасдан олдин мен райкомдан қайтаётиб, идорага киргандим. Иккита мелиса обдан обориб, оп келди. Тўғриси айтсам, қон босимим ошиб, ағанаб қоламан, деб ўйлагандим.

— Ҳа-а, иккитасини мен ҳам кўргандим. Лекин ёнларига бормадим. Бунақанги пайтда улар билан гаплашиб бўладими? — деди зоотехник Ҳайбатуллодан кўзини узмай.

— Шунақа-да. Сизлар чеккада қолаверасизлар. Биз бўлсак эмаган сомсага пул тўлаб юраверамиз, — деди унга жавобан Ҳайбатулло.

— Очикроқ гапиринг. Толмас Бадриддиновичнинг аҳво-

ли қандай экан? Райком нима деди? Биз нима иш қилайлик? — деди бош бухгалтер.

— Толмас Бадриддиновичнинг ёнига бориш хавфли. У ерни кузатишяпти. Ким ёнига келади, нима дейди — ҳаммаси назоратда. Шунинг учун қанчалик яқин бўлмайин, боролмадим. Райком бўлса энамни кўрсатди. «Сенинг кўзинг қаердайди? Нимага сени шу колхознинг ишончли одами қип қўйибмиз?» деб роса пўстагимни қоқди. Қиладиган ишингизга келсак, ҳисоб-китобга яна бир марта шахсан ўзингиз яхшилаб қараб чиқинг. Битта-яримта камчилиги бўлса, текширувчилар келмасидан тўғрилаб қўйинг. Бу гап бошқаларга тегишли.

Ҳайбатулло худди раисдек, райком, обкомдагиларнинг ишончли одамидек, келажакда, албатта, амалдор бўладигандек гапирди. Ҳатто озроқ кўкрагини кериб, бошини кўтарди. Унинг афт-ангоридан «Бундан кейин мен билан ўйлаброқ гаплашинглар. Мен шунақанги зўр одамман» деган маънони уқиш мумкин эди.

— Ҳа-а, чатоқ иш бўлди. Бечора Толмас Бадриддинович асли яхши одам. Шу қизи топилгандайди. Бечора шунга куйди-да, — деди бош инженер калласини кўтармай.

Бу гапдан Ҳайбатуллонинг гаши келди. Қошлари тўқишди. «Падарингга лаънат, мен нима деяпман-у, сен нима дейсан?! Бечораймиш. Бечораликка бало борми? У фирт муттаҳам-ку!» дея кўнглидан ўтказди ва бармоқлари орасида тутаб, тугаёзган сигаретани кулдонга босиб эзгилади.

— Энди нима қиламиз? Пешона экан-да, — деди зўрға Ҳайбатулло ва яна битта сигарета олиб, лабига қистириб тутатди: — Рост, даҳшат чарчадим. Ҳали мен ҳам ишларимни бир бошдан кўриб чиқишим керак. Шунинг учун ҳаммага жавоб. Фақат бош бухгалтер қолсин.

У шошилмасдан, ўпкасини тўлдириб-тўлдириб тутун ютди. Пешонасини тириштириб, ўйлаган киши бўлди. Бош бухгалтер билан ёлғиз қолишганидан кейин ҳам бирор дақиқа сўзламади ва кўкрагини кериб, ястаниброқ ўтирди-да, секин гап бошлади:

— Бу ёғи, келаятган балонинг олдини олмасак, бўмайди.

— Йўли бормикан? — сўради ҳисобчи унга умидвор боқиб.

— Йўли... Йўли мулла жирингда, бошқа нима бўларди? Шу пайтгача шу нарса бўп келган, бундан кейин ҳам бўлади. Сиз кассага қўл тиқиб кўринг, бирор уч минг чиқиб қолар. Шунини яхшилаб қоғозга ўрангда, бу ёққа оп келинг... Йўқ, яхшиси, Элёрга бериб қўйинг. Мен кечга томон райкомга яна бир марта ўтаман. Ўзларига шама қилувдим, тезлаштир, дегандай қилди. Энди ўзлари қалқон бўмаса, бўлмайдиган бўп турибди. Толмасжоннинг тақдири нима бўлади? Очиғи, билмайман, лекин биз ўзимизни ҳимоя қип қўйишимиз керак. Кейин вазиятга қараб иш тутаверамиз.

— Кассада унча пул йўғов...

— Йўлини қиласиз-да. Елканинг устидаги бош керак-ку.

Бош бухгалтер хўрсиниб қўйди ва офринганча ўрнидан турди. У эшикни ёпиши билан Ҳайбатулло тез бориб шкафни очди-да, ароқ олди. Столнинг устига қўйди. Ташқарида биров бор-йўқлигини билиш учун деразадан қараб келди. Кейин пиёлага тўлдириб ароқ қуйиб, ичиб юборди. Томоғини куйдириб ўтган суюқлик унинг кайфиятини бироз кўтарди.

— Занғар, шундай пайтлари мойдай ўтади-да, — деб қўйди-да, яна пиёлани тўлдирди.

Ичди. Лаб-лунжини артиб қўйди. Ана ундан сўнг эшик томонга йўналди. Ҳовлига чиқиб, энг аввало, бухгалтерия томонга қаради. Ҳеч ким кўринмади.

«Қизталоқ, гапимга ишонмай, суриб қолганга ўхшайди» деб ўйлади ва қадамини судраб босганча машина томонга кетаётганида бош ҳисобчининг Элёр билан гаплашиб турганини кўрди. Юзи ёришди. «Берибди. Бермай қаёққаям борарди? Бу ёғини бошлаб ташлаган бўлсам. Ҳе, содда-я. Текширувчи дейишим билан оёғинг қалтирайди. Демак, сени қўлимда ўйнатсам бўларкан».

У беихтиёр яна чўнтагидан сигарета олиб чекди. Кейин пешонасини тириштириб, тагин ниҳоятда қайғуга ботган киши қиёфасига кирди. Бош бухгалтернинг қовоғидан қор ёғарди. У шунақанги ғазаб билан Ҳайбатуллога қараб турардики, гўё бош агроном ёнига келиши билан

ёқасига ёпишадиган шашти бор эди.

— Нозим ака, — деди унинг афт-ангоридан бироз чўчиган Ҳайбатулло, — сиз билан ҳозир бир жойга борамиз.

— Менга қаранг. Сиз нега ўзингиздан ўзингиз буйруқ бериб юрибсиз? — деди лаблари титраган бош бухгалтер.

— Кошкийди. Кошкийди, ҳозир менгаям кимдир буйруқ берса-ю, бажариб уйимга борсам-да, маза қилиб дам олиб ётсам. Шундай нозик пайтда сиз менга осон деб ўйлайсизми? — дея Ҳайбатулло ўткир нигоҳини Нозим бухгалтерга қадади.

Бош ҳисобчи ундан бунақанги жавоб кутмаган эди. Довдиради ва бирдан кўзини олиб қочди.

— Мени ўзича катталик қиляпти, деб ўйлаган бўлсангиз, ана машина, ана шофёр, райкомга боринг. Ҳамма ишни ўзингиз ҳал қилинг. Мен пиёдаям уйимга кетавераман. Агар пул кетаётганига ичингиз ачиса, тўғрироғи, пулларни агрономнинг ўзи баҳонада қўприб қоляпти, деб ўйласангиз, бемалол олинг-да, райкомдан одам топиб, ишни ҳал қилинг.

— Йўғ-э, Ҳайбатуллобой, жа унчаликмас. Колхозда раис бўлмаган пайтларида унинг ишини бош агроном бажариб туради-да. Сал қизишиб қопмиз, бир қошиқ қонимиздан кечасиз энди, — дарров вазиятни силлиқлашга ўтди бош бухгалтер.

Ҳайбатулло ич-ичидан маза қилиб кулди. «Тўрт карра тўртни билиш билан одам ақлли бўп қолмайди» дея кўнглидан ўтказди. Сўнг оғир хўрсиниб қўйди-да (албатта, Нозим бухгалтерни чалғитиш учун), «Виллис»нинг эшигини очиб:

— Осон қутулмайсиз, Нозим ака. Ҳақ берасиз. Худди бугуннинг ўзида. Итдай ишлаб чарчадик. Бунинг устига, кўнглимизни оғритдингиз. Демак, кичкинагина қурбонлик қип ташлайсиз, шу баҳонада чарчоқ ёзди қиламиз, — дея номигагина кулиб қўйиб, машинага ўтирди.

— Ҳайда! Тезроқ ҳайда, кеч қоляпмиз! — деди Элёрга.

Машина чанг-тўзон кўтариб, елдай учиб кетди. Нозим Пардаев унинг ортидан серрайганча қараб қолаверди.

— Аммо бопладингиз, хўжайин. Шундай гапларни қандай топасиз, ҳайронман? Мен ҳозир иккови муштлашиб кетишса керак, деб ўйлагандим. Бўйнига илиб ташла-

дингиз-а, — деди бир муддатдан сўнг Элёр.

Ҳайбатулло хохолаб кулди. Ҳайдовчисининг елкасига уриб кўйди.

— Кўрдингми, иштони ҳўл бўп қолди-я! — дея қаҳқаҳани авжлантирди бош агроном.

Элёр ҳам унга кўшилиб ҳиринглади. Шу пайт машина филдираги чуқурга тушди. Ҳайбатулло отилиб кетиб, томга бошини урди.

— Ҳой, палакат, астароқ ҳайда! — қичқирди у бирдан кўзи ола бўлиб.

— Эй-й, хўжайин, билмасдан...

— Сенинг дўстлигингдан душманлигинг кўпми, дейман-да! Яхшиям, ақлли одамлар томни брезентдан қилган. Бўлмаса, нақ бошимни ёрардинг! — тўнғиллади Ҳайбатулло.

Элёр машинани секинлаштирди. Ҳайбатулло асло хафа бўлмаганди. У ҳали-ҳануз бош бухгалтерни эзгилаб ташлаганидан роҳатланиб кетаётганди.

— Элёрбек, энди Нозим ҳисобчиам кўлимизда. Озгина имласам, чопиб келади. Тўғрироғи, чопиб келадиган қип кўяман уни. Ҳозир район марказини бир айланамизда, орқага қайтамиз. Йўқ, аввал бориб, раисни кўриб келамиз. Эртага яна кўргани бормадинглар, деб домангир бўп юрмасин.

— Бўпти.

— Бозор тарқаб кетмадимикан? Кечга қолмадикми?

— Ресторанга кириб чиқаман ўзим. Яхши овқати бор.

— Шашлик-чи?

— Бор.

— Унда манави йигирма сўмни олгин-да, дарров кириб чиқ. Толмас билан кўп бирга юргансан. Нимани ёқтиришини ўзинг биласан. Яна иккита ароқ ҳам олвол, — дея Ҳайбатулло чўнтагидан иккита қип-қизил ўнталикни чиқариб, Элёрга узатди.

Толмас Бадриддинович бундай маҳаллари атайлаб кўпроқ пул берарди. Пулнинг бетига қарамасди у. Харажатдан сўнг Элёргаям тўрт-беш сўм қоларди. Ҳайбатулло қурумсоқ бўлса тийин-тийинигача ҳисоблаб айтди. Иккита бўйни узун яхши ароқнинг ўзи ўн сўм бўлади. Кабоб, майли, арзонроқ. Лекин кабобнинг ёнига у-бу нар-

салар ҳам қўшиш керак-да. Ҳисоблаб кўрса, Элёрга бир-икки сўм ҳам қолмаскан. Ваҳоланки, Ҳайбатулло уста-лик билан бош бухгалтердан уч минг сўм ундирди. Уларнинг гапларини эшитмаганда ҳам, майлийди.

Элёрнинг пешонаси тиришди. Жаҳд билан пулни олиб, чўнтагига солиб қўйди.

«Вой, муттаҳам, вой, ярамас! Муштдай бошинг билан менга зарда қиляпсанми? Пулнинг чўғи камдай туюлди-ми? Бу, Толмас сенга катта-катта пул бериб ўргатиб қўйганми, дейман?» хаёлидан ўтказди Ҳайбатулло ва Элёрнинг кўнглида пайдо бўлган шубҳа-гумонларни тумандай тарқатишга тушиб кетди.

— Бу уч мингни райкомдагига оп кириб берсам. Яна касал кўргани харажат қилсам. Бунақада уйимни қаердан топаман? — деди.

— Пуллар ўзингизгамасмиди? — сўради беихтиёр Элёр соддалик билан.

— Бе, нималар деяпсан? Шунча пулни ўзимга олармидим? Ҳаммаси тепадаги чаққонларга. Бизга тегадигани тинчлик. Агар тегса. Бўлмаса, берсак-бермасак энамизни учкўрғондан кўрамыз. Раис бўлса тузалиб чиқади-да, ҳеч нима кўрмагандай ишини қолган жойидан давом этказаверади. Энди боя бухгалтернинг пича шохини қайириб қўйдик-да.

— Лекин бопладингиз.

— Аҳмоқ-да. Бўлмаса, катта кўчада шунақанги минг-ир-мингир қиладими? Лекин замон кўлимда бўлганида, гапириб ўтирмасдим. Шартта калласини олиб ташлаган бўлардим. Энди ростданам чарчадим. Беш минут мизғиб олайин. Касалхонага борганда уйғотиб қўярсан.

Ҳайбатулло ўриндиққа суянганча кўзини юмди. Аммо ўзи айтганидай ухламади. Хаёл сурди. Бир нималарнинг режасини тузди.

Толмас Бадриддинович Ҳайбатуллони хушламайгина кутиб олди. Номигагина салом-алик қилди. Сухбат ҳам шу тахлит кечди ва тезда ниҳоясига етди.

Ҳайбатулло касалхонадан чиқиб, сигарета тутатди. Уни охиригача чекиб бўлмагунча машинага минмади. Бошини осилтириб, бир-бир қадам босганча юрди. «Ҳамма эркаликларингни кўтардим. Нимаики ишинг бўлса, йўқ

демай қилдим. Қанча-қанча одамдан пул ундириб бердим. Энди бўлса... Яна каттароқ амалга минганиндаям, майлийди. Тамом бўп турганингда гўдаишингга бало борми? Ҳали шошма, шундай шўрингни қуритайинки, раис бўлганингга пушаймон е» дея хаёлидан ўтказди. У ўйини охирлатганиндаям машинанинг ёнига бормади. Юраверди, юраверди... Куёш ботиб, қоронғилик эна бошлагандагина Элёрнинг ёнига борди.

— Нозим бухгалтерникига ҳайда, йўл-йўлакай уйга кириб ўтамыз, — деди унга ва то уйига етгунича бир оғиз ҳам гапирмади.

Пешонасини қашлади, бошини орқага ташлади. Деразага чаккасини тиради. Элёрнинг эътиборини тортди, аммо гапирмади. Машинадан тушаётганида эса пулни қўлтиқлаб олди.

Нозим бухгалтер яхшигина тайёргарлик кўриб қўйган экан. Ҳайбатулло унинг уйига кириши билан овқатни сузди. Хонаки хўроз гўшти яхшилаб қовурилганидан қизариб кетганди. Яна унинг устига ҳар хил зираворлар сепилган эдики, ҳиди одамнинг иштаҳасини қитиқларди.

— Янганинг қўли жа ширинми, дейман? Овқатининг ҳидиёқ сўлагимни оқизиб юборди, — деди Ҳайбатулло иржайиб.

— Келиннинг, Ҳайбатуллобой, келиннинг. Барака топгурнинг ҳам қўли ширин, ҳам ўзи меҳнатқаш, — деб Нозим бухгалтер дастурхон ўртасидаги шишани қўлига олди.

Овқатдан олдин бир пиёладан ароқ ичилди. Кейин яна ва яна... Ҳаш-паш дегунча бир шиша ароқ тугади. Иккинчиси ҳам очилди. Нозим ака ичишни кўп-да ёқтиравермас ва ҳар ким билан ичавермасди. Аммо бир ичса, думалаб қолгунча ичарди. Ҳозир ҳам шунақа кайфиятда эди. Бироқ кутилмаганда Ҳайбатулло ичишни тўхтатди.

— Тинчликми? Ё пишиб қолдингизми? — деди Нозим бухгалтер.

— Мени-ку пиширингизга кўп қовун пишиғи бор, лекин биргаликда битта ишни қип қўйишимиз керак. Агар ҳозир сизга буни айтмасам, кейин маст бўп қолсак, қоп кетади.

— Ҳайбатулло, қанча вақтдан бери бирга ишлаймиз.

Аммо бирор марта олди-берди қилмаганмиз. Лекин бугун мен сизга пул бердим. Нимага, биласизми?

— Ташвиш келмасидан олдини олиш учун.

— Йў-ў-ў-қ! — дея Нозим бухгалтер кўрсаткич бармогини ҳавода қимирлатди. — Унинг учунмас. Сизганим учун. Бугун бўлмаса, эртага шу колхознинг бошида ўзингиз туришингизни билганим учун. Ҳозир анча кайфим ошиб қолган, миям қизиб турибди. Шунинг учун бу гапларни бемалол айтяпман. Ўзи биласиз, ичимдагини унчамунчага айтадиганмасман.

«Яшавор, хўроз, улфатчиликда гап кўп-да. Ўзи оғзидан илиниб турибди-я» хаёлидан ўтказди Ҳайбатулло. Бироқ тили бутунлай бошқа гапни айтди.

— Қойил-қойил, Нозим Пардаев. Ҳамма нарса, ҳатто гапниям ҳисобини оладиганлар хилидансиз-да. Бекорга шунча йилдан бери ишламайсиз-да. Аммо шу сафар адашдингиз. Ҳақиқатан ҳам, мен бугун пулни балойи офатни кетказиш учун олдим. Лекин сизнинг гапингиздаям жон бор. Чунки бугун юқоридагилар худди сиз айтган гапга шама қилишди...

— Бўлди. Унда нимани кутиб турибсиз? Отга қамчи босмайсизми?

— Бунинг учун битта ишни қилишимиз керак. Сиз билан биргаликда. Кейин кўш ҳоким бўп ўтираверамиз колхознинг тепасида.

— Нима иш экан?

— Улар айтишдики, икки энлик хат ёзинглар. Толмаснинг бирортаям айби четда қолмасин. Тўрт-бешта одам қўл қўйган бўлсин. Кейин Бадриддиновични бир уришда томири билан бирга кўпориб ташлаймиз...

— Устидан ёзамизми? — деди бош ҳисобчи Ҳайбатуллонинг гапини бўлиб.

— Ўлманг. Шундай қилишимиз керак. Шарт!

Ташқаридан оёқ товуши эшитилиши Чўтирни шаштидан қайтарди. У секин қадам ташлаганча эшик ёнига борди-да, тирқишдан қаради. Беш-олти одим наридаги соқолли кишига кўзи тушди. Тахминан етмиш ёшлардаги одам қозикқа арқонни боғлаётган эди. «Бошқа жой қуриб қоптими, шу ишини нарироқда қилсаям бўлардику» деб ўйлади Чўтир. Сўнг қўлларини мушт қилди. Та-

шқарига отилиб чиққиси, чолнинг соқолидан тортгиси, бўйнидан бўғиб қўйгиси келди. Яна имкони бўлганида маза қилиб тепкиларди. Чунки шу ярамас уни ўзининг назаридаги яхшигина ниятидан қайтарди-да. Бунақанги пайтда у бировни кечирмасди. Ёшлигидан одат бўлиб қолган, биров унинг қилмоқчи бўлган ишига салгина халақит бериб қолса, ўшани хуморидан чиққунча дўппослайди. Ҳозир бўлса иложини тополмай ўтирибди. Бундан ҳам аламли вазият бўладими? «Эҳ, эҳ, эҳ!..» деди у газаб билан. Сўнг ерни бир неча марта тепди. Оёқ товуши гупиллаб кетди. Овоз баланд чиқди. Паризоднинг юраги қаттиқ урди. Қани ўша ташқаридаги одам эшитиб қолса-ю, югуриб оғилга кирса. Афсуски, чолнинг қулоғи оғир эди. Яқинига бориб бақириб гапирмаса, эшитмасди. Паризод буларни билмасди-да, билганида умид қилмасди. Шунчаки хўрсиниб қўя қоларди. Уйда шу қариядан бошқа одам қуриб кетибдими, деган хаёлга борарди-қўярди.

Гарчи чол оғил томонга қараб қўймаган эса-да, Чўтир то ишини битириб кетмагунча ундан кўзини узмай тураверди. Оёғи толиқиб, бўйни оғриб қолди. Аммо бир марта бўлсин, кипригини пирпиратмади. Ниҳоят, қария ўрнидан турди. Ўнгирини қоқди. Кетди, бироқ энди бу уйга бошқалар ҳам келишган эдики, Чўтир ниятини амалга оширолмай қолди.

Куёш ботиб, қоронғи тушди. Оғилдагиларнинг ҳар икковининг ҳам қоринлари таталаб кетганди. Айниқса, очликка чидолмайдиган Чўтир оёғи куйган товукдай типирчилаб қолганди. Охири у чидолмади. Паризоднинг қўл-оёғини яхшилаб чандиб боғлади-да, ташқарига чиқиб экинзорга кирди. Помидор-бодринг терди. Сабри тугаб экинзорнинг ўзидаёқ иккита бодрингни еб қўйди. Қолганини олиб келди. Паризодга ҳам берди. Қиз емайман деб бурнини жийирганди, пўписа қилди. «Емасанг, оғзи-бурнингни қонга бўяб ташлайман!» деди.

Кечки тановул охирлагач, Чўтир қизнинг оёқ-қўлини ечиб, қўлидан ушлади-да:

— Бўлди, кетамиз энди, — деди.

— Қарга? — сўради Паризод қалтираб.

— Энангникига! Меҳмон қилармиш! Тушундингми?!

Юр тез!

Паризод ноилож эргашди. Яна унинг кўнглида умид учкунлариям бор эди. Чунки ҳали жуда кеч бўлиб кетмаган. Кўча-кўйда битта-иккита одам, албатта, юрган бўлиши керак. Ана шулар унга ёрдам беришади. Бироқ қиз чучварани хом санаганини кейинроқ билди. Чунки битта ҳовли нарига ўтганларидан кейин Чўтир уни маккажўхоризорга олиб кирди. Ёнидан пичоғини чиқариб тумшугининг остига тиради. «Агар ортиқча шатир-шутур қилсанг, овоз чиқарсанг, сўйиб ташлайман!» деди таҳдидли овозда. Паризод кўнди. Кўнмасдан иложи ҳам йўқ эдида бечоранинг.

Уч соатдан мўлроқ қимирламай ўтирганларидан сўнг Чўтир яна уни жойидан кўзгатди. Бу пайтда кўчада одам қолмаганди. Ҳамма уй-уйига кириб кетган, кўпчилик бир уйқуни уриб ҳам қўйган эди. Шундай эса-да, Паризод ён-атрофга жавдираб қарарди. Кимдир бўлиши керак. Ҳали унчалик кеч бўлиб кетмаган. Кечаси томорқасини суғорувчилар (бу йил ёнгарчилик кам бўлган. Кун бўйи колхоз пахтасини суғоради. Одамлар кечаси ўгринча томорқасига сув очиб келади. Шунда ҳам сув бировга етади, бошқаси чирқираб қолаверади) кетмонини кўтариб юриши керак-ку. Нега улар ҳам кўринишмайди?

Бир жойга етганларида Чўтир юришдан тўхтади. Қорнини қашлади. Бирортаникига кирмоқчи, егулик олиб чиқмоқчи бўлди. Бироқ дарров шаштидан қайтди. Кўзга кўриниб қолишдан қўрқди. Чидаши керак. Ҳеч бўлмаганда яна иккита қишлоқдан ўтиши зарур. Шунда исталган одамникига бостириб кириши мумкин. Яхшиликча бир бурда нон сўрайди. Берса, берди, бермаса, қорнига пичоқ тирайди. Бермай қаёққа борарди? Тиланчи, мўлтонига беришади-ку. Унинг мўлтонидан қаери кам? У кулиб юборди-да, Паризодга қараб:

— Мўлтонилар уйингга боришганми? — деди.

Ярим кечаси, бунинг устига, нотаниш қишлоқнинг ўртасида мўлтонини эшлашга бало борми? Паризоднинг энсаси қотди.

— Ҳа-а, нимаиди?.. — деди тоқатсизланиб.

— Ҳе-ҳе, мўлтонилик қиламиз. Ҳозирмас, кейинроқ. Сенинг бетингга қора куя суриб ташлайман. Қолганини

кейин айтаман. Қани, кетдик!

Қизнинг тинкаси қуриганди. Оёқ босишга ҳоли йўқ эди. Шу боис тишини тишига босиб, зўрға юрди. Тонгги юлдуз пайдо бўлганида ҳам улар кетиб боришарди. Паризод ниҳоятда чарчаган, ўлгудай уйқуси келардики, бир-икки марта юрган йўлида ухлаб қолди. Йиқилаёзди. Йиқиларди ҳам, агар Чўтир ушлаб қолмаганида.

Улар, ниҳоят, Чўтир мўлжаллаган қишлоққа яқинлашишди. Тонг ғира-шира отиб қолганди. Кейин пахтазорнинг у ер-бу ерида қоп-қора нарсалар юрарди. Албатта, булар сигир ва қўйлар эди. Эгалари тонг отмасидан ҳайдаб чиқишганди. Кўрак яхши пишган. Уни еган мол семиради, сути кўпаяди. Эгасига ҳам маза: кун бўйи сайисига боғлаб қўяди, тамом вассалом. Қорни тўйган мол ётади, кеч бўлишини кутганча кавш қайтариб.

Чўтир тўхтаб, пахтазор томонга қараб бир муддат турди-да:

— Мол бўлгим кеп кетди. Қара, ҳеч қандай қайғуси йўқ. Кайф қилиб кўрак еб юришибди. Биров уларга бир нима демайди. Эгасиям қайсидир столбанинг тагига ётволиб уйқуни уряпти. Эҳ, бўлмаган нарсаларга аралашиб қолдим-да, — деди ва носқовоғини олиб, бир чимдим носвойни тилининг тагига ташлади-да, юришда давом этди.

Паризод унинг гапларини тушида эшитгандай бўлди. Шу боис яна довдираганча юришда давом этди. Бироқ, барибир, қишлоққа кириб боролмади. Йиқилиб тушди ва ухлаб қолди. Чўтир унинг қўлидан тортқилади. Сўкди. Бироқ қиз, барибир, кўзини очмади. Шунда бошқа чораси қолмаган Чўтир Паризодни кўтариб олди. Бир-икки қадам босди. Нафис нафас олаётган қизнинг кўкси кўтарилиб тушар ва ҳар сафар Чўтирнинг кўкрагига тегарди. Чўтир бошқача титради. Кўзи олов бўлиб ёнди. Бутун вужудини шайтоний ҳис қамраб олди. Ич-ичидан хурсанд бўлиб кетди. «Ҳар қалай, дунёдан шундай ўтиб кетмасканман» дея кўнглидан ўтказди.

* * *

Маст ҳолида уйига келган Насима ошхонага кирди-да, қўлига илинган нарсани отиб синдира бошлади. Унинг ортидан кирган Саид аввалига ҳайрон бўлди. Чунки На-

сима уйигача жуда яхши келганди. Ҳатто бир-икки марта Саиднинг ўртоғига қочирим гап ҳам қилди. Айтдики: «Умрларингни бекорга ўтказиб юраверасизларми? Яхши овқатниям еб туриш керак. Карам шўрва жонларингга тегмадими?» Машинани бошқариб бораётган Фахриддин ўшшайди. Ичида бир нималар қизиб, ошқозониними, жигариними, талоғиними куйдириб-куйдириб қўйгандай бўлди. «Эсиз, Саид бор-да. Бўлмаса, бу филминдини роса «туширардим» дея қўнглидан ўтказиб қўйди-ю, лекин ҳеч нима демади. Унинг ўрнига Саид гапирди.

— Опажоним ўзимнинг, балоларни биласиз. Ҳали шошманг, у ёғини ўзим яхшилаб ташкиллаштириб кўяман, — деди.

— Балосан-балосан. Ҳеч нарсадан қайтмайсан. Нафсинг зўрлигидан ўзинг еб қўйишга тайёрсан! — дея Насима хохолаб кулди.

Энди шундай қувноқ келган аёл ҳамма ёқни остин-устун қиляпти. Саид бирдан опасининг қўлини ушлади.

— Нима қиляпсиз?! Нимага синдирыпсиз?! — деди бақариб.

— Керакмас! Буларнинг бирортасиниям кераги йўқ! Нима қиламан буларни?! — шанғиллади Насима.

— Ўзингизни босинг, опа. Олдимизда қиладиган ишларимиз жудаям кўп. Ундан кўра, боринг, озроқ дамнингизни олиб ётинг.

Саид Насиманинг қўлидан етаклади. Ётоғига олиб кирди.

— Саиджон, — деди Насима кўзидан ёшини дув-дув оқизиб, каравотига ўтирганидан кейин, — битта иш айтаман, қиласанми?

— Ўнта айтинг, ҳаммасини еб қип ташлайман, опагинам! — дея иржайди Саид.

— Кўнглим, барибир, хавотирда. Бояги аёл поччангнинг ёнига бормадимикан, а?

— Қайси? — дея ўзини гўлликка солди Саид.

— Анави-чи... Дарров эсингдан чиқариб юбордингми? Балнисанинг ёнида мен билан уриш қилди-ку.

— Ҳа-а, қўйсангиз-чи, у шунчаки кўчадан ўтиб кетаётувди.

— Йўқ. Мен уни ичкаридаям кўрганман. Медсестра

билан бир нималарни пичирлашиб гаплашди. Уларнинг тили бир, тили бир... Энди сенга битта топшириқ. Бора-сан-да, пойлайсан. Қани, шу хотин поччангнинг ёнига кирадими-йўқми?

— Бўпти. Кўнглингиз хотиржам бўлсин, ҳозироқ жўнайман.

Саид ташқарига чиқиб пешонасидаги терни артди-да, бошини сарак-сарак қилиб ўйлади. «Бу хотинларга бир бало бўлган. Худди баҳорнинг кунларига ўхшайди. Бир қарасанг, очилиб-сочилиб турган бўлса, беш дақиқа ўтар-ўтмас, қовоғи уюлиб, ҳамма ёқни қора булут босиб, дўл ёғиб беради. Бундай ўйлаб қараганда, шундай бўлиб турганиям яхши. Бизга ўхшаганлар фойдаланиб қолади».

Фахриддиннинг оғзи қулоғида эди. Унинг туриши Саидга ёқмади. Ошнасини худди биринчи марта кўраётгандай семиз қорнига, ингичка оёқларига ва серсоқол башарасига қараб афтини бужмайтирди.

— Нимага куйдирган калладай турибсан?! — деди.

— Ҳа, энди, бутун бошли раиснинг хотини билан опа-ука бўп олганингдан кейин иржаяман-да... — деб бармоқлари орасидаги сигаретани ерга ташлаб, товони билан эзди.

— Опа-ука бўп олмаганман. Қариндошчилик жойи бор, — дея Саид машинанинг орқа эшигини очиб, секин чиқиб ўтирди. — Ҳайда аравангни, бир жойга борамиз.

— Вой, қизталоғ-эй, индамасам, жа шофёрнинг қилиб олдинг-а! Яна бунинг буйруқ беришига ўлайинми?

— Мен сени ёмон жойга бошламайман. Ундан кейин мен билан юрсанг, бошинг маишатдан чиқмайди. Бошланишини кўрдинг. Шунинг учун ортиқча гап-сўзларни гапирмай, айтганимни қил.

— Хўп, хўжайин, сиз нима десангиз, шу. Мана шу тагимдаги арава билан ўзим хизматингиздамиз. Қаерга ҳайдайин?

Саид мамнун илжайди ва ошнасининг елкасига қоқиб кўйди:

— Балнисага ҳайда. Раис ётган жойга. Опа бояги хотинни кузатишни буюрди. Балки, опанинг гапида жон бордир. Агар шундай бўп чиқса, пичоғимиз мой устида бўлади. Билсанг, мен турмада битта гап эшитганман.

— Қандай гап экан? — сўради Фахриддин машинани ўт олдиаркан.

— Амалдорлардан бирортаси бегона хотинга илакишиб қолса, партиядан ўчирилади. Партиядан кетди дегани амалдан ҳам қуруқ қолгани.

— Унда Толмас Бадриддиновичнинг ўлимига бир қадам қопти-да.

— Ундан ҳам баттар. Унинг ўрнида бўлганимда, ўзимни осиб қўя қолардим. Бўпти, ҳайда, вақт кетяпти.

* * *

Милиционер чиқиб кетиши билан Сумбулхон Толмас Бадриддиновичнинг палатасига кирди. Унинг юзида бир олам табассум бор эди. Яна қўлидаги қоғоз пакетда бир нималар кўтариб олганди.

— Шу ердამидинг? — деди Толмас Бадриддинович.

— Ҳа. Ё сизга келганим ёқмаган бўлса, балки...

— Нималар деяпсан? Мен сени кетиб қолдим, деб кўрққандим. Кетмаганинг яхши бўпти, қани, ёнимга кел.

Сумбулхоним энгил қадам ташлаб, эрининг ёнига келди-да, энгашиб унинг лабидан бўса олди ҳамда:

— Сиз ўзи кимдан сўраб ётиб олдингиз? — деди эркалик билан.

— Бир қошиқ қонимиздан воз кечасиз, хоним. Энди шундай бўп қолди. Бошқа такрорланмайди.

— Такрорланиб кўрсин-чи. Жазолайман.

Хонада энгил кулги кўтарилди.

— Ёшгина қизчаларга ўхшаб кетасан баъзан.

— Нима, қарига чиқариб қўйганмидингиз? Ёки мендан ҳам ёшроғи жигарингиздан уриб, а?

— Ҳай-ҳай, бир оёғим гўрга яқинлашиб қолганида ёшроғига бало борми?

— Энди, айтаман-да. Бу ерда оппоққина халат кийиб олиб, кўз-қошларини бўяб юрганлари озми?

— Эй, шунақалари бормикан? Ярамас дўхтир менга қарашни қаердаги кампирга буюрибди.

— Шунақами? Оббо, чатоқ бўпти-ку! — деб Сумбулхон эрининг бурнидан чимдиб қўйди.

— У ёқ-бу ёқни қўй. Ўғилча қандай ўтирибди?

— Сизни соғинганидан қўлини иягига тираб, «Қачон дадам келаркан?» деб йўлингизга муштоқ бўлиб ўтириб-

ди-да.

— Шошма, уни кимга ташлаб келдинг?

— Саида кеп қолди бахтимга. Куёв билан бирга. Ташладим-у, оёғимни қўлимга олдим. Кеп қарасам...

Сумбулхоннинг гапи бўлинди. Эшик ғийқ этиб одатдагидан бошқача товуш чиқарди-да, очилди. Кейин Саиднинг иржайган калласи пайдо бўлди. Шу заҳоти Сумбулхоннинг ранги оқариб кетди. Раис безовталанди.

* * *

Ҳайбатулло кетиши билан Шокир сўкинди. «Падаринга лаънат, мешқорин, шунча пулимни олдинг, энди арзимаган тўрт-бешта сигир билан битта моторни уйимга оп кетганимга чидолмаяпсанми? Қуруқ ойлик оладиган бўлсам, берган пулларимни қачон чиқараман?!»

У ҳолсизланиб, тинкаси қуриб, боя ухлаган каравотига бориб ўтирди. Пешонасини қашлади. «Бу аҳволда ўлиб қоламан. Кўпга чидамайман. Бу ер мактабдан ҳам бешбаттар экан. Мактабда тўрт-беш соат қўшимча дарс олсам ҳам, куним ўтиб турувди. Эй-й, шошма, мактаб директорининг қилган иши олдида меники нима бўпти? У мактабга янги келган ҳар битта муаллимдан пул олади. Камига иккита синфнинг рус тилисини олволган. Лекин бирор марта бўлсин, дарсга кирмасаям, шу дарс соатлари учун пулни қуртдай санаб оляпти-ку. Ўзинг-чи, мешқорин? Қанчадан-қанча пичанни уйингга обортириб ташлайсан. Бундан ташқари, қаерда боғ, товукҳонаю молхона бўлса, сенга чўтал бериб туришади. Яна раис билан тил бириктириб қанчадан-қанча рўйхатда бўлмаган одамларга ойлик ёздирасан-у, табелга ўзинг қўл қўйиб пулни олаверасан? Анави-чи, полиз. Рустам аканинг тарвуз пояси... Сенга даромад келтирадиган нарсаларни санасам, бармоқларим етмайди... Уф-ф, ичмасам бўмайди! Қон босимим ошиб, ажалимдан беш кун олдин ўлиб кетаман. Лекин ким билан ичкиликбозлик қиламан? Ким менга садоқатли? Эй-й, омбор мудири бор-ку. Ҳар куни мени қўлини кўксига қўйиб кутиб олади. Уйгаям икки тонна ем обориб ташлади. Энг садоқатли шу» деган ҳаёлда у ўрнидан туриб, омборхонага борди. Бу маҳалда мудир ҳисоб-китоб дафтарига бошини эгиб, термилганча ўтирарди.

— Шу иссиқда бу ерда нима қип ўтирибсиз? — сўради Шокир.

Унинг овозини эшитиши билан Файбулло ака ўрнидан турди. Кафтларини бир-бирига уриб, чапак чалди.

— Зап кепсиз-да, хўжайин! Энди ёнингизга бормоқчи бўп турувдим. Ўзингиз кеп қолдингиз.

— Тинчликми?

— Тинчлик. Фақат, шу, мен ҳисоб-китобларни бирма-бир кўздан кечириб, ҳалиги...

— Чайналмай гапиринг-да! — дея унинг гапини бўлди Шокир ичи шув этиб.

— Шу, планни айтмоқчийдим...

— Планга нима бўпти? Камайиб кетибдими?

— Шокиржон, сиз ферма мудирийкансиз, нимага камаяркан? Юз эллик литр кўп сут топширибмиз.

— Ни-ма? Юз эллик литр кўп сут?! Қандай қилиб? Бу сигирларимизнинг кўпи қисир бўлса, яна ёш моллар кўп. Тушунмадим, ҳеч балага...

— Олдинги мудир бир жойдан етмишта сигир оп келган. Улар ҳеч қанақанги ҳисобда йўқ. Лекин сут беряпти. Ҳа, айтганча, шу сигирлардан ҳам иккитаси алмаштирилди.

— Унда даҳшат-ку! Мана буни янгилик деса бўлади. Лекин шу пайтгача нимага бир оғиз айтмадингиз ортиқча моллар ҳақида?

— Билсангиз керак, деб ўйловдим.

— Энди айбингизни ювасиз. Бир-икки кило гўшт билан ароқни олинг-да, узелга жўнанг. Мен орқангиздан бораман. Йўқ, шошманг. Ароқ билан газакни мен обора-ман, сиз гўшт... Бирга борсак-чи. Бўлди, бирга кетамиз. Омборни ёпинг-да, тез қоровулхонанинг ёнига боринг.

Файбулло омборчи ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. У Шокир чиқиб кетиши билан апил-тапил эшикни ёпди-да, ферма мудиридан олдин айтилган жойга бориб турди.

Узел — дарёдан келадиган сувни уч томонга буриб юборадиган жой. Атрофига мевали-мевасиз дарахтлар кўп экилган. Ўша дарахтларнинг соясига иккита чорпоя қилинган. Сал нарироқда эса кичкинагина томча бор. У ерда мироб ўтиради. Иягига уч-тўрт қулоч таёқ тираш керак бўлган одам, унча-мунчани менсимайди. Ҳозир

сувингни бекитиб кўяман, ана ундан кейин додингни Худога айтиб ўтираверасан, дейди. У Шокирни менсимайгина кутиб олди. Қўл учида кўришди.

— Менга сув керакмас, — деди бирдан Шокир. — Бир-икки соат соя-салқинда ўтираман-у, кетаман.

— Ҳимм, бир-икки соатмиш... Раис кеп қолса, нима дейман? Манавилар нимага маишат қилиб ўтиришибди, деб сўраса, билмайман, деб жавоб бераманми?

— Бу ёққа келинг, — дея Шокир уни қўлидан ушлаб, чорпоя томонга етаклади.

— У-у, нима қиялсан, нимага мени судрайсан?! Керак бўлса, мен сендан бир-икки ёш каттаман?! Судрайсан, худди болангдай!

Шокирнинг жони чиқиб кетди, ерга энгашди-ю, муштдай тошни қўлига олди. Миробнинг ранги докадай оқариб, кўзи олайди.

— Агар яна минғир-минғир қиладиган бўсанг, мана шу тош билан бошингни ёраман! Юр бу ёққа! — бақирди Шокир.

Сўнг миробни судраб, чорпоянинг ёнига олиб борди ва бошини узел томонга буриб:

— Файбулло ака, оп келинг, тез! — дея бақирди.

— Нимани оп келади? Нимани? Шокирбой, нима қилмоқчисиз ўзи?! — деди дағ-дағ қалтирай бошлаган мироб.

— Милтиқни оп келади! Шу милтиқ билан пешонангдан отаман!

— Пешонангдан?! Шокирбой! Шокирбой! Бола-чақам бор-а! Сиз маллимсиз, зиёлисиз!

— Йиғиштир зиёли-пиёлийликни, чиқ чорпояга!

Мироб тўрт томонига кўрпача ёзилган чорпояга кўрқаписа чиқди. Унинг нигоҳи шошиб келаётган Файбулло аканинг қўлида эди. «Кўтариб келаётгани милтиқ эмасмикан? Нимага мени ўлдирмоқчи булар? Нима ёмонлик қилдим буларга?» деган ўйда ич-этини еб ўтирарди.

Файбулло ака етиб келди. Қўлидагиларни чорпоянинг устига қўйди. Шокир шу заҳоти қоғоз халтачанинг ичига қўлини тиқиб «Пшеничный» ароғини олди-да, миробга кўрсатди:

— Мана милтиқ. Нақ пешонадан отадиганидан! — деди

иржайиб.

— Эй-й, ҳазилингиз қурсин, Шокирбой. Эртароқ шундай деб айтмайсизми? Юрагим ёрилди-я! — деганча тиржайди мироб.

— Ҳазиллашмаяпман. Мана!

Шокир шишанинг оғзини очди-ю, кўтарди. Қулт-култ этказиб уч-тўрт марта ютди. Сўнг афтини буриштирганча шишани чорпоянинг устига қўйди. Қоғоз халтачанинг ичини яна титкилаб, битта помидор чиқарди. Тишлади, кейин миробга юзланди-да:

— Олинг, агар менга ўхшаб ичмасангиз, ҳақиқий милтиқни оп келтираман, — деди.

Мироб илгаридан ароқ деса, томдан ташлайдиганлар хилидан эди. Ҳозир ҳам Шокир шайтон сувини култ-култ ютаётганида оғзидан сўлаги оқиб кетди. Шу боис дарров шишани қўлига олди.

Уч шиша ароқ етмади. Шокир Ғайбулло акани магазинга жўнатиб, яна уч шиша олиб келтирди. Бунгача ўзи мироб билан бирга қолган гўштни ҳам чўққа тоблаб, хом-хатала қилиб пиширди. Кейин айтдики:

— Мен чўмиламан. Ҳар сувдан чиққанымда биттанг ароқ, иккинчинг гўшт тутасан менга.

Бу гапдан сўнг оёқларида зўрға турган омборчи билан мироб қийқиришди.

— Бажарамиз, қиламиз! — дейишди.

Шокир гўё ичганлари мутлақо таъсир қилмагандай, чорпоядан сакраб тушди. Тушди-ю, ўтириб қолди ва ўтирган жойида мақтанди:

— Бир пайтлар тўртта ароқ ичсам, ҳам, ичмагандай бўп турардим. Энди, билмасам, нима бўлди?

У амаллаб ўрнидан турди. Тебранганча суви шовуллаб оқаётган дарё ёнига борди ва лабини ялаб қўйди-да, анави икковига ўзини кўрсатиб қўйиш мақсадида калла ташлади. Кийимиям, туфлисиям ечилмаган одам шалоплаб сувга тушди. Дарёнинг худди шу жойи саёз эди. Буни мироб айтмоқчи эди. Аммо тили тезда гапга айланмади.

У қизни ерга ётқизди. Бу пайтда унинг ҳиссиётлари бутунлай жунбишга келган эди. Яна неча йиллардан бери умуман ишончдан чиққан, бундан бу ёғига бўшашибгина сўнгги кунни кутаётган «бечорагина» ҳам мутлақо кутил-

маганда ўзининг борлигини билдириб қолган ва Чўтирни жикқа терга ботирган эди. Унинг қулоғига итларнинг ҳуриши, хўрознинг қичқириши эшитилмас, кўзига бир маромда нафас олиб, кўкраги билинар-билинмас кўтарилиб тушаётган қиздан бўлак ҳеч нима кўринмасди. Аммо... Аммо бирдан ўша «бечора» зумда бечоралигини кўрсатди. Бўшашди-қолди. «Падарингга лаънат! Бир мартагина, бор-йўғи бир марта айтганимни қилсанг, бир жойинг камайиб қоладими?! Тфу!»

Чўтир ерни муштлади. Сўкинди ва ўрнидан сапчиб турди-да, лабини шунақанги жаҳл билан тишладики, қонаб кетди. Сўнг чордана қуриб ўтириб олди-да, йиғлади. Синглисини ҳимоя қилган, турмада одам ўлдирган кунига лаънат ўқиди. Кейин ўйладики, «Менга ароқ билан қорадоридан ўзга лаззатланадиган нарса қолмабди. Эртароқ катта ишим — қорадори сотишни бошлашим керак. Шунда кўп нарса қўлимда бўлади, ўшанда, балки, манави ўламса ҳам яна ишлаб қолар. Бир марта ишладику. Демак, яна ишлайди. Ҳозир қувват етмади. Ёрдам керак эди, ўша ёрдам бўлмади. Кейинги сафар...»

Кейинги сафарни у ширин хаёлга айлантирди. Томирларида қандайдир оромбахш нарса сузгандай, танаси енгил тортди ва ҳеч нимадан беҳабар, тош қотиб ухлаб ётган Паризоднинг бурнидан сиқиб қўйди-да, қизни кўтариб, қишлоқнинг этак томонига, олиб кетди. У ёқда дўмпайиб тепаликка ўхшаб кўриниб турган боғузумлар ўсиб ётарди. Улар одатда зах ариқлар бўйида ўсар, учтўрт йил тегинилмаса, кейинги майдонни эгаллаб, бир-бирининг устига чирмашганча яхшигина баландликдаги тепаликча ясар эди. Чўтир ёшлигида бунақанги ўсимликни кўп кўрганди. Шу боисдан ҳозир бир қарашдан, гарчи масофа бирор чақирим келса-да, гарчи ҳали тонг тоза отмаган бўлса-да, боғузумни дарров таниди.

Манзилга етгунича у ярим соатча юрди. Қўли толиқди. Боя бир терлаган пешонаси яна терлади. Кўйлагининг орқаси ҳўл бўлди. Паризодни ерга ётқизиб қўйгач, қўлини белига тираб, чуқур нафас олди-да, боғузум ёнидан секин пастга, зах ариқ ичига тушди. Жилдирабгина оқаётган тип-тиниқ булоқ сувидан ҳовучини тўлдириб-тўлдириб ичди. Юз-қўли, бўйинини ювди. Кейин оғзини

сувга тўлдириб юқорига чиқди-да, Паризоднинг юзига паркади. Қиз чўчиб кўзини очди.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Бопладимми?! Қалай? Бу, қарасам, кесакнинг устида энангнинг уйида ётгандай ётибсан, — дея Чўтир иржайган башарасидаги сув томчиларини артди.

Кўрқиб кетган Паризод ўрнидан туриб ўтирди-да, бошини эганча пешонасини силаб, унсиз йиғлай бошлади.

— Сени кўтариб юравериш жонимга тегиб кетди! Бундан бу ёғига пиёда юрасан, худди менга ўхшаб.

— Яхшиси, мени шу ернинг ўзида ўлдириб қўя қолинг. Ўзингизгаям, менгаям яхши бўлади! — деди Паризод йиғлаш асносида.

— Ҳе, ўлгинг кеп қолдимми?! Шошма, улгурасан. Аввал сендан яхшилаб фойдаланиб олайин, ана ундан кейин ўласан. Ўзим ёрдам бериб юбораман, сира хавотир олма. Энди ўрнингдан тур, кетдик.

Паризод гўё унинг гапларини эшитмагандай, қимир этмади. Йиғлашда давом этди.

— Мен сенга нима деяпман, ҳайвон?! — дея пишқирган Чўтир унинг бўксасига тепди.

Қиз инграб юборди. Кейин бирдан тишини тишига босди.

— Тур ўрнингдан! — бўқирди Чўтир.

Паризод унинг овозидан чўчиб тушди, бироқ турмади. Жони ҳалқумига келган Чўтир қизнинг сочидан тортди. Паризод «Вой! Ай! Ай!» деди инграб ва зўрға ўрнингдан турди. Шу заҳоти Чўтир уни орқасидан турткилади.

— Юр, тез, тез, итнинг боласи!

Ҳолсизланган, чорасиз, руҳан эзилган Паризод асирлар мисоли оёқларини судраганча ташлаб, секинлик билан одимлай бошлади. Чўтир у билан бирга юрмади. Қизнинг ортидан кузатди. Ғижинди. Ортидан югуриб бориб тепкиси келиб кетди. Худди каратэчилардай, нақ белига товони билан шунақанги тепсаки, ўламага ўхшаб кетаётган қиз юзи билан гупиллаб ағанаса. Оҳ, оҳ! Бунинг кайфи бошқача бўлади-да. У иржайди. Миясига келган нарсани қилиб кўрса, нима бўпти? Қайтанга тажрибаси ошади. У югурди. Паризодга яқинлашди. Сакради. Худди шу маҳал оёқ товушини эшитган қиз тўхтаб,

қандайдир ички сезги билан ёнламачасига ўгирилиб, бе-ихтиёр ортига қаради. Чўтирнинг оёғи унинг кўйлагини силаб-силамасдан ўтиб кетди. Мўлжалга етиб бормаган оёқ ҳаддан зиёд ҳавога кўтарилган эди, шу боисдан Чўтир мувозанатини йўқотиб, гурсиллаб ерга йиқилди. Бели каттароқ кесакка текканидан худди яралангандай қорнини кўтариб ингради. Паризод нима бўлаётганини тушунолмай, ҳайрон бўлганча тикилиб қолди. Аслида, ҳозир унинг қочиб қолиши учун айна фурсат эди. Чунки Чўтир ўзига келиб, ўрнидан тургунича бир қанча муддат ўтади. Бу вақт оралигида Паризод анча нарига кетиб қолиши, мабодо Чўтир қувган тақдирида ҳам қишлоққача унга етолмаслиги мумкин эди. Қишлоқда... Қишлоқда қиз бақирчақир қилса бўлди, ёрдам берувчи, албатта, топилади. Аммо Паризод қочмади. Инграб ётган Чўтирға термилганча тураверди.

— Падарингга лаънат! Нимага қараб турибсан?! Қўлимдан ушлаб торт! — бақирди бироз ўзига келган Чўтир.

Паризод унинг ёнига борди. Қўлини чўзди. Чўтир унинг билагидан ушлаб, ўзига шунақанги қаттиқ тортдики, икки кундан бери деярли овқат емаган, юравериб роса тинкаси қуриган қиз кучоғига йиқилиб тушди.

— Ҳе-хе-хе, боладим-а! Жонинг қолмабди-ку! Лекин белимнинг оғриғи дарров қолди. Демак, сен менга ҳали кўп кераксан! — деди Чўтир иржайиб.

— Қўйворинг, қўйворинг! — типирчилади Паризод дув қизариб.

— Қўйворингмиш... Қўймасам, нима қилардинг?! Ношукр! Менинг ўрнимда бошқа бўлганида аллақачон дабдалангни чиқариб ташлаган бўларди! — дея Чўтир Паризодни ағдариб ташлаб, ўрнидан турди.

Улар қишлоққа тўғридан-тўғри кириб боришмади. Пахтазор оралаб айланиб ўтишди-да, энг чеккадаги уйнинг боғига киришди. Олма, шафтоли пишган. Шундоқ қўл узатса етади. Паризоднинг ниҳоятда мевалардан егиси келди. Аммо Чўтир қўймади. «Кўлингни уриб синдираман, тегинма!» деди.

Ховлига яқинлашганларида Чўтир бақирди:

— Фалончи ака! Ў-ў, фалончи ака!

Бироқ «фалончи ака» кўриниш бермади. Ёши қирқ

бешларга яқинлашиб қолган бир аёл чиқди. Кўрасаки, бир қиз, бир эркак турибди. Қиз бинойидек, аммо эркак нақ бандитнинг ўзи.

— Опа, безовта қип қўйдик, узр. Жуда узоқдан келяпмиз. Пулимиз бўлмагани учун уйга пиёда кетяпмиз. Шу, қорнимиз очқаб кетди. Агар иложи бўлса, биттагина нон берсангиз, — деди эркак.

Аёлнинг пешонаси тиришди. «Илгари мўлтонилар тиланчиликка келишарди. Энди уларниям нонини яримта қилувчилар чиқибди-да», деди ва уйига кириб, битта нон олиб чиқди. Яна майиз, чақилган ёнғоқ ҳам. Аёлнинг бошини эгиб, уялганидан ерга кириб кетгудек бўлиб турган қизга ичи ачиди. Шунинг учун ҳам гарчи сўрашмас-да, ёнғоқ билан майиз олиб чиқиб берди. Чўтирнинг оғзи қулоғида эди. Аниқ билардики, бир ўзи келганида бу хотин унга яримта қотган нон ҳам бермасди. Улар қишлоқдан анча узоқлашгач, тубидан патталаган тутнинг соясига ўтиришиб, тамадди қилиб олишди.

— Олдимизда дарё бор. Шундан ўтсак, марра бизники, — деди анчагина қорни тўйиб, кўнгли хотиржам тортган Чўтир.

— Мен сузишни билмайман, — деди бирдан Паризод.

— Керак бўлса, сузасан. Лекин сув оз. Кечиб, ўтиб кетамиз. Қалай, қорнинг тўйиб, ўзинга кеп қолдингми?

Қиз жавоб бермади. Бунинг ўрнига хўрсиниб қўйди.

— Отангнинг уйидаги гўштли-гўштли овқатни тусаб қолдингми? Ҳе, унақанги нарсаларни ҳозирча тушингда кўриб турасан. Лекин гарантия бериб айтаманки, отангникида кўрмаган нарсаларингни ейсан ҳали. Борволайлик, — дея Чўтир қулочини икки ёнига ёйди-да, керишиб олди. — Уйқу келяпти. Овқатдан кейин ётиб, битта ухлаб олсанг, мазада. Майли, буниям ҳали планини бажарадиган вақт келади. Энди, тур, лашшайиб ўтирма!

Пахтазор тугаб, ёввойи жийдазор бошланди. Унда-бунда кичкина-кичкина қўлмақлар учрай бошлади. Ҳали айтиш эсимиздан чиқибди. Паризод оёқ яланг эди. Яхшики, оёғининг таги анчагина пишиқ, йўқса, кесакли, тошли ерлардан юролмаган бўларди. Ҳозир кўрқиб кетиб борарди. Чунки ёввойи жийданинг тикани ёмон бўлади. Ўзиям салкам бигиздай келади. Бирортаси кириб кетса

борми, нақ жонни суғуриб олади. Шу боис шўрлик қиз кўзини ердан олмайди.

Бахтига жийдазордан омон-эсон ўтиб олди. Аммо сувга тушди-ю, беш-олти қадам юрар юрмас, чақир тошга оёғини уриб олди-да, додлаб юборди. Чўтир ёрдамга келди.

— Нима бўлди? Ўласанми эҳтиёт бўлсанг?! Ёмон тор-моз экансан-да! — деди у ва қизни кўтармоқчи бўлди.

— Нима қиляпсиз?! Тегинманг, ўзим юраман! — дея бирдан қаршилиқ қилишга тушди Паризод.

— Ҳов, эшакнинг боласи, мен сени икки марта кўтардим! Нимага энди ноз қиляпсан?!

— Кўтардим? Қачон кўтардингиз?! Одам эмас экансиз-ку!

— Эй, онангни эмгур, товуқмия, нимага минғирлаб калламни қотирыпсан?! — дея Чўтир жаҳл билан қизнинг юзига шапалоқ тортиб юборди ва шундан кейингина Паризодни кўтарди.

Кейин илдамроқ юришга ҳаракат қилди. Дарёнинг ўртасига борди. Ундан у ёғига сув кўп, оқим тез эди. Чўтир бир амаллаб тўрт-беш қадам босди. Кейин оёғи тойиб, йиқилди. Паризод кўрқиб, чинқириб юборди. Кейин Чўтирнинг қўлидан чиқиб кетди.

— Суз! Суз! Нариги томонга суз! — бақирди Чўтир.

Қиз унинг овозини эшитмас, аммо ўзи мумкин қадар сувдан чиқиб кетиш учун ҳаракат қиларди. Бироқ, барибир, сув уни оқизиб кетаверди. «Энди бўлди, ўлиб кетсам керак» ўйлаганди. Лекин ўн-ўн беш қадам наридаги дўмпайиб турган жийда уни ушлаб қолди. Тўғрироғи, Паризод бориб жийданинг остига тикилди. Тўлқинланиб келаётган сув унинг юзига урилар, бошини кўмар ва ўтиб кетар эди. Бечора қиз ана шу тўлқинлар оралиғидагина озгина нафас олишга улгуриб қоларди. Бора-бора у сув юта бошлади. Тамоман нафаси қайта бошлаган Паризод жийда остига боши билан кириб кетиш арафасида Чўтир етиб келди ва бир қўли билан унинг билагидан ушлаб тортди. Лекин сув ўртасида томири бақувватлигидан ўзини тутиб турган жийданинг пастки шохлари қизни қўйиб юборишни истамасди.

* * *

— Поччагинам, қалайсиз, яхши ўтирибсизми? — деди Саид бир кўзини қисиб қўйиб.

Толмас Бадриддинович унга нима деб жавоб беришни билолмай, каловланди.

— Зўр экан, лекин... — дея ўзининг саволига ўзи жавоб берди Саид. — Сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен ҳам йўқ демаган бўлардим. Бирорта медсестра билан ўтирган бўлсангиз керак, деб ўйлагандим. Лекин, ҳа-а-а... — дея у кўрсаткич бармоғини ҳавода силтади, — чатоқсиз! Қўйиб берса, ойни бенарвон урадиганлар хилидансиз.

— Нималар деб сайраяпсан?! — бақирди унга Толмас Бадриддинович.

— Ҳа, энди, сиздай улуғ одам касал бўлиб ётади-ю, кўргани келмаймизми? Мана, майда-чуйдаям олволганман. Ҳангомалашиб, еб ётасиз-да... — дея кесатди Саид ва ичкарига кирди.

— Йўқол, эшак! Қорангни кўрмайин! — деди Толмас Бадриддинович қизариб-бўзариб.

Сумбулхон эрининг аҳволини кўриб, қўрқиб кетди. Шартта ўрнидан турди-да, бетамизлик қилаётган Саиднинг ёнига келди:

— Сизда инсоф борми?! Ҳеч вақт касал одамнинг олдидаям шунақанги гапларни айтадимми?! — деди титраб.

— Вой, нима дедингиз? Бет борми, деяпсизми? Бизда бет нима қилсин? Ҳамма бет сизда, анави каравотда чўзилиб ётган ҳурматли поччамда-да. У ёқда опам бечора ўзининг ёғига ўзи қовурилиб ўтирсин-да, бу ёқда бу кишим ёнига ёшгина, оппоққина билакли жононасини чақириб олиб, маишат...

Саиднинг қолган гапи ичида қолди. Сумбулхон чидаб туролмай, унинг юзига бирдан тарсаки тортиб юборди. Тарсаки овози деворга урилиб, акс-садо берди. Кўзи қонга тўлган Саид қўлини мушт қилди. Тишларини бир-бирига босиб ғичирлатди.

— Манжалақи, гажиб ташлайман! Бурдалайман! — деди.

— Яхши. Юр унда, ташқарига чиқамиз! Касални ортиқ безовта қилма! — деди Сумбулхон ҳам бўш келмай.

— Тўхта!

Жанжаллашаётганлар бараварига Толмас Бадриддиновичга қарашди. Касалнинг кўзи юмуқ, нафас олиши оғир-

лашган эди. Ана шу пайтда шовқин-суронни эшитган ҳамшира югуриб кирди. Биринчи навбатда у ҳам беморга кўз ташлади.

— Чиқинглар! Чиқинглар!

Ҳамшира жанжалкашларга шундай деб бақирди ва уларнинг ўзлари кетишига сабри чидамай, орқаларидан итарди. Сўнг югуриб бориб касалнинг томирини ушлаб кўрди. Кейин врачни чақириб келиш учун югуриб кетди.

Сумбулхоннинг оёқ-қўлидан мадор қочди. Йўлакка чиққач, деворга суянди. «Нималар қип қўйдим? Нега кўчада гаплашамиз, дедим?! Нега?!» дея хаёлидан ўтказган Сумбулхоннинг лаблари титрарди.

Саид сал нарироққа кетганди. У бу ойимча изма-из келяпти, деб ўйлаганди. Қараса, жувон орқада қолиб кетган. Дарров изига қайтди.

— Нега туриб қолдинг, юр? Гаплашмоқчийдинг-ку! — деди.

— Сен одам эмас, ит экансан! Касал одамнинг устидан кулдинг-а!

— Куламанми-йиғлайманми, сенга нима?! Нима, хотинимисан? Қани, энди юр, ташқарига чиқамиз.

— Ҳозир, ҳозир...

Худди шу пайт уларнинг ёнидан врач билан ҳамшира югуриб ўтиб кетди. Сумбулхон ортига қаради. Кўзидан икки томчи ёш оқиб ерга тушди.

— Ҳе, ўлиб қолса, зўр бўларди-да... — деди Саид иржайиб.

Сумбулхон унинг гапига чидаб туролмади. Бирдан Саиднинг ёқасига чанг солди. Кўйлагининг ёқасини йиртди. Юзини тирналади ва... ва ўзига ҳам яхшигина мушт тушгач, учиб кетди. Бориб деворга гурсиллаб урилди-да, ағанади. Йўлакда одам кўп эди. Бироқ улар жанжалга аралашшишга кеч қолишди. Саид бошқаларнинг саросималаниб қолганидан фойдаланиб қочди. Йўл-йўлакай битта-икки киши уни ушламоқчи бўлди. Аммо уларга жуссаларининг кичиклиги панд берди.

Саид машинанинг ёнига етиши билан эшикни очиб, орқа ўриндиққа ўзини ташлади-да:

— Ҳайда! Газни бос, Пахи! — дея қичқирди.

Гилдираклар чийиллаган овоз чиқарди. «Жигули» арқ-

ондан бўшалган от мисоли олдинга сапчиди ва миниб олганларни зумда касалхонадан олиб чиқиб кетди.

— Бопладим, Пахи! Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишни қилдим! Лекин даҳшат иш бўлди! Бундан бу ёғига умримиз маишатда ўтади, ошна! — дея ўкирди Саид касалхонадан пича узоқлашганларидан сўнг.

— Йўғ-э, нима қилдинг? — дея Фахриддин ошнасига кўз ташлаб қўйди.

— Толмасни ўлдирдим!

— Н-н-и-ма?! Эсинг жойидами сенинг?!

— Кўрқма, қўлимнинг учиниям теккизганим йўқ. Лекин шундай қилдимки, эси оғиб қолди. Инфаркт бўлган одамнинг эси оғиб қолса, нима қилади? Ўлади-да!

— Энангни эмгур, сенга қўшилиб умримни турмада чиритмасам бўлгани! — деди Фахриддин ва йўлга термилганча бироз хаёл сурди-да, тезликни пасайтиргач, ошнасига қаради. — Ҳозир тушиб қоласан. Мен сени танимайман, сен мени. Қўй, пичоғим мой устида бўлмасин. Оч қорним — тинч қулоғим, юравераман, чоригимни судраб...

— Эй-й, нималар деяпсан?! — дея бирдан қовоғини уйди Саид. — Мен билан бир кемага аллақачон тушиб бўлгансан. Ҳозир мени ташлаб кетган тақдирингдаям, оёғингдан тортаман. Мабодо кетадиган бўлсам, албатта, сениям ўзим билан бирга олиб кетаман.

— Мен ҳеч нима қилмадим. Сен мени алдаб, касалхонага оп келдинг. Ичкарига кириб, нима қип чиққанингдан беҳабарман.

— Шундай дегин? Унда машинани нимага қутуриб ҳайдаб кетдинг?!

— Сен тез ҳайда, дединг.

— Ҳа-а, мен тез ҳайда десам, ҳайдайверасанми? Бирорта одамни уриб кетганингда, нима бўларди?! Кейин раиснинг хотинига ёпишганинг ҳам эсингдан чиқмасин.

— Ни-ма?! Қачон ёпишдим?! — деди кўзлари косасидан чиққудек олайиб кетган Фахриддин.

— Билмадим... Лекин ўзи шундай деди. Ҳамма ёғини эзгилаб ташлабсан. Ариза ёзиб қўйибди. Агар шу нарсанинг орқасидан қамалиб кетсанг, у ёқда сени нима қилиб ташлашларини биласанми?! Билмасанг, айтиб қўяйин: ке-

ракли жойингга атиргул чизиб кўйишади. Ана ундан кейин бемалол ўзингни оссанг ҳам бўлаверади.

— Сен одаммассан!

— Одамман, фақат ярим йўлда ўзини олиб қочадиганларга нисбатан мана шунақанги нарсаларни тайёрлаб қўяман. Энди айтганимни қилгин-да, тўғри Шокирнинг фермасига ҳайда.

Фахриддин газни босди. Шокирнинг узелга кетганини сўраб-суриштириб билган Саиднинг юзига табассум югурди. «Хайрият, озроқ дам олиш имкони бор экан» дея кўнглидан ўтказди у ва келиб машинага ўтирди.

* * *

Шокирни Худо бир асади. У сув остидаги қумга тикка калласи билан тушмади. Аввал кўкраги тегди. Сўнг башараси. Бироқ шунинг ўзиям салкам жаҳаннамга обориб қўяёзди.

— А-а-а! — дея ўкирганча у сувдан чиқди.

Миробнинг қўлидаги шиша тушиб кетган, бутун кайфи тарқаб, юрак ютганча сувга термилиб турарди. Шокир сувдан чиқиши билан «қулт» этказиб ютинди-да, ўтириб қолди.

— Ҳовлиқма. Айтмоқчийдим — улгурмадим, — дея пичирлади у.

— Хўжайин, нима бўлди, саёз эканми?! — бақирди Файбулло мудир кўзини зўрға йириб очиб.

— Энангнинг гўри экан. Ўласанларми, у ерга ташламанг, десаларинг?! Сенларнинг менда қасдларинг бор. Атайлабдан саёз жойга бошлагансанлар. Мен икковингям кўрсатиб қўяман ҳали!

Мудир иккала қўлини ҳам олдинга чўзиб, сув ичида шалоплатиб юриб, ариқ четига чиқди. Файбулло дарров унга ёрдамга келиб, қўлини узатди. Шокир чорпоёга етиб боргунча сўкинди. Миробнинг ҳам, Файбуллонинг ҳам бирорта қариндоши қолмади. Ҳаммаси «олиб борилиб, олиб келинди». Файбуллога унинг сўкишлари мойдай ёқаётгандай эди. Унинг оғзи қулоғида:

— Хўжайин, бопаяпсиз. Бунақанги теша тегмаган сўкишни энди эшитишим. Бир жойга ёзиб қўяман. Вақти соати кеганида, фойдаланаман. Лекин даҳшат экан. Қаердан топгансиз шунақанги қурама сўкишларни? —

дерди.

Миробнинг эса қовоқ-тумшуғи осилган. Ҳар битта ҳақоратга ичида ундан ҳам баттарроқ қилиб жавоб қайтарар эди.

Тоза сувга юз-қўлини ювган Шокир чорпояга чиқдию, ўзини ташлаб юборди. Шу заҳоти Файбулло пиёлани ароққа тўлдирди.

— Хўжайин, икки грамм ичиб олинг, ҳеч нима кўрмагандай бўп кетасиз, — деди.

Шокир худди истамаётгандай, ўрнидан турди, пиёлани қўлига олиб, бир кўтаришда ичиб юборди ва Файбулло узатган гўштни оғзига солиб, бироз чайнади-да:

— Совиб қопти, Мансур, энангни эмгур, ўласанми, дарров қиздириб қўйсанг! — деди.

Мансур мироб унга ўқрайиб қараб қўйди-да, секин ўрнидан турди. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас, ҳамма нарса унут бўлиб, чорпоя устида «хо-хо», «ҳе-ҳа» авж олди. Худди ана шу маҳал Саид етиб келди. У Шокир билан кучоқлашиб, ўпишиб кўришди.

— Ҳамма жам, биз кам экан-да... — деди.

— Мана, жўра, келдинг, бу ёғи энди зўр бўлади! — қичқирди Шокир.

— Жўра, менга қара, ҳализамон қоронғи тушади. Фақат ичиб ётавермайлик-да, бундай одамга ўхшаб дам олайлик.

— Нима қилай, айт? Кўзингни очиб юмгунингча есть кип ташлайман.

— Йўқ. Буниси бизнинг зиммамизда. Ҳозир Фахриддин билан гаплашиб келдик. У ҳалиги ингичка қошлилар бор-ку, отарчиларга қўшилиб юрадиган, шулардан иккитасини топиб келади.

* * *

Саиднинг орқасидан ҳеч ким қувламади. Бунга бировнинг вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди. Сабаби, Толмас Бадриддинович яна оғирлашиб қолди. Дўхтирлар, ҳамширалар, аввало, Толмас Бадриддинович, сўнгра тарсаки зарбидан боши деворга урилиб, ҳушини йўқотган аёл билан овора бўлишди. Касал кўргани келганлар, хонама-хона юрган беморлар жанжалнинг қандай пайдо бўлгани ва нима билан тугагани ҳақида бир-бирига гапира ке-

тишди. Ҳаттоки шу ернинг ўзида можаро совиб-совимай туриб, унга қўшиб-чатиганлар ҳам бўлди.

Сумбулхон укол қилингандан кейин ҳам талай муддат кўзини очмади. Хириллаганча нафас олиб ётаверди. Дўхтирларнинг капалаги учди. Икки-уч марта йиғилиб, гаплашишди. Мияни рентген қилиш керак. Лекин унақанги асбобнинг ўзи йўқ, деди биттаси. Иккинчиси бошини қашлади. Учинчиси кутайлик, балки, ўзига келиб қолар, деди. Ҳар сафар шу ва шунга ўхшаш гаплар айтилди. Охири Сумбулхон кўзини очишидан бор-йўғи икки дақиқа олдин кексароқ, энди пенсияга чиқаман деб турган дўхтир келиб кўрди-да: «Мия кучлироқ чайқалган. Ўзига келади», деди ва айтганидек, Сумбулхон кўзини очди. Одатий нарса: қаерда ва нега бундай ётганини тезда англолмай, тепасида қараб турган уч дўхтир ва тўрт ҳамширага бир-бир нигоҳ ташлаб:

— Нега мен бу ерда ётибман? — деди.

— Худога шукур, ҳаммамизни кўрқитиб юбордингиз, — дея жилмайди дўхтирлардан биттаси.

Бу пайтда пенсия арафасидаги дўхтир чиқиб кетган эди. Унинг ўрнига бошқаси гапирди: «Айтдим-ку сизларга. Биз ҳам унча-мунча нарсани биламиз. Мана, кўзини очди. Яна бир-икки соатдан кейин бутунлай оёққа туриб кетади. Дориям, укол-пукол ҳам керакмас».

У бўлим бошлиғи эди. Тили бийрон, чўнтагида бошқаларникига нисбатан кўпроқ пули бор эди. Шунинг учун бўлим бошлиғи бўлгандир. Эй-й, эсимиздан чиқибди, яна область соғлиқни сақлаш идорасида акахони бор эди. Албатта, у ҳам ора-чора энг асосий масалаларда, яъни амал пиллапояларида аста-секинлик билан кўтарилиб боришида ёрдам қўлини узатибгина қўяр эди.

Дўхтирларнинг энсаси қотди, бироқ ҳеч ким индамади. Биргина ҳамшира Сумбулхонга қарата:

— Соғайиб кетасиз... — деди-қўйди.

Сўнг ҳамма оқ халатлилар чиқиб кетишди. Сумбулхон шифтга термилганча нима бўлганини эслаш учун бир муддат хаёл суриб ётди. Эслади ва шу заҳоти кўрпани гижимлади. Кўзида ёш пайдо бўлди ва чаккасидан оқиб тушди. Аёл қулт этказиб югинди-да, ўрнидан турди. Бирдан боши айланиб, кўзи тинди. Бир муддат қимирлол-

май, ўтириб қолди. Шу пайт шприц кўтарганча ҳамшира кириб келди:

— Войбў, бу нима қилганингиз? Ҳали туриш мумкин эмас! — деди у баланд овозда ҳамда қўлидагиларни тумба устига қўйди.

— Эрим... Толмас ака қандай? — сўради Сумбулхон кўрқа-писа.

— Дўхтирлар қўлидан келган ҳамма ишни қилишяпти.

— Нима?!

* * *

Хатни Ҳайбатуллонинг ўзи ёзди. Чап қўлди ёзди. Унга раис қилган-қилмаган ҳамма қора ишларни тиркади. Энди унинг тагига колхоз амалдорлари рўйхатини битиши керак эди. Аммо Ҳайбатулло бундай қилмади. Қўлидаги сигарета тутаб тамом бўлаётганига эътибор ҳам бермай, мулгиб кетаётган Нозим Пардаевга қараб иржайди ва шошилмасдан, унинг пиёласига тўлдириб ароқ қуйди.

— Энди, манавини оласиз... — дея иржайди.

Бош бухгалтер илкис бошини кўтарди. Бироз хижолат бўлди ва пиёлани қўлига олди.

— Омадимиз юришиши учун, — деди Ҳайбатулло.

— Кетдик бўлмасам, — деди бош бухгалтер унинг гапини маъқуллаб.

Аммо шу заҳоти унинг кўзи яна юмилди. Қўлидаги пиёла қийшайиб, ичидагиси тўкила бошлади.

— Оббо! Ошна, бу нима деган гап, а?! Нима деган гап? Боягина ўчириб қўяман, деяётгандингиз. Ўзингиз пишиб қопсиз-ку! — дея хохолаб кулди.

— Ҳе-ҳе-ҳе. Энди, ҳалиги, ҳалиги, нимаиди, олдик...

Унинг ортиқ гапиришга тили келмади ва тили билан лабини ялаб қўйди-да, пиёладаги ароқни охиригача ичди. Сўнг дастурхон устига пиёлани тўнтариб қўйди.

— Манави бошқа гап бўлди! — қичқирди Ҳайбатулло ва қўлидаги қоғоз билан ручкани унга узатиб:

— Қўл қўйинг, — деди.

Нозим Пардаев ағанаш арафасида эди. У тез-тез юмилиб кетаётган кўзини зўрға йириб очди-да:

— Мана, ма... Ҳо, ҳозир, ҳимм... — дея Ҳайбатулло кўрсатган жойга ажи-бужи қилиб имзо чекди.

— Ана, бўлди. Бу ёғига ишимиз беш, — деб Ҳайбатул-

ло қоғозни олиб тўртга буклаб, кўйлагининг кўкрак чўнтагига солиб кўйди-да, ўзининг пиёласини олиб, Нозим Пардаевга қаради.

Бош бухгалтернинг кўзини очиб туришга ортиқ мадори қолмаганди. Ўтирган жойида уйқуга кетган бухгалтернинг аҳволини кўрган Ҳайбатулло қўлидаги пиёлани ҳисобчининг олдига кўйди. Бўш пиёлани эса ўзининг олдига кўйди-да, секин ўрнидан турди.

— Нозимбой, Нозимбой! — деди.

Бош бухгалтер кўзини очмади.

— Ҳе... — деб кўйди ва ухлашда давом этди.

— Ётволинг-да, ошна.

Жавоб бўлмади. Бунинг ўрнига Нозим Пардаев гуп этиб ағанади.

— Ана энди иш битди, — дея Ҳайбатулло ташқарига чиқди.

Ҳовлида, чорпоя устида ўтирган бош бухгалтернинг ўғли бирдан ўрнидан турди. Ҳайбатулло дарров эшик ромига суянди.

— Бу, бу ўғ... ўғ... Мас... ҳимм... — деди агроном гўлдираб, ўзини бутунлай ўчиб қолган кўрсатиб.

Ҳисобчи уни йиқилиб тушмасин деб, югуриб келди-да, қўлтиғига кирди.

— О-о-о-й, о-о-о-й, бугу-у-у-ун, қўшний-й, ҳиқ, ҳиқ!.. — дея кўшиқ куйлай бошлаган Ҳайбатулло бирдан тўхтади-да, кўзини йириб очиб, Нозим Пардаевнинг ўғлига қаради-да: — сен, ҳиқ, сен ҳиқ, ким?.. — деди.

— Мен Нозим аканинг ўғлиман, Фозилман, — деб йигитча Ҳайбатуллони маҳкамроқ ушлади.

— И-и, шун-н-дай де, ҳиқ... — дея Ҳайбатулло яна юришда давом этди.

Бориб «виллис»нинг эшигини муштлади.

— У-у-у! — дея бақирди.

Элёр орқа ўриндиқда ухларди. Шовқинни эшитиши билан сапчиб туриб кетди ва бирдан эшикни очиб, пастга тушди. Шоша-пиша кўзини уқалаб кўйди-да:

— Эй, маст бўп қоптими? — деди Нозим Пардаевнинг ўғлига ҳамда Ҳайбатуллонинг қўлидан ушлаб, машинага чиқишига ёрдамлашиб юборди.

«Мен асли артист бўлишим, телевизорга чиқишим ке-

рак эди. Нима қилиб колхозда агроном бўлиб юрибман? Артист бўлганимда ҳозир ҳамма таниган, икки букилиб, салом берган бўларди. Эсиз, шундай истеъдодимни қаёқдаги агрономликка сарфлаб юрибман-а? Аммо бошқа томондан олиб қараганда, шунисиям ёмонмас. Маза қилиб яшаяпман. Еганим олдимда, емаганим кетимда. Насиб қилса, бундан ҳам юқори мартабаларга қўтариламан. Мана, райкомгаям аста-секинлик билан йўл топиб бораяпман. Бир кун келиб, обкомдан ҳам ошналарим бўлади. Шундай экан, артистлигим фойда бериб турибди... Хўш, эндиги иш — қўл қўядиган яна бир-иккита одам топиш. Колхозчилардан бирортасиям ўтмайди. Амали каттароқлари керак. Ҳа-а, биттаси зоотехник. Бир чўқишда уни қўл қўйишга мажбур қилоламан. Иккинчиси — Шокир. Ўзимнинг кадрим. Лекин уруш қурбонларсиз бўлмаганидай, мен ҳам битта-иккитасини йўқотсам, ҳеч нарса қилмайди. Қолаверса, у қовун бир кун мени шарманда қилиши аниқ. Шунинг учун эртароқ баҳридан ўтиб қўя қолганим маъқул» ўйлади у ва секин ўрнидан турди-да, сочини гижимлади.

— Им-м... — деди.

Элёр бирдан орқасига ўгирилиб қараб қўйди-да:

— Кайфингиз тарқадими, хўжайин? — деди.

— А-а, кайф?.. Кайфим зўр, маишат! Фақат бошим лўқиллаб кетяпти, — жавоб берди Ҳайбатулло.

— Мен ҳар доим машинада биттасини олиб юраман. Юзта қуйиб берайинми? Бошингиз бирдан жойига тушарди-да...

— Қуй. Шуниям сўрайсанми?

Элёр машинани тўхтатди. Бардачокдаги ароқни олди. Шу ернинг ўзида пиёла ҳам бор эди. Тўлдириб қуйди. Сўнг ўгирилиб Ҳайбатуллога узатди.

— Сал-пал фаросатлироқ бўлсанг, нима қиларди? Пиёланг неча йилдан бери шу бардачокда ётибди! Ўласанми, аввал чайиб ташлаб, кейин берсанг?! — деди Ҳайбатуллонинг жаҳли чиқиб.

Элёр билдики, Ҳайбатулло унақа маст эмас. Атайлабдан ўзини «пишиб» қолган кўрсатяпти, демак, бир гап бор. «Лекин бопладим-да, бу мени ёш бола, ҳеч нимага ақли етмайди, деб ўйлайди. Аммо, мана, дарров яхшилаб

ичган-ичмаганини аниқлаштириб олдим».

— Бўлди, хўжайин, мана, ҳозир ҳаммасини тўғрилай-миз! — деб Элёр ароқни ташқарига сепиб юбориб, ўрнига бошқа қўйди.

Ҳайбатулло лаззатланиб ичди. Сўнг «оҳ, бай, бай!» деб қўйди.

— Ҳайбатулло ака, лекин роса уста одамсиз-да... — деди Элёр соддалигига бориб.

— Нималар деяпсан?!

Ҳайбатуллонинг гап оҳангида ҳазил ётарди. Шу боисдан Элёр иржайди.

— Энди, айтаман-да. Шу десангиз, бундан бу ёғига этагингизни қўйиб юбормайман. Урсангиз ҳам, сўксангиз ҳам...

— Қарасам, вақти келиб мендан ҳам ўтиб кетадиганга ўхшайсан.

— Сиздан-ку ўтолмайман. Ярмингизга етсам ҳам бўлади.

— Бўпти, кўп сайрама, машинани ҳайда.

Сири ошкор бўлиб қолгани Ҳайбатуллога кўп ҳам ёқмади. Шу боисдан кўнглининг бир чеккасига «бу боланинг бир касалини топиб қўйишим керак» деб тугиб қўйди.

Ҳовлида машина чироғидан биров ўзини четга олганини Элёр кўрди. Шу заҳоти «Наргиза бўлса керак» дея ўйлади ва ширин энтикди.

— Бўпти, эртага кечга қолмай кел. Эртароқ идорага боришим керак, — деб Ҳайбатулло «виллис»дан тушди-да, сумкасини қўлтиқлаб, бир-бир қадам босганча кета бошлади.

Элёр у очиқ қолдирган эшикни узалиб ёпди ва машинани тезда орқага буриб олди-да, газни босди. Кўп узоқлашмади. Машинани йўл четида тўхтатиб, чироғини ўчирди-да, пастга тушди. Аввал худди ўғирликка кетаётган одамдай, атрофга бир назар ташлаган бўлди. Ҳеч ким йўқ, ҳамма ёқдан чигирткаларнинг чириллаши эшитилиб турарди. Кўнгли хотиржам тортган йигит Ҳайбатуллоникига йўл олди. Ҳовлига етишига бирор йигирма қадам қолганида тўхтаб, секин экинлар орасига кириб ўтирди.

Орадан бир муддат ўтди. Ҳовли томонда биров пайдо

бўлди ва енгил қадам ташлаб, у томонга кела бошлади. Элёрнинг юраги ҳаприқди. Нафас олиши ҳатто ўзига ҳам эшитила бошлади. У янаям энгашиди. Келаётган қиз (гарчи у ўғил бола кийимида бўлса-да, қадам олиши ва ойнанинг ёруғида қадди-қомати бошқача кўринаётганидан Элёр унинг қиз бола эканлигини дарров фаҳмлади) унинг тўғрисиغا келганида тўхтади. Ортига ўгирилиб ҳовли томонга қаради. Ҳеч ким унинг кетаётганини кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, йўлида давом этди. Беш-олти қадам узоқлашгач, Элёр ўрндан турди, оёғининг учида юриб, экинзор орасидан чиқди ва хиёл эгилиб, қизнинг ортидан кетаверди. Қиз бошқа ёққа кетмади, кўшнисиники томонга бурилди ва худди у каби экинлар орасига кириб, шу ерда чўкди. «Бу анави ярамаснинг уйи эмасми? Ҳа, шуники. Унда бу ерга Наргиза нега келди? Наҳотки Маъруф билан учрашса, наҳотки у билан юрса?.. Йў-ў-қ, буни шундай қолдиролмайман. Кимсан Ҳайбатуллодай одамнинг қизини қўлдан чиқарадиган аҳмоқ эмасман» кўнглидан ўтказди Элёр ва секин қизга билдирмай юриб, унинг ёнгинасига борди. Қизнинг бирикки марта уҳ тортгани, «бир мартагина ташқарига чиқса, нима қиларкан?» дея пичирлаганини аниқ-тиниқ эшитди. «Ҳа-а, ҳали шунақа дегин? Маъруф хоҳламасаям, сенинг ўзинг бу ёққа келиб, унинг чиқишини пойла-япсанми? Бундай паст кетаётганингни отанг билиб қолса борми? Чатоқ бўлади-я, чатоқ... Лекин бу ерга келганингнинг яхши томониям бор» кўнглидан ўтказди Элёр ва у қизга янаям яқинроқ борди. Шитирлашдан Наргиза чўчиб тушди ва энди бақириб юбораётганида Элёр унинг оғзини бекитди.

— Тисс, жим. Агар овозингни чиқарсанг, шарманда бўласан. Мен отангнинг одамиман. Шунинг учун ортиқча шовқин кўтармасдан, ўрнингдан тур. Тушундингми?

Наргиза «Ҳа», дегандек бошини қимирлатди. Элёр уни қўлидан ушлаганча машина томонга етаклади.

— Қаерга боряпмиз? — деди Наргиза бироз нарига кетганларидан сўнг.

— Ишинг бўлмасин! Ҳозир сенинг ҳаётинг менинг қўлимда. Бунақа юрганингни отанг билса, терингга сомон тикади, тириклайин кўмади! Сен қиз шу ерга кели-

шингдан олдин ҳеч ўйлаб кўрдингми?! Йўқ. Шундай экан, тез-тез юр! — дея Элёр унинг қўлидан янаям қаттиқроқ тортиб, қадамини тезлатди.

— Ўлдирсаям розиман, қўлимни қўйиб юборинг.

— Аҳмоқ!

— Нима десангиз, деяверинг, қўйворинг деяпман! — овозини баландлатди Наргиза.

— Бақирма, юр тез! Биров кўрмасин.

— Қаерга боряпмиз, деяпман?!

— Борганда кўрасан.

— Йўқ. Мен ҳеч қаерга бормайман! Қўйвор қўлимни!

— Машинада энанг қараб ўтирибди. Шу бечора ялинб-ёлворганидан кейин сени отангнинг олдига обормайдиган бўлдим.

Наргизанинг мияси карахтланди. Энаси уйда эди. Ўз кўзи билан кўрганди. Ухлаётганди. Отаси келиб энасини уйғотмади. Бир нарсалар деганча доимий ётадиган хонасига эмас, меҳмонхонага кириб кетди. Чироқни ҳам ёқмади. Ўта чарчаган, шекилли, гиламнинг устига ўзини ташлаб, хуррак ота бошлади. Бундай пайтда Наргиза унинг хонасига киришга, отасига жой солиб, «ота, бу ёққа ўтиб ётинг», дейишга кўрқарди. Умуман олганда, унда шундай қилишга хоҳиш ҳам йўқ эди. Бўлмаса, отасининг гиламда чўзилиб ётганини ич-ичидан сезган эди.

Қиз ўзига келмасидан Элёр уни судраб, машина ёнига олиб борди. «Виллис»нинг орқа эшигини очди. Наргиза энаси бор-йўқлигини билиш учун машина ичкарасига мўралаётганида, Элёр бирдан уни итариб, машинага миндириб қўйди. Сўнг ўзи ҳам сапчиб чиқди-да, ёввойи арслондай ўзини қизнинг устига ташлади.

* * *

— Ҳаракат қил! Ўзинг ҳам ҳаракат қил! — бақирди Чўтир.

Паризоднинг дармони қуриб бораётган эди. Шундай эса-да, бир-икки марта ёввойи жийда исканжасидан чиқишга уриниб кўрди, аммо бўлмади. Бунинг ўрнига сув билан бирга оқиб келиб, жийданинг сув ичидаги шохига ўралган арқоннинг ҳалқасига оёғи кириб қолди. Энди унинг чиқиб кетиши икки марта қийинлашган эди.

— Бўлди, бўлди, индаманг. Мен, барибир, чиқиб ке-

толмайман, — деди Паризод нимжон овозда.

Сувнинг шовқинида унинг гапини Чўтир зўрға эшитди ва билагига қандайдир куч эниб, қизни шунақанги қаттиқ тортдики, арқон ҳам, ёввойи жийда ҳам дош беролмади. Шунинг билан бирга, Паризоднинг оёғи тўпигидан чиқиб кетди. У ҳушидан кетди.

Чўтир қизни дарров ўзига келтиришга ҳаракат қилмади. У шунақанги чарчаган эдики, ўрнидан туришга-да мадори йўқ эди. Шу боисдан анча вақт дарё лабида осмонга қараганча ҳансираб нафас олиб ётди. «Кечув шунчалик қийин бўлади деб сира ўйламагандим. Сал бўлмаса, чўкиб кетаёздик» хаёлидан ўтказди у нафасини ростлаб олганидан кейин ва офтоб қиздираётган юзини кафти билан артди. Сўнг ёнига ўгирилиб, ҳали ҳам беҳуш ётган қизга қаради.

— Сен мендан қарз бўлдинг. Энди икки марта кўпроқ ҳақим бор сенда, — деди ва ўрнидан турди-да, Паризоднинг қўлидан ушлаб силтади.

Қиз кўзини очмади.

— Жа ўлиб қолмагандирсан. Чўзилиб ётмасдан тур энди!

Паризод миқ этмади.

— Уф-ф, энди шу камлик қилиб турувди! — дея Чўтир қизнинг ёнига тиз чўкиб, юзига бир-икки марта шапапоқлади.

— Им-м... — деди Паризод ва унинг киприклари кўтарилди.

— Кўрдингми, нима қилдим? Мен бўлмаганимда ўлиб кетардинг, сувга чўки-и-б... — деди Чўтир иршайиб.

Паризод гапирмади. Ўрнидан туришга ҳаракат қилди, ammo эпллмади. Ҳамма ёғи зирқираб оғриб кетди. Афтини бужмайтириб ингради.

— Ҳи-и, нима бўлди? Майиб бўпсанми? Ўлмайсан! Озгина сув ютган бўлишинг мумкин, бошқа ҳеч бало бўлгани йўқ. Қани, тур, — деб Чўтир унинг қўлидан ушлаб тортди.

Паризод бирдан оёққа туриб кетмади. Аввал қаддини ростлаб ўтирди ва Чўтирга бошини кўтариб қаради-да:

— Ўзим тураман, — деди.

— Яхши, тур унда.

Паризод ерга қўлини тираб, энди турмоқчи бўлганида оёғи зирқираб кетди.

— Оёғим, оёғим! — деди инграб.

— Оёғим-оёғим. Нима, оёғим?! — деди жаҳли чиққан Чўтир ва энгашган эди ҳамки:

— Тегинманг! — дея бақариб юборди Паризод.

— Нега тегинмайман?! Тоза бошга битган бало бўлдинг-ку! Жим тур! — дея Чўтир унинг бармоқларини ушлаб, бироз кўтарди-да, оёғини айлантириб кўрди, сўнг хулосасини айтди:

— оёғинг чиқибди. Мен сени бундан бу ёғига кўтариб юролмайман.

У охирги гапини айтиши билан қизнинг оёғини қаттиқ тортди. Паризод бақариб юборди. Шунинг билан бирга, суяк қирсиллагани ҳам эшитилди.

— Ана, бўлди. Озроқ ўтирасан, кейин кетамиз, — деб Чўтир чўнтагини ковледи-да, носқовоғини олди.

Кейин сўкинди.

— Падарингга лаънат! Сув кириб кетибди. Энди чакиб ҳам бўлмайди.

Паризод унинг гапига эътибор ҳам бермай, оёғини уқалар эди. Тахминан орадан бир соат ўтиб, улар йўлга тушишди. Паризод бироз оқсоқланар, лекин бинойидек қадам ташларди. Сал юришгач, баландлиги тўрт-беш одам бўйи келадиган жарлик ёнига етишди.

— Бунинг эниш жойи қаердайкан? — дея ўзига ўзи гапирди, кейин бошини қашлаб бир муддат турди-да, Паризодга юзланди.

— Мен бу ерларга ҳеч қачон келмаганман. Қаердан чиқишни билмайман, — деди қиз бирдан.

— Келган-келмаганингни сўраяпманми? Юр, қайси томонга бўлсаям кетаверамиз. Ўзи олдимиздан чиқиб қолади.

Улар қуёш ботар томонга кетишди. Кутилганидек бирор уч юз қадамча юришгач, чиқиш мумкин бўлган пастқам жойга етиб келишди. Офтоб ботаётган маҳали Чўтир манзилга етиб борди. У ерда қишлоқ йўқ эди. Кенг далада биттагина уй сўппайиб турарди. Яна атроф дашт. Бирорта ҳам гиёҳ кўринмайди. Бу ерга кундуз куни келиб қолсангиз, иссиқнинг зўридан жизғанақ бўлишингиз ҳеч

гап эмас. Паризоднинг юраги қандайдир нохушликни сезгандай, гупурлаб уриб кетди ва жавдирабгина Чўтирга қаради.

— Энди бўлди, ҳаммаси орқада қолди. Бундан бу ёғига маишат.

— Нима бўлди? Бу ер ғирт чўл-ку. Кейин... Кейин анави пастқамгина уйчадан бошқа...

— У ёғи билан ишинг бўлмасин! Кейин чоч-почингни тўғрилаб ол. Яна балога қолиб юрмайин.

— Кимдан балога қоласиз? Нега балога қоласиз?

— Кўрасан. Бошқа гапирма! — дея Чўтир уйча томонга юзланиб: — Томдан тараша тушди! — деб бақирди.

Паризод ҳеч вақога тушунмади. Бир уйчага, бир Чўтирга қаради.

— Томдан тараша тушди! — бақирди яна Чўтир.

Шундан кейингина уйчанинг кичкина эшикчаси очилди. Аввал нақ ҳўкиздай келадиган ит, ортидан эса калта бўйли одам чиқди.

— Бунча томоғингни йиртасан, эшак?! — деди ҳалиги одам хириллаган овозда ва Чўтир билан Паризоднинг ёнига аста-секин қадам ташлаб келди ҳамда Чўтирга шунчаки кўз ташлаб қўйиб, Паризодга еб қўйгудек тикилди.

— Лекин оп кеганинг зўр экан. Тозами, ишқилиб? — деди Паризоднинг ҳуснидан қониққач.

— Тоза, хўжайин. Яна, асл. Ўзиям жиловланмаган той. Сиз учун махсус оп келдим.

Элёр ваҳшийлашган эди. Кўзига ҳеч нарса кўринмас, хаёлида фақатгина бир нарса — қизни бадном қилиш бор эди, холос. Наргиза типирчилар, тепкилар, зўравоннинг сочидан тортқилар, бироқ бу ҳаракатларнинг бирортаси ҳам ёрдам бермасди. Аввал у бақиришга кўрқди. Кейин, қараса, аҳвол чаток; Элёрнинг зўравонлиги янада кучайиб боряпти. Бу туришда номусидан айрилиши ҳеч гап эмас.

— Одам!.. Одамлар!.. Ким бо-о-о-р?! — дея бақириб юборди.

Аммо шу заҳоти бунинг ҳам йўли тўсилди. Элёр унинг белидан кучган қўйи иккинчи қўли билан оғзини бекитди. Бор-йўғи бир-икки сонияга. Кейин Наргизанинг устидаги юк ўз-ўзидан енгиллашди. Қиз «Бунга инсоф бер-

ди, бақирганимдан кўрқди»деб ўйлади. Йўқ, ундай эмасди. Маъруф Элёрнинг орқасидан бир қўллаб ушлаганча тортганди. Кейин унинг иштаҳаси очилиб кетди ва икки мушт уришда Элёрни ерга қулатди. Яна жаҳлдан қутулолмагани боис уч-тўрт марта тешишдан ҳам ўзини тийиб туролмади. Элёр икки букилиб қолган, нуқул инграрди.

— Ифлос, келиб келиб кучинг қиз болага етдими?! — дея бақирди у.

Шундагина Наргиза ўзига келди. Бироқ дарров ўрнидан турмади. Шунчаки кўйлагининг олдини тўғрилаган бўлди. У Маъруф турғизишини жуда-жуда истаётган эди.

— Нимага лашшайиб ётибсан? Турмайсанми?! — пўписа қилди унга ҳам Маъруф.

Наргиза лабини тишлади. «Шармандалик! Мени бу ерга ўз оёғи билан келган, деб ўйлайди» хаёлидан ўтказди Наргиза ва дарров ўрнидан турди. Машинадан тушди. Қараса, Маъруф кетяпти. Ҳеч нарса демасдан, катта-катта қадам ташлаб боряпти. Қиз унинг ортидан югурди. Дарров етиб олди.

— Маъруф ака... — деди унинг қўлидан ушлаб тўхта-таркан. — Мени алдаб, мажбурлаб олиб келди. Энанг шу ерда, деди. Мен... мен...

— Кўрдим. Эшитдим ҳамма гапларини. Лекин кечаси ташқарида юришингга бало бормиди?!

— Мен ҳалиги...

— Бор уйингга!

Маъруф у билан ортиқ гаплашишни истамай, кета бошлади. Наргизанинг ичини бир нима тирнаб ўтгандай бўлди.

— Сиз сабабчисиз ҳаммасига, — деди турган жойида.

Маъруф юришдан тўхтади — изига қайтди.

— Мен, мен сабабчиманми?

— Ҳа, сиз. Мен сизни деб чиқувдим.

Наргиза йиғларди, аммо унинг кўз ёшини қоронғилик домига тортиб кетганлиги боис кўринмаётган эди.

— Демак, мен сени уйингдан оп чиққанман. Икки қўлим билан анави итнинг қўлига топширганман. Мен шунақанги даюсман. Шундайми?! — деди Маъруф овозини баландлатиб.

— Раҳмат айтган гапларингиз учун. Бундан бу ёғига мени кўрмайсиз қайтиб! — дея Наргиза югуриб кетди.

Маъруф бир муддат жойидан қимирламай турди. Кейин у ҳам чопди ва фақатгина Наргиза ҳовлига етганида ортидан қувиб етди. Қизни қўлидан ушлаб тўхтатди-да, ўзига қаратди:

— Сиз мени, оиламизни ёмон кўрасиз. Кўнгил берганим айбимми?! Айтинг, айбимми?! — деди Наргиза аламидан титраб.

Гийқ этиб уй эшиги очилди шу пайт ва Ҳайбатулло ташқарига чиқди. Қиз билан йигит турган жойларида қотиб қолишди. Айни лаҳзада улар нафас олишни-да унутишган эди.

Биринчи китоб тугади.



Адабий-бадиий нашр

Ўзбек тилида

Нуриддин Исмоилов

МУҲАББАТ ВА НАФРАТ

Саргузашт-детектив роман

(Биринчи китоб)

Муҳаррир Аҳмад Отабой
Дизайнер Акбар Исмоилов
Техник муҳаррир Зокиржон Алибеков
Мусахҳиҳ Замира Гулматова
Саҳифаловчи Фафуржон Мадалов

Босишга 02.11.2009 йилда ружсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Босма табоғи 16,0.

Шартли босма табоғи 10,48.

Адади 3000. ...-сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази.

Манзил: 100113, Тошкент, Чилонзор-8,

Қаторгол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими — 368-36-89;

Маркетинг бўлими — 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru